

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

**“КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ – ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ШАРТИ”**

**модули бўйича  
ЎҚУВ –УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан  
тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

Тузувчи: ЎзМУ “Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқ таълими”  
кафедраси доценти в.б. Т.Ҳожиёв

Тақризчилар: ЎзМУ “Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқ таълими”  
кафедраси с.ф.д., проф. И.Эргашев

ТДШУ, профессори, с.ф.д., У.Идиоров

*Ўқув -услубий мажмуа Ўзбекистон миллий университети Кенгашининг  
қарори билан нашрга тавсия қилинган (2020 йил 24 декабрдаги №3 -сонли  
баённомаси)*

## **МУНДАРИЖА:**

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>3</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....</b>	<b>14</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....</b>	<b>16</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....</b>	<b>63</b>
<b>V. ГЛОССАРИЙ .....</b>	<b>103</b>
<b>VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....</b>	<b>120</b>

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади. (Соҳага тегишли фармон, қарорлар мавжуд бўлса, уларни қабул қилинган йили кетма-кетлигида ушбу абзац жумлалари орасига киритинг)

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**Модулнининг мақсади:** Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг мақсади педагог кадрларни инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

**Модулнинг вазифаларига** қуйидагилар киради:

Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида Коррупция тушунчаси, коррупцияга қарши курашишнинг мазмун-моҳияти, асосий йўналишлари, коррупцияга қарши кураш: ривожланган мамлакатлар тажрибаси, Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашдаги туб бурилиш даврининг бошланиши, “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент фармонида белгиланган вазифалар амалиётга жорий қилиш ҳисобланади.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

Мутахассислик фанлари бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

#### **Тингловчи:**

- Коррупция тушунчаси, коррупцияга қарши курашишнинг мазмун-моҳиятини.
- Ўзбекистонда коррупция қарши курашга доир ҳуқуқий асосларнинг яратилиши ва такомиллаштирилишини;
- Коррупцияга қарши курашда ривожланган мамлакатлар тажрибасини;
- Ривожланган ғарб мамлакатларида фуқаролик жамияти шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини;
- Коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш йўналишларини;



– Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашдаги туб бурилиш даврининг бошланиши

– Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида инсон ҳуқуқларининг таъминлаш – коррупцияга қарши курашнинг омили

– “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент фармонида белгиланган вазифаларни **билиши** керак.

**Тингловчи:**

– Коррупция тушунчаси, коррупцияга қарши курашишнинг мазмун-моҳиятини ўқитиш бўйича янги технологияларни амалиётда қўллаш;

– Ўзбекистонда коррупция қарши курашга доир ҳуқуқий асосларнинг яратилиши ва такомиллаштирилиши, Ривожланган ғарб мамлакатларида фуқаролик жамияти шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини, Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашдаги туб бурилиш даврининг бошланиши бўйича маъруза, амалий машғулот ва назорат ишларини ташкил этиш;

– “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент фармонида белгиланган вазифаларни ташвиқот-тарғибот қилиш;

– педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри қўллай олиш **қўникмаларига** эга бўлиши лозим.

**Тингловчи:**

– ахборот коммуникацион технологиялари ва уларни қўллашнинг илмий-назарий ва амалий аҳамиятини билиш;

– Ўзбекистонда коррупция қарши курашга доир ҳуқуқий асосларнинг яратилиши ва такомиллаштирилиши, Ривожланган ғарб мамлакатларида фуқаролик жамияти шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини, Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашдаги туб бурилиш даврининг бошланиши бўйича замонавий йўналишларини ишлаб чиқиш ва оммалаштириш;

– Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси ва Фуқаролик жамияти фанларини турли соҳаларга татбиқ қилиш;

– Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси ва Фуқаролик жамияти фанларни дастурлар пакети ёрдамида ечишнинг замонавий усулларини қўллаш **малакаларига** эга бўлиши лозим.

**Тингловчи:**

– Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси ва Фуқаролик жамияти фанларнинг дастурлар пакетини ўқув жараёнига татбиқ этиш;

– Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси ва Фуқаролик жамияти фанларни дастурлар пакети ёрдамида ечишнинг замонавий масалаларини таҳлил қила олиш;

– фуқаролик жамиятини ривожлантиришда илмий-назарий масалаларни ечишда замонавий технологиялар ва усуллардан фойдалана олиш;

– Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси ва Фуқаролик жамияти фанлар соҳасида касбий фаолият юритиш учун зарур бўлган билим, кўникма, малака ва шахсий сифатларга эга бўлиш;

– илғор ахборот-технологияларида ишлаш;

– видеодарсларни тайёрлаш;

– эгалланган тажрибани танқидий кўриб чиқиш қобилияти, зарур бўлганда ўз касбий фаолиятининг тури ва характерини ўзгартира олиш;

– Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси ва Фуқаролик жамияти фанларда тизимли таҳлил усулидан фойдаланиш йўллари ишлаб чиқиш;

– фуқаролик жамиятининг илмий-назарий методологияси, Ўрта Осиё мутафаккирларининг фуқаролик жамияти тўғрисидаги қарашлари, фуқаролик жамияти ва демократик институтларни ривожлантиришнинг илғор хорижий тажриба, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш амалиёти каби фуқаролик жамияти пакетлар фанларининг долзарб масалаларига оид замонавий манбалардан фойдалана олиш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

Модулни ўқитиш маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Модулни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулни ўқув режадаги бошқа модулар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Коррупцияга қарши кураш – фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг устувор шарти” модули мазмуни ўқув режадаги

“Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш”, “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш”, “Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш”, “Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш” ва “Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили” модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда кометентлигига қўйиладиган талаблари билан белгиланади.

### Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашга оид назария ва амалиёт, бу борадаги илғор тажрибани ўрганадилар, уларни таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий лаёқатга эга бўладилар.

### Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модуль мавзулари	Аудитория ўқув юклармаси			
		Жами	жумладан		
			Назарий	Амаий машғулот	Кўчма машғулоти
1.	Коррупция тушунчаси, коррупцияга қарши курашишнинг мазмун-моҳияти.	4	2	2	
2.	Ўзбекистонда коррупция қарши курашга доир ҳуқуқий асосларнинг яратилиши ва такомиллаштирилиши	2	2		
3	Коррупцияга қарши кураш: ривожланган мамлакатлар тажрибаси.	4	2	2	
4	Коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш: фуқаролик жамияти тараққиёти кафолати.	4	2	2	
5	Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашдаги туб бурилиш даврининг бошланиши.	4	2	2	
6	Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида инсон ҳуқуқларининг таъминлаш – коррупцияга қарши курашнинг омили.	4	2	2	
7	“Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент фармонида белгиланган вазифалар.	4	2	2	
	<b>Жами: 24 соат</b>	<b>26</b>	<b>14</b>	<b>12</b>	



## НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### **3.1. Коррупцияга қарши кураш – фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг устувор шарт.**

#### **1 мавзу: Коррупция тушунчаси, коррупцияга қарши курашишнинг мазмун-моҳияти. (2 соат).**

Коррупция тушунчаси. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик тушунчаси. Манфаатлар тўқнашуви тушунчасининг мазмуни ва моҳияти. Коррупцияга қарши курашиш тушунчаси. Коррупцияни белгиловчи омиллар ва унинг келиб чиқиш сабаблари. Коррупцияга жиноятининг таркибий тузилиши ва белгилари. Коррупцияга қарши курашувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар тизими ва ваколатлари. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йили Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (2003 йил 31 октябрь, Нью-Йорк) қўшилиши. Коррупцияга қарши курашда 2010 йили Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти доирасида қабул қилинган коррупцияга қарши кураш бўйича Истанбул ҳаракат режасига (2003 йил 10 сентябрь, Истанбул) қўшилиш аҳамияти.

#### **2 мавзу: Ўзбекистонда коррупция қарши курашга доир ҳуқуқий асосларнинг яратилиши ва такомиллаштирилиши. (2 соат)**

Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни ва қарорда белгиланган вазифалар. Коррупцияга қарши кураш субъектлари ва идоралараро комиссиянинг асосий вазифалари. Коррупцияга қарши кураш ишларида фуқаролар ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини ошириш механизмлари. “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида белгиланган вазифалари (27.05.2019). Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида коррупцияга қарши курашдаги натижалари ва уларнинг аҳамияти. Бюджет, Божхона кодекслари (янги таҳрирда), «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги, «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги, «Электрон ҳуқуқ тўғрисида»ги, «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонунлар қабул қилиниши.

#### **3 мавзу: Коррупцияга қарши кураш: ривожланган мамлакатлар тажрибаси. (2 соат)**

Коррупция даражаси паст бўлган ривожланган давлатларнинг коррупцияга қарши кураш тажрибаси. Собиқ совет иттифоқи давлатларида коррупция даражаси. Ривожланган Шарқ мамлакатларининг коррупцияга қарши курашиш. “Халоллик вакцинаси”нинг мазмун моҳияти. Иқтисодий тараққиёт ва коррупцияга қарши кураш Жинойий жазоларнинг либераллашувининг коррупцияга қарши курашдаги аҳамияти. Коррупцияга қарши кураш бўйича халқаро рейтинг агенликлари ва уларнинг фаолият меъзонлари.

#### **4 мавзу: Коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш: фуқаролик жамияти тараққиёти кафолати. (2 соат)**

Коррупцияга қарши курашда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни. Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонида назарда тутилган давлат бошқарувини такомиллаштириш ва суд-ҳуқуқ ислохотларининг коррупцияга қарши курашишга таъсири масалалари. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан коррупциявий жиноятлар учун жавобгарлик чоралари. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги асосий

вазифаси ва йўналишлари. Ўзбекистон Республикасида коррупцияга сабаб бўладиган омиллар ва уларни олдини олиш чора-тадбирлари. Коррупцияга қарши курашувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва тизими.

### **5 мавзу: Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашдаги туб бурилиш даврининг бошланиши. (2 соат).**

Коррупция ва унга қарши кураш тушунчаси. Коррупцияга қарши кураш борасида халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар. Ўзбекистон Республикасини БМТнинг “Коррупцияга қарши кураш конвенцияси”га қўшилиши. Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни ва қарорда белгиланган вазифалар. Коррупцияга қарши кураш субъектлари ва идоралараро комиссиянинг асосий вазифалари. Коррупцияга қарши кураш ишларида фуқаролар ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини ошириш механизмлари. “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги (27.05.2019), “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (ПФ-6013, 29.06.2020), Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида белгиланган вазифалари. “Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигини фаолиятини фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги (ПҚ- 4761, 29.06.2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорининг мазмун моҳияти. Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида коррупцияга қарши курашдаги натижалари ва уларнинг аҳамияти. Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашининг ташкил этилиши.

### **6-мавзу. Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида инсон ҳуқуқларининг таъминлаш – коррупцияга қарши курашнинг омили. (2 соат)**

Инсон ҳуқуқлари тушунчаси. Инсоннинг кадр-қиммати, унинг шахсий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари. Инсон ҳуқуқлари жаҳон цивилизациясининг умум эътироф этилган қадрияти сифатида. Инсон ҳуқуқларининг ривожланиш динамикаси. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва инсон ҳуқуқлари. 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947сонли Фармонида назарда тутилган мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда химоя қилишнинг асосий йўналишлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги 22.06.2020 йилдаги ПФ-6012-сонли фармони. Инсоннинг давлат билан муносабати, улар ўртасидаги ҳуқуқий боғлиқлик.

### **7 мавзу: “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент фармонида белгиланган вазифалар. (2 соат)**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонининг мазмун моҳияти, Фармонда белгиланган устувор йўналишлар ва “Йўл харитаси”. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилиши. “Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021–2025 йилларга мўлжалланган миллий стратегия”. “Миллий стратегия доирасида Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021–2022 йилларга мўлжалланган давлат дастури”. “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш. Коррупцияга қариши курашда жамоатчилик назрати.

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

**1-амалий машғулот:** Коррупция тушунчаси. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик тушунчаси. Манфаатлар тўқнашуви тушунчасининг мазмуни ва моҳияти. Коррупцияга қарши курашиш тушунчаси. Коррупцияни белгиловчи омиллар ва унинг келиб чиқиш сабаблари. Коррупцияга жиноятининг таркибий тузилиши ва белгилари. Коррупцияга қарши курашувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар тизими ва ваколатлари. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йили Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (2003 йил 31 октябрь, Нью-Йорк) қўшилиши. Коррупцияга қарши курашда 2010 йили Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти доирасида қабул қилинган коррупцияга қарши кураш бўйича Истанбул ҳаракат режасига (2003 йил 10 сентябрь, Истанбул) қўшилиш аҳамияти. **(2 соат)**

**2-амалий машғулот:** Коррупция даражаси паст бўлган ривожланган давлатларнинг коррупцияга қарши кураш тажрибаси. Собиқ совет иттифоқи давлатларида коррупция даражаси. Ривожланган Шарқ мамлакатларининг коррупцияга қарши курашиш. “Халоллик вакцинаси”нинг мазмун моҳияти. Иқтисодий тараққиёт ва коррупцияга қарши кураш Жиноий жазоларнинг либераллашувининг коррупцияга қарши курашдаги аҳамияти. Коррупцияга қарши кураш бўйича халқаро рейтинг агенликлари ва уларнинг фаолият меъзонлари. **(2 соат)**

**3-амалий машғулот:** Коррупцияга қарши курашда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни. Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонида назарда тутилган давлат бошқарувини такомиллаштириш ва суд-ҳуқуқ ислохотларининг коррупцияга қарши курашишга таъсири масалалари. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан коррупциявий жиноятлар учун жавобгарлик чоралари. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги асосий вазифаси ва йўналишлари. Ўзбекистон Республикасида коррупцияга сабаб бўладиган омиллар ва уларни олдини олиш чора-тадбирлари. Коррупцияга қарши курашувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва тизими. **(2 соат)**

**4-амалий машғулот:** Коррупция ва унга қарши кураш тушунчаси.

Коррупцияга қарши кураш борасида халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар. Ўзбекистон Республикасини БМТнинг “Коррупцияга қарши кураш конвенцияси”га қўшилиши. Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни ва қарорда белгиланган вазифалар. Коррупцияга қарши кураш субъектлари ва идоралараро комиссиянинг асосий вазифалари. Коррупцияга қарши кураш ишларида фуқаролар ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини ошириш механизмлари. “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги (27.05.2019), “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (ПФ-6013, 29.06.2020), Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида белгиланган вазифалари. “Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигини фаолиятини фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги (ПҚ- 4761, 29.06.2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорининг мазмун моҳияти. Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида коррупцияга қарши курашдаги натижалари ва уларнинг аҳамияти. Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашининг ташкил этилиши. (2 соат)

**5-амалий машғулот:** Инсон ҳуқуқлари тушунчаси. Инсоннинг кадр-қиммати, унинг шахсий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари. Инсон ҳуқуқлари жаҳон цивилизациясининг умум эътироф этилган қадрияти сифатида. Инсон ҳуқуқларининг ривожланиш динамикаси. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва инсон ҳуқуқлари. 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонида назарда тутилган мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилишнинг асосий йўналишлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 22.06.2020 йилдаги ПФ-6012-сонли фармони. Инсоннинг давлат билан муносабати, улар ўртасидаги ҳуқуқий боғлиқлик. (2 соат)

**6-амалий машғулот:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонининг мазмун моҳияти, Фармонда белгиланган устувор йўналишлар ва “Йўл харитаси”. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилиши. “Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021–2025 йилларга мўлжалланган миллий стратегия”. “Миллий стратегия доирасида Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021–2022 йилларга мўлжалланган давлат дастури”. “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш. Коррупцияга қариши курашда жамоатчилик назрати. (4 соат)

## ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантикий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лоyiҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### “Кейс-стади” методи

“Кейс-стади”— инглизча сўз бўлиб, (“case” – аниқ вазият, ҳодиса, “stadi” – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетиде амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натига (What).

### “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"><li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li><li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li><li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li><li>✓ ахборот таҳлили;</li><li>✓ муаммоларни аниқлаш</li></ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"><li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li><li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li><li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li></ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"><li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li><li>✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;</li><li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li><li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li></ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини	<ul style="list-style-type: none"><li>✓ якка ва гуруҳда ишлаш;</li></ul>



<p>ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектиларини ёритиш</li> </ul>
---	--

### “Ассисмент” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

#### Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассисмент”лардан маъруза машғулотида талабаларнинг ёки катнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.



#### Тест

Янгилик — бу:

- A) Хабар
- B) Маълумот
- C) Далил
- D) Об-ҳаво маълумоти



#### Қиёсий таҳлил

Экология ва ландшафт, қурилиш, саноат экологияни қиёсий таҳлил қилинг.



#### Тушунча таҳлили

Шафарсозлик ва экологик архитектурани изоҳланг...



#### Амалий кўникма

Иккиламчи ресурслардан фойдаланишнинг экологик асосларини аниқланг

### Венн Диаграммаси методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил

этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

#### **Методни амалга ошириш тартиби:**

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;

- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништириладилар;

- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштириладилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.



### III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.

#### 1-мавзу: Коррупция тушунчаси, коррупцияга қарши курашишнинг мазмун-моҳияти.

##### *РЕЖА:*

- 1.1. Коррупция тушунчаси. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик тушунчаси.
- 1.2. Коррупцияга қарши курашувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар тизими ва ваколатлари.
- 1.3. Коррупцияга қарши курашиш тушунчаси. Коррупцияни белгиловчи омиллар ва унинг келиб чиқиш сабаблари.

**Таянч иборалар:** коррупция, манфаатлар тўқнашуви, жиноятчилик, коррупция ва жараён, коррупцияга қарши кураш, конвенсия, мансабдор шахслар ахлоқи.

#### 1.1. Коррупция тушунчасининг моҳияти ва унинг ижтимоий муносабатларга таъсири

Коррупция дунё миқёсида ҳал этилиши лозим бўлган глобал муаммолардан биридир. Ушбу иллат ҳар қандай давлат ва жамиятнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига жиддий путур етказди, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол бўлишига олиб келади. Шу боис унга қарши кураш халқаро аҳамият касб этиб, жаҳон сиёсатининг муҳим масалалари қаторидан жой олган.

Коррупция бу — жамиятни турли йўллар билан исканжага оладиган даҳшатли иллатдир. Мазкур иллат демократия ва ҳуқуқ устуворлиги асосларига путур етказди, инсон ҳуқуқлари бузилишига олиб келади, бозорлар фаолиятига тўсқинлик қилади, ҳаёт сифатини ёмонлаштиради ва одамлар хавфсизлигига таҳдид соладиган уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа ҳодисалар илдиз отиб, гуллаши учун шароит яратиб беради.

Ҳар қандай мураккаб ижтимоий ҳодиса сингари, коррупция тушунчасининг ҳам умумэътироф этилган ягона таърифи мавжуд эмас. Унинг энг кўп тан олинган таърифи қуйидагича: (лот. *corruptio* — айниш, порага сотилиш) — мансабдор шахснинг ўз мансаби бўйича берилган ҳуқуқларни шахсий бойиш мақсадларида бевосита суиистеъмол қилишидан иборат амалиёт. Мансабдор шахсларни сотиб олиш, уларнинг порага сотилиши ҳам коррупция дейилади.<sup>1</sup>

Transparency International, Жаҳон Банки ва бошқа ташкилотлар коррупция деганда ишониб топширилган ҳукмронлик қилишни шахсий манфаат йўлида

<sup>1</sup> А. Ақромов, Б. Ш. Алимов, М. Н. Аминов ва бошқ. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» — Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2008.

суистеъмол қилишни тушунадилар.<sup>2</sup> Шунингдек, аниқлик киритадиган (ҳукумат ишониб топширилган ресурсларни ўз ичига олиши, у давлат ва хусусий секторга дахлдор бўлиши ва ҳ.к.)<sup>3</sup> ёки янада қаттиқроқ юридик ифодалардан фойдаланадиган бошқа таърифлар ҳам мавжуд.

2017 йил 3 январь куни “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилиниб, коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий механизми яратилди. Унинг асосий мақсади коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни 3-моддасида асосий тушунчалар берилган бўлиб, унда коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ва манфаатлар тўқнашувига доир тушунчаларга таъриф берилган, яъни коррупция – шахсинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини, ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этишидир<sup>4</sup>.

Россияда чоп этилган Юридик энциклопедияда «коррупция» атамаси «мансабдор шахсларнинг ўзларига берилган ҳуқуқ ва ҳокимият ваколатларидан шахсий бойиш мақсадида фойдаланишларидан иборат бўлган сиёсат ёки давлат бошқаруви соҳасидаги жиноий фаолият»<sup>5</sup> сифатида таърифланган.

БМТнинг Коррупцияга қарши курашга оид маълумотномасида: «Коррупция — шахсий мақсадда фойда олиш учун давлат ҳокимиятини суистеъмол қилиш»<sup>6</sup> эканлиги кўрсатилган.

Жаҳон банкининг ҳозирги дунёда давлатнинг ролига бағишланган ҳисоботида ҳам коррупцияга шу каби таъриф берилган: «Коррупция — шахсий манфаат учун давлат ҳокимиятини суистеъмол қилиш»<sup>7</sup>.

Коррупцияни бундай тушуниш россиялик олимлар томонидан яратилган криминология фанида ҳам мавжуд. Масалан, А. И. Долгова коррупцияни «давлат ходимлари ёки бошқа хизматчиларнинг сотилиши ва шу асосда уларнинг расмий хизмат ваколатлари, улар билан боғлиқ обрўси ва имкониятларидан шахсий ёхуд тор гуруҳий, корпоратив манфаатлари йўлида

<sup>2</sup> The Anti-Corruption Plain Language Guide

<sup>3</sup> Chihamo O., Shumba G. Institutional working definition of corruption // ACT Southern Africa Working Paper.2007. No. 1

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги 2017 йил 3 январь, ЎРҚ-419-сонли Қонуни. (<https://lex.uz/docs/3088008>)

<sup>5</sup> Юридическая энциклопедия. 2-е изд., перераб. — М., 2003.

<sup>6</sup> Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан. – Алматы 2007.

<sup>7</sup> Отчет Всемирного банка о мировом развитии / Под общ- ред. Д. Тушунова. — М., 1997.

фойдаланишларида кўринадиган ижтимоий ҳодиса»<sup>8</sup> сифатида таърифлаган.

Н. Ф. Кузнецова коррупцияни «давлат аппарати ва нодавлат тузилмаларининг хизматчиларини сотиб олишда ифодаланадиган ижтимоий хавfli ҳодиса»<sup>9</sup> деб таърифлаган. Бироқ, коррупцияни фақат сотилиш, порахўрликдан иборат бўлмаган ижтимоий ҳодиса сифатида кенгрок тушуниш тўғрироқ бўлади.

«Коррупция» тушунчасини АҚШ олимлари чуқурроқ ва ҳар томонлама ўрганганлар. Америкалик тадқиқотчилар ушбу ҳодисани сиёсий арбоблар, давлат аппаратининг ходимлари, тадбиркорлар ва бошқа шахсларнинг шахсий, оилавий ёки гуруҳий манфаатлар йўлида бойиш ҳамда ўз ижтимоий мақомини ошириш мақсадида ўзларининг расмий мажбуриятлари ва давлат функцияларини бажаришдан бўйин товлашлари деб таърифлайдилар<sup>10</sup>.

Ж. Бэллентайннинг юридик энциклопедик луғатида «коррупциялашган» сўзи «шахсий фойда олиш мақсадида давлат органларининг вазифаларини бузувчи ҳамда одил судловнинг амалга ошиш жараёнига тўскинлик қилувчи» деб таърифланган. Яна бир обрўли нашр бўлган Г. Блэкснинг юридик луғатида коррупция қуйидагича таърифланган:

- «мансабдор шахснинг расмий вазифалари ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари билан сиғишмайдиган қандайдир устунлик бериш мақсадида содир этиладиган қилмиш»;

- «ўз мавқеи ёки мақомидан ноқонуний равишда ўзи ёки бошқа шахс учун бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва вазифаларига хилоф мақсадларда қандайдир устунликка эга бўлиш учун фойдаланадиган мансабдор шахснинг қилмиши».

М. Жонстон ва Ж. С. Наем сингари машхур америкалик тадқиқотчилар коррупция муаммосини қуйидагича таърифлаганлар: «...мансабдор шахсга мавжуд қодаларда келтирилганидан оғувчи ҳамда ўзи, ўз оиласи ёки ўзи билан боғлиқ тор доирадаги шахслар учун моддий ёки мавқеига оид имтиёзлар олиш истаги билан боғлиқ бўлган, шунингдек, мансаб билан боғлиқ вазифаларнинг бажарилишига шахсий мотивлар бўйича аралашининг чекланишини бузувчи хатти-ҳаракат»<sup>11</sup>.

Давлат хизматчиси ҳам давлат функциялари ижросининг занжиридаги ҳалқа бўлиб, ўз мавқеидан қоникмаган тақдирда давлат фаолияти шаклланадиган бутун занжирга зарар етказиши, яъни қонунга хилоф иш қилиши мумкин. Бунга йўл қўймаслик учун давлат амалдорини зиммасидаги вазифаларни виждонан бажаришга ундовчи шароитлар яратиш керак, аксинча эмас<sup>12</sup>.

К о б и л о в . Ш . Р ҳам ўзининг изланишларида коррупциянинг

<sup>8</sup> Криминология / Под ред. А.И. Долговой. - М., 1997.

<sup>9</sup> Криминология / Под ред. Н. Ф. Кузнецовой, Г. М. Миньковского. - М., 1994.

<sup>10</sup> Михайлов. А.В. Борьба с коррупцией в США (80-е годы) // Воп- росн истории. — 1994. — №5

<sup>11</sup> Джонстон М. Поиск определений качества политической жизни и проблема коррупции // Международное жюри социальнмх наук. — Париж, 1997. — №16.

<sup>12</sup> Исмагулов Д.К. Причины и условия коррупционнмх правонарушений в государственнмх органов. // Материалы научной конференции молодых ученых Казахстана. Проблемы и перспективы развития Казахстана как правового и демократического государства: взглядм и суждения молодежи. — Алматы, 2007.



асосий сабабларидан бири «...иктисодиётда бозор муносабатларининг номукамаллиги, қонунчиликдаги муаммолар, фуқароларнинг ахлоқий позицияларини ифодалашдаги камчиликлар»<sup>13</sup> эканлигини кўрсатади.

Филиппининг собиқ президенти Ф. Маркос ўзи ташкил қилган мамлакат миллий бойлигини ўмаришни легаллаштириш учун конституциянинг айрим моддаларига ўзгартиш киритган. Шу боис, М. Жонстон тўғри таъкидлаганидек, «коррупция қонунда талқин этилган таърифига мос келмаслиги, аксинча баъзи расман ноқонуний ҳаракатлар муайян ахлоқий жиҳатларга эга бўлиши мумкин».

Коррупцияга бундай қарашни аксарият МДХ мамлакатлари криминалистлари ва криминологлари қўллаб-қувватлайдилар. Коррупцияга оид яна бир қанча ўзига хос таърифларни келтирамиз. «Коррупция — давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари хизмат мавқеидан шахсий бойлик орттириш учун ғаразли мақсадда фойдаланишдан иборат ижтимоий ҳодиса»<sup>14</sup>.

Г.А Саттаров, М. И. Левин ва М. Л. Цирик коррупцияни «ғаразли мақсадларда хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш»<sup>15</sup> сифатида таърифлайдилар.

Коррупцияга ёрқин таърифни адвокат олим А. И. Кирпичников беради: «Коррупция — ҳокимиятнинг чириши. Занг металлни емирганидек, коррупция ҳам давлат аппаратини бузади ва жамиятнинг ахлоқий негизларини нуратади. Коррупция даражаси — жамиятнинг ўзига хос термометри, унинг ахлоқий ҳолати ва давлат аппаратининг вазифаларини ўз манфаатлари эмас, балки жамият манфаатлари йўлида ҳал қилиш қобилиятининг кўрсаткичи. Металл учун занглаш чидамлилик даражасининг пасайганлигини билдирганидек, жамият учун коррупцияга берилиш қаршилиқ кўрсатиш қобилиятининг пасайганлигини билдиради»<sup>20</sup>.

Коррупцияга таърифлардан яна бирини Б. В. Волженкин берган: «Коррупция — ҳокимиятнинг чиришидан иборат ижтимоий ҳодиса бўлиб, бунда давлат (муниципал) хизматчилари ва давлат функцияларими бажариш ваколатига эга бўлган шахслар ўз хизмат мавқелари, эгаллаб турган лавозимининг мақоми ва обрўсидан ғаразли мақсадларда шахсий бойиш ёки руҳий манфаатлар йўлида фойдаланадилар»<sup>16</sup>.

Жозеф Сентурия фикрича “коррупция шахсий наф кўриш мақсадида оммавий ҳокимият ваколатларини суиистеъмол қилиши”дир<sup>17</sup>. Томас Гоббс эса, “коррупция шундай бир илдизки, барча замонларда ундан ҳамма қонунларга нисбатан нафрат келиб чиқади”деб таъкидлаган<sup>18</sup>.

<sup>13</sup> Кобилов. Ш.Р. Миллий хавфсизликнинг иктисодий муаммолари: Монография. — Т., 2006; Коррупция: келиб чиқиш сабаблари ва унга қарши курашнинг жаҳон тажрибаси. — Т., 2011

<sup>14</sup> *Кабанов. П.А.* Коррупция и взяточничество в России: исторические, криминологические и уголовно-правовые аспекты — Нижнекамск. Гузель, 1995.

<sup>15</sup> *Саттаров. Г.А.* Россия и коррупция: кто кого? // Российская газета. 19.02.1998.

<sup>16</sup> *Волженкин Б.В.* Коррупция как социальное явление // Чистые руки. - 1999. - №4.

<sup>17</sup> Senturia, J. (1968). 'Corruption political'//International Encyclopedia of the Social Science'.

<sup>18</sup> Гоббс, Т. (1965). 'Сочинения в двух томах'. Т-2. —М. с.192

Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, даставвал коррупция кўп жиҳатдан ахлоқий муаммо бўлган. Жан-Клод Ваке ўзининг “Коррупция. 1600-1770 йилларда Флоренцияда ахлоқ ва ҳокимият” китобида кўриб чиқиладиган даврда коррупция ҳақида баҳс давлат ҳақида эмас, балки инсон табиати ҳақидаги баҳс ҳисобланганини таъкидлайди<sup>19</sup>.

Социологлар, иқтисодчилар, ҳуқуқшунослар ва оддий фуқаролар бу тушунчани ҳар хил талқин қиладилар. Масалан, социологлар фикрига кўра, коррупция – бу “ҳокимият вакиллари ўзларининг қонунга хилоф шахсий манфаатлари йўлида кутиладиган хулқ-атвор стандартларидан воз кечишидир” деб ҳисобласа<sup>20</sup>, иқтисодчилар эса, коррупция – бу “бирон-бир жиддий шахсий наф кўриш мақсадида бажариладиган ғайриқонуний, қоида тариқасида, қораланадиган ҳаракатдир” деб таъкидлайди<sup>21</sup>.

Ҳуқуқшунослар коррупция тушунчасига янада аниқ таъриф беришга ҳаракат қиладилар: “Кенг маънода коррупция – бу оммавий бошқарув аппаратини ўз қомига тортган, ҳокимиятнинг бузилишида, давлат ва муниципал хизмат ходимлари, давлат функцияларини бажаришга ваколатли бошқа шахслар ўз хизмат мавқеи, мақоми ва эгаллаган лавозимининг обрўсидан таъмагирлик мақсадида, шахсий бойлик орттириш учун ёки гуруҳ манфаатларида қасдан фойдаланишида ифодаланадиган ижтимоий иллатдир”<sup>22</sup>. Фанда коррупция – бу ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса бўлиб, одатда давлат амалдорлари, мансабдор шахслар, шунингдек умуман жамоат ва сиёсий арбобларнинг пора эвазига оғдирилувчанлиги ва сотилувчанлиги сифатида тушунилади; Бу эса шахсий мақсадларда наф кўриш учун ҳокимият ваколатларини суиистеъмол қилишдир.

Шу боис, 1979 йил 17 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Ҳуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг хулқ-атвор кодексида коррупция тушунчасининг мазмунига мансабдор шахс ҳақ, совғалар олишигина эмас, балки унинг бундай совғаларни олиш билан боғлиқ амалга ошириладиган хизматга доир ҳатти-ҳаракатлари ҳам киритилган. Агар коррупция тушунчасининг мазкур таърифидан келиб чиқадиган бўлса, у нафақат, пора бериш ва олиш, балки хизмат бўйича суиистеъмоллар, мансаб ваколатлари доирасидан четга чиқишни ҳам қамраб олади. Муҳими шундаки, мазкур таъриф коррупция таркибига мансабдор шахс олинган ёки ваъда қилинган совғалар билан боғлиқ ҳолда содир этган хизматга доир қонуний ҳатти-ҳаракатларни ҳам ўз ичига олади.

1990 йилда коррупция муаммолари бўйича Гаванада ўтказилган Халқаро минтақалараро семинарда коррупцияга шахсий манфаат ёки гуруҳ манфаатлари йўлида ўз хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш, шунингдек, давлат хизмати ходими ўзи эгаллаган лавозим ва хизмат мавқеи муносабати билан қонунга хилоф равишда манфаат олиши сифатида таърифланди.

<sup>19</sup> Ваке, Ж.К.(1999). ‘Коррупция. Мораль и власть во Флоренции в 1600-1770 годах’.-Москва. -554 с.

<sup>20</sup> Морозова,Е. А. Пфетцер,С. А., Сухачева,А. В. (2017). Социологические методы изучения коррупции и борьбы с ней в системе образования. Москва, с.126-136.

<sup>21</sup> Мешканцов,В.Н.(2016).Экономикакоррупции.[https://superinf.ru/view\\_helpstud.php?id=50](https://superinf.ru/view_helpstud.php?id=50)

<sup>22</sup> Клепечкий,И.А., Резанов,В.И. (2001). Получение взятки в уголовном праве. Комментарий законодательства. Москва, с.67.

Аммо, коррупцион фаолият турларининг тўлиқ рўйхатини келтириш мумкин эмас. Маълумки, турли мамлакатларда “боқувда бўлиш” расмий тарзда мавжуд бўлган ва кейинчалик, порахўрликка айланган. “Боқувда бўлиш” В. Клэверен иқтисодий нуқтаи назардан “Коррупцион фаолиятга бизнес сифатида берган баҳонинг илк кўринишларидан бири ҳисобланган: коррупционер ўз лавозимида бизнес сифатида қарайди ва даромадни мумкин қадар кўпайтиришга ҳаракат қилади (Клэверен, В.). Ж.Колеман тижорат соҳасидаги порахўрликни ва сиёсий коррупцияни фарқлайди<sup>23</sup>. Коррупцияни бундай тушуниш коррупцион ҳуқуқбузарликлар қаторига ўзи эгаллаган лавозим муносабати билан пора олиш натижасидагина эмас, балки ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда тадбиркорлик фаолиятида қонунга хилоф равишда иштирок этиш, хизмат мавқеидан фойдаланиб хуфъена иқтисодиётни ривожлантириш ва ўз хизмат ваколатларини суиистеъмол қилиш эвазига фойда кўришни кўзда тутати. Дарҳақиқат, коррупция жиноятчилигини бугунги кунда ишонч билан нафақат бизнинг давлатимизда, балки, жаҳон маърифатли давлатларининг аксариятида мавжуд бўлган жиноятчиликнинг анъанавий ва анча кенг тарқалган тури деб номлаш мумкин. “Ҳокимият органларининг жиноятга аралашиб қолиши ривожланаётган жамият учун энг жиддий хавф – хатарлардан биридир”<sup>24</sup>.

Кадимги юнон файласуфларидан Платон коррупцияни сиёсий категориялар қаторига киритган бўлса, Аристотел шундай деган: “Ҳар қандай давлат тизимида - қонунлар ва бошқа фармойишлар орқали ишни шундай ташкил қилиш керак-ки, унда мансабдор шахсларни ноқонуний йўл билан бойишига йўл қўймаслик лозим” деган. Бу борада Шарқ Арастуси Абу Наср Форобий ўзининг “Фозил одамлар шаҳри” асарида фуқаролик жамиятини қуришда тўғаноқ бўладиган муаммолардан бири коррупциядир, деб қайд этган.

Француз мутафаккири Шарл Монтескье эса коррупцияни яхши сиёсий тартиб ёки тизимни издан чиқарувчи “дисфункционал жараён” сифатида тавсифлаб, бу борада “Асрлар тажрибасидан маълумки, ҳар қандай ҳокимият ваколатига эга бўлган шахс, уни суиистеъмол қилишга мойил бўлади ва у маълум бир мақсадга эришмагунча шу йўналишда юради” деган фикрларни билдирган. Ғарбий Европа давлатларининг кейинги тарихида ҳам коррупциянинг турли кўринишлари ва коррупцион муносабатларнинг авж олиши нафақат тарихий манбаларда балки, ўша даврнинг илғор ёзувчи файласуфларининг асарларида ҳам ўз ифодасини топган. Хусусан, Шекспирнинг “Венециялик савдогар”, “Қонга Қон, жонга жон”, Дантенинг “Дўзах”, “Тозаловчи” каби асарларида ҳам ёритилган. Данте коррупционерларни дўзахни энг қоронги ва энг чуқур жойига ташлаш керак деган фикрни билдирган. Италиян файласуфи Никколо Макиавелли эса уни давлатнинг фуқаролар маънавиятига путур етказувчи умумий касаллиги аломати деб ҳисоблаган ва йўталга киёслаб шундай деган эди, “Коррупцияни ҳам йўталга ўхшаб олдин аниқлаш қийин, аммо даволаш осон, лекин бу

<sup>23</sup> Коулман, Дж (2005). ‘Комитет 300. Тайны мирового правительства’. -Москва, «Витязь», с.320

<sup>24</sup> Яхшиликков, Ж.(2017). ‘Миллий гоё - тараққиёт стратегияси’. Тошкент: Фан. б.322.

касални ўтказиб юборсангиз уни аниқлаш осон, аммо даволаш қийин”.<sup>25</sup>

Коррупция албатта бугун пайдо булган иллат эмас, у қадимдан буён мавжуд бўлиб келмоқда. Унинг ўзақлари жуда қадимга бориб тақалиб, бу ҳол қабилада маълум мавқега эга бўлиш учун қабила сардорларига совғалар бериш одатидан келиб чиққан деб тахмин қилинади. Ўша даврларда бу нормал ҳолат сифатида қабул қилинган. Бироқ давлат аппаратининг мураккаблашуви ва марказийлашуви коррупциянинг давлат ривожланишига катта тўсиқ эканлигини кўрсатди. Коррупцияга қарши курашган биринчи давлат сифатида қадимги Шумер давлати тан олинади. Ушбу давлатда коррупцияга қарши курашган ҳукмдор сифатида хотира қолган шахс Уруинимгина - эрамиздан аввалги XXIV асрнинг иккинчи ярмида Лагаш шаҳар-давлатининг шумерлар подшоси ҳисобланган. Коррупция учун бошқаларга намуна бўладиган ва кўпинча шафқатсиз жазолар қўлланишига қарамай, унга қарши кураш қутилган натижаларга олиб келмаган. Энг яхши ҳолатда хавфли жиноятларнинг олдини олишга эришилган, лекин майда камомад ва порахўрлик даражасида коррупция оммавий характерга эга бўлган. Коррупция муҳокама қилинган дастлабки асар - «Артха-шастра» - эрамиздан аввалги IV асрда Бхарат (Ҳиндистон) вазирларидан бири томонидан Каутилья таҳаллуси остида чоп этилган. Унда муаллиф «подшоҳнинг мулки, ҳатто кичик миқдорда бўлса ҳам, бу мулкни идора қиладиганлар томонидан ўзлаштириб олиниши мумкин эмас» деган хулоса чиқарган.

Худди шу каби муаммоларга Қадимги Миср фиръавнлари ҳам дуч келган бўлиб, бу ерда эркин деҳқонлар, ҳунармандлар ва ҳатто ҳарбий аъёнларга нисбатан ҳам ўзбошимчилик ва зўравонлик ишлатган ҳамда қонунбузарликларни ўзига касб қилиб олган амалдорлар бюрократик аппарати юзага келганди. Бизгача етиб келган Итахотел деган шахс ўз панд-насиҳатларида қуйидагича тавсия беради: «Бошлиқ олдида белингни букиб таъзим қил, шунда сенинг уйингда тартиб бўлади, сенинг маошинг жойида бўлади, ким бошлиққа қаршилиқ кўрсатадиган бўлса, унинг ҳаёти осон кечмайди, лекин у илтифот кўрсатганда эса яшаш ҳам осон бўлади».<sup>26</sup>

Қадимги давлатларни айниқса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг порахўрлиги қаттиқ ташвишга солганлиги бизгача сақланиб қолган манбалардан маълум. Чунки бу ҳолат давлатнинг обрўсига жуда қаттиқ путур етказарди. Дунёнинг етакчи динларида ҳам биринчи навбатда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг порахўрлиги қаттиқ қораланади. Жумаладан, Инжилда “Совғаларни қабул қилма, чунки совға кўрни кўрадиган қилади ва ҳақиқатни ўзгартиради” дейилган бўлса, Қуърони Каримда “Бошқаларнинг мулкни ноҳақ йўл билан олмангиз ва бошқаларга тегишли бўлган нарсаларни олиш учун ўз мулкингиздан ҳокимларингизга пора қилиб узатмангизлар” ёки “Бир-бирларингизнинг молларингизни ботил йўл билан еманг. Билиб туриб одамларнинг молларидан бир қисмини

<sup>25</sup> Макиавелли Н. Избранное. — М., 1989. — С. 78-79.

<sup>26</sup> Хрестоматия государства и права зарубежных стран. Древность и Средние века / сост. В. А. Томсинов. — М.: Зерцало, 1999; 2004. — С. 56.

ейишингиз учун уни ҳокимларга гуноҳкорона ташламанг” (Бақара сураси, 188) дейилган.

Лекин шунга қарамай, порахўрлик Усманийлар халифалигида ҳам мавжуд бўлган. Аввалига халифа турли идоралар фаолиятини шахсан ўзи назорат қиларди, лекин вақт ўтиши билан бу ишни ўзига яқин одам — халифанинг турли ишлар бўйича шахсий ёрдамчиси бўлган вазирга топшириб қўйди. Вақт ўтиши билан вазирлар кенг тармоқли давлат аппаратини шакллантирди. X асрнинг ўрталарига келиб, у ёки бу лавозимга тайинланиш учун амалдорлар томонидан вазирларга пора бериш амалиёти шаклланиб бўлганди.

Бундан, масалан, халифа Муқтадирнинг вазири бўлган Убайдуллоҳ Ҳоконий (926 йил вафот этган) амалдорларни турли лавозимларга тайинлаш ва олиб ташлашда фаол фойдаланди. Пулга қаттиқ муҳтожлик сезаётган давлат солиқлар тўплашни хусусий шахсларга топширгани боис бу турли суиистеъмолликларни юзага келтирарди. Шу тариқа порахўрлик халифалик таназулга юз тутишининг сабабларидан бирига айланди.

Бу ҳолат Усманийлар салтанатида ҳам истисно эмасди. Хусусан, деҳқонлардан турли солиқларни тўплашда ҳарбий хизматчилар қинғирликлар содир этарди. Бу суиистеъмол ҳолатларини ҳаттоки Усманийлар салтанати шайхулисломлари чиқарган махсус фатволар ҳам бартараф қила олмади. Сипоҳилар нимадир “узатиш” эвазига аста-секинлик билан ҳарбий юришларга бормаи қўйди, ўзларига тақдим этилган ерларда муқим қолиб, амалда давлат мулкини шахсий мулк қилиб олишди. Давлат эса, ўз навбатида, вазирлар тимсолида кўнгилсиз реакциядан хавфсираган ҳолда, ҳарбийлар билан тўқнашувга боришдан ҳадиксирарди.

Усманийлар салтанатида порахўрлик оқибати шу бўлдики, қўшинлар ҳарбий тайёргарлигини йўқотди, натижада XVIII аср охири ва XIX аср бошларида қатор мағлубиятларга учраб, давлатнинг қудратига путур етказди.

Қадимги Рим қонунларида «*соггитреге*» атамаси «судда кўрсатмаларни пулга сотиб олиш» ва «судьяни пора бериб сотиб олиш» маъносида фойдалана бошлаган: «Наҳотки сен судда сўзлашда ишларни текшириш учун тайинланган ва бу иш бўйича пора олган судья ёки воситачинини ўлим жазоси билан жазолайдиган қонунни шафқатсиз деб ҳисоблайсиз?»<sup>27</sup>

XIX ва XX асрлар бўсағаси ривожланган мамлакатларда коррупция ривожланишида янги босқич бўлди. Бир томондан, давлат томонидан тартибга солишнинг ва мос равишда, амалдор ҳукмронлигининг навбатдаги кучайиши бошланди. Бошқа томондан - рақобат курашида «давлатни пора бериб сотиб олиш» - давлатнинг алоҳида майда хизматчиларини вақти-вақти билан пора бериб сотиб олиш эмас, балки капитал манфаатларини ҳимоя қилиш учун юқори мансабдаги амалдорлар ва сиёсатчилар фаолиятини тўғридан-тўғри бўйсундиришга мурожаат қиладиган йирик хусусий бизнес вужудга кела бошлади. Сиёсий партиялар аҳамиятининг ўсиши билан ривожланган мамлакатларда (айниқса, Ғарбий Европа мамлакатларида

<sup>27</sup> Таблица IX. 3. Авл. Гелий / Законм XII таблиц. Хрестоматия по истории государства и права зарубежных стран / под ред. В. А. Томсинова. — М.: Зерцало, 1999. С. 120.



Иккинчи жаҳон урушидан кейин) партия коррупцияси ривожланиб, бунда ўз манфатларини ҳимоя қилиш ва илгари суриш учун йирик фирмалар ва трансмиллий корпорациялар нафақат шахсан сиёсатчиларга, балки партия кассасига ҳам пул тўлай бошлади.

XX асрнинг иккинчи ярмида коррупция янада долзарб халқаро муаммога айлана бошлади. Корпорациялар томонидан чет элдаги юқори мансабдор шахсларни пора бериб сотиб олиш оммавий характерга эга бўлди. Глобаллашув шунга олиб келдики, бир мамлакатдаги коррупция кўплаб мамлакатларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсата бошлади. Бунда коррупция даражаси энг юқори бўлган мамлакатлар учинчи дунё билан чегараланиб қолмайди: 1990 йилларда собиқ социалистик мамлакатлардаги эркинлаштириш ўта кетган мансаб суиистеъмоллари билан биргаликда кузатилди. 1995 йил 31 декабрь сонида «Financial Times» газетаси 1995 йилни «коррупция йили» деб атади. Коррупция ҳақида билимларни тарғиб қилиш учун БМТ Коррупцияга қарши кураш халқаро куни (9 декабрь) таъсис қилди.

### **Назорат саволлари:**

1. Коррупция деганда нимани тушунасиз?
2. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида нималарни биласиз?
3. Коррупцияга қарши курашувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар тизими ва ваколатлари.
4. Коррупцияга қарши курашиш тушунчаси.
5. Коррупцияни белгиловчи омиллар ва унинг келиб чиқиш сабаблари.
6. Коррупцияга қарши курашиш тушунчасининг моҳияти нимадан иборат?
7. Коррупциянинг шакллари нималардан иборат?
8. Юқори, ўрта ва майда бўғинли коррупция деганда нимани тушунасиз?
9. Коррупцияга қарши курашишга оид халқаро ҳужжатлардан қайсиларни биласиз?
10. Ижтимоий ҳаётда коррупцияга қарши курашиш сиёсатининг тутган ўрни.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгилиниш сари / Муаллифлар жамоаси. Т.: Фафур Фулом. 2017.
2. Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. – Т.: Шарқ, 2003.
3. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
4. Жалилов А. бошқалар. Фуқаролик жамияти асослари. – Т.: Baktria press, 2015.
5. Фуқаролик жамияти. Дарслик лойиҳаси– Т.: 2016. Ziyonet.uz. Муаллифлар жамоаси. <http://library.ziyonet.uz/uz/book/32900>
6. Утамурадов А. ва бошқалар. Фуқаролик жамияти фанидан тушунча ва атамалар луғати. Лотин ёзувида. Т.: Турон-замин-зиё. 2017. 23 б.т.

7. Утамурадов А, Қирғизбоев М, Хожиев Т. Фуқаролик жамияти / Ўқув қўлланма. Латин алифбосида. – Т.: Мумтоз сўз. 2018. 395 бет.
8. А.Утамурадов. Фуқаролик жамияти ғоялари эволюцияси. –Т., “Адабиёт учқунлари”, 2018. Б.193.

## 2-мавзу: Ўзбекистонда коррупция қарши курашга доир ҳуқуқий асосларнинг яратилиши ва такомиллаштирилиши.

### **РЕЖА:**

- 2.1. Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни ва қарорда белгиланган вазифалар.
- 2.2. Коррупцияга қарши кураш субъектлари ва идоралараро комиссиянинг асосий вазифалари..
- 2.3. Коррупцияга қарши кураш ишларида фуқаролар ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини ошириш механизмлари.

**Таянч иборалар:** коррупция, манфаатлар тўқнашуви, жиноятчилик, коррупция ва жараён, коррупцияга қарши кураш, конвенсия, мансабдор шахслар ахлоқи.

XX асрнинг иккинчи ярмига келиб коррупция халқаро муаммога айланди. Айниқса, глобаллашув жараёнлари натижасида бир мамлакатдаги коррупция бошқа мамлакатлар ривожланишига салбий таъсир кўрсата бошлади.

Коррупциянинг ўта авж олишига қўйидаги хавфли ижтимоий ҳодисалар ҳам сабаб бўлмоқда. Ўтган асрнинг охирлари ва XXI асрга келиб моддиётга берилиш, нафсни қондириш, буюмпарастлик каби иллатларнинг сингдирилиши иқтисодий жараёнларни жадаллаштирди. «Барча нарса сотиш ва сотиб олиш мумкин бўлган товарга айлантирилади» деган тушунча инсонлар руҳиятига сингдирила бошланди. Товар (буюм)га сиғиниш кучайди. Глобаллашувнинг хусусияти маданиятларнинг «дурагайлашуви»га олиб келди. Фикр ва буюмларнинг, инсон танаси ва руҳиятининг, табиат ва маданиятнинг товарга айлантирилиши бугунги куннинг асосий хусусияти бўлиб қолмоқда.

Илмий адабиётларга асосланиб порахўрлик муносабатларини уч субъектли деб айтиш мумкин. Булар: пора олувчилар, пора берувчилар ва улар ўртасидаги воситачилар. Пора олувчилар давлат амалдорлари бўлса, уни берувчилар амалдорлар хизматида муҳтожлардир. Воситачилар айрим шахслар ва яширин ташкилотлардан иборатдир.

**Юқоридагилардан келиб чиқиб Коррупциянинг миқёси ва қамровини белгиловчи омилларни қўйидаги гуруҳларга ажратиб кўрсатиш мумкин:**

**Антропологик омиллар:** инсоннинг зиддиятли табиати, эзгулик ва ёвузликнинг доимий кураши, инсоннинг кам куч сарфлаб кўпроқ фойда олишга интилиши ва ҳ.к.

**Иқтисодий омиллар:** тадбиркорлик фаолиятининг юқори даражадаги трансакциявий харажатлари («конунга бўйсуниб баҳоси»), бозор хўжалиги доирасидаги ракобат, иқтисодиётнинг турли секторларининг нотекис ривожланиши, инфляция, алмашув курсларининг кескин ўзгариб туриши, солиққа тортиш тизими ва бошқалар.

**Ижтимоий омиллар:** жамиятнинг ижтимоий табақалашуви, «хавф гуруҳлари»нинг мавжудлиги, меҳнат қонунчилигининг бузилиши, мухожир ишчилар, аёллар ва ўсмирлар меҳнатидан фойдаланишда ижтимоий адолат принципларига риоя этилмаслиги ва ҳ.к.

**Ҳуқуқий омиллар:** Тадбиркорликнинг ҳуқуқий асоси номукамаллиги, бозор хўжалигининг ўзгариб боровчи шарт-шароитлари билан мавжуд қонунчилик базаси ўртасида зиддият мавжудлиги, уй хўжалигининг тартибга солинмаслиги ва ҳ.к.

**Ахлоқий омиллар:** қонунчилик ҳамда тадбиркорликнинг ахлоқий асослари ўртасидаги зиддиятлар, давлат ва жамият, давлат ва индивид манфаатлари ўртасидаги зиддиятлар; миллий анъаналарнинг ҳисобга олинмаслиги, диний қоидаларнинг таъсири ва бошқалар.

**Сиёсий омиллар:** ҳокимият ва йирик капитал ўртасидаги ўзаро муносабатлар, олигархиянинг шаклланиши, ҳокимият кучи ҳамда иқтисодий фаолиятга таъсир кўрсатишнинг кучга асосланган усуллари ўртасидаги нисбат. Иқтисодиётни ривожлантиришнинг объектив эҳтиёжлари ва давлат сиёсати ўртасидаги зиддият ва ҳ.к.

Хўш, мадомики қадимги илдизларга эга бўлган коррупция учинчи минг йилликда янада ривожланаётган экан унинг қандай сабаблари бор? Қуйида биз коррупциянинг сабаблари ва миллатнинг руҳига салбий таъсири ҳақида фикр юритамиз.

Ҳозирги даврда коррупция сабабларининг кўп сонлилигини қайд этиш одат тусини олган. Улардан энг кўп эътироф қилинган **иқтисодий, институционал ва ижтимоий-маданий омиллар** фарқланади.

**Коррупциянинг иқтисодий сабаблари** – энг аввало, давлат хизмати ходимлари оладиган маош даражасининг пастлиги, шунингдек уларга фуқаролар фаолиятига таъсир кўрсатиш учун имконият яратадиган катта ваколатлар берилганида намоён бўлади. Амалдорларга тақчил ресурсларни тасарруф этиш учун кенг ваколатлар берилган жойда коррупция чуқур илдиз отади. Бу ривожланаётган ва бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларда айниқса бўртиб намоён бўлади, аммо у ривожланган мамлакатларда ҳам учрайди. Масалан, АҚШда муҳтож оилаларга имтиёзли турар жойни тақдим этиш дастурини амалга ошириш чоғида коррупция ҳоллари авж олади. “Жиноий тузилмаларнинг давлат органлари амалдорлари билан чатишиб кетиши, уларнинг турли ҳокимият тармоқларига кириб олиши жамоатчилик наздида фуқароларнинг ҳимоясизлиги ҳиссини кучайтиради. Давлатнинг ўзи обрўсизланади. Мамлакат ичкарасида ҳам ташқарисида ҳам унга

ишончсизлик ортиб боради”<sup>28</sup>. Бироқ, коррупциянинг кучайишига иқтисодий сабаб асосий сабаб бўла оладими? Баъзи иқтисодий ривожланган мамлакат раҳбарларининг, масалан, Корея давлати Президенти, Бразилия Президенти, Покистоннинг бош вазири, Россия Федерацияси собиқ муҳофазат вазирининг, баъзи губернаторларнинг коррупция бўйича лавозимидан четлаштирилганлиги иқтисодий сабаб асосий эмаслигидан далолатдир. Демак, коррупция ривожининг ижтимоий-маданий тубанлашуви омили билан боғлиқ.

**Коррупциянинг институционал сабаблари** сифатида қонунчилик тизимининг очиқ ва ошкора эмаслиги, давлатнинг кадрлар билан ишлаш сиёсатидаги фаворитизмнинг кучли даражаси давлат идоралари фаолиятида тизимли бошқарувнинг бузилиши, чексиз ҳисоботлар тизими кабилар эътироф этилади.

**Коррупциянинг ижтимоий-маданий сабаблари** - фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятининг пастлиги, давлат ва бошқаруви қонунларидан беҳабарлиги ёки уларга бефарқлиги, ҳокимият бошқарувидагиларнинг жамиятдаги умумий маънавий тубанлашув жараёнларига нисбатан кучли назоратнинг йўқлиги, икки хил талқин қилиш мумкин бўлган қонунларнинг мавжудлиги, аҳолининг қонунларни билмаслиги ёки тушунмаслиги, мамлакатдаги сиёсий вазиятнинг беқарорлиги, бюрократиянинг касбий нокомпетентлиги (кадрлар коррупцияси, соҳадан мутлақо хабарсиз одамларнинг раҳбар лавозимларига тайинланиши), ижро этувчи ҳокимият тизимида ягоналикнинг мавжуд эмаслиги, бошқарув элитасининг халқдан ажралганлиги, иқтисодий беқарорлик, инфляция, аҳолининг этник жиҳатдан ҳар хиллиги, мамлакатда шакллланган маданият ва ижтимоий менталитет таъсири киритилади. Коррупциянинг бу сабабининг илдизлари шу қадар чуқурки, ҳатто у одамларнинг ижтимоий ҳаётининг таркибий қисмига, турмушдаги одатий ҳолга айланган. (Масалан, шифокор кўриги, мактаб ўқитувчисига фарзандимиз муаммоси билан мурожаат этиш, болани яхши синфга қўйиш, яхши мактабда ўқитиш кабилар).

Коррупциянинг сабабларини билиш унинг шакллларини аниқлаш имконини беради. Фикримизча, Коррупциянинг *давлат бошқаруви соҳасидаги*; - *парламентдаги*; - *жамоа ташкилотлари, корхоналардаги*; - *иқтисодий*; - *ғоявий*; - *сиёсий*; - *кадрлар*; - *фан ва таълим* тизимидаги коррупция каби шакллари фаворитизм, непотизм (уруғ-аймоқчилик), протекционизм, лоббизм, қонунга хилоф равишда тақсимлаш жамоат ресурсларини ва уларни шахсий мақсадларда ўзлаштириш, ноқонуний хусусийлаштириш, сиёсий тузилмалар (партиялар ва ш.к.)ни қонунга хилоф равишда қўллаб-қувватлаш ва молиялаштириш, таъмагирлик, имтиёзли кредитларни ажратиш, имтиёзларга эга бўлиш учун шахсий алоқалардан фойдаланиш, ўз қариндошлари, дўстлари, танишларига турли хизматлар

<sup>28</sup> Яхшиликков, Ж. (2017). 'Миллий ғоя - тараққиёт стратегияси'. Тошкент: Фан. 6.322.

кўрсатиш ва ҳоказоларда намоён бўлади.<sup>29</sup>

*Давлат бошқаруви соҳасидаги коррупция* давлат хизмати ходимининг давлат ресурсларини ўз шахсий ниятларига мос равишда тақсимлашида намоён бўлади. Давлат хизмати ходимларининг лавозимига қараб юқори поғона ва қуйи поғона коррупциясини фарқлаш мумкин. Юқори даражадаги коррупцияда юқори ва ўрта даражадаги амалдорлар ва сиёсатчиларнинг қонунларга хилоф равишда мулкчилик шакллари ўзгартиришда, давлат буюртмаларини қабул қилишда ўз ифодасини топади. Қуйи даражадаги коррупция ўрта ва қуйи даражадаги амалдорлар билан фуқаролар ўртасидаги доимий, кундалик ўзаро алоқа билан боғлиқ (жарималар, рўйхатга олиш ва ш.к.). Аксарият ҳолларда коррупцион битимдан манфаатдор томонларнинг иккаласи ҳам бир давлат ташкилотига мансуб бўлади. Масалан, амалдор ўз бошлиғига у пора берувчининг коррупцион ҳаракатини “ёпди-ёпди” қилгани учун пора бериши ҳам коррупция ҳисобланади. У, қоида тариқасида, юқори поғона ва қуйи поғона коррупция ўртасида ўзига хос “кўприк” вазифасини бажаради<sup>30</sup>. Бу жуда хавфли, чунки бундай вазиятда коррупция тарқоқ ҳаракатлардан чуқур илдиз отган уюшган жиноятчилик босқичига ўтаётганидан далолат беради.

*Парламентдаги коррупция* сайлов пайтида сайловчиларнинг овозларини сотиб олиши билан боғлиқ сиёсий коррупцияда намоён бўлади. Сайловчи Конституцияга мувофиқ “ҳокимият ваколатлари” деб номланган ресурсга эга, яъни депутатларни халқ сайлайди. Бу ваколатларни у ўзи сайлаётган шахсларга қарор қабул қилишнинг алоҳида тури – овоз бериш орқали ўтказди. Сайловчи ўз ваколатларини ўзининг манфаатларида ким ҳаммадан яхши ифода этиши мумкин деб ҳисобласа, унга топшириш зарурлигидан келиб чиқиб қарор қабул қилиши лозим ва бу умумэътироф этилган қоидадир. Овозлар сотиб олинган ҳолда сайловчи ва номзод ўзаро келишади ва бунинг натижасида сайловчи юқорида зикр этилган қоидани бузиб, пул ёки бошқа кўчмас мулкларни олади, номзод эса, сайлов қонунчилигини бузиб, ҳокимият ресурсини қўлга киритишга умид қилади

*Ижтимоий ҳаёт, давлат ва нодавлат жамоа ташкилотларидаги коррупция* жамоат ташкилоти ходимининг ташкилот манфаатларини бузиб қонунга хилоф равишда бойлик орттиришга ҳаракатида намоён бўладиган умумий маънавий таназзулнинг ифодасидир. Чунки кейинги йилларда, айниқса болани яхши боғчага ва мактабга жойлаштириш, яхши ишга жойлаштириш ва ҳатто касалхонага ётиш ёки диспансеризация, янги машина сотиб олиш, имтиёзли уй олиш, қўйингги ижтимоий ҳаётда қандай масала бўлишидан қатъий назар пора бериш шунчалар кундалик ҳаётнинг таркибий қисмига айланиши, баъзи ҳолларда мурожаат этаётган ташкилот ходимининг ёнига қуруқ қўл билан бориш ноқулайлик вазиятини шакллантирди.

<sup>29</sup>Шермухамедова,Н.А. “Коррупциянинг жамият ижтимоий-маданий ҳаётида амал қилиши ва уларни бартараф этиш механизмлари”//Фалсафа ва ҳаёт халқаро журнал № 3(6) 2019. Doi Journal 10.26739/2181-9505

<sup>30</sup> Шермухамедова,Н.А.(2018). ‘Коррупциянинг турлари ва шакллари’. Формирование антикоррупционной культуры в республике Казахстан и в странах центральной Азии: состояние, тенденции и перспективы развития посвящается 20 летию факультета Юриспруденции МО ЮКГУ. Казахстана, Шимкент . –с.67.



Коррупциянинг барча турлари бевосита **сиёсий, ғоявий ва кадрлар коррупцияс**ини шакллантиради.

Тадқиқотимиз доирасида сиёсий коррупция ҳодисасига тўхталалиб ўтадиган бўлсак, адабиётларда сиёсий коррупцияга оид қарашлар ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб тез-тез учрайди.

Айрим олимлар сиёсий коррупциянинг алоҳида турини ажратадилар. Масалан, проф. В. А. Шабалин сиёсат ва жинойтчилик муаммоларига оид хорижий манбаларни таҳлил қилиб, ушбу ҳодисани куйидагича таърифлайди: «...хукмрон сиёсий элитанинг давлат бойликларидан ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида ноқонуний фойдаланишида намоён бўладиган девиант сиёсий хатти-ҳаракат»<sup>31</sup>. Биз ушбу фикрга қўшиламыз.

Сиёсий коррупция аниқ қонунга хилофликнинг мавжуд эмаслиги; айрим шахслар ёки гуруҳлар (партиялар, бошқа барқарор ҳамжамиятлар) ҳокимиятни эгаллаш, сақлаб қолиш, мустаҳкамлаш ва тақсимлашга қараб мўлжал олиши; кўрсатилган мақсадларга эришиш учун ҳам давлат, ҳам жамоат ресурсларидан фойдаланишда намоён бўлади. “Ҳозирги даврда сиёсий коррупция сиёсий тусга эга қилмишларда намоён бўлади ва уларнинг бир қисми жинойт-ҳуқуқий тартибда жазога лойиқ, бошқа бир қисми эса – лойиқ эмас деган фикр ҳам мавжуд”<sup>32</sup>.

Сиёсий коррупциянинг асосий ва энг кўп қайд этиладиган, жинойй жазога тортиладиган шакллари пора бериш (Ўзбекистон Республикасининг ЖК 210-м.) ва уни олишдир (ЖК 212-м.).

Сиёсий коррупциянинг кенг тарқалган иккинчи кўриниши сиёсат субъектларини уларнинг сайланиш ҳуқуқини амалга ошираётган чоғида сотиб олишдир. Ушбу жинойт учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Жинойт кодексининг тегишли моддасида назарда тутилган. Мазкур ҳодисанинг куйидаги турларини ажратиш мумкин:

Сиёсий коррупциянинг бюрократик ва сиёсий, мажбурий ва келишилган, марказлаштирилган ва марказлаштиришдан чиқарилган каби турлари фарқланади. Бизнинг фикримизча, сиёсий коррупция - партиялар, гуруҳлар ва айрим шахсларнинг ҳокимиятни эгаллаб олиш ёки ушлаб туриш мақсадида, шунингдек сиёсий рақибларга биргаликда қарши сиёсий кураши ва мақсадига эришишини тушуниш лозим.<sup>33</sup> У гуруҳбозликнинг шаклланишида, фуқаронинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларининг чекланишида, давлат тузуми ва давлат ҳокимияти асосларига қарши коррупцион қилмишларда намоён бўлади.

Ҳар қандай сиёсий коррупция ғоявий коррупциянинг маҳсули сифатида амал қилади. Ғоявий коррупция муайян мақсадларда давлатлараро ва шахслараро низоларни, давлат бошқаруви даражасида ҳокимият

<sup>31</sup> Шабалин. В.А. Политика и преступность // Государство и право. - 1994. - №4.

<sup>32</sup> Косенко, О. (2014). 'Противодействие коррупции: поиск эффективных решений'/О.Косенко//Экспертиза–№ 8. [Электронный ресурс].

<sup>33</sup> Шермухамедова,Н.А.(2018). 'Коррупциянинг турлари ва шакллари'. Формирование антикоррупционной культуры в республике Казахстан и в странах центральной Азии: состояние, тенденции и перспективы развития посвящается 20 летию факультета Юриспруденции МО ЮКГУ. Казахстана, Шимкент . –с.72.

қарорларини қабул қилишни монополиялаштиришни кўзда тутди. Ҳар қандай давлат бошқаруви бошқарув воситаларини ўз стратегик ва тактик мақсадларига мос равишда танлаши лозим. Ғоявий коррупцияда бошқарув мақсадларининг ўзи бузиб кўрсатилади. Маълумки, давлат ўз олдига қўйилган мақсадларга эришиш учун турли воситалардан фойдаланиши мумкин (асосий давлат ва инсоний қадриятларга мутлақо зид бўлган воситалар бундан мустасно). Аммо, давлат бошқаруви мақсадлари яхлит ва ягона бўлиши лозим. Давлат ҳокимияти бошқарув мақсадларини бузиб кўрсатган, шахсий мақсадни қадрият даражасига қўтарган ва унга эришиш учун ҳаракат қила бошлаганда ғоявий коррупция пайдо бўлади. Натижада ислохотлар муайян умумдавлат мақсадларига эришиш учун эмас, балки “хўжақўрсинга” амалга оширила бошлайди. (Масалан, 2012 йилда Жаҳон молия банки раиси Доминик Строс Кан 2017 йилда Францияда ўтказиладиган Президент сайловида иштирок этиши мумкин бўлган муносиб номзод бўлган. Унинг Президент сайловида иштирок этиши ва кўп овоз олиши прогнозлаштирилгач, фаолияти атрофида турли миш-мишлар тарқатилди ва 2017 йилдаги Президент сайловида умуман иштирок этмаслигига эришилди. 2016 йилда Франциянинг Президенти лавозимига сайловлар компаниясида иштирок этган 12та номзодлардан бири Франсуа Фийон муносиб номзод бўлганлиги учун унинг турмуш ўртоғининг ноқонуний маош олаётганлиги ва бошқа шунга ўхшаш сабаблар билан оила фаолияти атрофида сиёсий ўйинлар ташкил этилди ва оқибатда Франсуа Фийон Франция Президенти лавозимига сайловининг биринчи босқичидаёқ мағлубиятга учради).

Ғоявий коррупциянинг ниҳоятда кучли таъсири кадрлар коррупциясида ўз ифодасини топади. Кадрлар коррупцияси мамлакатда ижтимоий адолатсизликка, маънавий муҳитнинг бузилишига сабаб бўладиган, сиёсий менталитетга салбий таъсир кўрсатадиган коррупциянинг кенг тарқалган шаклларида биридир. “Коррупциянинг бу тури икки субъект – лавозимга тайинлаш ҳуқуқига ёки сайлов натижаларига таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлган шахс ва мазкур лавозимни эгаллашдан манфаатдор шахснинг ўзаро алоқасига асосланади”<sup>34</sup>.

Кадрлар коррупцияси фаворитизм, лоббизм, уруғ-аймоқчилик, маҳаллийчиликка асосланади. Фаворитизм давлат фаолиятининг сифатига салбий таъсир кўрсатади ва жамоат ресурслари давлат лавозимига алоҳида иддаоларга эга бўлганлар ўртасида самарасиз ва адолатсиз тақсимланишига имконият яратади. Фаворитизмнинг ўзида ҳокимият тизимини уруғ-аймоқчилик асосида ташкил этишдан иборат непотизм ва ошна-оғайнигарчиликка таянадиган ҳокимият тизими – кронизм фарқланади. Бошқарувга умуман лаёқати бўлмаган одамнинг фаворитизм таъсирида раҳбар лавозимига тайинланиши билан боғлиқ кадрлар коррупцияси ғоявий коррупциянинг оқибати сифатида амал қилади (расмий кадр масаласи норасмий вазиятларда ҳал бўлади). Буларнинг барчаси коррупциянинг мазкур турини давлат миллий хавфсизлигига энг жиддий таҳдидлар

<sup>34</sup> Дамаскин, О.В. (2009). Коррупция: состояние, причины, противодействие. Москва, Триумфальная арка. с.58.

даражасига кўтаради. Бу эса, ўз навбатида, кадрлар коррупциясини шакллантиради.

Кадрлар коррупциясининг бошқа бир кўриниши уруғ-аймоқчилик ва маҳаллийчиликдир. Мазкур ҳодиса замирида у ёки бу шахс жамиятнинг ўз алоҳида корпоратив мақсадларига эга бўлган гуруҳига мансублигини англаш ётади ва ҳокимият ваколатларига эга шахслар алоҳида клан, корпорацияга бирлашади.

Кадрлар коррупциясига давлат лавозимларига коллегиял тарзда сайлаш, тайинлаш ёки улардан озод қилиш ваколатларига эга давлат ҳокимияти органи таркибига кирувчи мансабдор шахсларнинг гуруҳларини ҳам киритиш мумкин. Бунда давлат ҳокимияти органининг ўзи юридик шахс сифатида, ҳатто унинг таркибига кирувчи мансабдор шахсларнинг барчаси пора эвазига оғдирилган бўлса ҳам, жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас (бутун жаҳонда қабул қилинган амалиёт). Айни вақтда, баъзи мамлакатларда парламентдаги кўпчиликнинг пора эвазига оғдирилгани борасидаги далилнинг аниқланиши қонунчилик ҳокимияти органи тарқатиб юборилишига ва янги сайлов тайинланишига сабаб бўлиши лозим. Муайян шароитларда кадрлар коррупциясига сайловчиларни, шунингдек, турли тоифадаги мансабдор шахсларни сайлаш бўйича овоз бериш натижаларини аниқлашга ваколатли мансабдор шахсларни пора эвазига оғдириш ҳам киради. Кадрлар коррупциясида давлат хизмати ходими бўлмаган турли воситачилар, хусусан тегишли ваколатларга эга бўлмаган ёрдамчилар, референтлар, котиблар иштирок этиши ҳам мумкин. Кадрлар коррупциясининг асосий салбий оқибатлари амалдорларнинг нокомпетентлиги, ишнинг самарали эмаслиги, давлат ҳокимияти обрўсининг пасайишидир.

### **Назорат саволлари:**

1. Коррупция ва унга қарши кураш тушунчаси.
2. Коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари
3. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари
4. Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари
5. Коррупция фуқаролик жамияти ривожланишига зид бўлган салбий воқъелик.
6. Давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар.
7. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва тадбиркорлик соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар
8. Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф етишга доир чора-тадбирлар.

9. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга чек қўйиш, жавобгарликнинг муқаррарлиги.
10. Давлат органлари ходимларининг коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар фактлари тўғрисида хабар қилиш мажбурияти.
11. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик.
12. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот бераётган шахсларни ҳимоя қилиш.
13. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар натижасида қабул қилинган қарорларни бекор қилиш ёки ўзгартириш.
14. Коррупция соҳасидаги тадқиқотлар.
15. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорлик.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгилашни сари / Муаллифлар жамоаси. Т.: Гафур Гулом. 2017.
2. Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. –Т.: Шарқ, 2003.
3. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
4. Жалилов А. бошқалар. Фуқаролик жамияти асослари. – Т.: Baktria press, 2015.
5. Фуқаролик жамияти. Дарслик лойиҳаси– Т.: 2016. Ziyonet.uz. Муаллифлар жамоаси. <http://library.ziyonet.uz/uz/book/32900>
6. Утамурадов А. ва бошқалар. Фуқаролик жамияти фанидан тушунча ва атамалар луғати. Лотин ёзувида. Т.: Турон-замин-зиё. 2017. 23 б.т.
7. Утамурадов А, Қирғизбоев М, Хожиев Т. Фуқаролик жамияти / Ўқув кўлланима. Лотин алифбосида. – Т.: Мумтоз сўз. 2018. 395 бет.
8. А.Утамурадов. Фуқаролик жамияти ғоялари эволюцияси. –Т., “Адабиёт учкунлари”, 2018. Б.193.

### 3-мавзу: Коррупцияга қарши кураш: ривожланган мамлакатлар тажрибаси.

#### *РЕЖА:*

3.1. Коррупция даражаси паст бўлган ривожланган давлатларнинг коррупцияга қарши кураш тажрибаси..

3.2. Собиқ совет иттифоқи давлатларида коррупция даражаси. Ривожланган Шарқ мамлакатларининг коррупцияга қарши курашиш..

3.3. Коррупцияга қарши кураш бўйича халқаро рейтинг агенликлари ва уларнинг фаолият меъзонлари.

**Таянч иборалар:** Коррупция даражаси паст бўлган ривожланган давлатларнинг коррупцияга қарши кураш тажрибаси. Собиқ совет иттифоқи давлатларида коррупция даражаси. Ривожланган Шарқ мамлакатларининг коррупцияга қарши курашиш. “Халоллик вакцинаси”нинг мазмун моҳияти. Иқтисодий тараққиёт ва коррупцияга қарши кураш Жинойӣ жазоларнинг либераллашувининг коррупцияга қарши курашдаги аҳамияти. Коррупцияга қарши кураш бўйича халқаро рейтинг агенликлари ва уларнинг фаолият меъзонлари.

“Transparency International” халқаро ташкилоти томонидан ташкил қилинган ҳар йилги “Corruption Perceptions Index” (CPI)<sup>35</sup> рейтингдаги мамлакатларнинг ўрнидан келиб чиқиб, турли давлат хизматлари тизимида Коррупциянинг олдини олиш чора-тадбирлари билан боғлиқ бир қатор мисолларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Айниқса бунда коррупцияга қарши курашда муҳим ютуқларга эришган давлатлар алоҳида қизиқиш уйғотиши шубҳасиз, чунки Коррупцияга қарши эффектив дастурларни ўз ичига олган хорижий тажрибаларни мамлакатимизда жорий қилиш, Коррупцияга қарши самарали механизмларни яратишга чиндан ҳам ёрдам беради.

Шундан келиб чиқиб, 2020 йилги рейтингнинг (1 илова) Коррупция даражаси бўйича энг “тоза” мамлакатлари АҚШ, Канада, **Франция, Германия**, Швеция, Финландия, **Эстония**, Нидерландия, каби мамлакатларда ишлаб чиқилган давлат хизмати тизимида коррупциянинг олдини олиш ва унга барҳам бериш назарияси ва амалиётига тегишли айрим тажрибаларни кўриб чиқамиз.

**АҚШ** [CPI (2020) - 67 балл (180 мамлакат ичида 25-ўрин), 1 илова]. Давлат органларини Коррупциянинг бузғунчи таъсиридан ҳимоя қилиш зарурати XIX асрдаёқ АҚШ ҳукумати Коррупцияга қарши курашни давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири қилишга мажбур қилди.

Ушбу давлатда бугунги кунда барча давлат амалдорлари учун

<sup>35</sup> Мамлакат ёки ҳудуднинг CPI баллари маълум бир мамлакатнинг давлат секторидаги коррупция даражаси тўғрисида тадбиркорлар ва мутахассислар тушунчасини акс эттиради ва уни 100 (коррупция деярли йўқ)дан 0 (коррупция даражаси жуда юқори)гача бўлган ўлчовда баҳолайди.

мажбурий бўлган хизмат-ахлоқ қоидалари ва қонуний чекловлар аста-секин шаклланди. Бугунги кунда ҳукумат амалдорлари турли хил кодекслар ва қоидалар, жумладан, 1990 йил 17 октябрдаги давлат амалдорлари ва мансабдор шахсларининг одоб-ахлоқ тамойиллари ва 1978 йилги Америка Қўшма Штатлари амалдорларининг одоб-ахлоқ тўғрисидаги қонуни билан бошқарилади<sup>36</sup>.

Ушбу Қонунга биноан Оқ уйнинг ва бошқа ижро этувчи бўлимларнинг барча ходимлари ўз бўлим раҳбарларига қуйидаги маълумотларни тақдим этишлари шарт:

1. Барча корпорациялар, компаниялар, фирмалар ва тадбиркорликнинг бошқа шакллари, нотижорат ташкилотлар, шунингдек, ходимнинг ўзи, ёки рафиқаси, вояга етмаган болалари ёки оиласининг бошқа аъзолари таълим олаётган муассасалар номлари рўйхати тақдим қилинади. Бундай ҳолда, мансабдор шахснинг қандай имкониятларга эга бўлишидан қатъи назар, ушбу ташкилотлар билан “ҳар қандай узоқ муддатли молиявий манфаат ва ҳар қандай алоқаларини” ўрнатиши тақиқланади.

2. Илова шаклига биноан мансабдор шахс ўзининг барча шахсий кредиторлари, хотинининг кредиторлари, ёш болалари ва у билан бирга яшайдиган бошқа оила аъзолари рўйхатини тақдим этиши шарт.

3. Кўрсатилган шахсларининг барча кўчмас мулкларни мавжудлиги тўғрисида маълумот.

4. Уларнинг “доимий” тижорат, молиявий ва бошқа манфаатлари тўғрисида маълумот.

Ушбу декларацияларда кўрсатилган маълумотларни текшириш ҳар қандай давлат маъмурияти ёки идорасида, комиссияларида махсус тайинланган шахслар ёки гуруҳлар томонидан амалга оширилади, улар зарур бўлганда кўшимча маълумотларни сўрашлари, мансабдор шахсларнинг ўзларини чақиришлари ва ички текширувларни олиб боришлари мумкин.

Мансабдор шахс томонидан содир этилган қонунбузарликлар аниқланганда, унга нисбатан қуйидаги чора-тадбирлар қўлланилиши мумкин:

- қисман ёки тўлиқ дисквалификация қилиш;
- мартабасининг туширилиши;
- “зиддиятли” молиявий алоқаларни тўхтатиш бўйича талаб.

Декларация қилинадиган нарсаларга ўтган йилги барча молиявий харажатлар ва даромадлар, шу жумладан:

- тўлиқ даромад, дивидендлар, депозитлар бўйича фоизлар, кўчар ва кўчмас мулкдан олиннадиган даромадлар, йиғимлар;
- нодавлат ташкилотлардан олинган молиявий ва бошқа даромадлар;
- транспорт ва тегишли харажатларни тўлаш;
- ҳар қандай шахс ва ташкилотдан олинган совғалар, шу жумладан саёҳат харажатлари, овқатланиш, меҳмонхонада турар жой, ресторанларда овқатланиш ва турли хил тадбирлар;

<sup>36</sup> *Клитгаард Р.* Коррупция назорати. Салифорния Университети нашриёти, 1991. 99-100 бетлар.



- молиявий ва бошқа мажбуриятлар, улар бўйича қарзлар;
- турли ташкилотлар билан келишув ва шартномалар;
- мавжуд қўшимча иш ва бошқа кўп нарсалар.

Чет эл фуқаролари, ташкилотлари ва ҳукуматларидан совғалар олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, агар сенатор ёки ходим чет эл ҳукумати, ташкилоти, компания вакили ёки хусусий шахсдан 50 доллардан ортиқ қийматга эга бўлган совға олган бўлса, у совғани олиш учун икки нусхада тушунтириш тайёрлаб, улардан бирини Сенатнинг махсус Этика қўмитасига, иккинчиси эса совға билан бирга Сенат котибига юбориши керак.<sup>37</sup>

Қўшма Штатларнинг қонунчилик ташаббусларини нафақат ўз мамлакатада мавжуд бўлган Коррупция билан боғлиқ, балки халқаро Коррупция амалиёти билан боғлиқлиги ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Масалан, Америка хорижий амалдорларга пора олишни тақиқловчи “Хорижий Коррупция амалиёти тўғрисида”ги қонунни (1977) қабул қилган биринчи мамлакат бўлди.

Умуман олганда, Қўшма Штатларда Коррупцияга қарши курашиш фуқаронинг давлат мажбуриятларини қатъий бажариш ҳуқуқини тан олишга асосланган. Унга қарши курашиш учун унинг олдини олишга қаратилган профилактика чоралари ҳам, тегишли тақиқларни бузган шахсларга нисбатан жиноят қонуни таъсир қилиш чоралари ҳам ишлаб чиқилган. Давлат хизмати қатъий белгиланган чегаралар билан фаолиятнинг ўзига хос тури сифатида қаралади, давлат ва коммунал хизматчилар корпуси қатъий назорат қилинадиган ахлоқий ва интизомий меъёрларга бўйсунуши шарт.

**Канада** [CPI (2020) – 77 балл (180 мамлакат ичида 11-ўрин), 1 илова]нинг жиноят қонунчилигига мувофиқ, “мансабдор шахсларни пора эвазига оғдириш”, “ҳукуматни алдаш”, “мансабдор шахс томонидан содир этилган ишончни суиистеъмол қилиш” мансабдорлик жиноятлари ҳисобланади. Шу билан бир қаторда 1985 йил Канадада давлат хизматчиларининг хизмат вазифалари ва шахсий манфаатлари ўртасида тўқнашув юз берган ҳолда улар амал қилиши шарт бўлган хулқ-атвор қоидаларини ўзида жамлаган Кодекс қабул қилинди. Қонун чиқарувчининг фикрига кўра, мазкур қоидаларнинг мақсади – “давлат аппаратига ва давлат хизматчиларининг ҳалоллигига жамиятнинг ишончини ошириш”дан иборат. Бундан ташқари, қоидалар юқорида зикр этилган жиноятларнинг олдини олишга, давлат хизматида ва уни тарк этгандан сўнг “манфаатлар тўқнашуви” рўй берган ҳолларда барча давлат хизматчилари хулқ-атворининг аниқ қоидаларини белгилашга, “бундай ҳолатлар рўй бериш эҳтимолини мумкин қадар камайтириш ва улар рўй берган ҳолда, уларни жамият манфаатларида ҳал қилиш”га қаратилган.

**Франция** [CPI (2020) – 69 балл (180 мамлакат ичида 23-ўрин), 1 илова]да давлат хизмати тизимидаги коррупциянинг олдини олиш ва унга барҳам бериш мақсадида XX асрнинг 90-йилларида сайланган барча давлат

<sup>37</sup> *Клитгаард Р.* Коррупция назорати. Салифорния Университети нашриёти, 1991. 106-бет.

хизматчиларига ва коррупция таъсирига берилиши мумкин бўлган жамоат хизмати кадрларига ўз мол-мулки ва даромадлари ҳақида мустақил идораларга маълумот бериш мажбуриятини юклаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бундан ташқари, давлат аппарати юқори мартабали ходимларининг даромадлари ва мол-мулки ҳақидаги декларациялар кенг миқёсда ошкор этилишини таъминлайдиган ҳуқуқий ва ташкилий асослар яратилди. Маъмурий муассасада имзоланган муносабатлар ёки улар томонидан берилган рухсатлар ҳақида кенг жамоатчиликка ахборот бериш шакллари ишлаб чиқилди. Кўча ҳаракати қоидаларини бузганлик учун шу жойнинг ўзида жарима тўлаш тақиқланди. Давлат хизмати тизимидаги коррупциянинг олдини олиш ва унга барҳам бериш усули сифатидаги давлат назоратининг самарадорлигини ошириш мақсадида префектураларнинг қонунийликка риоя этилиши устидан назорат олиб борадиган хизматларда банд бўлган ходимларининг сонини кўпайтириш ва малакасини ошириш, шунингдек префектураларнинг хизматларига мазмуни коррупция хавфини кучайтирадиган ҳужжатларни бажариш муддатини кечиктириш ҳуқуқини бериш тўғрисида қарор қабул қилинди. Франция ҳукумати Ҳисоб палатаси ваколатларини кенгайтириш, шунингдек корхоналарнинг ўз ходимларини коррупция хавфидан сақлаш учун ички аудит ва назорат тадбирлари ўтказиш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Бундан ташқари, Франция ҳукумати Адлия вазирлиги қошида Коррупцияга қарши кураш марказий хизмати ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

**Германия** [CPI (2020) – 80 балл (180 мамлакат ичида 9-ўрин), 1 илова] тажрибаси коррупцияга таъсирчан соҳаларни аниқлаш, мамлакат марказий банкида давлат хизматчиларини пора эвазига оғдиришда фош қилинган жисмоний ва юридик шахсларнинг маълумотлар базаларини ташкил этиш коррупциянинг олдини олиш борасида энг самарали ташкилий-ҳуқуқий чоратадбирлар бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Бу уларга янги ном билан ёки бошқа ниқоб остида давлат буюртмаларини олишга, бошқарув кадрларини ротация қилишга, бошқарув ходимлари фаолияти устидан ички назорат олиб борадиган ташқи бўлинмалар ташкил этишга имкон бермайди.

XIX аср ўрталарига қадар **Швеция** [CPI (2020) – 85 балл (180 мамлакат ичида 3-ўрин), 1 илова]да коррупция гуллаб-яшнаган. Швецияда коррупцияга қарши энг нуфузли жамоат бирлашмаси Швециянинг Коррупцияга қарши кураш институтидир. Институт 1923 йилда ташкил этилган.

Швеция қонунчилиги пора олишни давлат секторидаги пора ва хусусий сектордаги пора сифатида ажратади. Швецияда давлат секторидаги порахўрлик оғирроқ жиноят ҳисобланади.

Швециядаги коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар учун санкциялар оғир эмас. Ушбу санкциялар дунёнинг кўплаб нуфузли мамлакатларидаги жиноят қонунчилигидан анча енгил ҳисобланади. Швеция давлат бошқарувидаги коррупцияга қарши курашнинг муваффақияти швед жамиятининг таълимидир.

Швецияда жамоатчилик назорати коррупцияга қарши курашда муҳим рол ўйнайди. Бунда оммавий ахборот воситаларининг ҳам ўрни катта, чунки улар шахснинг мавқеидан қатъий назар, дарҳол коррупциянинг барча ҳолатларини ошкор қилишади.

2003 йилда Швеция прокуратурасида коррупцияга қарши курашиш миллий тармоғи ташкил этилди ва 2012 йилда коррупцияга қарши курашиш миллий полиция тармоғи ташкил этилди.

Шу билан бир пайтда Швеция парламенти ва ҳукумати маъмурият ходимлари учун юқори ахлоқий стандартлар ўрнатди ва уларни ижро қилишга эришишга интила бошлади. атиги бир неча йилдан сўнг ҳалоллик бюрократия орасида ижтимоий меъёрга айланди. Юқори мансабдаги амалдорлар маоши дастлаб оддий ишчиларнинг иш ҳақидан 12-15 баравар катта бўлган, лекин вақт ўтиши билан бу фарқ икки бараваргача пасайган.<sup>38</sup> Ҳозирги кунда Швеция аввалгидек, дунё бўйича коррупция кўрсаткичи энг паст бўлган мамлакатлардан бири ҳисобланади.

Коррупцияга қарши курашнинг **финча** [СРІ (2020) – 85 балл (180 мамлакат ичида 3-ўрин), 1 илова] стратегиясига хос бўлган хусусият корпорация ҳақида махсус қонун йўқлиги ҳисобланади. Коррупция қаттиқ жиноят турларидан бири сифатида кўриб чиқилган ва қонунчилик, меъёрлар ва бошқа назорат тизимларининг барча даражаларида тартибга солинган. Амалдорларнинг пора олганлик учун нисбатан юмшоқ - жарима тўлашдан тўрт йил қамоқ жазосига ҳукм қилинишигача жазо белгиланиши Финляндияга хос бўлган хусусият ҳисобланади. Урушдан кейинги даврда илгари жуда юқори бўлган прохўрлик даражасининг кескин пасайиши рўй берди - 1945-1954 йилларда пора олганлик учун 549 киши жазоланган бўлса, 1980-1989 йилларда чиқарилган бундай ҳукмлар сони 81 тани, 1990-йилларда эса 38 тани ташкил қилди.<sup>39</sup> 1990-йиллардан бошлаб Финляндияда халқаро воситалар фойдаланила бошлади - 1997 йилги Коррупцияга қарши кураш ЕИ Конвенцияси, 1998 йилги порахўрликка қарши кураш ИХТТ Конвенцияси, Европа Кенгашининг коррупция билан боғлиқ бўлган жиноий ва фуқаролик ҳуқуқи бўйича конвенцияси, 2003 йил декабрда Мехикода қабул қилинган коррупцияга қарши БМТ Конвенцияси ратификация қилинди.

**Эстония** [СРІ (2020) - 75 (180 мамлакат ичида 17-ўрин), 1 илова]. Барча постсовет республикалари орасида Эстония СРІ бўйича Испания, Исроил ва Португалия каби давлатлардан олдинда, юқори кўрсаткичга эга.

Ушбу мамлакатда ислохотлар, жумладан Коррупцияга қарши ислохотлар бюджет сиёсатини ривожлантириш билан бошланди, бу давлатга ҳукумат барқарорлигини, иқтисодий ўсишни, паст фоиз ставкаларини, назорат қилинадиган инфляцияни ва хорижий инвеститсиялар оқимини таъминлашга имкон берди.

Эстонияда мақбул давлат тартибини яратиш учун маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга тегишли божхона тўловлари жорий этилди ва даромад солиғининг 26% “текис ставкаси” жорий этилди.

<sup>38</sup> Новости за 03.02.1999 // Polit.Ru

<sup>39</sup> <http://www.ieras.ru/pub/monografii/seu.pdf>

Бундай солиқ тизими хусусий ва корпоратив солиққа тортиш учун ягона солиқ ставкасидан фойдаланишни назарда тутди. Мисли кўрилмаган иқтисодий ўсиш дарҳол кузатилди, чунки солиқнинг прогрессив ставкасига асосланган солиқ тизимидан фарқли ўлароқ, “барқарор” солиқ одамларни кўпроқ ишлагани ва меҳнати учун “жазоламайди”.

Эстонияда турли хил ҳужжатларни расмийлаштириш учун тўловнинг муқобил усули сифатида, ҳукумат томонидан назорат қилинадиган Интернет-тўлов тизимини ривожлантириш дастури мансабдор шахслар томонидан фуқаролардан пора талаб қилиш имкониятини сезиларли даражада минималлаштиришга имкон берди. Чунки бу ҳолда шахсий алоқаларга эҳтиёж деярли йўқолади.

Бундан ташқари, давлат органларининг барча фаолияти ва давлат амалдорлари томонидан фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш жараёни мамлакатнинг ҳар бир фуқаросига ихтисослаштирилган электрон ахборот тизими – “Электрон ҳукумат” орқали тақдим этилади.<sup>40</sup> Бошқача қилиб айтганда, фуқаролар исталган вақтда ўз мурожаатлари бўйича ҳужжатларни кўриб чиқиш жараёнини кузатиши мумкин. Бундай онлайн бошқарув тизимининг вазифалари:

- давлат аппарати ишида ошкораликни таъминлаш;
- фуқароларнинг ишларини мансабдор шахслар томонидан орқага сурилиши ёки адолатсиз муносабатларни олдини олиш;
- маълум бир иш учун рухсатнома ёки санкция бериш масалалари Коррупция эҳтимоли юқори бўлган ҳолларда қандай ҳал қилинаётганлигини назорат қилиш ва бирон бир қонунбузарлик аниқланганда норозилик билдириш ҳуқуқини таъминлаш.<sup>41</sup>

Бундан ташқари, ҳокимият ва жамиятнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш ва Коррупциянинг пайдо бўлишига ёрдам берадиган муносабатларни истисно қилиш мақсадида мамлакат парламенти Фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини қабул қилди, унинг доирасида 2003 йилда парламент комиссияси 1999 йилда қабул қилинган Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунни амалиётга тадбиқ қилди.<sup>42</sup>

Айнан парламент комиссияси мамлакатнинг юқори мансабдор шахслари, шу жумладан парламент аъзолари, мамлакат президенти, ҳукумат аъзолари, судьялар ва бошқалар даромадлари тўғрисидаги декларацияларнинг “қўриқчиси” ҳисобланади ва тақдим этилган маълумотларнинг тўғрилигини текширади.

Комиссия парламентни ҳам, жамоатчиликни ҳам Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунни қўллаш самарадорлиги ва натижалари тўғрисида хабардор қилади, Коррупция билан боғлиқ шубҳаларни текширади. Агар Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик аломатлари аниқланса, комиссия материалларни тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига, хусусан, Коррупция билан боғлиқ жиноятларни очиш, тергов қилиш ва

<sup>40</sup> Зарев М. Асло секин эмас. *New Times*. 2009. № 16. 18-бет.

<sup>41</sup> Зарев М. Асло секин эмас. *New Times*. 2009. № 16. 18-19 бетлар

<sup>42</sup> Зарев М. Асло секин эмас. *New Times*. 2009. № 16. 19-бет.

уларнинг олдини олишга жалб қилинган терговчилар ва полиция ходимларидан иборат махсус органга юборади.<sup>43</sup>

Бундан ташқари, 24 соат давомида ишлайдиган телефон линияси мавжуд бўлиб, у ерда пора бериш ёки мансабдор шахснинг ўз лавозимидан суиистеъмол қилиш фактлари тўғрисида хабар беришингиз мумкин.

**Нидерландия** [CPI (2020) – 82 балл (180 мамлакат ичида 8-ўрин), 1 илова]. Нидерландиялик мутахассисларнинг фикрига кўра, ушбу давлатда *асосий Коррупция* тури (мансабдор шахсларнинг фуқаролардан пора олиши) деярли чиқариб ташланган. Бунинг сабаби шундаки, жамоатчилик онгида амалдорнинг обрўли образи муҳим функцияни бажарадиган - давлат сиёсатини олиб борадиган ва аҳолига хизмат қиладиган шахс сифатида шаклландир. Шунинг учун унинг асосий вазифаси маълум бир шахсга эмас, балки давлатга содиқликни сақлашдир.

Ушбу мамлакатда Коррупцияга қарши кураш давлат ва фуқаролик жамиятининг қуйидаги чора-тадбирларга асосланган бўлиб, улар ҳам Коррупцияни рағбатлантирувчи шароитларни, ҳам шахсни Коррупциявий хатти-ҳаракатларни амалга ошириш имкониятларини минималлаштириш ёки йўқ қилишга асосланган:

1. Коррупцияни аниқлаш ва унинг оқибатларини муҳокама қилиш, яъни Коррупциявий ҳаракатларга нисбатан жазо чоралари тўғрисида доимий равишда хабар бериш ва ошкоралик. Ҳар йили ушбу мамлакат Ички ишлар вазири Парламентга Коррупция аниқланган ҳолатлар ва Коррупцияга алоқадорларни жазолаш чоралари тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

2. Коррупцияга йўл қўйилиши мумкин бўлган давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятини мониторинг қилиш тизимини ишлаб чиқиш ва ушбу органлар ходимлари фаолиятини қатъий назорат қилиш.

3. Мансабдорларнинг хизмат ахлоқ қоидаларини бузганлик, шу жумладан Коррупция учун жавобгарлигини кўрсатадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлари тизимини яратиш. Ушбу тизим қоидалар бузилган ҳолатлардаги хулқ-атвор билан боғлиқ чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олади.

4. Коррупциявий хатти-ҳаракатлар учун асосий жазо жамоат ташкилотларида ишлашни тақиқлаш ва давлат хизмати томонидан тақдим этиладиган барча ижтимоий нафақаларнинг бекор қилинишидир (масалан, пенсия ва ижтимоий хизматлар). Жазо қўлами, шунингдек жарималарни ва субъектларнинг ишлаш фаолиятини вақтинчалик тўхтатишни ўз ичига олади.

5. Барча муҳим ташкилотларда, хусусан вазирликларда ички хавфсизлик хизматлари мавжуд бўлиб, улар мансабдор шахсларнинг хатоларини, уларнинг амалдаги қоидаларни қасддан ёки тасодифан бузганликларини ва бундай ҳуқуқбузарликларнинг тегишли оқибатларини рўйхатдан ўтказиши ва аниқлаши шарт. Давлат идоралари мансабдор шахсларнинг ижобий ҳаракатларини рағбатлантиришга интилади. Бундай рағбатлантириш тизими мансабдор шахс учун ўзини ҳалол тутишнинг моддий ва маънавий жиҳатдан фойдалилигини тарғиб қилишга қаратилган.

<sup>43</sup> Зарев М. Асло секин эмас. *New Times*. 2009. № 16. 19-20 бетлар.



6. Коррупция нуқтаи назаридан хавфли бўлган лавозимларга масъулиятли шахсларни танлаш тизими ташкил этилди.

7. Коррупцияга оид барча материаллар, агар улар миллий хавфсизлик тизимига таъсир қилмаса, мажбурий равишда жамоатчиликка тақдим этилади.

8. Ҳар бир мансабдор шахс ўзини ижобий ва салбий томондан тавсифловчи маълумотлар билан танишишга ҳақлидир.

9. Мансабдор шахслар учун Коррупциянинг сиёсий-ижтимоий зарари ва унинг оқибатларини тушунтириб берадиган махсус ўқув тизими яратилди.

10. Коррупция ҳолатларини аниқлаш бўйича катта ваколатларга эга бўлган Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат хавфсизлиги тизими яратилди.

11. Барча даражадаги мансабдор шахслар ўзларига маълум бўлган Коррупция ҳолатларини рўйхатдан ўтказишлари шарт; ушбу турдаги маълумотлар тегишли каналлар орқали ички ишлар ва адлия вазирликларига узатилади.

12. Коррупцияга қарши курашишда оммавий ахборот воситалари муҳим рол ўйнайди, улар Коррупция ҳолатларини эълон қилади ва кўпинча мустақил тергов олиб боради.<sup>44</sup>

Коррупция нуқтаи назаридан энг “тоза” мамлакатларни кўриб чиқиб, уларнинг барчаси демократик ва ҳуқуқий давлатлар эканлигини таъкидлашимиз мумкин. Албатта, демократик режим Коррупцияни батамом йўқ қилишга кафолат бермайди, аммо барибир унга қарши курашиш учун диктатура ва репрессиялардан кўра кўпроқ имкониятлар яратади.

### **Назорат саволлари:**

1. Коррупция даражаси паст бўлган ривожланган давлатларнинг коррупцияга қарши кураш тажрибаси..

2. Собиқ совет иттифоқи давлатларида коррупция даражаси. Ривожланган Шарқ мамлакатларининг коррупцияга қарши курашиш..

3. Коррупцияга қарши кураш бўйича халқаро рейтинг агенликлари ва уларнинг фаолият меъзонлари.

4. Коррупцияга қарши кураш бўйича АҚШ тажрибасининг ўзига хослиги номада?

5. Қандай сабабларга кўра Канада давлатида коррупция даражаси паст?

6. Коррупцияга қарши курашда Франция фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг асосий йўналишлари.

7. Германияда ОАВларининг коррупцияга қарши курашдаги фаолияти.

8. Финландияда коррупцияга қарши курашнинг асосий йўналишлари.

9. Эстониянинг коррупцияга қарши кураш тажрибаси.

10. Грузиянинг коррупцияга қарши курашда ўзига хослиги.

---

<sup>44</sup> Дунёдаги коррупция ва унга қарши курашнинг халқаро стратегияси / эд. В.А.Номоконов. Владивосток, 2004 й. 106

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгилашни сари / Муаллифлар жамоаси. Т.: Ғафур Ғулом. 2017.
2. Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очиқ фуқаролик жамиятининг шаклланиши. –Т.: Шарқ, 2003.
3. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
4. Жалилов А. бошқалар. Фуқаролик жамияти асослари. – Т.: Vaktoria press, 2015.
5. Фуқаролик жамияти. Дарслик лойиҳаси– Т.: 2016. Ziyonet.uz. Муаллифлар жамоаси. <http://library.ziyonet.uz/uz/book/32900>
6. Утамурадов А. ва бошқалар. Фуқаролик жамияти фанидан тушунча ва атамалар луғати. Лотин ёзувида. Т.: Турон-замин-зиё. 2017. 23 б.т.
7. Утамурадов А, Қирғизбоев М, Хожиев Т. Фуқаролик жамияти / Ўқув кўлланима. Лотин алифбосида. – Т.: Мумтоз сўз. 2018. 395 бет.
8. А.Утамурадов. Фуқаролик жамияти ғоялари эволюцияси. –Т., “Адабиёт учкунлари”, 2018. Б.193.

#### 4-мавзу: Коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш: фуқаролик жамияти тараққиёти кафолати.

##### *РЕЖА:*

- 3.1. Коррупцияга қарши курашда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни.
- 3.2. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан коррупциявий жиноятлар учун жавобгарлик чоралари.
- 3.3. Коррупцияга қарши курашувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва тизими.

**Таянч иборалар:** Коррупцияга қарши курашда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан коррупциявий жиноятлар учун жавобгарлик чоралари. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги асосий вазифаси ва йўналишлари. Ўзбекистон Республикасида коррупцияга сабаб бўладиган омиллар ва уларни олдини олиш чора-тадбирлари. Коррупцияга қарши курашувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва тизими.

Осиё давлатларида коррупцияга қарши курашда **Сингапур, Япония, Хитой** катта тажрибага эга давлатлар ҳисобланиб, бу мамлакатлар тамонидан ишлаб чиқилган институционал тизимда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши кураш назарияси ва амалиётига тегишли айрим мисолларни кўриб чиқамиз.

**Сингапур** [CPI (2020) – 85 балл (180 мамлакат ичида 3-ўрин), 1 илова].

Коррупцияга қарши курашнинг сингапурча стратегияси қаттиққўллик ва изчиллик билан ажралиб туради ва «коррупция устидан назорат мантиқи»га асосланади: «коррупцияни таг томири билан йўқ қилишга қаратилган ҳаракатлар шахснинг порахўрлик билан боғлиқ ҳаракатлар амалга оширишга мойиллик имкониятини ҳам, стимулини ҳам яратадиган шарт-шаротиларни минимал қилиш ёки истисно қилишга интилишига асосланган бўлиши лозим».<sup>45</sup>

Мустақилликни қўлган киритган 1965 йилда Сингапур коррупция даражаси жуда юқори бўлган мамлакат ҳисобланарди. Коррупцияни пасайтириш тактикаси бир қатор вертикал чора-тадбирларга: амалдорлар ҳаракатларини тартибга солишга, бюрократик жараёнларни соддалаштиришга, юқори одоб-ахлоқ стандартларига риоя қилиниши устидан қаттиқ назоратга асосланган. Унинг марказий бўғинига айланган коррупция ҳолатларини тергов қилиш бўйича мустақил Бюрога фуқаролар давлат хизматчилари устидан арз қилиш ва етказилган зиённи қоплашни талаб қилиб мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган. Шу билан бир пайтда қонунчилик талаблари кучайтирилди, суд тизими мустақиллиги оширилди (юқори иш ҳақи ва имтиёзли мақом берилган ҳолда), пора берганлик ёки коррупцияга қарши тергов ишларида иштирок этишдан бош тортганлик учун иқтисодий жарима чоралари жорий қилинди, шунингдек, божхона ходимлари ва бошқа давлат хизматчиларига нисбатан ёппасига ишдан бўшатишга қадар бўлган қаттиқ чоралар кўрилди. Бу иқтисодий қайта тартибга солиш, амалдорлар иш ҳақини ошириш ва юқори малакали маъмурият кадрлари тайёрлаш билан уйғунлашди.

Сингапур давлати коррупцияга қарши сиёсатининг асосий ғояси «инсонни коррупцияга ундайдиган ҳолатларни бартараф қилиш»дан иборат. Бунга бир қатор тамойиллар орқали эришилади:

1) давлат хизматчиларининг иш ҳақини хусусий секторда муваффақиятли ишлаётган шахсларнинг ўртача ойлик иш ҳақи билан тенглаштириш;

2) давлат органлари мансабдорларининг мулки, активлари ва қарзлари бўйича йиллик ҳисоботларини назорат қилиш. Хусусан, прокурор коррупцияга қарши қонунчиликни бузганликда гумон қилинган шахсларнинг ҳар қандай банк ҳисоб рақамларини, акцияларини текширишга ҳақли;

3) юқори лавозимдаги мансабдорларнинг маънавий юксаклигини таъминлаш;

4) иқтисодий ривожланишда дуч келинадиган маъмурий тўсиқларни бартараф этиш.

Ҳозирги пайтда Сингапур коррупция йўқлиги, иқтисодий эркинлик ва тараққиёт борасида дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди.

Ушбу давлатда Коррупцияга қарши кураш хали ҳануз давом этмоқда. Коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи, сиёсий ва функционал мустақилликка эга бўлган ихтисослашган орган - *Коррупция*

<sup>45</sup> ВЦИОП — Сингапурская стратегия борьбы с коррупцией

ишлари тергов бюроси мавжудлиги бунинг яққол далилидир. Ушбу мустақил органнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Сингапур иқтисодиётининг давлат ва хусусий секторларидаги Коррупция ҳолатларини текшириш ва уларга чек қўйиш;
- давлат хизматчилари ўртасида ўз мансабини суиистеъмол қилиш ҳолатларини текшириш ва бу ҳақда тегишли органларга хабар бериш;
- зарур бўлган интизомий чораларни кўриш;
- бошқарув тизимидаги мавжуд заиф томонларни аниқлаш учун Коррупцияга учраган давлат органларининг иш услубларини ўрганиш. Коррупция ва мансабни суиистеъмол қилишга олиб келадиган ҳолатлар аниқланса, Бюро ушбу бўлимлар раҳбарларига тегишли чоралар кўрилишини таъминлайди.

Коррупций ишлари тергов бюроси раҳбари лавозимини Бош вазир олдида бевосита масъул бўлган директор эгаллайди. Шундай қилиб, бошқа бирон бир вазир терговни тўхтата олмайди, ёки унга қандайдир тарзда таъсир ўтказа олмайди.

Сингапурда Коррупцияга қарши кураш қуйидаги тамойилларга асосланади:

1. Иккала томонга, яъни пора берганга ҳам, пора олганга ҳам чора кўрилиши керак;
2. Коррупция нафақат маъмурий ёки жиноий жавобгарлик, балки оммавий танқид билан ҳам жазоланиши керак;
3. Давлат мажбуриятлари ва шахсий манфаатлар ўртасидаги аниқ чегарани белгилаш;
4. Қонун устуворлигини мустаҳкамлаш;
5. Ҳокимиятда аниқ ва қатъий ишлаш методларини ўрнатиш ва қарор топтириш орқали Коррупцияни максимал даражада йўқ қилиш;
6. Коррупцияга қарши курашда, лидерлар ўз ахлоқий авторитетини, обрўсини сақлаб қолиш учун ўзларининг намунали хулқ-атворини энг максимал даражада намойиш этишлари керак;
7. Мансабдор шахсларни тайинлашда оилавий алоқалар ёки сиёсий ҳомийлик эмас, балки шахсий ва касбий қобилиятларнинг инобатга олиниш кафолатларининг мавжудлиги;
8. Давлат хизматчиларининг муносиб маош билан таъминланиши, Коррупциявий хатти-ҳаракатларни камайтиришга хизмат қилади;
9. Коррупцияга қарши курашда, самарали ва ҳаққонийлик принципларига биноан ишловчи орган ташкил этиш ва бошқариш, шунингдек, Коррупция ҳодисалари тўғрисида хабар берган шахсларни ҳимоя қилиш;
10. Кераксиз маъмурий тўсиқларни йўқ қилиш. Масалан, ҳужжатлар учун зарур бўлган имзо сонини минималлаштириш;
11. Давлат амалдорларининг ўз даромад манбалари тўғрисида мажбурий ҳисоботларини эълон қилиш.

Сингапурда ҳар йили давлат хизматчиларидан ўз мол-мулки ва қарзларини декларация қилиш учун махсус формани (бланкани)

тўлдиришлари талаб қилинади. Агар улар қўшимча маблағларни қаердан олганликларини тушунтириб бера олмасалар, бу маблағларнинг манбайини Коррупция деб тахмин қилинади. Кейин тегишли текширув ўтказилади. Прокурор Коррупциянинг олдини олиш тўғрисидаги қонунни бузганликда гумон қилинган шахсларнинг ҳар қандай банк, акциялар ва ҳисоб-китоб ҳисобварақларини текширишга ҳақли.

Сингапур ҳукумати томонидан қоникарсиз молиявий сиёсатни назорат қилиш бўйича кўрилган чоралар: ҳукумат сиёсатини ўзгартиришга таъсир қилувчи кучларни сотиб олишга имкон бермайдиган қатъий қоидаларни жорий этиш (масалан, сайловолди ташвиқотида сарфланадиган маблағларнинг қатъий чекланиши, хайрия маблағларини айрим вазирларга ёки парламент аъзоларига эмас, фақат сиёсий партияларга бериш кабилар) алоҳида қизиқиш уйғотмоқда.

Бундан ташқари, 1973-йил июлдан бошлаб Сингапур Молия вазирлиги Коррупцияга қарши курашиш бўйича махсус дастурни амалга оширмоқда, унга қуйидаги тадбирлар киритилган:

- сусткашликни бартараф этиш мақсадида фуқаролар ва ташкилотлар билан ўзаро алоқалар тартибини такомиллаштириш;
- юқори мансабдор шахсларнинг қуйи лавозимли мансабдор шахслар устидан назоратининг шаффофлигини таъминлаш;
- барқарор Коррупция алоқаларининг шаклланишига йўл қўймаслик учун мансабдор шахсларнинг ротациясини жорий этиш;
- кутилмаган текширувлар ўтказиш;
- Коррупция мақсадида ишлатилиши мумкин бўлган муҳим маълумотларнинг тарқалишини олдини олиш учун махфийликни таъминлаш;
- ҳар 3-5 йилда Коррупцияга қарши чоралар комплексини кўриб чиқиш тартибини жорий этиш.<sup>46</sup>

Барчамизга маълум, **Япония** [СРІ (2020) – 74 балл (180 мамлакат ичида 19-ўрин), 1 илова] иқтисодий ривожланиш даражаси юқори бўлган мамлакат бўлиб, унинг коррупцияга қарши сиёсати давлат бошқаруви тизимида ушбу салбий иллатга қарши механизмларни такомиллаштириш йўлларини топишга асосланган.

Коррупцияга қарши курашишда Японияда таълим-тарбия жараёни муҳим роль ўйнайди, япон тилида коррупция сўзи “ифлос иш” деб таржима қилинади. Агар японлар коррупцияда айбланадиган бўлса, нафақат айбдор шахс, балки унинг бутун оиласига тушадиган энг катта шармандалик ҳисобланади.

Қадим замонлардан бери Японияда шахсий манфаатларни қурбон қилиш қобилятини умумий манфаатларга қурбонлик сифатида қадрланган. Кунчиқар юрт Конституцияси талабларига кўра, ҳокимият органларининг барча мансабдор шахслари бутун жамиятнинг хизматчилари ҳисобланади ҳамда шахсий манфаатлардан юз ўгириш - бу амалдорларнинг йўлидир. Бугунги кунда Япониянинг ҳуқуқий сиёсати, жиноий қонунчилиги ва

<sup>46</sup> Дунёдаги коррупция ва унга қарши курашнинг халқаро стратегияси/В.А.Номо-Конова. Владивосток, 2004. 93-94 бетлар. (<http://www.indem.ru/corrupt/whoww/index.htm>)



жиноятчиликка қарши кураш тизимининг самараси ўлароқ ушбу мамлакат узоқ вақтдан бери дунёдаги энг хавфсиз давлатлардан бири ҳисобланади.

Япония Жиноят кодексига мувофиқ пора олиш, талаб қилиш ёки олдиндан олиш учун хавфлилик даражасига қараб турли муддатларга мажбурий жисмоний меҳнатга жалб қилинган ҳолда озодликдан маҳрум этиш жазоси қўлланилади. Кодексда нафақат мансабдор шахс томонидан пора олиш, балки учинчи томонга бериш, воситачилик учун пора олганлик учун ҳам жиноий жавобгарлик кўзда тутилган.

Японияда сиёсатчилар ва ходимларнинг ўз хизмат мажбуриятларини бажаришда уларнинг ахлоқий хатти-ҳаракатларига катта эътибор берилади. Жумладан, “Парламент тўғрисида”ги қонунда “касбий этика” бобининг мавжудлигини ёки “Давлат хизматчиларининг этикаси тўғрисида”ги қонун амал қилаётганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Унда ходимларнинг ахлоқ қоидалари, касбий фаолияти билан боғлиқ ҳолда совғалар олишга ва кўрсатилган хизматлар натижаларини қабул қилишга тақиқ ва чекловлар мавжуд бўлиб, ушбу қоидалар ва меъёрларга риоя этилиши устидан назорат қилишнинг қатъий тартиби белгиланган.

Японияда коррупция билан боғлиқ барча материаллар, агар улар миллий хавфсизлик тизимига таъсир қилмаса, кенг жамоатчилик учун очиқ ҳисобланади. Бундан ташқари, ушбу давлатда давлат ҳокимияти органларининг аҳолига ҳисобот бериш амалиёти самарали йўлга қўйилган.

Шунингдек, коррупция билан боғлиқ ишларни кенг оммага етказиб бориш мақсадида 2001 йилда Японияда ахборотни ошкор қилиш тартибини назарда тутувчи қонун қабул қилинган.

Ушбу ҳужжат фуқароларга давлат органлари томонидан сақланадиган маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқини, шу билан бирга агар ҳукумат муайян маълумотларни ошкор қилмаслик тўғрисида қарор қабул қилган бўлса, у ҳолда маълумотларнинг ошкор этилишини назорат қилиш кенгашига мурожаат қилиш имкониятини кафолатлайди.

Бундан ташқари, агар мансабдор шахслар коррупция нуқтаи назаридан бирон нарсани яширишса ва фуқаро амалдорни обрўсизлантирадиган нарсани билса, у ҳукуматдан обрўсизлантирувчи фактларни ошкор қилишни талаб қилишга ҳақли.

Шундай қилиб, давлат хизматчилари ўртасида коррупцион ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган кенг кўламли чоралар кенг жамоатчиликнинг босими ҳамда самарали жамоат назоратининг амал қилаётганлиги боис ҳам ушбу салбий иллатга ўзининг натижасини бермоқда.

Кадрлар сиёсати Японияда коррупцияга қарши кураш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирларнинг асосий йўналишларидан биридир.

Катта табиий ресурсларга эга бўлмаган ушбу Осиё мамлакати кўп жиҳатдан самарали кадрлар сиёсатининг амалга оширилаётганлиги туфайли инновацион технологик тараққиётга эришмоқда.

Кадрлар сиёсатининг адолатли олиб бориш ва ходимлар манфаатларини ҳимоя қилиш вазифаси парламент палаталари розилиги

билан Ҳукумат раҳбари томонидан ташкил этиладиган кадрлар масалалари бўйича кенгаш зиммасига юклатилган.

Мазкур кенгаш ҳар йили парламентга ва ҳукуматга маошнинг миллий тенденциялари тўғрисида ҳисобот беради. Хусусий секторда иш ҳақининг сезиларли даражада ошиши аниқланганда, Кенгаш давлат хизматчиларининг иш ҳақи миқдорига ҳам тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақида тавсияларни ишлаб чиқади ва кўриб чиқиш учун парламентга тақдим этади.

Японияда ёш авлодда маънавий-ахлоқий фазилатларни тарбиялашга катта эътибор берилмоқда. Тўрт ёшли болаларга яхшиликни ёмондан ажратишга, оптимист бўлишга ўргатилади.

Анъанага кўра, япон мактабларида кўпроқ тарбияга эътибор қаратилади. Жумладан, бошланғич ва қуйи ўрта мактабларининг ўқув дастурларида “дотоку кеику” - ахлоқий тарбия каби махсус фанлар ҳам мавжуддир.

Шубҳасиз, кунчиқар юрт ноёб ва замонавий демократик, иқтисодиёти ривожланган мамлакатдир.

Хулоса қилиб айтганда, Японияда коррупцияга қарши курашишнинг устувор йўналишлари сифатида ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, давлат хизматини ислоҳ қилиш (муносиб иш ҳақи, рағбатлантириш тизими, меритократия принципи), фуқаролик ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтлари томонидан ижтимоий-ҳуқуқий назорат ва сиёсатчиларга маънавий таъсир кўрсатиш тизимининг амал қилаётганлигини ҳамда бу борада ижобий тажрибалар мавжудлигини эътироф этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

**Хитой** [СРІ (2020) - 42 (180 мамлакат ичида 78-ўрин), 1 илова]. Коррупцияга йўл қўйган амалдорларни тез-тез, ҳатто миллий телевидение орқали нишонга олишларига қарамай, Хитой Коррупцияга қарши курашиш бўйича яхши тизимни яратишда омадли чиқмади.

Бунинг сабаби шундаки, репрессив чоралар, гўёки самарали кўринса-да, керакли натижани бера олмайди. Шубҳасиз, порахўр амалдорларнинг бир неча фоизи камаяди (ўлим жазосидан қўрқиш сабабли), лекин умуман олганда бу фақат пора миқдорининг кўпайишига олиб келади (хавфни оширганлиги учун тўлов).

Бундан ташқари, бундай чоралар, одатда, кимни қатл этиш ва кимни афв этиш тўғрисида қарор қабул қилиш монопол ҳуқуқини олган “бюрократия корпоратсияларидан” бири - ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг кескин кучайишига олиб келади.

Мутахассислар Хитойнинг Коррупцияга қарши курашдаги муваффақиятсизлигини сиёсий тизим, Коммунистик партиянинг кўплаб иқтисодий хатолари, шунингдек мамлакатда бюрократия мавжудлигининг минг йиллик анъаналари билан боғлашади.

Шунга қарамай, Хитойнинг “уруш стратегияси” деб номланган Коррупцияга қарши кураш тажрибаси бизда қизиқиш уйғотмоқда.

Ушбу стратегиянинг бошланиши 1951-йил декабрда, “учтага қарши” (Коррупцияга, бюрократия ва чиқиндиларга қарши) деб номланган дастурдан

бошланади. Уни амалга ошириш доирасида Коррупция тўғрисидаги ишларни кўриб чиқадиган махсус халқ судлари ташкил этилди ва унга қарши курашиш учун аниқ чоралар кўрилди: ҳар бир фуқаро, жиноий жазо таҳдиди остида, маълум бўлган Коррупция ишлари тўғрисида хабар беришга мажбур бўлди.<sup>47</sup>

1965-йилда яқунланган стратегиянинг натижалари ҳайратланарли эди: рўйхатдан ўтган Коррупция ҳолатлари сони 500 мингдан 180 мингга тушди.

Хитойда ушбу Коррупцияга қарши кураш дастурининг афзалликлари қаторида қуйидагиларни таъкидлаш лозим:

1. Коррупцияга қарши курашиш масаласи ишлаб чиқилади ва кун тартибига қўйилди, бу унга қарши муваффақиятли курашишнинг биринчи қадами сифатида тан олинishi мумкин, чунки Коррупция борлиги ҳақидаги фактнинг ўзи тан олинди. Кўриниб турибдики, Коррупция мавзуси маъмурий ёки маданий жиҳатдан тақиқланган жамиятларда унга қарши курашиш деярли мумкин эмас.

2. Натижаларга тез эришиш. Репрессив чоралар табиатан оммавийдир, чунки уларнинг натижалари кўплаб одамларга таъсир қилади, уларни ҳисоблаш осон, сиёсий реклама учун ишлатилиши мумкин, тезда оммага етиб боради ва узоқ вақт эсда қолади.<sup>48</sup>

“Уруш стратегиясининг” камчиликлари ҳам унчалик жиддий эмас:

1. Ушбу Коррупцияга қарши дастур давлат томонидан назоратни кучайтиришга асосланган жазолаш хусусиятига эга бўлиб, бу ўз навбатида тоталитар мамлакатларда Коррупциянинг гуллаб-яшнашининг сабабларидан биридир.

2. Коррупцияга қарши курашиш ва профилактика объекти коррупционер мансабдор шахс қаратилади, яъни ушбу ижтимоий салбий ҳодисанинг ўзига эмас.<sup>49</sup>

“Уруш стратегиясидан” фойдаланиш демократия тамойилларига мутлақо мос келмайдиган шартларга риоя қилишни талаб қилади, чунки уни амалга ошириш учун тез-тез тергов ҳаракатларини амалга оширишда, шунингдек жазо тайинлашда инсон ҳуқуқларини бузиш керак бўлади (масалан, инсоннинг яшаш ҳуқуқи).

Хитойдаги Коррупцияга қарши курашнинг навбатдаги муҳим қадамини партия Марказий қўмитаси томонидан 1982-йилда бошланган янги кампания деб ҳисоблаш мумкин.

Ушбу кампаниянинг ривожланишига Коррупциясининг кескин кўпайиши тўсқинлик қилди. Бу, авваламбор, мансабдор шахсларнинг Коррупцияга қарши кампанияларга қарши “антителалари” ишлаб чиққани ва барқарор коалитсиялар тузиб, улар доирасида бир-бирларини “ёпиб қўйганликлари” билан боғлиқ.

<sup>47</sup> Дунёдаги коррупция ва унга қарши курашнинг халқаро стратегияси/В.А.Номоконова. Владивосток, 2004. 93-94 бетлар.

<sup>48</sup> Дунёдаги коррупция ва унга қарши курашнинг халқаро стратегияси/В.А.Номоконова. Владивосток, 2004. 93-94 бетлар.

<sup>49</sup> Дунёдаги коррупция ва унга қарши курашнинг халқаро стратегияси/В.А.Номоконова. Владивосток, 2004. 93-94 бетлар.

Давлат бунга қарши назорат органларини қайта тузиш ва жиноят кодексини тўлдирувчи махсус қонунларни қабул қилиш ва Коррупциявий муносабатларни чеклаш учун янада жиддий жазоларни тайинлаш орқали қарши чиқди.

Шунга қарамай, ушбу кампания натижалари жуда оддий эди. Бунинг асосий изоҳи мансабдор шахслар назорат қилувчи органларнинг ташрифини кутиб, “ҳужум ва мудофаа иттифоқлари” тузган деган тахминдир. Масалан, мансабдор шахслардан бири “юқорига” юборган Коррупция амалиётларини унинг бошлиғи ёки бошқа Коррупциячи амалдорларнинг коалитсияси олиб турди.<sup>50</sup> Ўз навбатида, 2007-йилда Интизомни текшириш бўйича марказий комиссия ўз ихтиёри билан Коррупцияни тан олган мансабдор шахсларга нисбатан “юмшоқлик” кўрсатадиган фармон чиқарди. Натижа барча кутилган натижалардан ошиб кетди: атиги бир ой ичида 1790 киши айбни тан олиш учун келиб, 10,2 миллион долларни давлатга қайтариб беришди. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Коррупцияга қарши курашишнинг энг самарали усулларида бири бу барча давлат органларида кадрлар алмашинувидир. Хитойда ушбу профилактика чораси, аксарият ҳолларда, вилоят ва шаҳар партия кўмиталари котиблари томонидан илгари бошлиқ бўлган вилоят интизом комиссиялари раҳбарларини алмаштиришда ўз аксини топди.

### **Назорат саволлари:**

1. Коррупцияга қарши курашда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни.
2. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан коррупциявий жиноятлар учун жавобгарлик чоралари.
3. Коррупцияга қарши курашувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва тизими.
4. Сингапурда Коррупцияга қарши кураш қандай тамойилларга асосланади?
5. Коррупцияга қарши курашда Хитойнинг ўзига хослиги қандай омиллар билан асосланади?
6. «Инсонни коррупцияга ундайдиган ҳолатларни бартараф қилиш» тамойили қайси давлатда кенг тадбиқ этилган.
7. “Уруш стратегиясидан” фойдаланиш қайси давлат амалиётида фойдаланилган.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари / Муаллифлар жамоаси. Т.: Ғафур Ғулом. 2017.
2. Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. –Т.: Шарқ, 2003.

<sup>50</sup> Дунёдаги коррупция ва унга қарши курашнинг халқаро стратегияси/В.А.Номоконова. Владивосток, 2004. 93-94 бетлар.

3. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
4. Жалилов А. бошқалар. Фуқаролик жамияти асослари. – Т.: Baktria press, 2015.
5. Фуқаролик жамияти. Дарслик лойиҳаси– Т.: 2016. Ziyonet.uz. Муаллифлар жамоаси. <http://library.ziyonet.uz/uz/book/32900>
6. Утамурадов А. ва бошқалар. Фуқаролик жамияти фанидан тушунча ва атамалар луғати. Лотин ёзувида. Т.: Турон-замин-зиё. 2017. 23 б.т.
7. Утамурадов А, Қирғизбоев М, Хожиев Т. Фуқаролик жамияти / Ўқув қўлланма. Лотин алифбосида. – Т.: Мумтоз сўз. 2018. 395 бет.
8. А.Утамурадов. Фуқаролик жамияти ғоялари эволюцияси. –Т., “Адабиёт учкунлари”, 2018. Б.193.

1.

#### **IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

##### **1–амалий машғулот: Коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш: фуқаролик жамияти тараққиёти кафолати.. (2 соат)**

###### ***РЕЖА:***

1. Коррупцияга қарши курашда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни.
2. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан коррупциявий жиноятлар учун жавобгарлик чоралари.
3. Коррупцияга қарши курашувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва тизими.

**Таянч иборалар:** Коррупцияга қарши курашда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан коррупциявий жиноятлар учун жавобгарлик чоралари. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги асосий вазифаси ва йўналишлари. Ўзбекистон Республикасида коррупцияга сабаб бўладиган омиллар ва уларни олдини олиш чора-тадбирлари. Коррупцияга қарши курашувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва тизими.

Дунёда ХХI аср бошларига келиб ҳам коррупцияга барҳам бериш масалалари ҳад этилгани йўқ. БМТ маълумотларига кўра дунёда берилган пора ҳажми кейинги уч йил ичида йилига ўртача 1 трл. АҚШ долларини ташкил этмоқда. Россия Федерацияси адлия вазирлиги ҳисобига кўра коррупция Россияни 20 фоиз ялпи ички маҳсулотдан махрум қилиб, у йилига 16 трлн. рублни ташкил этмоқда. Ривожланган давлатларда ҳам коррупцияни камайтиришда ҳал этилмаган муаммолар мавжуд. Ўзбекистонда ҳам мустақиллик даврида коррупцияга берилган мансабдорлар хатти-ҳаркати тўлиқ барҳам беришнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари ўз тақомилига етказилмади.

Президент Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини



ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да мамлакатда коррупцияга қарши курашни самарали ташкил этиш бўйича вазифалар қўйилди. Унинг 2-йўналиши қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш вазифаларини ўз ичига олиб, унинг 4-бандида жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш вазифалари қўйилди. Хусусан унда коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирларининг самарадорлигини ошириш тизимини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди..

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 24 июлда қабул қилинган “Қонунчилик ижросини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси таркибида Қонунчилик ижроси устидан назорат бош бошқармаси ташкил этилиши прокуратура органларининг коррупцияга қарши кураш ва назорат фаолияти кучайишининг муҳим омилига айланди. 2014-2017 йилларда қонунлар ижроси бўйича ўтказилган 17 мингдан ортиқ текширув якунларига кўра прокуратура органлари томонидан 115228 та прокурор назорати ҳужжати қўлланилди, 87094 нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Давлат органларининг қонун ҳужжатларига зид бўлган 19578 та ҳужжати устидан арз қилинди. Натижада кейинчалик ушбу ҳужжатлар бекор қилинди ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолга келтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майда қабул қилинган “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонининг қоидаларини сўзсиз ижро этишга прокуратура органлари томонидан алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур фармон, унга мувофиқ қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни сўнгги йилларда мазкур соҳада қабул қилинган энг муҳим норматив ҳужжатлар бўлиб қолмоқда. Ушбу қонун ҳужжатлари тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, бизнес олиб боришни ташкил этиш, назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари билан ҳамкорлик қилиш билан боғлиқ мазкур субъектлар фаолиятининг деярли барча жиҳатларига тааллуқлидир.

Ушбу қонун ҳужжатларининг қоидаларини амалга ошириш мақсадида прокуратура органлари томонидан тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг сўзсиз ижро этилишиустидан назоратни кучайтиришга, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузганлик учун назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва ваколатли давлат органлари мансабдор шахслари жавобгарлигининг муқаррарлигини таъминлашга қаратилган комплекс, тизимли чора-тадбирлар кўрилмоқда ҳамда рўёбга чиқарилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майда қабул қилинган фармонини ижро этиш мақсадида Бош прокуратура ҳузурида фуқароларнинг, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини кечаю кундуз қабул қиладиган электрон тизим яратилди ва самарали фаолият кўрсатмоқда. Мурожаатларни кўриб чиқиш тезлигини таъминлаш мақсадида ушбу тизимга 34 та идора, прокуратура органларининг вилоят ва туман бўлинмалари уланди. Ҳар бир мурожаатнинг ўз вақтида кўриб чиқилиши он-лайн режимда назорат қилинмоқда.

Бош прокуратуранинг мурожаатларни кечаю кундуз қабул қилувчи маркази ташкил этилганидан буён (2015 йил 1 июль) марказ телефонларига 19 мингдан зиёд мурожаат келиб тушди. Улар бўйича прокурор томонидан тегишли чора-тадбирлар кўрилди. Ҳисобот даврида прокуратура органлари томонидан деярли 16 минг нафар тадбиркорлик субъектининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан уларга амалий ёрдам кўрсатилди. Тадбиркорларни ҳимоя қилишга қаратилган назорат тадбирлари натижасида уларнинг фойдасига 13 миллиард сўм ундириш тўғрисида судларга 764 та ариза киритилди, 6220 нафар тадбиркорнинг ҳуқуқлари тикланди. Муҳокама чоғида қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг меҳнат, ижтимоий таъминот, соғлиқни сақлаш, таълим соҳасидаги ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича прокуратура органлари фаолиятининг самарадорлигини янада оширишга доир таклиф ҳамда тавсиялар билдирилди<sup>51</sup>.

2016 йилнинг сўнгги чорагидан бошлаб мамлакатда коррупцияга барҳам бериш соҳасида катта ишлар амалга оширилди. 2017 йил 2 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори мамлакатда коррупцияга барҳам бериш ва унга қарши курашда муҳим аҳамият касб этди. Қарорга асосан “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон

<sup>51</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 4-ялпи мажли 2015,5 декабрь. № 235 (6418).

Республикаси Қонуни қоидаларининг самарали ижросини таъминлаш, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш мақсадида “2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастури тасдиқланди, Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ташкил этилди. Бу комиссиянинг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланди:

-коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларининг ва бошқа дастурларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш;

-коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва ҳамкорлигини таъминлаш;

-аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга доир чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш;

-коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, уларни аниқлашга, уларга чек қўйишга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир чора-тадбирлар самарадорлиги оширилишини таъминлаш;

-коррупциянинг ҳолати ва тенденциялари тўғрисидаги ахборотни йиғиш ҳамда таҳлил этиш;

-коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш, ушбу соҳадаги мавжуд ташкилий-амалий ва ҳуқуқий механизмларнинг самарадорлигини баҳолаш;

-коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва ушбу соҳадаги ишларни яхшилаш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

-коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш<sup>52</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан тасдиқланган “2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастури”да коррупцияни йўқотиш ва унга қарши курашиш учун қуйидаги ҳуқуқий асослар лойиҳаларини ишлаб чиқиш топширилди:

---

<sup>52</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 2 февралда қабул қилинган ПҚ-2752-сонли қарори//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 982-модда.

1) “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниши муносабати билан амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

2) Давлат хизмати тизимини яратиш ва унинг фаолияти асосий тамойилларини, давлат хизматининг кадрлар таркибини шакллантиришга, давлат хизматига ишга киришга бўлган талабларни, уни ўташни ва яқунлашни тартибга солувчи «Давлат хизмати тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш;

3) Давлат ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўзаро манфаат келтирувчи ҳамкорликнинг қонуний асосларини назарда тутувчи «Давлат ва хусусий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш;

4) Қуйидагиларни назарда тутувчи «Давлат харидлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш:

- давлат харидларини рақобат асосида амалга оширишнинг шаффоф ва очиқ механизми, ушбу соҳада коррупциянинг олдини олиш чоралари;

- давлат харидларига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш;

- давлат харидлари иштирокчилари учун шикоят қилишнинг мустақил ва самарали тизими ҳамда тартибини яратиш;

- электрон харидларни янада ривожлантириш ва бошқалар.

5) Қуйидагиларни назарда тутувчи «Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш;

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатишнинг таъсирчан ташкилий-ҳуқуқий механизмларини, шунингдек концепцияларни ва уларга тушунтириш хатларини чоп этишни, қабул қилинган қонун ва қонуности ҳужжатларига шарҳлар тайёрлаш ва чоп этиш амалиётини кенг жорий этиш;

- аҳолига норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмуни ва мақсадларини тушунтириш ва улардан кенг хабардор қилиш бўйича чоралар;

- Олий Мажлис палаталарининг, Вазирлар Маҳкамасининг, бошқа давлат органларининг аҳоли ва ижрочиларга қонун ва қонуности ҳужжатларини етказиш бўйича аниқ ваколатларини белгилаш.

6) Давлат органларининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолияти устидан жамоат назоратини амалга ошириш бўйича муносабатларини тартибга солувчи «Жамоат назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш.

7) Жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноят процесси бошқа иштирокчиларининг, шу жумладан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида маълумот берувчи шахсларнинг жисмоний ва ижтимоий ҳимоясининг

давлат томонидан кафолатларини назарда тутувчи «Жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш.

8) Қуйидагиларни назарда тутувчи «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш;

-давлат органларининг бошқарув фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш;

-асосли ва тезкор қарорларни қабул қилиш йўли билан давлат хизматларини кўрсатишнинг самарасини таъминлаш;

-жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалга оширишнинг замонавий тартиб-таомилларини жорий этиш.

9) Мамлакатда ҳуқуқий таълим ва маърифатни тубдан яхшилашга, ҳуқуқий билимларни жамиятда тарғиб этишга қаратилган Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурининг лойиҳасини тайёрлаш.

Президент Ш.М.Мирзиёев томонидан 2016 йилнинг охиридан бошлаб давлат органларининг коррупцияга қарши курашининг тизимли фаолиятини йўлга қўйилиши, унинг ташаббуси билан “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниши, проектура ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этилиши, Президент ва Халқ қабулхоналарига келиб тушаётган мурожатларни таҳлил этиб бориш қоидаларини ўрнатилиши, мансабдорлар хизматини охириги натижаларига қараб баҳоланиши қоидаларини ўрнатилиши каби чора-тадбирлар ўз натижасини бера бошлади. Юқори давлат органлари билан чатишиб кетган бир неча уюшган жиноий ишлар фош этилди.

2017 йилнинг биринчи ярмида 1566 та мансабдор шахсга нисбатан 1130 та жиноий иш қўғатилиб, улардан 954 таси (84,4 фоизи) судга оширилган. Лекин, бу даврда 2016 йилнинг биринчи ярмига нисбатан судга оширилган жиноий ишлар 22 фоизга камайди. Коррупциявий фаолият туфайли келтирилган зарарнинг 77 фоизи ундирилди. 374 та гуруҳлар томонидан содир этилган коррупциявий жиноятлар очиб ташланди, 1330 та коррупциявий жиноятлар аниқланди<sup>53</sup>.

Мамлакатда ҳар пайшанба куни “Ҳуқуқбузарликларни олдини олиш куни” деб эълон қилиниб, бу кунлари меҳнат жамоалари ва яшаш жойларида ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари вакиллари аҳолини рўй бераётган жиноятлардан огоҳ этиб бориш, аҳолини ҳуқуқий маданиятини ошириш тадбирларини ўтказиш анъанага айланди. Шунингдек, пайшанба кунлари ички ишлар таянч пунктларида “очик эшиклар куни” ўтказиш, фуқароларни қабул қилиш ишлари олиб бори қоидаси ўрнатилди.

<sup>53</sup> В Узбекистане коррупция пошла на спад//<https://regnum.ru/news/2360143.html>.



2018 йил 19 февралда Ўзбекистон ички ишлар вазирининг берган маълумотларига биноан 2017 йилда 1426 та коррупциявий жиноятлар фош этилиб, ундан 171 таси порахўрлик, 109 таси товламачилик, 517 таси фирибгарлик, 125 таси ноқонуний валюта айланмасини амалга ошириш, 19 таси сохта пулларни ишлаб чиқиш, 190 таси давлат мулкани ўғирлаш ва унга камомад келтириш каби жиноят турларини ташкил этди. 2017 йилда жиноий ҳаракат қилганлиги учун 230 та ички ишлар органлари ходимлари устидан жиноий иш қўзғатилди, 8000 та ходим интизомий жавобгарликка тортилди. Лекин, 2017 йилда 73.692 та жиноий ишлар фош этилиб, бу 2016 йилга нисбатан 15,7 фоизга камайгани ҳам қайд этилди<sup>54</sup>.

Шунингдек, прокуратура, давлат миллий хавфсизлиги, солиқ идоралари каби мамлакатдаги барча давлат органлари фаолияти таҳлил этилганида 2017 йилга келиб коррупциявий жиноятларнинг анча камайганлиги сезилди. Бу ҳақда Президент Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида алоҳида эътибор қаратилиб, мамлакатда коррупциянинг 2016 йилга нисбатан 33%га камайганлигини кўрсатиб ўтди.

2017 йил 29 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг навбатдаги йиғилишида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастурида белгиланган чоратадбирларининг ижроси, йўл қўйилган камчиликлар муҳокама қилинди. Шунингдек, йиғилишда Комиссия томонидан ўтган даврда коррупцияга қарши курашиш бўйича кўплаб ташкилий-ҳуқуқий ишлар ва амалий тадбирлар бажарилганлиги таъкидлаб ўтилди. Хусусан, мамлакатда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупцияга қарши курашиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганлиги таъкидланди.

Шу билан бирга, комиссия давлат дастури ижроси таҳлили айрим вазирлик ва идоралар томонидан белгиланган тадбирлар ижросига етарли масъулият билан ёндашилмай, унда назарда тутилган тадбирларни амалга оширишда фаол иштирок этилмаганлиги, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш масаласига доир ўқув-методик ва илмий адабиётлар ишлаб чиқилмаганлиги, бу соҳада тизимли равишда ўқув машғулоти ташкил этилмаганлиги қайд этилди.

---

<sup>54</sup> Глава МВД Узбекистана признал наличие среди милиционеров вымогателей и взяточников.19.02.2018. <http://interfax.az/view/726256>.

Комиссия коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аниқлаш, чек қўйиш, шунингдек коррупция ҳолатларини келтириб чиқараётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш борасидаги чора-тадбирларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан самарали ва ўз вақтида амалга оширилишига қаратилган аниқ вазифаларни кўрсатиб ўтди<sup>55</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, ўтган салкам икки йил ичида Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашнинг замонавий ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди, улар амалиётда қўллана бошланди. Муҳими, аҳолининг Президент ва Халқ қабулхоналари воситасида юз бераётган коррупциявий жиноятларни давлат ҳокимияти органларига тўғридан-тўғри етказиш имконияти яратилди. Коррупцияга барҳам бериш учун махсус давлат ҳокимияти органлари тузилмалари шаклланди, уларнинг халқ олдидаги масъуллиги оширилди. Қисқа давр ичида коррупциявий жиноятлар анча камайди. Мамлакатда коррупцияга қарши курашнинг фуқаролик жамиятига хос бўлган шакллари ва тарихотлари шакллантирилди, бу соҳадаги муҳим вазифа сифатида аҳоли ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш устувор вазифа сифатида белгиланди.

#### **Назорат саволлари:**

1. Коррупцияга қарши курашда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни қай даражада?
2. Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашда давлат хизматчиларини қўллаб-қувватлаш қай даражада?
3. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан коррупциявий жиноятлар учун жавобгарлик чоралари.
4. Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг коррупцияга қарши курашда ўрни қай даражада муҳим?
5. Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг асосий вазифаси ва йўналишлари нималардан иборат.
6. Ўзбекистон Республикасида коррупцияга сабаб бўладиган омиллар ва уларни олдини олиш чора-тадбирлари.
7. Коррупцияга қарши курашувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва тизими.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгилиниш сари / Муаллифлар жамоаси. Т.: Гафур Гулом. 2017.
2. Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очиқ фуқаролик жамиятининг шаклланиши. – Т.: Шарқ, 2003.
3. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
4. Жалилов А. бошқалар. Фуқаролик жамияти асослари. – Т.: Baktria press, 2015.

<sup>55</sup>Коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссия йиғилиши бўлиб ўтди. 30.12.2017// <http://www.Prokuratura.uz/uz/page/news/sahdhsagdhsagd7673826378687/>.

5. Фуқаролик жамияти. Дарслик лойиҳаси– Т.: 2016. Ziyonet.uz. Муаллифлар жамоаси. <http://library.ziyonet.uz/uz/book/32900>
6. Утамурадов А. ва бошқалар. Фуқаролик жамияти фанидан тушунча ва атамалар луғати. Лотин ёзувида. Т.: Турон-замин-зиё. 2017. 23 б.т.
7. Утамурадов А, Қирғизбоев М, Хожиев Т. Фуқаролик жамияти / Ўқув қўлланма. Лотин алифбосида. – Т.: Мумтоз сўз. 2018. 395 бет.
8. А.Утамурадов. Фуқаролик жамияти ғоялари эволюцияси. –Т., “Адабиёт учқунлари”, 2018. Б.193.

**2–амалий машғулот: Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида инсон ҳуқуқларининг таъминлаш – коррупцияга қарши курашнинг омили. (2 соат)**

***РЕЖА:***

1. Инсоннинг кадр-қиммати, унинг шахсий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари.
2. Инсон ҳуқуқлари жаҳон цивилизациясининг умум эътироф этилган қадрияти сифатида.
3. Инсон ҳуқуқларининг ривожланиш динамикаси.

**Таянч иборалар:** Коррупцияга қарши курашда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан коррупциявий жиноятлар учун жавобгарлик чоралари. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги асосий вазифаси ва йўналишлари. Ўзбекистон Республикасида коррупцияга сабаб бўладиган омиллар ва уларни олдини олиш чора-тадбирлари. Коррупцияга қарши курашувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва тизими.

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши кўп соҳалар каби, Ўзбекистоннинг ҳуқуқ фани соҳасида ҳам кўплаб янги тармоқларни вужудга келишига ва уларни ривожланишига имкониятларни яратиб берди. Чунки, масалан, ушуб инсон ҳуқуқлари ўқув курсини олиб қарайлик, ушбу курс 90 йилларгача илғор ғарб мамлакатларида ўқув юртларнинг энг асосий предметларидан ҳисоблангани ҳолда, совет тузуми ўқув юртларида эса, ҳуқуқшуносликнинг бундай предмети борлиги тўғрисида мутахассислар ҳам билмас эди. Чунки, Совет тузуми инсон ҳуқуқлари бутунлай инкор этар эди.

Совет мафқурасига кўра, инсон ҳуқуқлари кўпол ва систематик равишда бузиладиган ушбу давлатда, давлат томонидан инсон ҳуқуқлари бузилши ҳолатлари умуман инкор этилиб кеоинган ва алоҳида индивидларни ҳуқуқлари ва маанфаатлари давлат манфаатларидан кейинги ўринлардар, керак бўлса, энг оирги ўринда турган. Биринчи ўринда давлат, кейин эса жамият ва энг охирида шахс манфаати турар эди. Давлат манфаат йўлида жамият ва шахс манфаатлари поймол этилиши қонуний ҳисобланган ва унинг учун ҳам табиий ҳуқуқлар деган тушунчалар умуман инкор этилиб келинган.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин, инсон манфаатларига, унинг ҳуқуқ ва асосий эркинликларига олий қадрият сифатида қарай бошлади. Бунга, 1991 йилнинг 30 сентябрида Инсон ҳуқуқлари бутунжаҳон Декларацияси Ўзбекистоннинг аъзо бўлишининг ўзиёқ яққол мисол бўла олади. Чунки, ушбу ёш давлат мустақиллигининг биринчи кунларидан ўз олдига, эркин бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат куришни мақсад қилиб қўйган ва бу йўлда жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилиб келинган умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги тан олинган эди.

Инсон ҳуқуқлари деганда, давлат ёки мансабдор шахслар томонидан муайян шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини бузилиши тушунилади. Бундай бузилишлар, мавжуд қонунларга риоя қиоля қилмаслик, фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини амалга оширишларига мансабдор ахслар томонидан тўсқилик қилиш, ёки бўлмаса, давлат томонидан ўзининг халқаро мажбуриятларига зид ҳолда қонунлар, ёки қонун ости ҳужжатларини чиқаришлар орқали ҳам амалга оширилиши мумкин. Яъни давлат у ёки бу мажбурий халқаро ҳужжатни имзолаш орқали инсон ҳуқуқларига оид халқаро андозаларни бажаришни ўз зиммаларига оладилар, аммо мамлакатда ушбу ҳужжатлар етарли равишда имплементация қилинмайди. Унинг нормалари миллий қонунчиликка қўлланилмайди.

Мансабдор шахслар, айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакиллари одил судловни ёки ҳуқуқни қўллашни амалга ошириш вақтида ўз вазияларини суъистемол қиладилар, ёки ўз ваколат доираларида четга чиқайлар ва оқибатда муайян шахслар ёки шахслар гуруҳининг ҳуқуқлари ва эркинликларини поймол этадилар.

«Инсон ҳуқуқлари» махсус ўқув курси ҳусусида фикр юритганимизда, ушбу фаннинг предмети тушунчасини билиб олишимиз керак. Ушбу курснинг предмети – шу фан ўрганадиган масалалар доирасини ташкил этиб, бу доирага қуйидаги масалалар киради: инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, уларнинг тарихий ривожланиш қонуниятлари, турли давлатларнинг миллий қонунчилигига имплементация (қўллаш) усуллари, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари қафолатининг универсал механизмлари, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига таъсир қилувчи иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий ва бошқа омиллар.

«Инсон ҳуқуқлари» курсининг мақсади – инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари муаммоларини, уларнинг турли хиллигидан келиб чиққан ҳолда ўрганиш ҳисобланади.

Курснинг асосий вазифалари:

Биринчидан, фуқароларнинг инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги билимлар билан таништириш;

Иккинчидан, фуқароларда инсонларга, уларнинг ҳуқуқлари, шаъни ва кадр-қимматига нисбатан ҳурмат ҳиссини ошириш;

Учинчидан, фуқароларда ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар қандай қонунбузарликлар ва бошбошдоқликдан ҳимоя қилиш кўникмаларини шакллантиришига қўмаклашиш;

Ва тўртинчидан, пировард натижада жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни янада кўтаришга кўмаклашишдан иборат.

Инсон ҳуқуқлари ўқув курсини ўрганиш методологияси.

Методология деганда, объектив-ҳақиқий билимларни олиш жараёнида қўлланиладиган усуллар, қоидалар ва йўлларнинг мажмуи тушунилади. Бунда универсал ва хусусий методлар фарқланади. Универсал усуллар асосида табиат, тафаккур ва жамиятнинг умумийроқ бўлган қонуниятлари ётади. Шу билан бирга инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ўрганиш жараёнида хусусий усуллар ҳам қўлланилиб, уларга қуйидагилар киради: системали, тарихий, қиёсий, социологик, мантиқий усуллар.

Системали усулда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари муаммолари шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари ўзаро боғлиқ ҳолда ягона бутун сифатида ўрганилади.

Қиёсий усулда тушунчалар, ҳолатлар улар ўртасидаги умумий томонлар ва фарқларни солиштириш асосида ўрганилади.

Тарихий усулда инсон ҳуқуқлари тарихий тарақиёт ривожланишида ўрганилади.

Социологик усулда ахборотлар йиғилади ва таҳлил этилади. Буларнинг биринчисига, турли шаклдаги сўровлар киради (оммавий анкета сўровлари, интервью, эксперт сўровлари ва бошқалар).

Мантиқий усулда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари муаммоларини мантиқий ўрганишнинг воситалари ва усуллари тушунилади.

### **Шарқ мутафаккирлари таълимотлари инсон ҳуқуқлари ғояси.**

Буюк алломалар Форобий, Ибн Сино, Берунийлар ҳам инсон ҳуқуқлари масаласини четлаб ўтмаганлар. Сомонийлар даврида амалда бўлган тартиб-қоидалар, ўша даврнинг ижтимоий-сиёсий тузуми бу мутафаккирларнинг дунёқарашига катта таъсир кўрсатган. Улар ўз асарларида бу даврга баҳо бериш билан бирга, қимматли ғояларни илгари сурганлар, инсон ҳуқуқлари ва уларни ҳимоя қилиш тўғрисида ҳам ўз фикрларини ёзиб қолдирганлар.

Инсон ҳуқуқлари ғояси диний ва ҳуқуқий асарлардагина эмас, фалсафий тафаккурнинг энг сара меваларида ҳам ўз аксини топган. Марказий Осиёнинг энг йирик мутафаккирларидан бири Абу Наср Форобий (873-950) ўзининг «Фозил одамлар шаҳри» деган асарида айтган, фозил шаҳар ҳукмдори «шаҳар учун дастлабки имомлар томонидан жорий этилган қонунлар, қоидалар ва расм-русмларни биладиган, ёдда тутадиган ва ўз ишлари, ҳаракатларида уларга риоя этадиган» бўлмоғи лозим<sup>56</sup>. Бошқача қилиб айтганда, фозил шаҳарда инсон ҳуқуқларини амалга оширишнинг энг асосий омили бўлган қонун устунлигига риоя этилмоғи лозим. Ер юзида бахт-саодатга эришувнинг шартларидан бири ҳам шу. «Агар халқлар бахт-саодатга эришиш учун бир-бирларига ёрдам берадиган бўлсалар, бутун

<sup>56</sup> Фараби. Трактат о взглядах жителей добродетельного города/Пер. А.В.Сагадеева//Григорян С.Н. Из истории философии Средней Азии и Ирана VII-XII вв. М., 1960. С.165



курраи замин фозил ва оқил бўлиб қолади»<sup>57</sup>, - деб ёзган Форобий инсонпарварлик соҳасида, мурувватпешаликда, шу жумладан инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида халқаро ҳамкорлик имкониятларини олдиндан кўргандек. Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри” жамоаси ҳақидаги таълимоти, унинг комил инсон ҳақидаги фикрлари биан боғланиб кетган. Комил инсон жамиятнинг тенг ҳуқуқли, эркин фуқароси бўлиши лозимлиги, жамоа унинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиши, кишиларнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришлари учун зарур бўлган шарт-шароитларни таъминлаб бериши ҳақидаги фикрлар асарнинг асосий мазмунини ташкил этади. Гарчи, бу масала ҳаёлий тарзда тасвирланган бўлса-да, бироқ унда инсонга ғамхўрлик қилиш, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш зарурлиги ғоялари илгари сурилганлигининг ўзи муҳим аҳамиятга эгадир.

### **Ислом таълимотларида инсон ҳуқуқлари ғояси.**

Мусулмон ҳуқуқи ўз заминида норматив тизим сифатида VII-X асрларда араб халифалигида феодал жамият қарор топаётган бир даврда шаклланди бўлиб, ислом динига асослангандир<sup>58</sup>. Ислом мавжуд ҳуқуқ Аллоҳ томонидан юборилганлигига асосланади. Сарвари коинот тарихнинг муайян бир даврида башариятга ўзининг расули – Муҳаммад пайғамбар (тахминан 570 – 632 йиллар) орқали ислом таълимотини аён этди. Аллоҳ томонидан инъом этилган ҳуқуқ инсониятга бир йўла ва абадул абад берилган. Шу боис жамият бу ҳуқуққа амал қилмоғи, бинобарин муттасил ўзгариб турувчи ҳаётнинг ижтимоий шароитлари остида ўз ҳуқуқини яратишга уринмаслиги лозим. Тўғри, мусулмон ҳуқуқи назарияси илоҳий кашфиёт тушунтириш ва шарҳлашга муҳтож эканлигини эътироф этади. Мусулмон ҳуқуқшуносларининг неча асрлик сермашаққат ишлари айни ана шунга, яъни тушунтириш ва шарҳлашга кетган. Бироқ уларнинг бу саъй-ҳаракатлари янги ҳуқуқ яратишга эмас, балки Аллоҳ томонидан нозил бўлган ҳуқуқни фақатгина амалий жиҳатдан фойдаланишга мослаштиришга қаратилган, холос.

Мусулмон ҳуқуқида Римнинг кейинги даврига оид ҳуқуқдаги, қолаверса Ғарб ҳуқуқига хос қонун тушунчаси йўқ. Назарий жиҳатдан ёлғиз Аллоҳ қонунчилик ҳокимиятига эга. Амалда эса ҳуқуқшунос олимларнинг асарлари мусулмон ҳуқуқининг бирдан-бир манбаидир. Мусулмон ҳуқуқи хусусий мутахассислар томонидан яратилган ва ривожлантирилган. Давлат эмас, балки фикҳ – ҳуқуқ илми қонун чиқарувчилик ролини ўйнайди<sup>59</sup>. Ҳуқуқ муайян нормаларнинг мажмуи сифатида ислом амал қила бошлаган дастлабки икки аср мобайнида шаклланди. Кейинги асрлар амалда бу борада ҳеч бир янгилик киритмаган. Ана шу турғунликни ижтиҳод эшикларини ёпилишига боғлайдилар. XIX асрга қадар мусулмон ҳуқуқий онгининг

<sup>57</sup> Там же. С. 157

<sup>58</sup> Human Rights in Islam. Kuwait University, 1982

<sup>59</sup> Schacht J. Introduction to Islamic law. Oxford, 1966. P.5. Муфассалроқ билиш учун қаранг: Сюкияйнен Л.Р. Доктрина как источник мусульманского права//Источники права. М., 1985. С.65-83.

тадрижий ривожидиний-хукукий шархлар ҳамда фатволар мажмуида ўз ифодасини топган. Бу шарх ва фатволар эса шариатнинг анъанавий қоидалари ва принципларини янги тарзда талқин этар эканлар, ҳеч қачон уларни очикдан-очик рад этмаганлар ва уларнинг одатий жарангини ўзгартирмаганлар<sup>60</sup>.

Ислом насронийлик каби рух абадийлиги ғоясига эътиқод қилади. Унда бани башар Одам Атонинг тенг хуқуқли фарзандлари сифатида қаралади. Мусулмонлар ўз қаламравларидаги кофирларга, бединларга ҳамиша сабр-муроса билан муносабатда бўлиш, бағрикенглик фазилатини намоён этиб келганлар. Номусулмон жамоаларга одатда ўз ички ишларини бошқариш хуқуқи берилган.

Арабларнинг исломгача бўлган урф-одатлари ва удумларига нисбатан исломда қашшоқлар, етим-есирлар ва аёлларга муносабатда анчагина илғор тамойиллар кўзга ташланади. Гарчи кулдорлик сақланиб қолган бўлса-да, кулларга юридик хуқуқлар берилган, улар хусусан ишлаб топган маблағлари асосида ҳақ тўлаб озод бўлиш хуқуқини олганлар. Мажбурий тусда бўлмаса ҳам, ҳар қалай кулларнинг озод қилиниши дин шарофати билан содир бўладиган ҳаракат сифатида қўллаб-қувватлаб келинган. Илгари кенг тарқалган қиз болаларни гўдаклигидаёқ нобуд этиш, йўқ қилишдек ваҳший одат тақиқланган. Қотиллик учун шахсий ўч олганлик ёки бошқа жиноий қилмишлар юзасидан жавобгарлик кучайтирилган. Одил судлов дин пешволари томонидан Қуръон оятларига қатъий мувофиқ равишда амалга оширилган. Муқаддас китоб – Қуръонда эр-хотин ажралиши тўғрисидаги нормалар, никоҳ бекор бўлиши оқибати болалар учун келтириб чиқарадиган қоидалар ҳам қамраб олинган.

Шу сабабли, Э.Мейер таъкидлаб айтганидек, «ислом тафаккур олами инсон хуқуқларининг ривожланган назариясига эга бўлмаганлиги факти мусулмон дунёсининг анъанавий жамиятларида давлат репрессив намунада тузилганлигини англамайди; аксинча тарихан бундай жамиятларда ижтимоий ва маданий масалаларга ҳукмдорларнинг аралашмаслигидек умумий намуна мавжуд бўлган. Ўтмишда қарор топган анъаналар, уруғ-аймоқ ва жамоалар сингари ноҳуқумат институтлар шахс эркинлигига таъсир этувчи омиллар сифатида ҳукмдорларга нисбатан муҳимроқ роль ўйнаган. Давлат билан шахс хуқуқлари ўртасида муттасил низо ва можаролар келтириб чиқарадиган ёки ислом мутафаккирларини бундай эркинликларни ҳукмдорлар эгаллаб олишидан ҳимоя этиш билан, инсон хуқуқларининг ҳозирги нормалари ривожидини замирида ётган ташвиш-андуҳлар билан боғлиқ масалалар устида иш олиб боришга ундайдиган шарт-шароитларнинг ўзи йўқ эди»<sup>61</sup>.

Имом Бухорий, Ат-Термизий, Ахмад Яссавий, Абул-Қосим Замахшарий сингари хадис ва тасаввуф илмининг етук намояндалари инсон хуқуқлари ва

<sup>60</sup> Хайдарова М.С. Основные направления и школы мусульманского права //Мусульманское право. М., 1984. С.47.

<sup>61</sup> Қаранг: Mayer A.E. The Dilemmas of Islamic Identity//Human Rights and the World's Religions. Ed. By L.S. Rouner (Boston University studies in philosophy and religion. Notre Dame, 1988. P.94-95

унинг ижтимоий моҳиятини Қуръони Карим ва Хадиси Шарифларда куйилган ислом ҳамда шариат талаблари асосида кўрсатиб беришга ҳаракат қилганлар. Ислоннинг бу муқаддас манбаларида инсоннинг такдири ва ҳаёти Оллоҳ номи билан боғлиқ ҳолда ифодалаб берилади. Бунда ер юзидаги барча инсонларнинг Оллоҳ олдидаги тенглиги ғояси, ҳар бир инсонга Оллоҳ томонидан берилган неъматлардан уларнинг баравар фойдаланиши зарурлиги ғояси билан чамбарчас боғланиб кетганини кўрамиз<sup>62</sup>.

Қуръони Карим ва Хадиси Шарифларда инсоннинг Оллоҳ ва шариатдаги ҳақ-ҳуқуқлари инсон фойдаланиши зарур бўлган алоҳида-алоҳида ҳуқуқлар мисолида кўрсатиб берилган. Масалан, “Қуръони Карим”нинг “Бақара сураси”даги 223, 228-229, 230-оятларида эркак ва аёлнинг никоҳга кириш ёки никоҳдан чиқиш ҳуқуқи, “Ол-и имрон сураси”нинг 20-оятда ислом динига эътиқод қилиш ҳуқуқи ва инсоннинг бошқа ҳуқуқлари шариат талаблари асосида баён қилинган.

Инсон ҳуқуқларини шариат талаблари асосида кўрсатиб беришга доир бундай ёндашиш ҳадисларда ҳам ўзининг аниқ, ифодасини топган. Ҳар бир ҳадисда жамият ҳаётининг алоҳида бир масаласига доир талаблар илгари сурилганлиги учун ҳам, уларда инсоннинг хилма-хил ҳақ-ҳуқуқлари уларнинг алоҳида ҳуқуқлари мисолида баён қилиб берилади. Масалан, Имом Бухорийнинг “Ал-адаб, ал-муфрад” (Адаб дурдоналари) асарида ота-она ҳақини адо қилиш, фарзанднинг ота-онаси олдидаги ва ота-онанинг фарзанди олдидаги ҳақ-ҳуқуқлари, зиёрат қилиш, турар жойга эга бўлиш ва бошқа шулар сингари ҳақ-ҳуқуқларнинг ҳар бири алоҳида ҳадисларда берилганки, бундай ҳолни ҳадислар тўғрисида ёзилган ҳар бир асарда учратиш мумкин.

Турли масалалардаги сингари, инсон ҳуқуқлари масаласига доир ҳадисларда ҳам инсон ҳуқуқлари масаласи унинг ҳақ-ҳуқуқлари мисолида берилади. Бунда инсоннинг кимнингдир олдидаги ҳақи (Оллоҳнинг, унинг расули Муҳаммад Пайғамбарнинг ёки жамиятнинг) унинг ҳуқуқи эканлигини ҳам англатади.

Масалан, борди-ю, бир киши иккинчи бир кишидан бирор нарса билан қарздор бўлиб қолган бўлса, бу қарзни қайтариб олиш шариатда иккинчи кишининг ҳуқуқи ҳисобланади ва шу иккинчи киши ўзининг қарзини қайтариб олиш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин бўлади. Қарз олган кишининг уни қайтариб бериши эса унинг ҳуқуқи ҳисобланмайди. Шунга кўра исломда ва унинг манбаларида инсоннинг ҳуқуқлари унинг ҳақи мисолида берилганлигини кўрамиз. Жумладан, Имом Бухорий фарзандлар ота-оналарини рози қилиш ҳуқуқига эга эканлигини қуйидаги бир ҳадисда шундай баён қилади: “Ким ота-онасини рози қилса, унга тубо (жаннат) насиб бўлиб, Оллоҳ Таоло унинг умрини ҳам зиёда қилади”<sup>63</sup>. Бунда фарзанднинг ота-онасини рози қилиши кераклиги Оллоҳ номи билан ҳар бир инсоннинг у фойдаланиши мумкин бўлган ҳуқуқи эканлиги назарда тутилган.

### ***Инсон Ҳуқуқлари тўғрисидаги Халқаро Билл***

*Инсон Ҳуқуқлари тўғрисидаги Халқаро Билл* инсон ҳуқуқларини ҳимоя

<sup>62</sup> Инсон ҳуқуқлари. Ўқув қўлланма. Х.Бобоев таҳрири остида. Т.: Ўзбекистон. 1997. Б. 44

<sup>63</sup> Имом Исмоил ал-Бухорий, Ал-адаб ал-Муфрад (Адаб дурдоналари). Т., Ўзбекистон, 1990. б.20

қилиш борасида қабул қилинган энг асосий ҳужжатлар мажмуи бўлиб, у бу соҳада кейинчалик қабул қилинган барча ҳужжатлар учун асос бўлиб хизмат қилади. Инсон Ҳуқуқлари тўғрисидаги Халқаро Билл ўз ичига инсон ҳуқуқлари соҳасидаги асосий ҳужжатларини бирлаштирган. Бу халқаро ҳужжатлар қуйидагилардан иборатдир:

1. *Инсон Ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси (1948 йил);*
2. *Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт (1966 йил);*
3. *Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт ҳамда унга илова қилинган I Факультатив Баённома (1966 йил) ва ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган II Факультатив Баённома (1989 йил).*

**Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясини ишлаб чиқиши.**

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йилнинг 10 декабрида қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини белгиловчи дастлабки муҳим тарихий ҳужжат ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги мазкур ҳужжат қабул қилинишидан олдин бу соҳада муҳим ишлар амалга оширилган эди. БМТнинг ташкил топиши ва унинг Низомини қабул қилиниши инсон ҳуқуқлари соҳасидаги давлатлараро муносабатларни янги сифатий даражага кўтарди. БМТ Низоми халқаро муносабатлар тарихида инсон ҳуқуқлари бўйича давлатларнинг кенг ҳамкорлигига асос солган биринчи кўп томонлама шартнома бўлди. Аммо БМТ Уставини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига нисбатан давлатлар турли ёндашувда эканликлари намоён бўлиб қолди.

1946 йилда БМТнинг Инсон Ҳуқуқлари бўйича Комиссияси ташкил этилиши. Комиссия фаолияти, 1947-1948 йиллар. Декларация лойиҳаси бўйича ишчи гуруҳ.

1948 йили 10 декабрда Декларациянинг қабул қилинишидаги тортишув ва қабул қилиниши.

Декларацияга асос бўлган ҳужжатлар.

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг тузилиш ва мазмуни.

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси Муқаддима ва 30 моддадан иборат бўлиб, унда инсоннинг асосий ҳуқуқлари, кадр-қиммати, инсон шахсининг беназирлиги ҳамда эркаклар билаен аёлларнинг тенг ҳуқуқлиги ўз ифодасини топган. Декларациянинг 1-моддасида ҳуқуқий жиҳатдан асосланган фалсафий фикрлар баён этилган бўлиб, унда “Барча одамлар эркин, кадр-қимат ва ҳуқуқларда тенг бўлби туғиладилар. Улар ақл ва виждон соҳибидирлар ва бир-бирларига биродарларча муомала қилишлари зарур” дейилган.

**Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро Пактлар ва уларнинг аҳамияти.**

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси қабул қилинганидан сўнг БМТга аъзо давлатлар тасдиқлаши зарур бўлган инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Пактнинг шарномавий шаклини ишлаб чиқишга киришилди.

Пактлар деярли 16 йилда ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. 1950 йилда БМТ Бош Ассамблеяси ўзининг Резолюциясида фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлардан фойдаланиш шунингдек, иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқларга

хамда маданият соҳасидаги ҳуқуқларга эга бўлиш ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо этувчи ҳуқуқлар эканлигини эълон қилди. 1951 йилда Комиссия махсус муассасала фикрлари ва ҳукуматлар таклифлари асосида иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқлар тўғрисида 14та моддани тузди. У шунингдек бу ҳуқуқларни амалга ошириш юзасидан чора кўриш тўғрисидаги 10 та моддани шакллантирди. Шунга мувофиқ Пактнинг иштирокчи давлатлари бу масала бўйича ўзларининг ижодий маърузаларини топширишлари лозимлиги қайд қилинди. 1951 йилда узоқ давом этган музокаралардан сўнг Бош Ассамблея комиссияга инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги иккита Пактнинг лойиҳасини ишлаб чиқишни ва улардан бирида фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар, бошқасида эса, иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий ҳуқуқлар ёритилиши лозимлигини топширди. 1966 йилда олдиндан белгиланган битта Пакт ўрнига иккита халқаро Пакт ишлаб чиқилди; иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт ҳамда фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт. Бундан ташқари, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактга Факультатив протокол ҳам қўшимча равишда ишлаб чиқилиб, унда алоҳида шахсларнинг пактда ифодаланган ҳуқуқларининг бузилишига доир хабарлари кўриб чиқилиши ўз ифодасини топиши зарурлиги қайд этилди.

### **Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро институтлар**

*Бирлашган Миллатлар Ташкилоти.* БМТ Уставининг муқаддимасида Бирлашган Миллатлар халқлари «келажак авлодларни... уруш кулфатларидан ҳалос этишга ва инсоннинг асосий ҳуқуқларига... ишончни қайта қарор топтиришга, ижтимоий тараққиёт ва кенг озодлик шароитида турмушни яхшилашга ёрдам беришга» қатъий аҳд қилганликлари айтилади. Уставнинг 1-моддасига мувофиқ БМТнинг мақсадларидан бири ирқи, жинси, тили ва динидан қатъи назар ҳамма учун инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларга бўлган ҳурмат-эҳтиромни рағбатлантириш ҳамда ривожлантиришда халқаро ҳамкорлик амалга оширилишига эришишдан иборатдир.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганидан буён ўтган ярим асрдан ортиқ вақт мобайнида БМТ ўз Уставида инсон ҳуқуқлари соҳасида назарда тутилган мақсадларга эришишга қаратилган яхлит ва кўламдор стратегия ишлаб чиққан. Бу стратегиянинг асоси инсон ҳуқуқларига оид халқаро нормалар ва стандартлар мажмуи бўлиб, ҳозирги вақтда инсон фаолиятида улар қамраб олмаган соҳанинг ўзи йўқ.

Ана шу пухта халқаро-ҳуқуқий негиз асосида ҳуқуқни муҳофаза этишнинг халқаро стандартларни янада ривожлантиришга ҳамда уларнинг амалга оширилиши, уларга риоя этилиши устидан назорат олиб боришга, шунингдек инсон ҳуқуқларини бузиш ҳолларини текширишга кўмаклашадиган механизмларининг ғоят кенг тармоғи барпо этилган. Мазкур стратегия ижтимоий информация ва техник ҳамкорлик дастури соҳасидаги фаолиятнинг турфа хил турлари билан мустаҳкамланган бўлиб, бундай



фаолиятдан кўзланган мақсад замирида уларнинг инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя этишга қаратилган куч-ғайратлари давлатлар томонидан амалий тарзда қўллаб-қувватланишига эришишдек эзгу ишлар ётади.

Бу хил тузилмалар ва фаолият турлари БМТга инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлар учун кураш йўлида норма яратиш ва раҳбарлик қилиш борасида етакчилик ролини таъминлайди. Қолаверса, инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя этиш вазифаси муайян бир ташкилот зиммага олиши билан бажариладиган ёки шундай ташкилот ўз зиммасига олди дея кифояланса бўладиган вазифалар тоифасига кирмайди. БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги амалий фаолиятида инсон ҳуқуқларини ялпи хурматлаш ҳар бир мамлакатнинг, ҳар бир фуқаронинг ёки алоҳида олинган ҳар бир гуруҳ ва жамиятдаги ҳар бир ташкилотнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатларини талаб этади деган асосий ғояга асосланилади.

**Минтақавий институтлар.** Халқаро тизим инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида минтақавий институтлар, хусусан Африка, Америка ва Европада фаолият кўрсатиб турган тузилмаларга ўхшаш минтақавий тузилмаларнинг қўллаб-қувватлашига таяниши табиий. Бундай тузилмалар тегишли минтақанинг ўзига хос ижтимоий, тарихий ва сиёсий шароитлари билан боғлиқ инсон ҳуқуқлари соҳасидаги муаммоларни ҳал этишга ёрдам берадиган воситаларни таъмин этиш орқали халқаро нормалар ва механизмларни мустаҳкамлаш ишида кўшимча, аммо муҳим вазифани адо этади.

**Ноҳукумат ташкилотлар.** Инсон ҳуқуқлари борасидаги умумжаҳон маданиятини ривожлантиришда муҳим роль ўйнаётган тегишли ноҳукумат ташкилотлар инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро нормаларни амалга оширишда кўшимча мадад бўлиб турибди. Ноҳукумат ташкилотлар ўз хусусиятига кўра фикрларни ифода этиш эркинлигига, ҳаракатларнинг мослашувчанлигига ҳамда эркин ҳаракат қилиш имкониятига эга бўлиб, муайян шароитда бу ҳол уларга ҳукуматлар ва ҳукуматлараро ташкилотлар ҳал этишга қодир бўлмаган ёки, эҳтимол ҳал этишга уриниб ҳам кўрмайдиган вазифаларнинг ечимини топиш имконини беради.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ғояларини қўллаб-қувватлашга қаратилган умумий ҳаракатга ҳамма ва ҳар ким қўшилиши мумкин.

Бу кампания кўпинча ана шу эзгу иш йўлида ўз ҳаётларини хавф остида қолдирадиган минг-минглаб фаолларнинг ва фуқаролар гуруҳларининг мадади ҳамда қўллаб-қувватлашига таянади.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ишида қатнашаётган одамлар сони тўхтовсиз ортиб бораётганлиги шундай муҳит юзага келишига ёрдам бермоқдаки, бунда инсоннинг эркинлиги ҳамда кадр-қиммати кутилган ва исталган натижалар беради.

Ноҳукумат ташкилотлар 1945 йилдан эътиборан БМТ фаолиятига ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ишига баракали ҳисса қўшиб келмоқдалар. Улар ахборот манбаи вазифасини ўтамоқда ҳамда катта-катта ўзгаришларга

эришишга қодир бўлган куч сифатида жавлон урмоқда.

***Инсон ҳуқуқларини миллий даражада ҳимоя қилиш.*** Йигирманчи асрнинг иккинчи ярмида кўпгина мамлакатлар инсон ҳуқуқлари бўйича асосий халқаро шартномаларнинг иштирокчиси бўлиб қолдилар. Бу ҳужжатлар инсон ҳуқуқлари соҳасидаги нормаларни амалга ошириш юзасидан ҳуқуқий мажбуриятлар юклаганлиги боис мазкур соҳага оид нормалар халқаро кўламда амалга ошириладиган мажбуриятлар даражасига кўтарилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар айрим шахсларнинг ўзаро муносабатларини ҳамда муайян шахслар билан давлат ўртасидаги муносабатларни қамраб олади. Шу сабабли инсон ҳуқуқларини ҳимоя этиш ва рағбатлантириш энг аввало давлатнинг ички вазифаси бўлиб, унинг бажарилиши учун жавобгарлик ҳар бир давлат зиммасига тушади.

Инсон ҳуқуқларини миллий кўламда ҳимоя қилиш тегишли қонун ҳужжатлари ёрдамида, мустақил суд ҳокимияти орқали, ҳимоя воситаларининг яқка тартибдаги кафолатларини қонунчилик йўли билан расмийлаштириш ва амалиётга татбиқ этиш, шунингдек демократик институтлар ташкил этиш йўли билан таъминланади. Бундан ташқари миллий ва маҳаллий кўламда ишлаб чиқилиб амалга ошириладиган, маҳаллий шароитлар ҳамда анъаналар инобатга олинадиган кампаниялар ҳам борки, улар маърифий ва ахборот хусусиятга эга бўлган самарали тадбирлар тариқасида тан олинган.

Инсон ҳуқуқлари миллий кўламда ҳимоя этилишини самарали тарзда амалга ошириш муаммоси жаҳонда, айниқса XXI аср бошида катта қизиқиш уйғотмоқда. Кўпгина мамлакатларда бошқарувнинг демократик шакли пайдо бўлганлиги ёки тикланганлиги инсон ҳуқуқлари ўзагини ташкил этувчи ҳуқуқий ва сиёсий асосларни таъминлашда демократик институтлар ўйнайдиган ролнинг аҳамияти катта эканлигидан далолат бермоқда.

Шундай қилиб, инсон ҳуқуқларини самарали тарзда амалга ошириш энг аввало бу ҳуқуқларни рағбатлантириш ва ҳимоя этиш учун миллий инфратузилмалар яратишни тақозо этиши аниқ-равшан кўриниб турган фактга айланиб бормоқда. Кейинги йилларда жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида зиммасига инсон ҳуқуқларини ҳимоя этиш билан боғлиқ аниқ вазифалар юклатилган муассасалар ташкил этилди. Гарчи бундай муассасаларнинг вазифалари ҳар бир мамлакатда ўзига хос бўлиб, бири-биридан фарқ қилса-да, уларнинг ҳаммаси битта муштарак мақсадга эришишни кўзлайди. Шу сабабли ҳам улар инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя этиш билан шуғулланувчи миллий институтлар деб юритилади.

***Жиноят ишлари бўйича халқаро суд.*** 1998 йилнинг июнида Римда Жиноят ишлари бўйича халқаро судни таъсис этишга бағишлаб конференция ўтказилди. Бу суд инсон ҳуқуқларини халқаро кўламда ҳимоя этишнинг шаклланиб бораётган тизимида муҳим бўғин бўлиб қолади деб катта умид билдирдилар.

Инсониятга қарши жиноят содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш ва жазолаш учун Жиноят ишлари бўйича халқаро судни ташкил этиш

таклифини амалга ошириш йўлида БМТ қарийб ярим аср ҳаракат қилди. Ана шу вақт мобайнида собиқ Югославияда, шунингдек Руандада содир этилган ҳарбий жиноятларни ҳукм қилиш учун иккита махсус жиноят трибуналлари тузилди, холос.

### **Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари бўйича органлари**

**Бош Ассамблея.** БМТ Уставининг 13-моддасига мувофиқ Бош Ассамблеянинг асосий вазифаларидан бири «иқтисодиёт, ижтимоиёт, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларидаги халқаро ҳамкорликка кўмаклашиш, инсон ҳуқуқларини ва барчанинг асосий эркинликларини ирқи, жинси, тили ва динини ажратмаган ҳолда амалга оширишга кўмаклашиш» мақсадида ўрганиш ва тадқиқ этиш ишларини уюштириш ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир. БМТ Бош Ассамблеяси инсон ҳуқуқларига тааллуқли масалаларнинг каттагина қисмини кўриб чиқиш ва муҳокама этишда ихтиёрни Бош Ассамблеянинг ижтимоий, гуманитар ва маданият масалалари билан шуғулланувчи Учинчи қўмитасига ўтказишни лозим топган.

**Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш.** БМТ Уставининг 62-моддасига биноан Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш инсон ҳуқуқлари ва барчанинг асосий эркинликлари ҳурмат қилиниши ҳамда уларга риоя этилишини рағбатлантириш мақсадида тавсиялар бериши мумкин. Мазкур Кенгаш Бош Ассамблеяга тақдим этиш учун конвенцияларнинг лойиҳаларини тайёрлаши ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро конференциялар чақириши мумкин. БМТ Уставининг 68-моддасига мувофиқ Кенгаш «иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда ҳамда инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш бўйича комиссиялар тузади». Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш инсон ҳуқуқлари масалаларида ёрдам кўрсатишни кўзлаб Инсон ҳуқуқлари Комиссияси, Хотин-қизлар аҳволи бўйича Комиссия, Ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар бўйича қўмита таъсис этган.

**БМТнинг Инсон ҳуқуқлари комиссияси** Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш томонидан 1946 йилда таъсис этилган бўлиб, 56 та аъзо давлат вакилларидан ташкил топган. Комиссия ўз сессиясини ҳар йили олти ҳафта мобайнида ўтказди. Комиссия ўрганиш ва тадқиқ этиш ишларини олиб боради, инсон ҳуқуқлари бўйича тавсияларни ҳамда халқаро ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлайди, шунингдек БМТ Бош Ассамблеяси ҳамда Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашнинг махсус топшириқларини бажаради.

Инсон ҳуқуқлари Комиссияси, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш ҳамда БМТ Бош Ассамблеяси ўзларининг ҳар йилги сессияларида инсон ҳуқуқларини қўпол тарзда ва мунтазам равишда бузиш ҳоллари билан боғлиқ воқеалар ва амалиётни муҳокама этиб борадилар. Агар муайян бир мамлакатдаги ёки муайян бир амалиётдаги аҳвол ташвиш уйғотаётган бўлса, бу органлар мустақил ва холис экспертлар гуруҳи (ишчи гуруҳи) ёки алоҳида шахс (махсус маърузачи) томонидан бу борада текширув ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Ана шу махсус органларга Инсон ҳуқуқлари

комиссияси ва БМТ Бош Ассамблеясига маърузалар тақдим этиш ва тавсиялар ишлаб чиқишдан ташқари алоҳида шахслар, гуруҳлар ёки жамоаларнинг ҳуқуқлари бузилган тақдирда чоралар кўриш ваколати ҳам берилган. Масалани дарҳол, сира кечиктирмай ўрганиб чиқиш ва текшириш талаб этиладиган алоҳида ҳолларда махсус маърузачи ёки ишчи гуруҳи хавф таҳдид солаётган айрим шахсни, гуруҳни ёки жамоани муҳофаза этиш мақсадида тегишли ҳукуматлар билан ҳатто бевосита учрашиши ва мулоқотга киришиши мумкин.

Жанубий Африкада инсон ҳуқуқлари бўйича махсус ишчи гуруҳи (1967 йилда тузилган) ана шундай дастлабки орган бўлди. Мазкур гуруҳ, шунингдек босиб олинган ҳудудларнинг аҳолисига нисбатан Исроил ҳаракатларининг инсон ҳуқуқларига тааллуқли жиҳатини текшириш бўйича махсус қўмита (1968 йилда ташкил этилган) ҳозирга қадар фаолият кўрсатиб турибди.

Комиссия таъсис этган бошқа баъзи махсус органларнинг фаолияти, ўша мамлакатларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ишларида аҳвол яхшилангач, тугатилди. 1993 йилда, масалан, Афғонистон, Гаити, Ироқ, Эрон, Куба, Сальвадор, Судан, Экваториал Гвинеяда ҳамда Собик Югославия ҳудудида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги аҳволни ўрганиш ва назорат қилиб бориш учун махсус маърузачилар бўлган.

1980 йилдан кейин Инсон ҳуқуқлари Комиссияси инсон ҳуқуқларини кўпол тарзда бузиш билан боғлиқ амалиётни бутун жаҳон миқёсида ўрганиш ҳамда шу муносабат билан тегишли чоралар кўриш мақсадида бир нечта махсус органлар таъсис этган. Бу органларга, таъбир жоиз бўлса, йўналиш мавзуига қараб ваколат берилган эди. Ҳозирги вақтда шундай гуруҳлардан иккитаси ишлаб турибди. Буларнинг биринчиси ғайририхтиёрий равишда ёки зўрлик ишлатиш билан ғойиб бўлиб қолишлар тўғрисидаги масала билан ва иккинчиси ўзбошимчалик билан ушлаб туришлар тўғрисидаги масала билан шуғулланувчи ишчи гуруҳдир.

Йўналиш мавзуига қараб кўплаб махсус маърузачилар тайинланган бўлиб, куйидаги масалалар доираси уларнинг ўрганиш соҳаси деб белгиланган эди:

1) суддан ташқари ва ўзбошимчалик билан ҳамда лозим даражада суд муҳокамаси ўтказмай туриб қатл этишлар тўғрисидаги масалалар бўйича;

2) қийноқларга солишга ҳамда муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни таҳқирловчи турлари бўйича;

3) болаларни сотиш, болалар билан боғлиқ фоҳишабозлик ва болалар порнографияси бўйича;

4) мамлакат ичкарисида кўчиб юрган шахслар тўғрисидаги масала бўйича;

5) диний мурасизлик бўйича;

6) ирқчилик, ирқий камситиш ва ксенофобия бўйича;

7) фикрлаш ва сўз эркинлиги бўйича;

8) халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини амалга оширишга қаршилиқ кўрсатиш воситаси сифатида ёлланган кишилардан фойдаланиш

бўйича.

Инсон ҳуқуқлари Комиссияси ва БМТ Бош Ассамблеясига юқорида зикр этиб ўтилган махсус органлар томонидан тақдим этиладиган маърузалар очик сессияларда муҳокама қилинади ҳамда бу маърузалар шу масалалар юзасидан Инсон ҳуқуқлари Комиссияси қарор қабул қилишида асосий омил бўлади.

Инсон ҳуқуқлари Комиссияси ўз ишини янада самаралироқ амалга ошириш учун 1947 йилда *Камситишларнинг олдини олиш ва кам сонли миллатларни ҳимоя этиш бўйича кичик комиссия* таъсис этган. Бундан кўзланган мақсад ўрганиш ва тадқиқ этиш ишларини Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини инобатга олган ҳолда олиб бориш ҳамда Инсон ҳуқуқлари Комиссияси учун инсоннинг ҳуқуқлари ва асосий эркинликларга нисбатан ҳар қандай шаклдаги камситишларнинг олдини олишга, шунингдек кам сонли миллатларни ирқий, миллий, диний ва тил жиҳатидан ҳимоя этишга оид тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат бўлган.

Кичик комиссия таркибида 26 аъзо бўлиб, улар Инсон ҳуқуқлари Комиссияси томонидан сайланади ва давлатларнинг вакиллари сифатида эмас, балки шахсий фазилатларига асосланган ҳолда иш кўради. Кичик комиссиянинг ҳар йилги сессиялари тўрт ҳафта давом этади, бу анжуманларда БМТга аъзо давлатлардан кузатувчилар ҳамда ҳукуматлараро ташкилотларнинг, ноҳукумат ташкилотларнинг, БМТнинг ихтисослаштирилган муассасалари ва анжуман кун тартибига киритилган масалалардан манфаатдор миллий-озодлик ҳаракатларининг вакиллари ҳозир бўладилар.

***Хотин-қизларнинг аҳволи бўйича Комиссия*** Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш томонидан 1946 йилда таъсис этилган. Комиссиянинг вазифалари доирасига хотин-қизларнинг сиёсий, иқтисодий, фуқаровий, ижтимоий соҳалар ва таълим соҳасидаги ҳуқуқларини рағбатлантириш тўғрисида Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашга тавсиялар ва маърузалар тайёрлаш, шунингдек эркаклар билан хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқчилиги принципини амалга ошириш мақсадида хотин-қизлар ҳуқуқлари соҳасидаги энг муҳим муаммолар бўйича чора-тадбирлар қабул қилиш тўғрисида тавсиялар ва таклифлар тайёрлаш вазифалари киради. Хотин-қизларнинг аҳволи бўйича Комиссияга хотин-қизларнинг аҳволи бўйича умумжаҳон конференциясида 1985 йилда қабул қилинган хотин-қизларнинг аҳволини яхшилаш соҳасидаги истиқболга мўлжалланган Найроби стратегияси амалга оширилишини назорат қилиш, шу йўналишдаги ишларнинг аҳволига баҳо бериб таҳлил қилиб бориш вазифаси топширилди. Хотин-қизларнинг аҳволи бўйича комиссия хотин-қизларга нисбатан камситишлар тўғрисида алоҳида шахслардан ҳам, бир гуруҳ шахслардан ҳам олинган хабарларни кўриб чиқиши мумкин. Якка тартибдаги шикоятлар бўйича чоралар кўрилмади. Бунинг ўрнига мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун сиёсий тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида хотин-қизларни камситиш соҳасидаги тамойилларни аниқлашга қаратилган таомилдан фойдаланиш билан чекланадилар.

***Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссар бошқармаси.*** Турли органлар



ва муассасаларга хизматлар кўрсатиш ҳамда ҳар хил таомиллар билан боғлиқ хизматни кенг йўлга қўйиш вазифалари БМТ Котибияти ходимлари зиммасида бўлади. Инсон ҳуқуқлари бўйича котибият БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари бошқармасида, яъни Инсон ҳуқуқлари бўйича собиқ марказда иш олиб боради.

Бу бошқарма Женевада жойлашган бўлиб, алоқа учун Нью-Йоркда кичикроқ бюроси, жаҳоннинг турли жойларида эса бир нечта муваққат ваколатхоналари бор. Ҳозирги вақтда мазкур бошқарманинг қароргоҳида юздан ортиқ мутахассис, асосан халқаро масалалар бўйича ихтисослашган юристлар ва сиёсатшунослар ишламоқда.

Бошқарманинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

**биринчидан**, Инсон ҳуқуқлари комиссияси ва унинг кичик комиссиясига хизматлар кўрсатиш;

**иккинчидан**, текшириш, назорат қилиш ва ўрганиб тадқиқ этиш ишларини ўтказишнинг Бош Ассамблея томонидан белгиланган турли таомилларини қўллаб-қувватлаш;

**учинчидан**, шартномалар ижро этилиши устидан назорат қилувчи органларга хизматлар кўрсатиш;

**тўртинчидан**, инсон ҳуқуқлари соҳаси доирасидаги турли масалалар юзасидан Инсон ҳуқуқлари комиссияси ва кичик комиссия сўровига биноан ўрганиш ва тадқиқ этиш ишлари олиб бориш;

**бешинчидан**, инсон ҳуқуқларига оид нормаларни миллий даражада сингдириш соҳасида давлатларга техник масалаларда ёрдам кўрсатиш дастурини амалга ошириш, шу жумладан мутахассисларни ўқитиш, юридик ёрдам бериш ва ахборот тарқатиш.

Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссар Бошқарма раҳбари ҳисобланади.

**Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссар.** Инсон ҳуқуқлари бўйича 1993 йилги умумжаҳон конференцияси Бош Ассамблеяга БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари лавозимини таъсис этиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишни биринчи навбатдаги вазифа сифатида тавсия этди. Бош Ассамблея 1994 йилда қабул қилган резолюцияга мувофиқ бундай лавозим таъсис этилди ва дастлабки Олий комиссарлик лавозими эквадорлик Хосе Айяла Лассога насиб этди. Бош Ассамблея баёнот бериб айтдики, Олий комиссар БМТнинг мансабдор шахси бўлиб, БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолияти учун асосий жавобгарлик юқини Бош котибнинг раҳбарлиги ва раҳнамолиги остида тортади. Олий комиссар ўз вазифасини бажарар экан, Бош Ассамблея, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш ҳамда Инсон ҳуқуқлари комиссиясининг умумий ваколатлари, вазифалари доирасида ва қарорлари асосида иш олиб боради. Олий комиссар кенг ваколатларга эга бўлиб, бу ваколатлар унга амалда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳар қандай муаммони кўриб чиқиш ва инсон ҳуқуқларини бузиш ҳолларининг олдини олишга қаратилган дунё миқёсидаги фаолиятда фаол тарзда иштирок этиш имконини беради. Айтиб бериш вақтида унга инсоннинг барча ҳуқуқларини тўла-тўқис амалга ошириш йўлидаги ҳозирги мавжуд тўсиқларни бартараф этиш

ва шу йўналишдаги янгидан янги вазифаларни ҳал этиш ишида, қолаверса бутун жаҳонда инсон ҳуқуқларини бузиш ҳоллари давом этишига йўл қўймаслик ишида етакчи роль ўйнаш имконияти берилган. 1997 йилнинг охирларида БМТ Бош Ассамблеяси Ирландиянинг собиқ Президенти Мэри Робинсонни иккинчи Олий комиссар сифатида тасдиқлади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ва уларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя этишдаги ўрни

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили.

Парламент ҳузуридаги Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман) институти Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида ташкил этилди ва 1995 йил 6 майда Олий Мажлис қарорига биноан унинг ҳузурида Вакилнинг инсон ҳуқуқлари борасидаги вазифаларни намунали амалга оширишига кўмаклашиш учун фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш Комиссияси ташкил этилди. Вакил ва Комиссия фаолияти Олий Мажлиснинг 1995 йил 29 август Қарори билан тасдиқланган Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисидаги Низом билан тартибга солинган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг роли ва мавқеини ошириш учун Вакил ҳақидаги Қонун лойиҳаси устида иш бошланиб, бунда Олий Мажлис кўмиталари аъзолари, республика ҳуқуқшунос олимларигина эмас, балки БМТни Ривожланиш Дастури экспертлари, жумладан жаноб Дин Готтерер ҳам иштирок этди. Қонуннинг лойиҳасини тайёрлашда чет эл омбудсман ва мутахассислари тажрибаси ҳисобга олинди. Бунда улар 1996 йил сентябрида Тошкентда ўтказилган “Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар” ЕХХТ семинарнинг кенгашида ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил ҳақидаги қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун “Халқ сўзи”, “Народное слово” газеталарида 1997 йил 14 февралда эълон қилинди. 1997 йил 24 апрелида эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг саккизинчи сессиясида “ Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида” Қонун қабул қилинди. Ушбу қонун парламент ислоҳотларини амалга оширилиши муносабати билан 2004 йил 29 августда янги таҳрирда қабул қилинди.

Мазкур қонун инсон ҳуқуқлари бўйича Вакилнинг ҳуқуқий ҳолатини, фаолият соҳаси ва тамойилларини, шунингдек, лавозимга сайланиш ва ишдан бўшатилиш тартибини, фуқароларнинг шикоят ва аризаларини кўриб чиқишдаги ваколатлари ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоялашдаги ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилаб беради.<sup>64</sup>

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўз фаолиятини олиб боришда унинг фаолиятини тартибга солувчи Қонунгагина эмас, балки бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларга ҳам асосланади. Бундай ҳужжатлар қаторига Котибият фаолияти тўғрисида Низом, Вакил қошидаги

<sup>64</sup> Саттаров А. Омбудсман – ҳуқуқ ҳимоячиси ( хорижий ва миллий тажриба ) Т., 2000 34-бет.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этиш Комиссияси Регламенти, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисидаги Низом кабилар кириб, булар Вакил фаолиятининг барча йўналишларини батафсил белгилаб беради.

Вакил ўз вазифаларини бажаришда 1994 йил 6 майдаги “Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 1995 йил 30 августдаги “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро конвенцияларга амал қилади.

Бундан ташқари “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги 2003 29 августдаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг 23-моддасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини сайлаш тартиби белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили номзоди Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан киритилади.

Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини сайлаш масаласи юзасидан қарори Сенатга юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мажлисларида кўриб чиқилганидан кейин Ушбу масала юзасидан қабул қилинган узил-кесил қарор қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

Ўзбекистондаги Вакил кенг ҳуқуқий ваколатларга эга бўлиб, унинг фаолияти давлат ва фуқаро, жамият ва шахсга оид ижтимоий муносабатларнинг муҳим соҳасини ўз ичига олади. Ҳозирги замон жамиятининг ҳаёти ва фаолиятининг Вакилга таалуқли бўлмаган бирорта соҳаси йўқ, чунки инсон ва унинг ҳақ-ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари Вакилнинг асосий диққат объекти ҳисобланади.

Бир томондан, Вакил зиммасига тарбиявий ва маърифий функциялар юклатилган: у инсон ҳуқуқлари бўйича бошқа миллий тизимлар қатори инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга риоя қилиш заруратини ялпи тан олдириш ва тушунишга кенг кўламда кўмаклашади, жамиятга Ўзбекистон қонунлари ва халқаро ҳуқуқ нормаларида мустаҳкамлаб қўйилган инсон ҳуқуқлари, кафолатлари ва бурчлари ҳақида атрофлича ахборот беради.

Иккинчи томондан, Вакил фуқаролар ҳуқуқларининг беғараз ва инсонпарвар ҳимоячисидирб у инсон ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисидаги шикоятларни кўриб чиқади ва текширади, айрим ташкилотлар ва мансабдор шахслар йўл қўйган хатоликларни тугатиш юзасидан тадбирлар тавсия қилади, фуқаролар ҳуқуқлари тикланишига ёрдамлашиб, инсон

ҳуқуқларининг жиддий бузилишига сабабчи шахсларни қонунга биноан жавобгарликка тортиш тўғрисида тавсия қилишга ҳам ҳақлидир.

Учинчи томондан, Вакил фаолияти чуқур аналитик иш билан боғлиқ: у мамлакатда инсон ҳуқуқларига қандай риоя қилинаётганлигини ўрганиши ва таҳлил этиши, инсон ҳуқуқлари бузилишини келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаши, Ўзбекистон ҳуқуқ нормаларининг шу соҳадаги халқаро шартномаларга қанчалар мувофиқлигини текшириши, инсон ҳуқуқларига амал қилишни таъминлайдиган дастурлар ишлаб чиқиши ва бошқа ташкилотлар тайёрлаган аналитик дастурларнинг ҳаётга татбиқ этилишида иштирок этиши лозим.

Вакил фаолиятининг тўртинчи йўналиши инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида мавжуд чет эл тажрибасини ўрганиш ва шу билан бирга, жаҳон жамоатчилигини республикамиздаги инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоялаш аҳволдан хабардор қилиб туришдир.

Шундай қилиб, Вакил фаолиятининг биз таърифлаган тўрт асосий йўналиши Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари умумий ҳолатининг яхшиланиши инсон ва унинг ҳуқуқларининг жамоатчилик томонидан ҳурмат қилинишига ҳисса қўшади, зеро мамлакатнинг муваффақиятли демократик тараққиётини сиёсат, иқтисод, экология ва маданият соҳасида жаҳон цивилизацияси томонидан тан олинган инсон ҳуқуқлари тантанасисиз амалга ошириш мумкин эмас. Жамиятда инсон ҳуқуқларига риоя қилиш ва уларнинг ҳимояси муаммоси қанчалик самарали ҳал этилса, у шунчалик демократияга фуқаролик жамияти шаклланишига яқинлашади.

“Биз учун,- деб ёзади Биринчи Президент Ислон Каримов,- фуқаролик жамияти – ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришига монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига қўмаклашади. Айни вақтда бошқа одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўйилмайди. Яъни эркинлик ва қонунга бўйсунуш айни бир вақтнинг ўзида амал қилади, бир-бирини тўлдиради ва бир-бирини тақазо этади. Бошқача айтганда, давлатнинг қонунлари инсон ва фуқаро ҳуқуқларини камситмаслиги лозим. Шунинг баробарида барча одамлар қонунларга сўзсиз риоя қилишлари шарт”.<sup>65</sup>

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўз фаолияти давомида жамият ва фуқаролар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ана шу асосий принципларини тараққий эттириш ва ҳаёга татбиқ этилиши учун хизмат қилади.

“Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги 20 моддадан иборат Ўзбекистон Республикаси қонунининг ҳар бир қويدаси инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун хизмат қилади.

<sup>65</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., Ўзбекистон. 1997. 173-бет.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилишига доир мурожаат таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг аксарият қисми қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботни таъминлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда аҳолига уй-жой коммунал, тиббий хизматлар кўрсатиш масалалари билан боғлиқдир. Келиб тушаётган мурожаатлар асосан суд ҳукмидан норозилик, асосиз қамаш ва айб қўйиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари, квартира масалалари бўйича суд қарорларидан норозилик, уй-жой коммунал масалалари, рўйхатга олиш масалалари, ижтимоий таъминот масалалари, меҳнат масалалари, таълим масалалари, тадбиркорлик ҳуқуқлари бузилганлиги, пул маблағларининг индексация бўйича, суд қарорларининг ижро этилмаганлиги ҳақида бўлиб, фуқароларнинг ариза ва мурожаатлари қатъий тартибда кўриб чиқилиб, керакли чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Фуқаролар аризаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қўпол равишда бузилишига;

- Ички ишлар, прокуратура, суд айрим ходимларининг,

- Маҳаллий хокимият ва бошқарув органлари, турли ташкилотлар ва муассасалар раҳбарларининг малакаси пастлиги, касб дунёқараши торлиги, совуққонлик, тўрачилик, масъулият ҳиссининг етишмаслиги:

- Шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш, ушлаб туриш, хибсга олиш, озодликдан маҳрум этишнинг қонунийлиги ва асосланганлиги устидан етарли даражада прокурор ва суд назоратининг йўқлиги сабаб бўлаётганини кўрсатади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил девонига келиб тушаётган шикоятларга хос бўлган умумий тенденциянинг ижобий томонга ўзгараётганлиги сифатида шуни таъкидлаш керакки, ушбу шикоятлар янада аниқ ва далилланган бўлиб бормоқда, фуқаролар шахсий муаммоларидан ташқари ижтимоий муаммоларни ҳам ёзиб юбормоқдалар, улар амалдаги қонун ҳужжатларини, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва маҳаллий хокимият органларининг фаолиятини такомиллаштириш йўллариини таклиф этмоқдалар. Демак, айтиш мумкинки, ҳуқуқий демократик жамият куриш билан бир қаторда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ортиб бораётганидан далолат беради.

### **Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари Миллий маркази.**

Ҳозирги вақтда республикада инсон ҳуқуқларига риоя қилиш ва ҳимоялаш масалалари билан шуғулланувчи бир неча идоралар мавжуд. Улардан иккитаси қонун чиқарувчи, биттаси ижроия ва яна бири ноҳуқумат органидир. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи йил иш фаолиятида 1995 йилда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили органи таъсис этилди ва унинг ихтиёрида инсон ҳуқуқ ва эркинлиги билан шуғулланувчи Комиссия тузилди. 1996 йилда эса Олий Мажлис ҳузурида амалдаги қонунчилик мониторинги институти ташкил қилинди. Ўша йили Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонида кўра Республика инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ тузилди. Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари миллий маркази давлат идоралараро таҳлил,



тушунтириш ва мувофиқлаштириш органи ҳисобланади, яъни мазкур орган инсон ҳуқуқлари соҳасида давлат бошқарув органлари фаолиятини мувофиқлаштиради, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ишлар миллий режасини ишлаб чиқади, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича миллий маърузалар тайёрлайди, давлат хизматчилари учун эса инсон ҳуқуқлари муҳофазаси соҳасида ахборот базаси яратади, уларни ўқитади, маслаҳатлар беради, ташвиқот ишлари олиб боради<sup>66</sup>.

Марказнинг асосий мақсади – устувор вазифаларни ҳар томонлама ҳал этиш йўли билан Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий фаолият дастурини – ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя этишнинг кўп жиҳатли тизимини ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этиш, жумладан:

1. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш;
2. Ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва инсон ҳуқуқларини суд йўли билан ҳимоя қилиш;
3. Инсон ҳуқуқларини суддан ташқари ҳимоя қилиш тизимини яратиш;
4. Турли тоифадаги шахслар ҳуқуқини ҳимоя қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш;
  - Аҳолининг ижтимоий кам таъминланган қатламларини;
  - экологик офат минтақаларида яшовчи аҳолини;
  - диндорларни, турли дин вакилларини;
  - озодликдан маҳрум этилган шахсларни;
  - ҳарбий хизматчиларни.
5. Ноҳуқумат ҳуқуқни ҳимоя этиш ташкилотлари фаолиятларининг самарали шаклларини ривожлантириш;
6. Инсон ҳуқуқларига риоя қилиш кафолати сифатида ахборот олиш эркинлигини таъминлаш;
7. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимнинг кўп мақсадли тизимини – алоҳида ихтисослашган курслардан тортиб оммавий маълумот – танишув дастурларигача ташкил этиш;
8. Ижро ҳокимияти доирасидаги вазирликлар, қўмитилар, идоралар ва муассасаларни инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;
9. Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тизимининг ривожланиши асосида халқаро ҳамжамиятга кириш йўлларини шакллантириш.

Марказнинг асосий вазифалари ва функциялари.

Қўйидагилар Марказнинг асосий вазифалари ва функциялари ҳисобланади;

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасида миллий ҳаракат режасини ишлаб чиқиш;

---

<sup>66</sup> Раҳмонқулов Х, Раҳмонов А. Права человека: история и современность. Т., Изд. «Мир экономики и право», 1998. 213 стр.

инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро ва миллий ташкилотлар билан ҳамкорлигини ривожлантириш;

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларига риоя этилиши ва бу ҳуқуқларнинг муҳофаза қилиниши юзасидан миллий маърузалар тайёрлаш;

Инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалалари бўйича халқаро ва ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

Инсон ҳуқуқлари соҳасида давлатлараро икки томонлама ва кўп томонлама битимларни ишлаб чиқиш ва эксперт баҳолаш ҳамда уларни келишишда қатнашиш;

Давлат органларининг инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва муҳофаза қилиш соҳасида таълим бериш, тарғибот, ўқув-услубий адабиётларни нашр этиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ривожлантириш юзасидан социологик тадқиқотлар ўтказиш ва уларда қатнашиш;

Давлат органларининг инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва бу ҳуқуқларни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш юзасидан уларга тавсиялар тайёрлаш;

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш бўйича миллий дастурларни ишлаб чиқиш;

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш стратегиясини ишлаб чиқиш;

Инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва муҳофаза қилиш соҳасида жамоатчилик ташаббусларини рағбатлантириш ва мувофиқлаштириш;

Инсон ҳуқуқлари бўйича адабиётлар, телекўрсатувлар ва радио-эшиттиришлар, шунингдек, «Ўзбекистонда демократиялаш ва инсон ҳуқуқлари» даврий нашрини тайёрлаш ва чиқариш;

Миллий, минтақавий ва халқаро даражаларда инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида илмий тадқиқотлар ташкил этишда;

Инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳукуматга қарашли бўлмаган жамоат, ҳуқуқини муҳофаза қилиш ва сиёсий партиялар билан ҳамкорлик қилиш;

Ўзбекистон Республикасини Ҳукуматининг инсоннинг ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига риоя қилиш, муҳофаза қилиш ва рағбатлантириш бўйича фаолияти тўғрисида аҳолини шунингдек халқаро жамоатчиликни оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилиш.

Марказ фаолияти дастурининг ғоявий асоси – Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясида баён этилган ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришнинг умумбашарий тамойилларидир.

Ҳуқуқий давлат мафкурасини ривожлантиришни илмий режалаштириш инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Миллий концепциясини яратишни кўзда тутди. Бу конвенцияда Шарқнинг кўп асрли ҳуқуқий маданияти тажрибаси, бизнинг буюк аجدодларимиз турмуш тарзи анъаналари акс этиши лозим. Марказнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий концепциясини яратиш фаолияти инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳаракатлар миллий

дастурининг муҳим назарий қисми, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида туб ўзгаришлар босқичининг бошланиши ҳисобланади.

Марказ фаолиятининг асосий йўналишлари:

1. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолият миллий дастурини ишлаб чиқиш орқали давлат ва жамоат ташкилотларининг илмий-тадқиқот, таълим ва маърифий фаолиятларини мувофиқлаштириш;

2. Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари миллий концепцияси асосида ҳуқуқий давлат миллий мафкурасини шакллантириш;

3. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти эълон қилган инсон ҳуқуқлари соҳасидаги барча норматив актларни босқичма-босқич қабул қилиш орқали Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятига киришининг самарали механизмини яратиш.

Марказнинг қўшимча таркибий бўлинмалари:

«Кичик илмий жамоа» шаклидаги аниқ масалаларни ҳал қилиш учун тузилган вақтинчалик ижодий гуруҳлар мажмуасидан иборат. «Кичик илмий жамоа»ни яратишнинг биринчи босқичида марказ қўйидаги гуруҳларни ташкил этади:

- ахборот-таҳлилий маълумотлар билан таъминловчи гуруҳ (ахборотни йиғиш ва қайта ишлашнинг ўзига хос дастурини ишлаб чиқиш);

- жамиятдаги ҳуқуқий ислоҳотларни ижтимоий-иқтисодий таҳлил этиш гуруҳи (инсон ҳуқуқларини ривожлантиришни иқтисодий рағбатлантириш моделини яратиш);

- инсон ҳуқуқлари соҳасида кўп мақсадли таълим тизимини ташкил этиш гуруҳи (БМТ Ривожланиш Дастури фаолияти доирасида);

- Ўзбекистон телевидениеси орқали ҳуқуқий маданият асосларини тарғиб этиш гуруҳи (Марказ телекўрсатуви – «XXI аср одоби», алоҳида кўрсатув – «Телематн – ҳаммаси инсон ҳуқуқлари тўғрисида»).

Ҳамкорлик имкониятлари:

Халқаро алоқалар воситалари орқали маълумотлар алмашиш; ҳамкорликда нашрлар – монографиялар, ўқув қўлланмалари, мақолалар тўплами; семинар, конференция, симпозиумлар ўтказиш; телекўрсатувлар тайёрлаш, ўқув ва илмий-оммабоп фильмлар яратиш; тезкор экспедициялар, мамлакатнинг турли ерларида жойларга чиқиб тадқиқотлар ўтказиш. Марказ ўз фаолиятини амалга оширишда қатор халқаро ташкилотлар билан; БМТ, ЕХХТ, ТАСИС, ЮНЕСКО, АҚШ, Франция, Англия, Италия элчихоналари, қатор халқаро ноҳукумат ташкилотлар ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилмоқда. Бундан ташқари Миллий марказ олий ўқув юртларида инсон ҳуқуқлари бўйича дарсликлар, маърузалар ва семинарлар ўтказилишини амалга оширмоқда<sup>67</sup>.

<sup>67</sup> А.Х.Саидов. Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека в 1999 году: основные направления деятельности. Т.,НЦПЧ. 2000. 12,18-бет.

## Назорат саволлари:

1. Инсон ҳуқуқларининг устуворлиги коррупцияга қарши курашда қандай аҳамият касб этади?
2. Инсон ҳуқуқларининг устуворлигини таъминлаш шартлари қандай?
3. 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947сонли Фармонида назарда тутилган мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилишнинг асосий йўналишлари бўйича қандай чора-тадбирлар белгиланган эди?
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги 22.06.2020 йилдаги ПФ-6012-сонли фармонининг мазмуни ва моҳияти?
5. Инсоннинг давлат билан муносабати, улар ўртасидаги ҳуқуқий боғлиқлик.
6. Инсон ҳуқуқларининг бузилиши ва коррупция ҳолатлари қандай изоҳлайсиз.
7. Мулк ҳуқуқининг поймол этилиши ва коррупция ўртасида қандай боғлиқлик бўлиши мумкин.
8. Иқтисодиётда монопол фаолият коррупция билан қандай боғлиқликда бўлиши мумкин.

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгилашиш сари / Муаллифлар жамоаси. Т.: Гафур Ғулом. 2017.
2. Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очиқ фуқаролик жамиятининг шаклланиши. –Т.: Шарқ, 2003.
3. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
4. Жалилов А. бошқалар. Фуқаролик жамияти асослари. – Т.: Baktria press, 2015.
5. Фуқаролик жамияти. Дарслик лойиҳаси– Т.: 2016. Ziyonet.uz. Муаллифлар жамоаси. <http://library.ziyonet.uz/uz/book/32900>
6. Утамурадов А. ва бошқалар. Фуқаролик жамияти фанидан тушунча ва атамалар луғати. Лотин ёзувида. Т.: Турон-замин-зиё. 2017. 23 б.т.
7. Утамурадов А, Қирғизбоев М, Хожиев Т. Фуқаролик жамияти / Ўқув қўлланма. Лотин алифбосида. – Т.: Мумтоз сўз. 2018. 395 бет.
8. А.Утамурадов. Фуқаролик жамияти ғоялари эволюцияси. –Т., “Адабиёт учкунлари”, 2018. Б.193.

## 3–амалий машғулот: Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашдаги туб бурилиш даврининг бошланиши. (2 соат)

### РЕЖА:

1. Ўзбекистон Республикасини БМТнинг “Коррупцияга қарши кураш конвенцияси”га кўшилиши.
2. Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни ва қарорда белгиланган вазифалар.
3. Коррупцияга қарши кураш субъектлари ва идоралараро комиссиянинг асосий вазифалари.

**Таянч иборалар:** Коррупцияга қарши курашда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан коррупциявий жиноятлар учун жавобгарлик чоралари. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги асосий вазифаси ва йўналишлари. Ўзбекистон Республикасида коррупцияга сабаб бўладиган омиллар ва уларни олдини олиш чора-тадбирлари. Коррупцияга қарши курашувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва тизими.

Бизга маълумки, коррупция жамиятни ривожланишига қарши қаратилган ҳаракат сифатида ҳар қандай жамият ва давлатда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни келтириб чиқаради ҳамда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни чуқурлаштиришга сабаб бўладиган омил сифатида баҳоланади.

Кўпчилик экспертлар томонидан жамиятда коррупция мураккаб ижтимоий ҳодиса сифатида намоён бўлиб, унга қарши курашиш учун алоҳида чораларни қўллаш самарали ҳисобланмаслиги қайд этилган. Коррупцияга қарши курашишга қаратилган фаолият комплекс-мажмуавий тарзда мунтазам равишда изчил амалга оширилиши яхши натижа бериши мумкин.

Ҳар бир давлат коррупцияга қарши курашиш фаолиятининг мақсади ва объекти сифатида алоҳида олинган коррупционерга эмас, балки ушбу хатти-ҳаракатларни амалга оширишга шароит яратиб берувчи ҳолатларни бартараф қилиш ва профилактик олдини олиш чораларида намоён бўлади.

Коррупцияга қарши курашиш ишларини ташкил этишда қуйидаги-ларни инобатга олиш лозим деб ҳисоблаймиз:

- ҳар бир соҳада коррупцияга қарши курашишда қонун ҳужжат-ларини замон ва ислоҳотлар талаблари даражасида такомиллаштириш;
- аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамият аъзолари бўлган фуқароларимиз онгида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни мунтазам равишда шакллантириб бориш;
- давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга изчил тадбиқ қилиш;
- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга барҳам бериш ва оқибатларини кенг жамоатчиликка тушунтириш, коррупцияга имкон берган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш;
- коррупцияга қарши курашиш соҳасида ташкилий чораларни илмий ва амалий жиҳатдан асосланган ҳолда ташкил этиш, илмий тадқиқотлар ўтказиш ва бу соҳада халқаро ҳамкорликни изчил йўлга қўйиш.

Ҳар қандай давлатда коррупциянинг ривожланиши давлатнинг ички ва ташқи сиёсатига салбий таъсир кўрсатади, натижада жамият аъзоларини мазкур давлатнинг органларига бўлган ишончига путур етказишга олиб келади.

***“Жиноят қонунчилигини янада такомиллаштириш ва либераллаштириш бўйича ишларни давом эттириш лозим. Нега деганда, Жиноят ва Жиноят-процессуал кодекслар қарийб 25 йил олдин қабул қилинган. Ўтган даврда жамиятдаги муносабатлар, одамларнинг яшаш***



*тарзи, онги дунёқараши ўзгарди. Шу сабабли бу кодекслар бугунги кун талабларига жавоб бермай қолди. Маълумки, қонунчиликда жазони озирлаштириш ёки енгиллаштиришга оид моддалар бор. Лекин улар терговчи ёки судьянинг ихтиёрига, яъни инсон омилига тўлиқ боғлиқ бўлиб қолмаслиги керак. Акс ҳолда биз учун муқаддас бўлган адолат мезони бузилади. Шунинг учун жиноят ва жиноят процессуал қонунчилиқни тубдан қайта кўриш зарур”[2].*

Жиноят ва Жиноят процессуал кодексларини ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш, халқаро экспертларни жалб қилиш ҳамда бугунги кунда шиддатли равишда амалга оширилаётган ислохотларни талабларига мувофиқ Жиноят ва Жиноят процессуал кодекслар лойиҳаси норма ижодкорлиги асосида ишлаб чиқиш жамиятда жиноятларни шу жумладан коррупцион жиноятларни олдини олишга қаратилган нормаларни мустаҳкамлаш жамиятда жиноятларни ҳамда коррупцион жиноятларни олдини олинишига хизмат қилади.

Ҳозирги глобллашув даврида ёки жараёнида коррупция муаммоси жаҳоннинг деярли ҳар бир мамлакатида мавжудлигини кўриш мумкин. Аммо бу - барча давлатларда ҳам коррупция бир хил деган маънони англатмайди. Экспертларнинг хулосасига кўра, коррупциянинг вужудга келиш сабаблари турли мамлакатларда турли хил бўлиб, тарихий ривожланиш босқичи ҳамда ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг мавжудлиги ҳамда тараққиёт даражаси билан белгиланади.

Бир қатор ривожланган мамлакатларда давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олиш ва унга барҳам беришга қаратилган маъмурий нормалар мажмуи ишлаб чиқилган.

XX асрнинг 90 йилларидан халқаро ва минтақавий доираларда коррупцияга қарши кураш билан боғлиқ халқаро шартномалар қабул қилина бошланди.

Коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича кўп томонлама халқаро ҳужжатлар қабул қилинган:

- Америка давлатлари ташкилоти томонидан 1996 йил 29 март куни қабул қилинган “Коррупцияга қарши курашиш бўйича Америка конвенцияси” (4);
- Европа иттифоқи Кенгаши томонидан 1997 йил 21 ноябрда Европа ҳамжамиятининг мансабдор шахсларига ёки Евро иттифоқига аъзо давлатларнинг мансабдор шахсларига дахл қилган коррупцияга қарши курашиш бўйича Конвенцияси (5);
- Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан 1997 йил 21 ноябрда қабул қилинган Халқаро тижорат амалиётларида хорижий мансабдор шахсларга пора беришга қарши курашиш бўйича Конвенцияси (6);
- Европа Кенгаши Вазирлар қўмитаси томонидан 1999 йил 27 январ-да қабул қилинган “Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисида”ги Конвенцияси (7);

- Европа Кенгаши Вазирлар қўмитаси томонидан 1999 йил 4 ноябр-да қабул қилинган “Коррупция учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги тўғрисида”ги Конвенцияси;
- 2003 йил 12 июлдаги Африка Иттифоқининг “Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тўғрисида”ги Конвенцияси;
- БМТнинг “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка ҳамда коррупцияга қарши кураш” Конвенцияси;
- МДХ доирасида эса унга аъзо давлатлар томонидан 2003 йил 15 ноябрдаги қарорга мувофиқ, “Коррупцияга қарши сиёсатнинг қонунчилик асослари тўғрисида”ги қонун қабул қилинганлиги ҳам коррупцияни жамият ривожланишига қарши қаратилган иллат сифатида унинг қанчалик хатарли эканлигини кўрсатади.

Давлат ҳокимияти органларининг коррупциянинг зарарли таъсиридан сақлаш зарурияти АҚШ ҳукуматини коррупцияга қарши курашни XIX асрдаёқ давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилашга олиб келган.

1978 йилда АҚШ Конгресси “Ҳукуматдаги ахлоқ тўғрисида”ги қонунни қабул қилган. Ушбу Қонуннинг вазифаси давлат амалдорлари ва муассасалари ҳалололигини сақлаш ҳамда бунга имконият яратишдан иборат.

Канаданинг жиноят қонунчилигида “мансабдор шахсларни пора эвазига оғдириш”, “Ҳукуматни алдаш”, “мансабдор шахс томонидан содир этилган ишонччи суистеъмол қилиш” мансабдорлик жиноятлари ҳисобланиши белгилаб қўйилган.

1985 йил Канадада давлат хизматчиларининг хизмат вазифалари ва шахсий манфаатлари ўртасидаги зиддият юзага келган ҳолда улар амал қилиши шарт бўлган хулқ-атвор қоидаларини ўзида мужассам қилган Кодекс қабул қилинган.

Канадалик қонун ижодкорларининг фикрига кўра, ушбу қонунлардан кўзланган мақсад – давлат аппарати ва давлат хизматчиларининг ҳалоллигига жамиятнинг ишончини оширишга қаратилганлигини қайд этишади.

Давлат хизмати тизимида коррупцияни олдини олиш, унга қарши курашиш ва барҳам бериш мақсадида Францияда XX асрнинг 90 йилларида сайланган барча давлат хизматчилари ва коррупция таъсирига берилиши мумкин бўлган жамоат хизмати кадрларига ўз мол-мулки ва даромадлари ҳақида тегишли давлат идораларига маълумот бериш мажбуриятини юклаш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Шунингдек, давлат аппарати юқори мартабали ходимларининг даромадлари ва мол-мулки ҳақидаги декларациялар кенг миқёсда ошкор этилишини таъминлайдиган ҳуқуқий ва ташкилий асослар қонун ижодкорлиги асосида яратилган.

*Коррупцияни олдини олишнинг назарий пойдевори “таълим, хабардорлик ва тарғибот” (Education, Awareness and Advocacy) тамойилларига асосланиб, амалий томондан эса “самарадорлик, шаффофлик ва ҳисобдорлик” (effectiveness, transparency, accountability)*

*тамойиллари асосида аниқ давлат сиёсатини ишлаб чиқишдан иборат. Бу борада давлат сиёсати дунёда (хусусан, Сингапурда) “one size fits all” (“барча учун бир хил мезон”) тамойиллари ишлаб чиқилган ва ўзининг ижобий натижасини берган[3].*

“Республика бўйича 2018 йилда **1561 нафар** турли тоифадаги мансабдор шахс жиноий жавобгарликка тортилган. Буларнинг аксариятини – **580 нафар** хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари, **257 нафари** – таълим соҳаси, **83 нафари** – соғлиқни сақлаш тизими, қолган қисмини бошқа соҳа вакиллари ташкил қилади. Жинояти фош қилинган мансабдор шахсларнинг **39 нафари** республика, қолганлари вилоят туман-шаҳар миқёсидаги вазирликлар, идоралар ҳамда корхона ва ташкилотларда ишлаб келган. Жиноий жавобгарликка тортилган бу ходимларнинг **821 нафари** ўзганинг мулкани ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш, **138 нафари** пора олиш ва бериш, қолганлари эса бошқа мансабдорлик жиноятлари учун жавобгар бўлган”[4]. Мазкур таҳлилий материаллардан ҳам кўриниб турибдики, кейинги икки йилда мамлакатимизда коррупцияни олдини олиш ва коррупцияга қарши курашиш ишлари давлатнинг ваколатли органлари томонидан изчил равишда амалга оширилаётганлигини кўрсатади.

Мамлакатимизда Президентимиз Ш.М. Мирзиёев раҳномалигида амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор вазибаларидан бири коррупцияга қарши тизимли равишда курашиш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари, ташкилий тузилмаси ва амалга ошириш стратегияси халқаро ҳуқуқий талабаларасида белгиланди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) кўшилиши жамият тараққиётини амалга оширишнинг миллий механизми сифатида “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун, Президентнинг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сон қарори қабул қилинди.

Коррупцияга қарши курашишнинг алоҳида институционал тузилмаси сифатида Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ташкил этилиб, ҳозирги кунда мазкур идора UNODC (БМТнинг Наркотик ва жиноятчилик бўйича идораси), UNDP (БМТ тараққиёт дастури) ва OSCE (Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти) каби халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда фаолият олиб бораётганлиги жамиятда коррупцияга қарши курашиш бўйича фуқароларнинг дахлдорлигини кучайтириш ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурининг қабул қилиниши бу борада давлат сиёсатини амалга ошириш стратегиясининг асосий йўналишларини белгилаб берилиши давлат билан жамият аъзолари бўлган фуқароларнинг коррупцияга қарши курашиш изчил давом эттиришга шарт-шароитлар яоатмоқда.

**Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш соҳасининг самарадорлигини таъминлашда қуйидагиларни эътибор олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:**

**биринчидан** – коррупцияга қарши курашнинг самарадорлигига эришиш модели ишлаб чиқилиб, коррупцияга қарши курашнинг аниқ ҳуқуқий механизми, самарали институционал тузилмаси, молиявий ва меҳнат ресурслари билан доимий таъминлаб турилиши, мунтазам мониторинг фаолияти ҳамда холис ва шаффоф баҳолаш тизими аниқ қонунчиликда мустаҳкамланиши лозим. Амалдаги қонунчиликда коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат сиёсатининг юқоридаги санаб ўтилган ҳуқуқий ва иқтисодий ҳамда ижтимоий элементлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва бири-бирига таъсир қилиш механизми йўлга қўйилмаган. Демак, коррупцияга қарши курашиш бўйича яхлит комплекс тизимнинг узвий ишлашини жамиятда йўлга қўйиш қўйиш унинг самарадорлигини таъминлайди;

**иккинчидан** – коррупцияга қарши курашиш стратегиясида инновацион ёндашувни самарали қўллаш. Бунда давлат органларининг фуқаролик жамиятининг барча институтлари билан ҳамжиҳат фаол ҳаракатини таъминлаш, шунингдек, коррупцияга қарши курашишда миллий тузилмаларнинг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигини янада кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор бериш. Бунда, Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш соҳасида интеграцияга эришишга тўсқинлик қилаётган омиллардан бири – жиноят ва жиноят процессуал қонунчилигини коррупцияга қарши курашиш бўйича моддаларини мукамал ишлаб чиқиш ҳамда коррупцияни келтириб чиқараётган ҳолатларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва коррупцияни олдини олишга қаратилган дастурлар, чор-тадбирларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ қилишда аниқ статистика ҳамда далилларга асосланган маълумотга таянган ҳолда иш олиб бориш коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади;

**учинчидан** – жамиятнинг ижтимоий соҳаларида хусусан, тадбиркорлик, таълим, соғлиқни сақлаш жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳаларида коррупцияга қарши курашни янада кучайтириш, коррупция билан боғлиқ айрим хатти-ҳаракатларни барҳам беришга қаратилган дастурлар ижросини барча соҳаларда таъминлаш ҳамда халқаро тажрибани ўрганиш асосида халқаро ҳужжатларда назарда тутилган стандартларни қонунчиликда мустаҳкамлаш яхши натижаларга эришиш имкониятини яратади;

**тўртинчи** – коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурини ижросини жамиятда таъминланиши ва бу борада тизимли мониторинг қилиш бўйича самарали ҳуқуқий механизмнинг ислохотлар талаблари даражасида ишлаб чиқиш ҳамда давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш қоидаларига риоя қилиш даражасининг талаб даражасидан пастлиги, давлат органлари фаолияти очиқлиги тамойилининг амалда таъминланиши, коррупцияни олдини олишга қаратилган қонунчилик нормаларини халқаро

хуқуқ талаблари асосида такомиллаштириш жамиятда ижтимоий адолатни ўрнатишга хизмат қилади.

**бешинчи** – коррупцияга қарши курашишнинг замонавий тенденцияларидан келиб чиқиб амалда реал ишлайдиган стратегияни ишлаб чиқиш асосида замонавий тенденцияга кўра, коррупцияга қарши курашиш масалан мамлакатимизда давлат хизматлари агентлигини ташкил этилганлиги ва халқимизга халқаро талаблар асосида хизмат қилинаётганлиги жамиятда коррупцияга қарши курашишнинг янги босқичини бошлаб бериб, фуқароларнинг коррупцияга қарши курашиш дахлдорлигини оширишда муҳим қадамлардан бўлаётганлигини қайд этиш ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш;

**олтинчидан** – коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш ишларини ташкил этишда жамият аъзолари бўлган фуқароларимизни фаол иштирокини кучайтириш, коррупцияга тегишли бўлган маълумотларни ўрганиш имкониятини яратиш, янги технологиялардан фойдаланган ҳолда коррупция ҳолатлари ҳақида ахборот бериш, коррупцияга оид муаммоларни ҳал қилиш ва бартараф этишда жамоатчилик назоратини таъминлашнинг изчил тизимини яратиш ва ҳаётга тадбиқ қилиш;

**етинчидан**, Ўзбекистонда ҳар бир соҳада коррупцияга қарши курашишда соҳанинг хусусиятларидан келиб чиқиб ёндашиш, коррупция ҳолатлари олдини олишга қаратилган янги инновацион усулларини ишлаб чиқиш ва қўллаш, коррупция ҳолатларини экспертизадан ўтказиш, мониторинг қилиш ва баҳолаш жамиятда коррупциянинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш жамиятни қонуний ривожланишига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида жамиятда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг қонуний асослари такомиллаштирилганлиги борасида қуйидаги таҳлилий маълумотларни таъкидлади.

“Бугунги кунда юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини қонуний ҳимоя қилиш бўйича салмоқли ишлар қилинмоқда. Жумладан, шахсни айблаганда қонунга зид усулда олинган маълумотлардан далил сифатида фойдаланганлик учун қатъий жавобгарлик белгиланди.

Кейинги икки йилда судлар мустақиллигини таъминлаш бўйича муҳим чоралар кўрилди. Жумладан, жорий йилнинг ўзида **1 минг 881 та жиноят иши** далиллар етарли бўлмаганлиги сабабли тугатилди, судлар томонидан **590 нафар** шахс оқланди. Ваҳоланки, бу рақам 2016 йилда – эътибор беринг – бор – йўғи **28 тани**, 2017 йилда эса **263 тани** ташкил этган эди.

Шунингдек, **5 минг 462 нафар** шахсга нисбатан терговда асоссиз қўйилган моддалар айбловдан чиқарилиб ташланди, **2 минг нафар** шахс эса суд залидан озод қилинди. Судларда ишларни йиллар давомида қайта-қайта кўриш амалиётига бутунлай чек қўйилди.



Инсонпарварлик тамойили асосида янги амалиёт жорий этилмоқда. Бунинг натижасида жиноят йўлига адашиб кириб, қилмишига чин дилдан пушаймон бўлган **993 нафар фуқаро**, жумладан, **456 нафар** йигит-қиз ҳамда **113 нафар** аёллар Ёшлар иттифоқи, маҳаллалар ва хотин-қизлар кўмиталарининг кафиллиги билан жазодан озод қилинди.

Шуниндек, жазони ўтаётган **3 минг 333** нафар, жумладан, фаолияти ман этилган ташкилотларга кириб қолган **646 нафар** маҳкум авф этилиб, оиласи бағрига қайтарилди.

Улуғ байрам – Конституция куни муносабати билан бугун махсус Фармонни имзоладим. Унга кўра, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган ва айна пайтда озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган **136** нафар шахс авф этилди.

Бир пайтлар диний экстремистик гуруҳларга алоқаси бор, деб назоратга олинган **20 мингдан зиёд фуқаро** “махсус ҳисоблар”дан чиқарилди.

Ман этилган ташкилотларга адашиб кириб қолган, қилмишига пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига ўтган фуқароларнинг мурожаат-ларини кўриб чиқиш бўйича Республика идоралараро комиссияси тузилди” [5].

Ўзбекистон Республикаси 2008 йил 7 июлдаги ЎРҚ-158-сонли қонуни билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (НЬЮ-ЙОРК, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикаси кўшилган.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни амалга оширишнинг бугунги шароитида коррупцияга қарши мурасасиз курашиш давлат ва жамият олдидаги муҳим ва устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Мазкур вазифаларни амалга ошириш мустақкам ҳуқуқий асос ва самарали ҳуқуқий механизмни жорий этилишини талаб этади. Шу муносабат билан 2017 йил 3 январдаги Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунининг кучга киритилиши “**Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун**”, “**Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак**”, деган эзгу ғояларни жамият ҳаётига татбиқ қилиш ҳамда жамиятда коррупцияга қарши курашиш ишларини самарали ташкил қилиш мақсадида қабул қилинган. Бу эса ўз навбатида, Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичини бошлаб берган стратегик ислохотларни самарали яқунланиши ҳамда “яширин иқтисодиёт”га барҳам берилишига хизмат қилишини қайд этиш жоиз.

#### **Мазкур Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ:**

*- коррупция деганда – шахсинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларни кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шуниндек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш тушунилади.*

*- коррупция оид ҳуқуқбузарлик деганда – коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилиш тушунилади;*

*- манфаатлар тўқнашуви деганда - шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахсинг ёки хизмат мажбурият-ларининг*

*лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилот-ларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият тушунилади.*

2017 йил 2 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752- қарорида Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоралараро комиссиясини тузилиши, мазкур Комиссия тўғрисидаги Низомни тасдиқланиши, Мазкур Низомда Комиссиянинг асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилганлиги мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш ишларини тизимли равишда олиб борилишига шарт-шароитлар яратади ва коррупцияни олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ижросини самарали таъмин-ланишга хизмат қилади.

***Мазкур Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ: Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика Идоралараро комиссиясининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:***

- коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларининг ва бошқа дастурларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш;

- коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилот-ларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва ҳамкорлигини таъминлаш;

- аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга доир чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш;

- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, уларни аниқлашга, уларга чек қўйишга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир чора-тадбирлар самарадорлиги оширили-шини таъминлаш;

- коррупциянинг ҳолати ва тенденциялари тўғрисидаги ахборотни йиғиш ҳамда таҳлил этиш;

- коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш, ушбу соҳадаги мавжуд ташкилий-амалий ва ҳуқуқий механизмларнинг самарадор-лигини баҳолаш;

- коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва ушбу соҳадаги ишларни яхшилаш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

- коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш.

***Бизга маълумки, бугунги кунда, ҳокимлар ва уларнинг турли даражадаги ходимлари, бошқа давлат органларининг ходимлари***

*томонидан коррупцияга оид жиноят содир этилаётганлиги ҳамда пора билан кўлга тушаётганлиги тўғрисида маълумотлар оммавий ахборот воситаларида берилаётганлиги жамиятда коррупцияга қарши курашиш ишлари давлатнинг ваколатли органлари томонида тизимли равишда изчил борилаётганлигини кўрсатади.*

Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган хабарда давлат молиявий назорати бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан:

*- 2018 йил 3 чорагида ҳукумат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг топшириқлари ҳамда жисмоний шахсларнинг мурожаатлари асосида бюджет ташкилотларида 1334 та давлат молиявий назорат тадбирлари ўтказилганлиги:*

*- ўтказилган назорат тадбирларидан 1111 тасида молиявий интизомга риоя қилинмай сарфланган маблағлар 16,6 млрд. сўмни, шундан камомад ва ўзлаштиришлар 4,5 млрд сўмни, ноқонуний харажатлар 12,1 млрд сўмни ташкил этганлиги;*

*- шунингдек, ҳисобот даврида бюджет интизомини бузган бюджет ташкилотларининг 20 нафар раҳбар ва мансабдор шахслари 13,9 млн. сўм миқдорида маъмурий жавобгарликка тортилганли маълум қилинган[6]*

**Мазкур Қонуннинг 14-моддасида** фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг коррупцияга қарши курашишда иштирок этиши белгиланган бўлиб, унга мувофиқ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар:

- коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиши;

- аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришда иштирок этиши;

- коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши;

- коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиши;

- коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиши мумкин.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

**Нодавлат нотижорат ташкилотлари ушбу моддада назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш мақсадида** Идоралараро комиссия ва ҳудудий идоралараро комиссиялар фаолиятида, шунингдек давлат органлари ҳузуридаги ишчи гуруҳлар, комиссиялар ва жамоат-маслаҳат органлари фаолиятида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иштирок этади.

**Ушбу Қонуннинг 15-моддасига** биноан. оммавий ахборот воситаларининг коррупцияга қарши курашишда иштирок этиши қуйидаги тарзда мустаҳкамланган бўлиб, унга кўра оммавий ахборот воситалари:

- коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;
- коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишга, шу жумладан аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган тадбирларни ёритади;
- коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;
- коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

Оммавий ахборот воситалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

Экспертларнинг фикрича қайси соҳада коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлари тизимли равишда йўлга қўйилмаган бўлса, ушбу соҳа ривожланмаётганлигини кўриш мумкин.

Кейинги икки йилда, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан коррупция иллоти йиллар давомида томир отганлиги тўғрисида ўзининг чиқиш ва марузаларида коррупцияга қарши курашиш жамият ва давлат олдида турган долзарб масала эканлигини такрор-такрор қайд этиб келмоқда.

Шу боис ҳам, давлатимиз раҳбари ўзининг сайлов олди маърузаларидан бирида ушбу муаммога алоҳида эътибор қаратиб, **“бугунги кундаги яна бир устувор вазифамиз - мамлакатимиз ривожига тўсиқ бўлаётган ёвуз иллат, яъни коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликни олдини олиш масалаларини самарали ҳал этишдан иборат”** деб таъкидлаган эди.

“2019 йилдан бошлаб жорий этилаётган янги солиқ концепциясининг энг асосий ғояси солиқ юкини камайтириш, содда ва барқарор солиқ тизимини кўллашни кўзда тутди. Шу орқали иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини ошириш, тадбиркор ва инвесторларга учун ҳар томонлама қулай муҳит яратишга эришиш мумкин. Афсуски, ялпи ички маҳсулотда “яширин” иқтисодиётнинг улуши катта бўлиб, бу мамлакат ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда. Солиқ юкини камайтириш бизнес юритиш учун янада қулай шароитлар яратиш “яширин” иқтисодиётга барҳам беришнинг ягона йўлидир. Шунинг учун бу борада таъсирчан чораларни назарда тутадиган дастур ишлаб чиқишимиз зарур[7]”.

Бизга маълумки, солиқ ставкаларини пасайтирилиши ёки айрим солиқларнинг бекор қилиниши билан бюджетга тушадиган тушумлар албатта камаяди. Бу масалани солиқ маъмурчилиги орқали бартараф этиш мумкин, яъни шу вақтгача фаолият юритаётган “яширин” иқтисодиёт жамиятда қонуний иқтисодиётга айланиши натижасида инсофли, ҳалол солиқ тўловчиларни солиқ қонунчилигида рағбатлан-тиришни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш тадбиркорлар, бизнесмен-лар фаолиятини янада ривожланишига ҳамда ялпи миллий даромадда хусусий мулкнинг улушини оширишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, кўпчилик халқаро экспертлар томонидан ҳар бир давлат ва мамлакатда фуқаролик жамияти институтларини ролини мустаҳкамлаш, коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ривожлантириш ва улар билан давлат органлари ҳамкорлигини таъминлаш демократик ҳуқуқий давлатнинг асосий шартларидан бири эканлигини қайд этадилар.

**Биз шуни қайд этишимиз лозимки, илгари юртимизда коррупция муаммоси тўғрисида сўз очиш деярли мумкин эмас эди.**

Коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олиш давлат ва жамият олдида турган энг муҳим масала сифатида ҳал этилиши лозимлиги шундан иборатки, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг таркибий қисми сифатида мазкур вазифани ечимини топиш давлат раҳбари томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасида ҳам коррупцияга қарши таъсирчан механизмларни қўллаш муҳимлиги қайд этилган эди.

Мамлакатимизда юртбошимиз раҳбарлигида давлатнинг мазкур иллатга қарши курашиш ишларини самарали ташкил этиш бўйича аниқ вазифалар белгиланган бўлиб, уларни реал ҳаётга татбиқ қилиш учун тизимли равишда ишлар давлат органлари томонидан олиб борилаяпти.

Бугунги кунда, халқаро субъектлар ҳамда жамоат арбоблари томонидан тан олинган мамлакатимизда тизимли равишда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг йўл харитаси ҳисобланган Ҳаракатлар стратегиясида мазкур йўналишда белгиланган вазифаларни амалга ошириш юқорида қайд этилган қонун ва қонун ижросини таъминлашда фуқароларнинг фаол иштирок этишини таъминлаш мамлакатимизда фуқаролик жамиятни ривожлантиришга хизмат қилади.

Албатта, бугунги шиддат билан ривожланаётган даврда жамиятда коррупцияга қарши курашиш ва энг муҳими коррупциянинг олдини олиш ишларини ташкил этишга қаратилган мазкур мақсадларни рўёбга чиқариш, коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини ошириш, фуқаролик жамияти институтлари сифатида фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари-билан давлат идоралари ўртасида ҳамкорликни замон талаблари даражасида ташкил этиш, ҳуқуқий тарғибот самарадорлигига эришиш, жамият аъзоларининг ҳуқуқий билим ва савияларини янада оширишни йўлга қўйиш коррупцияни олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ижросини таъминлашда яхши натижаларга эришиш мумкин.

*Кейинги икки йилда мамлакатимизда халқимизнинг адолат қарор топган жамиятда яшаши учун маъсул бўлган давлат идоралари ўз фаолиятларини бугунги кун талаблари асосида ташкил этмоқдалар, аммо, коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш ишларига ҳар бир фуқародан ушбу масалага ўзининг фуқаролик бурчи сифатида ёндошиб бу ишларга ўз ҳиссаларини қўйиши лозимлигини қайд этиш жоиз.*



Бу ишларни амалга оширишда энг муҳим масала бизнинг фикримизча юртдошларимизда коррупцияга, умуман олганда ҳар қандай кўринишдаги қонунбузарликка нисбатан муросасизлик кайфиятини мунтазам равишда шакллантириш талаб этилади.

Жамиятда қонунбузарликни содир этилишида айниқса коррупцияга доир жиноятларни содир этилишида кўпинча фуқароларимизнинг лоқайдлиги, ўз ҳақ-ҳуқуқларини билмаслиги ҳамда айрим тадбиркорлик субъектлари раҳбарларининг юридик билимларини жуда паст даражада эканлиги ҳам сабаб бўлмоқда. Бунга эришиш учун давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари бу соҳада ҳамкорликни бугунги кун талаблари даражасида ташкил этиши зарур бўлади.

*Ривожланган давлатларнинг ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий ривожланишларидан бизга маълумки, давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш коррупцион ҳолатларни келтириб чиқарувчи вазиятларни олдини олишга хизмат қилади.*

Мамлакатимизда бу соҳада ишларни ташкил қилишда “Ижтимоий шерикчилик”, “Жамоатчилик назорати”, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари” ҳамда “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти кафолатлари тўғрисида”ги қонунлар ижросини жамиятда ижросини таъминлашда давлат органлари билан фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорликларини янада юқори босқичга кўтариш орқали у ёки бу мансабдор шахсининг фаолиятини ҳолисона баҳолаш орқали амалга оширишни йўлга қўйилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, коррупцияга қарши курашишда давлат органлари билан нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасидаги ижтимоий шерикликни ўзига хос жиҳатлари ва бу соҳанинг ташкилий-амалий хусусиятлари ижтимоий шериклик шартномасида аниқ белгилаб қўйилиши коррупцияга қарши курашиш ишларини самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Демократик ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиларидан бири **биринчидан**, бу-фуқаролар устидан босим ўтказиш эмас, балки, фуқароларнинг конституцияда ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва манфаатларини амалга оширишда уларга ёрдам беришга хизмат қиладиган фуқаролик жамияти институтларининг мавжудлиги бўлса, **иккинчидан**, жамиятда уларнинг фаолиятини самарали ишлаши учун давлат томонидан ҳар томонлама шарт-шароитлар яратилиши орқали намоён бўлади.

Бизга маълумки, давлат ва жамият курилиши тизимини такомиллаштириш 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини бешта устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилиниши ва мазкур қонунда фуқаролик жамияти институтлари жамоатчилик назоратининг асосий субъектларининг бири

сифатида белгиланиши ўз навбатида фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш асосида ривожлантириш ва уларнинг жамиятдаги ролини ошириш вазифасини қўйди.

Мазкур вазифаларни амалга оширишни назарда тутган Давлат раҳбарининг 2018 йил 5 майдаги **“Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги махсус Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармонга мувофиқ Президент ҳузурида давлатнинг ва фуқаролик институтларининг мамлакатни янада жадал ҳар тамонлама ривожлантиришга қаратилган жамиятдаги барча ҳаракатларни ҳамда замонавий демократик институтларни очиқ-ошкора майдон сифатида бирлаштирувчи Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича **Маслаҳат кенгаши** ташкил этилганлиги ҳам ушбу масаланинг долзарблигини кўрсатади.

Бизнинг фикримизча, ҳар бир давлат органи ҳузурида ташкил этилган коррупцияга қарши курашиш бўйича **жамоатчилик кенгаши** фаолиятларини янада юксалтириш учун мазкур жамоат-чилик кенгаши аъзолигига нодавлат ноижорат ташкилотлари вакилари ҳамда касаба уюшмаси фаоллари киритиш орқали ҳар бир соҳада коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжат-ларининг ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш яхши натижа бериши мумкин.

Шунингдек, ҳар бир соҳада коррупцияга қарши курашиш бўйича аниқ вазифаларни белгилаб олиниши мазкур соҳаларда коррупцияни олдини олишга хизмат қилади.

Ҳар бир давлат органи ҳузурида коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва реал ҳаётга жорий қилишда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамда бошқа идоралар билан тизимли ҳамкорликни йўлга қўйиш, кадрларни танлаш, айниқса, раҳбар ходимларни тайинлашда коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бўйича билим даражасини тестлар орқали ўрганишни жорий қилиш давлат органлари фаолиятида шафоқлик ва очиқликни таъминлашга олиб келади.

Бизга маълумки, мамлакатимизда кейинги икки йилда давлат органлари билан фуқаролар ўртасидаги мулоқатни сузглиги чек қўйилди, бу эса ўз навбатида коррупцияга қарши курашишга қаратилган ишларни ривожлантиришга кенг имкониятлар яратди.

Бугунги кунда, давлат раҳбаримиз томонидан бир қатор соҳаларда коррупцияни олдини олишга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди жумладан:

- “Ўзбекистон Республикасининг давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни, ушбу қонун қабул қилинишидан олдин бу соҳани 30 ортик норматив ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солиниши оқибатида давлат харидларининг яхлит тизими мавжуд эмаслиги натижасида кўп босқичли келишлар ҳамда такрорловчи тартиблар айрим ҳолларда коррупцияга шароит яратилганлигини кўриш мумкин. Мазкур қонун давлат харидлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, давлат харидлари очиқлиги

хамда шафофлигини таъминлаш орқали бу соҳада коррупцияни олдини олишга хизмат қилиши билан муҳим аҳамият касб этади;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 мартдаги “Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни бажарилишига Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузуми, суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ва манфаатларини ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштиришни ҳамда давлат хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатидан юқори босқичга кўтаришга хизмат қилади;

- Президентимизнинг 2018 йил 19 сентябрдаги “Террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони эса, юқорида қайд этилган тақиқланган гуруҳлар ва ташкилотларга адашиб кириб қолган, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган, ўз қилмишининг ҳуқуққа хилофлигини англаб етган ва тузалиш йўлига ўтган фуқароларга Ватанга, оиласи бағрига, тинч ҳаётга қайтиш имконини берилганлиги ҳамда инсонпарварлик принципларига асосланганлиги билан аҳамиятлидир;

- Ўзбекистон Республикасининг ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ валюта соҳасини тартибга солишнинг бозор механизм-ларини жорий қилиниши натижасида инвестиция ва ишбилар-монлик муҳитини яхшилаш, экспорт салоҳиятини оширишни рағбатлантириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш борасида изчил тадбирларни амалга ошириш мақсадида қабул қилинган давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 2 сентябрдаги “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ушбу йўналишдаги айрим ноқонуний операцияларга ҳамда бу соҳада мавжуд бўлган коррупциявий ҳолат ҳисобланган жумладан, валюта сиёсатига маъмурий аралашувларга барҳам берилишига эришишда муҳим аҳамият касб этди.

Давлат раҳбарининг 2018 йил 18 январдаги “**Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги Фармони мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш, республика озиқ-овқат бозорларини сифатли, хавфсиз ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, аҳолининг харид имкониятларини мустаҳкамлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш ва соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, шунингдек, мазкур соҳадаги тизимли муаммоларга барҳам бериш мақсадида қабул қилинганлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур Фармоннинг 1 - бандига мувофиқ 2018 йил 1 февралдан бошлаб Ўзбекистон Республикасига озиқ-овқат товарларини импорт қилиш бўйича

айрим хўжалик юритувчи субъектларга тақдим қилинган индивидуал божхона, солиқ ва бошқа имтиёзлар, бошқа преференциялар бекор қилинганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан республикага озиқ-овқат товарларни импорт қилиш бўйича айрим хўжалик юритувчи субъектларга индивидуал божхона, солиқ ва бошқа имтиёзлар, шунингдек, бошқа преференциялар тақдим этишни назарда тутувчи қарорларни қабул қилиниши тақиқланганлиги ушбу банд талаблари бузилган ҳолларда айбдор шахслар қонунчиликда белгиланган жиноий жавобгарликгача бўлган жавобгарликка тортилиши белгилаб қўйилганлиги мамлакатнинг озиқ-овқат бозорини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга хизмат қилади.

**Бугунги кунда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишда қуйидаги масалаларни эътиборга олиш лозим деб ҳисоблаймиз:**

- коррупция ва унинг оқибатлари жамият ривожланишига тўсиқ бўлаётганлиги, унинг ижтимоий хавфлилик даражаси содда ва тушунарли тилда ҳуқуқий жиҳатидан шарҳланган ҳолда жамоатчиликни ҳабдор қилиш;

- ҳар бир соҳада коррупциянинг келиб чиқиш сабабларини илмий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилиш орқали қонунчиликни ҳамда ички тартиб қоидаларни такомиллаштириш бўйича асосли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

- ҳар бир давлат органида ўз ходимларини коррупция ҳолатларидан огоҳлантириш ва коррупциянинг олдини олишга қаратилган самарали механизмни ишлаб чиқиш ва уни реал ҳаётга тадбиқ қилиш чора-тадбирларини белгилаш;

- ҳар бир соҳада коррупцияни олдини олишга қаратилган давлат сиёсатини таъминлаш орқали коррупцияга сабаб бўлувчи ҳолатларга барҳам беришга эришиш;

- жамиятда коррупция жиноятини содир этган шахсларга нисбатан яъни коррупционерларга нисбатан жазо муқаррарлиги мамлакатимизда қонун устуворлиги асосида таъминланётганлиги хусусида оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда кенг ёритиб боришни йўлга қўйиш;

- ҳар бир соҳада коррупцияни олдини олиш ишларини ташкил этишга кенг жамоатчиликни, шу жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотларини жалб қилиш ва улар фаолиятини рағбатлантириш коррупцияга қарши ишларни самарадорлигини ошириш;

- ижтимоий-иқтисодий соҳада фаолият юритаётган давлат органлари тизимида маъмурий-бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, рўйхатга олиш, рухсат этиш ва лицензияга доир тартиб-таомилларни янада соддалаштириш;

- давлатнинг ваколатли органларининг назорат-текширув вазибаларини мақбуллаштириш, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш тизимини такомиллаштириш, уларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралаштиришга йўл қўймаслик чора-тадбирларини янада такомиллаштирилган ҳолда мустаҳкамлаш;

- давлат органлари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўзаро муносабатларнинг назорат қилишнинг масофавий шакллари-ни кенг жорий этиш асосида тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бўйича ўз ваколатлари доирасида таклиф ва тавсиялар бериш;
- Ҳар бир соҳада ўзининг хусусиятидан келиб чиқиб, “Ахлоқ-одоб қоидалари”ни тасдиқлаш, мазкур қоидаларнинг алоҳида бўлимида коррупцияга қарши курашиш қоидаларни белгилаб қўйиш;
- Ҳар бир соҳада коррупцияга қарши курашиш ишларни ташкил этиш ходимларнинг бу соҳадаги жавобгарликларини ички локал ҳужжатларда аниқ белгилаб қўйишда юридик хизмат ролини ошириш коррупцияни олдини олиш ишларини самарали бўлишига хизмат қилади.

“Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг (Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1948 йил 10 декабрда бўлиб ўтган учинчи сессиясида 217А (III)- қабул қилинган) 8-моддасига кўра ҳар бир инсон унга конституция ёки қонун орқали берилган асосий ҳуқуқлари бузилган ҳолларда ваколатли миллий судлар томонидан бу ҳуқуқларни самарали тикланиш ҳуқуқига эга. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1985 йил 29 ноябрдаги резолюцияси билан мақулланган “Суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари” биринчи бўлимнинг 1-бандига кўра суд органларининг мустақиллиги давлат томонидан кафолатланади ҳамда конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилади. Барча давлат органлари ва бошқа ташкилотлар суд органлари мустақиллигига ҳурмат билан қарашлари ва бунга риоя қилишлари шарт”<sup>[8]</sup>.

Юқорида қайд этилган халқаро ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган бўлиб, унинг тамойиллари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқадимасига кўра халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари Ўзбекистон Республикасида устун бўлиши тан олинганлиги боис, кейинги икки йилда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган ислохотларга мувофиқ Суд ҳокимияти – ҳокимиятнинг мустақил тармоғи сифатида жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, одил судловни амалга оширишда судлар ишларни ошкора кўриш ва сайёр судларда кўриш орқали ҳар бир фуқаронинг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишига кафолат яратишга қаратилган ишлар суд тизимида самарали ташкил қилиниши натижасида мамлакатимизда судларга бўлган аҳолининг ишончи тобора ортишига хизмат қилмоқда.

Энг муҳими, давлат органлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши, мурожаатларнинг тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилиши, улар томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликларини тиклаш ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ўз ваколатлари доирасида чоралар кўрилиши устидан назоратни таъминланиши жамиятда коррупцияни олдини олишга самарали хизмат қилишини қайд этамиз.

**Ушбу тадқиқот натижаларига асосан коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича амалдаги қонунчиликни амалга**



**оширилаётган ислохотлар талабларига мувофиқ такомиллаштиришда куйидаги хулосаларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ-5505-сонли Фармони билан Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш Концепциясига мувофиқ, давлат бошқарув орган-ларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича биринчи раҳбарга ҳисоб берадиган доимий равишда фаолият юритадиган комиссия тузиш ва Низомини тасдиқлаш ҳамда мазкур Комиссия ишларига жамоатчилик назорати субъектлари сифатида фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари, тадбиркорлик субъектлари ва илм-фан соҳаси вакилларини жалб этишни ички локал ҳужжатларда белгилаб қўйиш.

2. Барча соҳаларда коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш ишларини самарали ташкил этишга қаратилган жамоатчилик муҳокамаларининг таъсир даражасини ошириш асосида давлат хизматчиси сифатида фаолият юритаётган хизматчиларнинг коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш бўйича жавобгарликни оширишга қаратилган нормаларини ишлаб чиқиш.

3. Коррупция ва унинг оқибатлари жамият ривожланишига тўсиқ бўлаётганлиги, унинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси содда ва тушунарли тилда ҳуқуқий жиҳатдан шарҳланган ҳолда жамоатчиликни хабардор қилиш асосида фуқароларимиз онгида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш имунитетини мустаҳкамлашга қаратилган семинар тренингларни жойларда ташкил қилиш;

4. Ҳар бир соҳада коррупциянинг келиб чиқиш сабабларини илмий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилиш орқали амалдаги қонунчиликни ҳамда ички тартиб қоидаларини такомиллаштириш бўйича асосли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

5. Ҳар бир давлат органида ўз ходимларини коррупция ҳолатларидан огоҳлантириш ва коррупциянинг олдини олишга қаратилган самарали механизмни ишлаб чиқиш ҳамда уни реал ҳаётга тадбиқ қилиш чора-тадбирларини норма ижодкорлиги асосида белгилаш.

6. Ҳар бир соҳада коррупцияни олдини олишга қаратилган давлат сиёсатини таъминлаш орқали коррупцияга сабаб бўлувчи ҳолатларга барҳам беришнинг ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий механизмларини ишлаб чиқиш.

7. Ҳар бир соҳада коррупцияни олдини олиш ишларини ташкил этишга кенг жамоатчиликни, шу жумладан, нодавлат ноижорат ташкилотларини жалб қилиш ва улар фаолиятини рағбатлантириш, коррупцияга қарши курашиш ишларини самарадорлигини таъмин-лашга ҳисса қўшган ходимларни рағбатлантириш.

8. Ижтимоий-иқтисодий соҳада фаолият юритаётган давлат органлари тизимида маъмурий-бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, рўйхатга олиш, рухсат этиш ва лицензияга доир тартиб-таомилларни амалга оширилаётган ислохотлар талабларига мувофиқ янада соддалаштириш.

9. Давлат ваколатли органларини назорат-текширув вазифа-ларини амалга оширишга қаратилган режа ёки дастурларни тасдиқлаш ёки буйруқ, фармойиш ҳамда ички назорат фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларда коррупцияни олдини олиш бўйича аниқ қоида ва тартибларни белгилаш.

10. Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш тизимини такомиллаштириш, уларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралаштиришга йўл қўймаслик чора-тадбирларини қонунчилик-да янада такомиллаштирилган ҳолда замон талабларига мувофиқ равишда мустаҳкамлаш.

11. Давлат органлари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўзаро муносабатларни назорат қилишнинг масофавий шакллари кенг жорий этиш асосида тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бўйича ўз ваколатлари доирасида таклиф ва тавсиялар бериш.

12. Ҳар бир соҳада ўзининг хусусиятидан келиб чиқиб, “Ахлоқ-одоб қоидалари”ни тасдиқлаш, мазкур қоидаларнинг алоҳида бўлимида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш қоида ҳамда тартибларни белгилаб қўйиш.

13. Ҳар бир соҳада коррупцияга қарши курашиш ишларини ташкил этиш, ходимларнинг бу соҳадаги жавобгарликларини ички локал ҳужжатларда аниқ белгилаб қўйиш, юридик хизмат ролини ошириш, коррупцияни олдини олиш ишларини самарали ташкил этиш бўйича ходимлар жавобгарлигини аниқ белгилаш.

14. Энг муҳими, давлат органлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши, мурожаатларнинг тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилиши, улар томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликларини тиклаш ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ўз ваколатлари доирасида чоралар кўрилиши устидан назоратни таъминлаш асосида жамиятда коррупцияни олдини олишга қаратилган ишлар самарадорлигини ошириш.

15. Ҳаракатлар стратегияси ҳамда “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” давлат дастурига мувофиқ ҳар бир соҳада коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга татбиқ қилишга қаратилган устувор вазифаларни белгилаб олиш.

16. Жамиятда коррупцияни олини олиш ва унга қарши курашиш дастурлар ижросини таъминлашда жамоатчилик назорати самарадорлигини таъминлаш мақсадида давлат органлари билан ижтимоий шерикликни янада кучайтиришга қаратилган амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

17. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни, юксак маънавиятни, миллий ва умуминсоний қадриятларни, инсон ҳуқуқлари, манфаатлари ва эркинликларини таъминлашда давлат органлари билан ҳамкорликни янада жадаллаштириш асосида жамоат назорати тамойилларини ҳаётга янада кенг ва изчил жорий этишга қаратилган нормаларини яратиш.

18. Иқтисодий ривожлантиришга қаратилган дастурлар шу жумладан, коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган инновацион лойиҳаларни ижтимоий, иқтисодий ҳаётга жорий қилишга қаратилган нормаларни ишлаб чиқиш.

19. Тадбиркорларнинг ижтимоий, иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий билимларини мунтазам равишда ошириб боришни йўлга қўйиш

20. Ижтимоий ҳимояга муҳтож кам таъминланган аҳоли қатламларини айниқса қишлоқ туманларида бандликни таъминлашга қаратилган дастурлар ижросини бажарилиши бўйича жамоатчилик назорати самарадорлигини ошириш ва бу соҳада давлат органлари билан ҳамкорлик қилишни янада кучайтириш.

21. Мамлакатимизда ишчи кучи рақобатбардошлигини ошириш ҳамда экспортга йўналтирилган товарлар ва хизматларни амалга оширишга қаратилган дастурлар ва бизнес лойиҳаларни тартибга солувчи қонунчиликнинг ҳуқуқий механизмларини янада соддалаш-тирилган ҳолда ишлаб чиқиш.

22. Аҳоли турмуш даражаси ва сифатини яхшилашга қаратилган инновацион лойиҳаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмини янада мукамаллаштириш.

23. Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар марказида инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари давлат ҳамда жамият олдида турган устувор вазифа сифатида белгиланлигини эътиборга олган ҳолда коррупцияга қарши курашиш ишларини замон талаблари даражасида ташкил этишга қаратилган тадбирларни ОАВ кенг ёритилишини йўлга қўйиш.

24. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида “Кам таъминланган оила” ва “Ёрдамга муҳтож оила”нинг ҳуқуқий мақомларини истеъмол саватчасини эътиборга олган ҳолда қонун даражасида белгилаш.

25. Ҳар йили бюджет ташкилотларига ажратиладиган субсидиялар бўйича иш ҳақи фонди сметасини тасдиқлашда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексига мувофиқ тузилган Жамоа шартномаси ва ходимларни рағбатлантириш бўйича локал ҳужжатларда белгиланган ижтимоий кафолатларни инобатга олиш.

26. Умумий ўрта таълим мактабларида синфдаги ўқувчилар сонини 30-35 нафардан, 20-25 нафарга тушириш асосида таълим самарадорлигини ошириш.

27. Олий таълим тизимида “онлайн”, масофавий тизимда ўқитиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш.

28. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигида “Ишсизларни ягона рўйхатини юритиш Маркази”ни ташкил этиш орқали истиқболда ишсизликни тугатишга қаратилган давлат дастурларини қабул қилиш.

**30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаш-тириши**

**концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ 5505-сонли фармони талабларига мувофиқ банк, молия, инвестиция ва кредит муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлар инвентаризациясини ўтказиш асосида қўйидагилар тақлиф этилади: -**

банк, молия, инвестиция ва кредит муносабатларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш ва кодификация қилиш;

- банк, молия, инвестиция ва кредит соҳаларида тўғридан-тўғри амалиётда қўлланадиган қонунлар асосида ҳуқуқий тартибга солиш амалиётини жорий қилиш асосида идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни имкон қадар қисқартириш;

- тижорат банклари Кенгашлари томонидан кредит ва банк хизматларини кўрсатиш бўйича тасдиқланадиган ички меъёрий ҳужжатлар банк мижозларининг манфаатларини инобатга олиш асосида қабул қилиш тизимини жорий қилиш;

- мазкур соҳада умумий тусдаги, ҳаракатсиз ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига таъсир этмайдиган қонун ҳужжатларини, шунингдек қарама-қаршилиқлар, такрорлаш ва параллелизмни бартараф этиш;

- асоссиз чекловлар, ортиқча маъмурий тартиб қоидалар ва эскирган механизмларни бекор қилиш.

31. “Фермер хўжаликлари раҳбарлари томонидан ходимларни ишга қабул қилишда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси талабларига мувофиқ расмийлаштирилиши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорини қабул қилиш асосида қишлоқ туманларида истиқомат қилувчи аҳолининг норасмий бандлиги даражасини пасайиш имкониятини яратиш.

32.Замонавий ёшлар ижтимоий тармоқлардан фаол фойдаланаётганлигини инобатга олиб, “биз коррупцияга қаршимиз” шиори остида акциялар ўтказиш. Бу билан ёшларни бўш вақтларини самарали ўтказиш ҳамда коррупцияни олдини олишга қаратилган билим ва кўникмаларини тизимли равишда ошириб бориш;

33. Халқ тизими соҳасининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда коррупцияга қарши курашиш бўйича алоҳида чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

34. ***Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини таъминлаш модели ишлаб чиқиш бўйича қўйидагилар тақлиф этилади: и ўрганиш маркази меморандум***

– коррупцияга қарши курашнинг самарадорлигига эришиш моделини ишлаб чиқишда коррупцияни олдини олиш ва унга тизимли равишда қарши курашишнинг аниқ ҳуқуқий механизми, самарали институционал тузилмаси ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш;

– коррупцияга қарши курашишда молиявий ва меҳнат ресурслари самарали фойдаланишнинг инновацион йўллари ишлаб чиқиш, мунтазам мониторинг олиб бориш ва зудлик билан асосли қарорлар қабул қилиш;

– коррупцияга қарши курашиш стратегиясини ишлаб чиқишда инновацион ёндашувларни самарали қўллашга қаратилган лойиҳа-ларни қўллаб-қувватлаш;

– давлат органларининг фуқаролик жамиятининг барча институтлари билан ҳамжиҳат фаол ҳаракатини таъминлаш, шунингдек, коррупцияга қарши курашишда миллий тузилмаларнинг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигини янада кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор бериш;

• Республикамизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида интеграцияга эришишга тўсқинлик қилаётган омиллардан бири – жиноят ва жиноят процессуал қонунчилигини коррупцияга қарши курашиш бўйича моддаларини ислоҳотлар талабларига мувофиқ ишлаб чиқиш;

• коррупцияни келтириб чиқараётган ҳолатларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва коррупцияни олдини олишга қаратилган дастурлар, чор-тадбирларни ишлаб чиқишда аниқ статистик далилларга асосланиш.

– жамиятнинг ижтимоий соҳаларида хусусан, тадбиркорлик, таълим, соғлиқни сақлаш жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳаларида коррупцияга қарши курашишни янада кучайтириш, коррупция билан боғлиқ айрим хатти-ҳаракатларга барҳам беришга қаратилган дастурлар ижросини барча соҳаларда таъминлаш ҳамда халқаро тажрибани ўрганиш асосида халқаро ҳужжатларда назарда тутилган стандартларни қонунчиликда мустаҳкамлаш;

– жамиятда коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастури ижросини таъминлашда давлат органлари фаолияти очиклиги тамойилини амалда қўллаш, коррупцияни олдини олишга қаратилган қонунчилик нормаларини халқаро ҳуқуқ талаблари асосида такомиллаштириш;

– коррупцияга қарши курашишнинг замонавий тенденцияларидан келиб чиқиб жамиятда реал ишлайдиган стратегияни ишлаб чиқиш асосида замонавий тенденцияга кўра, коррупцияга қарши курашиш, масалан мамлакатимизда давлат хизматлари агентлигини ташкил этилганлиги ва халқимизга халқаро талаблар асосида хизмат қилинаётганлиги жамиятда коррупцияга қарши курашишнинг янги босқичини бошлаб берилганлиги фуқароларнинг коррупцияга қарши курашиш дахлдорлигини оширишда муҳим қадам ва ҳуқуқий ечимлардан бўлаётганлигини қайд этиш, тушунтириш ҳамда оммавий ахборот воситаларида кенг тарғиб қилиш;

– коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олиш ишларини ташкил этишда жамият аъзолари бўлган фуқароларимизни фаол иштирокини кучайтириш, коррупцияга тегишли бўлган маълумотларни ўрганиш имкониятини яратиш, янги компьютер технологиялардан фойдаланган ҳолда коррупция ҳолатлари ҳақида ахборот бериш, коррупцияга оид муаммоларни ҳал қилиш ва бартараф этишга қаратилган дастурлар ишлаб чиқиш асосида жамоатчилик назоратини таъминлашнинг изчил тизимини яратиш;

– Ўзбекистонда ҳар бир соҳада коррупцияга қарши курашишда соҳа хусусиятларидан келиб чиқиб ёндашиш, коррупция ҳолатлари-нинг олдини олишга қаратилган янги инновацион усуллари ишлаб чиқиш ва қўллаш, коррупция ҳолатларини экспертизадан ўтказиш, мониторинг қилиш ва



баҳолаш, жамиятда коррупциянинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш жамиятни қонуний ривожланишига хизмат қилади.

### **Назорат саволлари:**

1. Ўзбекистон Республикасини БМТнинг “Коррупцияга қарши кураш конвенцияси”га қўшилиши.
2. Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни ва қарорда белгиланган вазифалар.
3. Коррупцияга қарши кураш субъектлари ва идоралараро комиссиянинг асосий вазифалари.
4. Коррупцияга қарши кураш ишларида фуқаролар ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини ошириш механизмлари.
5. “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги (27.05.2019),
6. “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (ПФ-6013, 29.06.2020), Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида белгиланган вазифалари.
7. “Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигини фаолиятини фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги (ПҚ- 4761, 29.06.2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорининг мазмун моҳияти.
8. Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида коррупцияга қарши курашдаги натижалари ва уларнинг аҳамияти.
9. Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашининг ташкил этилиши.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгилиниш сари / Муаллифлар жамоаси. Т.: Гафур Гулом. 2017.
2. Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очиқ фуқаролик жамиятининг шаклланиши. – Т.: Шарқ, 2003.
3. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
4. Жалилов А. бошқалар. Фуқаролик жамияти асослари. – Т.: Baktria press, 2015.
5. Фуқаролик жамияти. Дарслик лойиҳаси– Т.: 2016. Ziyonet.uz. Муаллифлар жамоаси. <http://library.ziyonet.uz/uz/book/32900>
6. Утамурадов А. ва бошқалар. Фуқаролик жамияти фанидан тушунча ва атамалар луғати. Лотин ёзувида. Т.: Турон-замин-зиё. 2017. 23 б.т.
7. Утамурадов А, Қирғизбоев М, Хожиев Т. Фуқаролик жамияти / Ўқув қўлланма. Лотин алифбосида. – Т.: Мумтоз сўз. 2018. 395 бет.
8. А.Утамурадов. Фуқаролик жамияти ғоялари эволюцияси. –Т., “Адабиёт учкунлари”, 2018. Б.193.

**4—амалий машғулот: “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент фармонида белгиланган вазифалар.**  
(2 соат)

**РЕЖА:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонининг мазмун моҳияти нималардан иборат?
2. “Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021–2025 йилларга мўлжалланган миллий стратегия”.
3. Коррупцияга қарши курашда жамоатчилик назрати.

**Таянч иборалар:** Коррупцияга қарши курашда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан коррупциявий жиноятлар учун жавобгарлик чоралари. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги асосий вазифаси ва йўналишлари. Ўзбекистон Республикасида коррупцияга сабаб бўладиган омиллар ва уларни олдини олиш чора-тадбирлари. Коррупцияга қарши курашувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва тизими.

**Бизга маълумки, кейинги икки йилда мамлакатимиз тараққиётининг** янги босқичида эришилган ютуқлар нафақат юртимизда балки Марказий Осиё ҳаётига янги тараққиёт ва янги руҳ олиб кирганлигини халқаро экспертлар томонидан тан олинди, оммавий ахборот воситаларида қайд этилмоқда. Қўшни мамлакатлар билан дўстона ва ўзаро манфаатли муносабатлар ўрнатишнинг ҳуқуқий асослари қонун ижодкорлиги асосида яратилди ва ҳаётга изчил тадбиқ этилмоқда.

2018 йил мамлакатимиз тарихида инсон манфаатларини таъминлаш, тадбиркорлик субъектлари фаолияти ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, фан билан ишлаб чиқариш интеграциясини мустаҳкамлаш, ёш авлодни баркомол ва ватанпарвар авлод сифатида тарбиялаш ҳамда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини янада ривожлантиришга қаратилган дастурларни ижросини таъминлаш орқали жамиятни фарвонлаштиришга қаратилган қонуний, тизимли ҳаракатлар даври бўлганлигини халқаро экспертлар томонидан қайд этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла”, “Ҳар бир оила - тадбиркор” ҳамда “Ёшлар келажагимиз” соғлиқни сақлаш соҳасида тасдиқланган дастурлар доирасида амалга оширилган ишлар жамият аъзолари ҳисобланган барча фуқароларимиз қалбида Она-Ватан билан фахрланиш ҳамда амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштирок этиш, Ватан ва ислохотлар тақдирига дахлдорлик туйғуси ишончли асосда шаклланишига хизмат қилганлигини қайд этиш лозим бўлади.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ўзининг Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномасида “**Эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ислохотларимизда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни ва роли бекиёс эканини алоҳида таъкидлаган эди.**

Бугун кунда давлатимиз раҳбари томонидан ҳаётга татбиқ этилаётган Ҳаракатлар стратегияси фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатни демократлаштириш ва модернизация қилишдаги ролини ҳам янги ривожланиш босқичига кўтармоқда. Ушбу йўналишда Ҳаракатлар стратегиясига асосан нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган 200 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

Ҳаракатлар стратегиясининг мувофиқ 2019 йилда ЎзННТМА ва ҳудудий бўлимлари фаолияти бўйича Давлат дастури ижросига ННТларни кенг жалб қилишдаги устувор вазифалар қуйидагилардан иборат қилиб белгиланган:

- **биринчидан**, жамоатчилик бошқаруви тизимини ислохотлар талабларига мувофиқ такомиллаштириш асосида жамиятда ЎзННТМAnинг ўрни ва нуфузини ошириш ҳамда фаолиятини комплекс ривожлантириш, жамиятда жамоатчилик назорати самарадорлигини юксалтириш, давлат органлари билан ижтимоий шерикликни янада кучайтиришга қаратилган амалий чораларни қарор топтиришда фаол иштирок этиш;

- **иккинчидан**, жамиятда ҳуқуқий маданиятни, юксак маънавиятни, миллий ва умуминсоний қадриятларни, инсон ҳуқуқлари, манфаатлари ва эркинликларини таъминлашда давлат органлари билан ҳамкорликни янада жадаллаштириш асосида жамоат назорати тамойилларини ҳаётга янада кенг ва изчил жорий қилиш;

- **учинчидан**, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга қаратилган дастурларни, инновацион лойиҳаларни миллий иқтисодиётга жорий қилишга қаратилган ижтимоий тадбиркорлик билимларини шакллантиришда давлат органларига кўмаклашиш;

- **тўртинчидан**, ижтимоий ҳимояга муҳтож кам таъминланган аҳоли қатламларини бандлигини таъминлашга қаратилган дастурлари ижросини бажарилиши бўйича жамоатчилик назоратини самарадорлигини оширишда давлат органлари билан ҳамкорлик қилишни янада кучайтириш;

- **бешинчидан**, мамлакатимизда ишчи кучи рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган дастурлар ва лойиҳаларда фаол иштирок этиш;

- **олтинчидан**, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини яхшилашда ННТларнинг инновацион фаоллигини юксалтиришга қаратилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш;

- **еттинчидан**, мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар марказида инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари давлат ва жамият олдида турган устувор вазифа сифатида белгиланлигини эътиборга олган ҳолда ЎзННТМА ва қуйи бўғинлари томонидан ҳамда бошқа ҳамкор ташкилотлари томонидан ташкил этиладиган тадбирларда мазкур соҳани кенг ёритишда фаол иштирок этиш.

Мамлакатимизда ҳаётга татбиқ қилинган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар яратиш асосида бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Президентимиз Ш. Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида “Шу йил ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида ўтказилган Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форумида дунёдаги таниқли сиёсатчилар, кўзга кўринган олим ва экспертлар томонидан бу борада ўтган қисқа даврда амалга оширган ишларимизга муносиб баҳо берилди. Таъкидлаш керакки, ушбу анжуман Ўзбекистоннинг жаҳондаги обрўси ва нуфузини янада оширди. Энг муҳими Осиё форуми инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро амалиётга “Самарқанд руҳи” деган тушунча ва тамойилни олиб кирди”<sup>[9]</sup> деб таъкидлади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси инсон ҳуқуқларига оид биринчи универсал халқаро ҳужжат ҳисобланади.

Мазкур ҳужжат муқаддима ва 30 та моддадан иборат бўлиб, унда инсоннинг асосий фуқаролик, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлари ва эркинликлари белгиланган.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси 1991 йил 30 сентябрда Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси –Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг тан олган дастлабки халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардан бири ҳисобланади.

Ушбу Декларациянинг барча асосий тамойиллари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз ифодасини топганлиги ҳамда халқаро ҳуқуқ тамойилларига мувофиқ конституциявий қоидалар сифатида мустаҳкамлаб кўйилганлиги мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш ишларини самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Президенти томонидан 2017 йил 7 февралда тасдиқланган **“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”** мамлакати-мизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш тизимини янада ривожлантиришнинг янги босқичини бошлаб берилганлигида кўриш мумкин.

Бизга маълумки, бугунги кунда, Ўзбекистон инсоннинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳамда маърифий ҳуқуқлари тўғрисида қонунчилик тизими амалга оширилаётган ислоҳотлар талабларига мувофиқ шакллантирилди.

Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тартибга соладиган 12 та конституциявий қонун, 17 та кодекс ва 700 тадан ортиқ қонунлар қабул қилинганлиги ҳамда Ўзбекистон мустақиллик йилларида инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ асосий халқаро ҳужжатларга қўшилганлиги ва БМТ томонидан ушбу соҳада қабул қилинган 10 та асосий халқаро шартнома иштирокчиси сифатида бу соҳада тизимли равишда фаолият кўрсатаёт-

ганлиги жамиятда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ишларини изчил ривожланаётганлигида кўриш мумкин.

Бу йил Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 70 йиллиги бутун дунёда кенг нишонланмоқда. Шу асосда Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 5 майдаги Фармони билан **“Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 70 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури”** тасдиқланганлиги ва ҳаётга изчил татбиқ этилганлиги боис, жамиятда инсон ҳуқуқларига оид масалаларни ҳал этишда адвокатларнинг профессионал фаолиятини бажариш учун зарур бўлган қонунчилик тизими яратилганлиги ва амалиётда қўлланилаётганида кўриш мумкин.

Декларациянинг 70 йиллигига бағишланган Дастур, ўз навбатида Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб олинган устувор вазифаларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистоннинг халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатидаги ролини янада мустаҳкамлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги ҳамда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятларни ёритиш учун кенг ахборот ва маърифий фаолият амалга оширилаётганлиги, ўтган даврда инсон ҳуқуқлари бўйича 120 дан ортиқ асосий халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ўзбек тилига таржима қилинганлиги ва катта ададларда нашр этилганлиги натижасида жамият аъзолари бўлган фуқароларимизнинг у ёки бу жамоат ташкилотларининг аъзоси сифатида фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган дастурларни ишлаб чиқишда бевосита иштирок этиш ва ижросини таъминлашда фаол иштирок этишга ундамоқда.

Кейинги икки йилда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларига боғлиқ масалалар бўйича халқнинг фикр ва мулоҳазалари ҳамда мурожаатлари умумлаштирилган ҳолда ўрганилди, давлат дастурлари қабул қилиниб ижроси таъминланмоқда.

***Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашга қаратилган ишлар давлат томонидан устувор вазифа сифатида белгиланган бўлиб, давлат дастурлари асосида амалга оширилмоқда:***

-Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2017 йил 16 июндаги 921-III/КҚ-200-III-сонли Қўшма қарорининг 1-илоvasи билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссарининг Бошқармаси билан ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир Ҳаракатлар режаси тасдиқланган;

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрда **“2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида”**ги 841-сонили қарори қабул қилинган.

Мазкур қарор, Вазирлар Маҳкамаси томонидан: Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2015 йилнинг сентябрида Барқарор ривожланиш бўйича ўтказилган саммитида қабул қилинган 70-сон



резолуциясига мувофиқ, шунингдек, 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини (кейинги ўринларда БРМ деб аталади) изчил амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш мақсадида қабул қилинган.

**Ушбу Қарорнинг 1-банди билан:**

- 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифалар 1 – иловага мувофиқ тасдиқланган;
- 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқланган;
- 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” 3 –иловага мувофиқ тасдиқланган[10].
- 2017 йилда Давлат бюджетидан **5,6** триллион сўми “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, *Yoshlar – kelajagimiz*” дастурлари ва арзон уй-жойлар қурилишини молиялаштирилишига йўналтирилганлиги ҳам фикримиз далилидир.

Мамлакатнинг бош молиявий ҳужжатини тақдим этиш амалиётида биринчи марта 2019-2021 йилларда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишлари прогнози берилди.

Унга кўра: 2019 йилда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг ўсиши кейинги йилларда унинг ижобий динамикасини сақлаб қолган ҳолда 5,4 фоиз ( 2020 йилда 6,0 фоиз, 2021 йилда 7,0 фоиз миқдорда бўлиши назарда тутилмоқда). Хусусан, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 4,9 фоиз, қурилишда 8,4 фоиз, қишлоқ хўжалигида 3,3 фоиз ва хизматлар соҳасида 6,2 фоиз кўпаяди. Асосий капиталга инвестициялар 17,0 фоиз, товарлар ва хизматлар экспорти 15,5 фоиз ҳамда импорт 6,3 фоиз ўсади[11].

**Мамлакатимизда давлат томонидан халқ манфаатини инобатга олган ҳолда амалга оширилаётган ислохотлар жамиятда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш ишларини бугунги кун талаблари даражасида ташкил этишга хизмат қилаётганлигида кўриш мумкин:**

• **биринчидан**, мазкур Самарқанд шаҳрида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини қабул қилинганлигининг 70 йиллиги муносабати билан 2018 йил 22-23 ноябр кунларида Инсон ҳуқуқлари бўйича ўтказилган Осие форумининг тарихий аҳамияти шундан иборатки: ушбу форумда Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд декларацияси халқаро ҳуқуқий ҳужжат сифатида қабул қилинди. ***Шу билан бирга, жаҳон миқёсида Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд руҳи намоён бўлишига асос солинди;***

• **иккинчидан**, мазкур Форумда Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд декларациясини қабул қилиниши мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва давлат дастурларида инсон ҳуқуқларига оид масалаларни янада ривожлантириш ва ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, маърифий соҳаларда ижросини таъминланишида муҳим ҳуқуқий ҳужжат сифатида хизмат қилади;

• **учинчидан**, ушбу Осиё форумида тарқатилган нашрларда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси уч тилда тақдим этилиб, маҳаллий ва хорижий ўқувчилар, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими ходимлари, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, талабалар, олимлар ва давлат бошқарув органлари ходимлари учун мўлжалланганлиги ҳам жамиятда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади;

• **тўртинчидан**, Ўзбекистонда Инсон ҳуқуқлари бўйича амалга оширилган ишлар тажрибаси шуни далолатлайдики, Инсон ҳуқуқларини таъминлаш муаммоси мамлакатимизда фақат давлатники эмас, балки, бутун бир жамиятнинг диққат марказида эканлиги, давлат томонидан бу соҳада амалга оширилаётган ишлар ислохотлар талаблари ва халқаро ҳужжатларга мос эканлиги маърузачилар томонидан қайд этилди.

• **бешинчидан**, мазкур форумда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд декларациясини тарихий халқаро ҳуқуқий ҳужжат сифатида ўрганиш ва унга амал қилиш барча давлатларда ҳам Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ишларни сифат жиҳатида юқори босқичга кўтаришга хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида Самарқанд декларацияси Инсон ҳуқуқлари бўйича универсал ҳуқуқнинг манбаси сифатида инсон ва жамият руҳиятига ижобий таъсир кўрсатишини қайд этиш лозим бўлади.

Жаҳондаги таниқли бўлган экспертлар ва давлат раҳбарлари ҳамда жамоат арбобларининг мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларга берилган асосли ҳамда ижобий баҳоси давлат ва жамият ҳамкорликда тараққиёт сари дадил қадамлар билан бораётганлигини ҳамда инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилиш ишлари халқаро ҳуқуқ талаблари асосида юксалаётганлигини билдиради.

Юртбошимизнинг **“Мамлакатни демократик янгиланиш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг родини тубдан ошириш чоратадбирларлари тўғрисида”**ги Фармони ана шундай юридик ҳужжатлардан бири бўлиб давлат ва жамиятни янада ривожлантиришнинг муҳим масалалари бўйича ўзаро фикр алмашиш учун самарали муносабатлар майдонларини яратилишига хизмат қилади.

Ушбу Фармон фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш, уларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, **“учинчи сектор”**да банд бўлган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида бир қатор имтиёزلарни белгилаб берди:

-2018 йил 1 июндан бошлаб нодавлат нотижорат ташкилотларнинг тадбирларни рўйхатдан ўтказувчи орган билан келишиш талаб этилмайди, балки бундай тадбирлар ҳақида хабардор қилиш белгилаб қўйилди;

-шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари учун ягона ижтимоий тўлов ставкаси миқдори **25** фоиздан **15** фоизгача камайтирилди;

Фармон чиқмасидан олдинги ҳужжатларда жамоат фондларининг ҳар йилги маъмурий харажатлари, васийлик кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ҳамда уларнинг ўз вазифаларини бажариши

билан боғлиқ харажатларнинг компенсация қилиш фонд барча харажатлари суммасининг 20 фоиздан ошмаслиги ўргатилган бўлса, эндиликда ушбу сумма **30** фоиз қилиб белгиланди. Шу асосда жамоат фондларига ўзларининг фаолиятини ташкил этиш учун кўпроқ маблағ жалб этишга рухсат берилди;

Фармоннинг энг муҳим эътиборли томони шундаки, нодавлат нотижорат ташкилотларининг пенсионер ходимларига пенсия тўлиқ тўланиши белгилаб қўйилди.

Мамлакатимизда Президентимиз Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида кейинги икки йилда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва унинг институтларини ривожлантиришга қаратилган норматив–ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришда муҳим қадамлар қўйилди.

Ушбу вазифаларни амалга оширишни назарда тутган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 майдаги **“Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги махсус Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармонга мувофиқ Президент ҳузурида давлатнинг ва фуқаролик институтларини жамият ҳаётини янада ҳар тамонлама жадал ривожлантириш асосида ҳамкорлик ҳаракатларини бирлаштирувчи замонавий демократик институтлар фаолиятини самарадорлигини таъминлашга қаратилган ***Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича Маслаҳат кенгаши ташкил этилди.***

Фармоннинг тарихий аҳамияти шундан иборатки, унда ушбу соҳада мавжуд бўлган камчиликлар асослантирилган ва таҳлил қилинган равишда кўрсатиб берилган ҳамда Фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг миллий моделини ҳамда шу асосда ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган стратегик йўналишларни ишлаб чиқишнинг зарурлиги таҳлиллар асосида кўрсатиб берилган.

Бундан ташқари, бугунги шиддатли ривожлантириш даврида фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотлари амалга оширилаётган ислохотлар жараёнларида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий тизимида алоҳида муҳим институт ёки субъект сифатида иштирок этишини таъминлаш ва уларнинг фаолиятини давлат раҳбари томонидан қўйилган вазифалар асосида ташкил этиш, жамият ва давлат олдида турган долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шу боис, мазкур Фармон жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашда муҳим ҳуқуқий омил ва манба сифатида фуқаролик жамиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу Фармон мазкур йўналишдаги долзарб вазифалардан бири мамлакатда жамият бошқарувини такомиллаштиришга қаратилган жамоатчилик назоратни амалга оширишнинг замонавий шаклларини ривожлантириш, ижтимоий шериклик самарадорлигини ошириш, фуқаролик жамияти институтларини ижтимоий–сиёсий фаоллигини ривожлантириш асосида умуминсоний демократик кадриятларни, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим юридик хужжат сифатида хизмат қилишини қайд этиш лозим бўлади.

Қайд этиш жоизки, жаҳонда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган кўплаб концептувал-назарий моделлар мавжуд ва ишлаб чиқилган. Ушбу моделларнинг барчаси ҳам Ўзбекистонга мос келмаслиги мумкин.

Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган миллий моделни ишлаб чиқишда давлат ва фуқаролик жамиятини ўзаро қарама-қарши кўйишга қаратилган назарий-концепцияларни дастуриламал қилиб олиш бизнинг фикримизча, эҳтимол нотўғри бўлади. Ўзини-ўзи бошқарувчи фуқаролик жамияти ўз ривожининг маълум босқичида давлат бошқарувини ўрнини тўлиқ эгаллайди деб таъкидловчи концепцияларни ҳам, шубҳасиз, амалиётда қўллаш яхши натижа бермаслиги мумкин.

Бу масалада фуқаролик жамияти институтлари ва давлат органлари ўртасида ўзаро боғлиқ муносабатлар ягона мақсадларга бирлаштирилган ҳолда давлат ва жамоатчилик институтларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш орқали эришишга қаратилган назарий хулосаларга таяниш мақсадга мувофиқ бўлишини қайд этамиз.

Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган ишларни ташкил этишда ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини амалга оширувчи субъектлар фаолиятини самарадорлигини ошириш, уларнинг ҳамкорлигини таъминлаш ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг жамоат бошқарувидаги иштирокини изчил кенгайтириш учун давлат томонидан қулай шарт шароитлар яратиш муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, Фуқаролик жамияти институтлари ходимларининг малакасини ошириш, қайта тайёрлаш ишларини тизимли равишда ташкил этиш ўз навбатида жойларда ушбу соҳадаги ишларни самарадорлигини таъминлайди.

Мазкур Фармоннинг 9-бандига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда 2019 йил 1 январгача бўлган муддатда:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри марказларида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳудудий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, бўшаб ётган ва самарали фойдаланилмаётган давлат мулки объектлари негизида **«Нодавлат нотижорат ташкилотлари уйлари»**ни ташкил этиш;

Мазкур биноларга янги ташкил этилган, шунингдек, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган соҳаларда ўз фаолиятини амалга ошираётган нодавлат нотижорат ташкилотларини ижара тўловининг «ноль» ставкасини қўллаган ҳолда жойлаштириш чораларини кўриш белгиланган бўлсада, ҳозирги кунга қадар фақатгина Хоразм вилоятида ушбу топшириқ тўлиқ амалга оширилди ва бошқа вилоятларда ушбу масалага жиддий эътибор берилмади.

Ушбу Фармон мамлакатнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишида фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини тубдан ошириш, уларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ҳамкорлигини

кучайтириш ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича [Харакатлар стратегиясида](#) белгилаб берилган вазифаларни босқичма-босқич амалга ошириш мақсадида қабул қилинган аҳамиятлидир.

Фармоннинг 1-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича Маслаҳат Кенгаши ташкил этилган бўлиб, Қуйидагилар Маслаҳат кенгашининг асосий вазифалари этиб белгиланган:

- давлатнинг ва фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатни янада жадал ва ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини бирлаштирувчи замонавий, демократик ҳамда очиқ-ошкора майдон сифатида уларнинг юқори даражадаги тизимли ва самарали мулоқотини йўлга қўйиш;

- ўрта муддатли ва узоқ муддатли истиқболда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини аниқлаш ва миллий моделини шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- фуқаролик жамиятини ва кенг жамоатчиликни ташвишлантираётган долзарб масалаларни муҳокама қилиш, шунингдек, мазкур секторнинг ҳолати ва ривожланиш тенденцияси ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентини мунтазам равишда хабардор қилиш;

- давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлигининг замонавий механизмларини, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чораларини жорий қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

- экспертлар гуруҳлари иштирокида фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни ташкил этиш юзасидан ташаббус кўрсатиш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги давлат сиёсати ва унинг амалий натижалари ҳақидаги жамоатчилик фикрини тизимли равишда ўрганиш, умумлаштириш ва таҳлил қилишни ташкил этиш;

- фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини такомиллаштириш, ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш, мазкур институтларнинг жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш учун қулай шароитлар яратиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига таклифлар киритиш;

- фуқаролик жамиятининг ривожланишини, фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари билан ҳамкорлиги даражасини, шунингдек, уларнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қўшаётган ҳиссасини баҳоловчи кўрсаткичларни ишлаб чиқиш, бу кўрсаткичлар асосида даврий ва махсус, шу жумладан муқобил маърузалар тайёрланишини ташкил этиш;

- фуқаролик жамияти институтларига уларнинг халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришда, илғор халқаро тажрибани ўрганишда ва ушбу тажрибани Ўзбекистон шароитида жорий этишда қўмаклашиш.



**Ушбу Фармоннинг 4-бандига асосан 2018 йил 1 июндан бошлаб қуйидаги ҳуқуқий тартиб жорий қилинган:**

- рўйхатдан ўтказувчи орган билан нодавлат нотижорат ташкилотларининг тадбирларини келишиш тартиби режалаштирилаётган тадбирлар ҳақида хабардор қилиш тартиби билан алмаштириш;
  - нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳисобварақларига чет давлатлардан, халқаро ва хорижий ташкилотлардан, чет давлатларнинг фуқароларидан ёки уларнинг топшириғига биноан бошқа шахслардан уларнинг уставларида (низомларида) назарда тутилган вазифаларни амалга ошириш учун келиб тушган пул маблағларидан ва мол-мулкдан, уларни олиш рўйхатдан ўтказувчи орган билан белгиланган тартибда келишилгандан сўнг, бирон-бир тўсиқларсиз фойдаланиш;
  - Ўзбекистон Республикасидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари учун ажратилган грант маблағлари мазкур ташкилотларнинг мамлакатдаги исталган банк муассасаларида очилган махсус ҳисобварақларига келиб тушиши мумкинлиги;
  - меҳнатга ҳақ тўлаш фондини тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган келиб тушган маблағлар ҳисобидан шакллантирувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари учун ягона ижтимоий тўлов ставкаси **15 фоиздан** кўп бўлмаган миқдордан ошмаслиги;
  - жамоат фонди маъмурий харажатларининг, шунингдек, васийлик кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларига бериладиган мукофот пули тўловларининг ва улар ўз вазифаларини бажариши билан боғлиқ харажатлар компенсациясининг йиллик умумий суммаси фонднинг барча харажатлари суммасининг **30 фоиздан** ошмаслиги;
  - нодавлат нотижорат ташкилотларининг пенсионер ходимларига пенсия уларнинг мазкур ташкилотлардаги фаолияти ягона иш жойи бўлган тақдирда, тўлиқ тўланиши юридик жиҳатидан мустаҳкамлаб қўйилган.
- Мазкур Фармоннинг 5-банди а) кичик банди билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 январгача бўлган муддатда қуйидагиларга доир ҳужжатларни электрон тарзда тақдим этиш имкониятини таъминловчи электрон тизимни ишлаб чиқиш ва жорий этиш белгилаб қўйилган:
- нодавлат нотижорат ташкилотларини ва уларнинг раамзларини давлат рўйхатидан ўтказишга, қайта рўйхатдан ўтказишга;
  - нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўтказилиши режалаштирилаётган тадбирлари ҳақида хабардор қилишга;
  - нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўз фаолияти тўғрисидаги йиллик ҳисоботларига;
  - нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан чет давлатлардан, халқаро ва хорижий ташкилотлардан, чет давлатларнинг фуқароларидан ёки уларнинг топшириғига биноан бошқа шахслардан пул маблағлари ва мол-мулк олишни келишишга;
- б) икки ой муддатда:

-нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мониторинг қилиш ва ўрганиш турлари, муддатлари, даврийлиги ва бошқа тартиб-таомилларини назарда тутувчи тартибни ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан рўйхатдан ўтказувчи, солиқ ва статистика органларига тақдим этиладиган ҳисобот шаклларини ҳамда уни тақдим этиш тартибини соддалаштириш бўйича чоралар кўриш.

Бизга маълумки, давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини бешта устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб қўйилган.

Мазкур ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳасида тизимли равишда ислоҳотлар амалга оширилди:

- “2018 йилда мамлакатимиз тиббиёт соҳасига 9,6 триллион сўм йўналтирилган бу ўтган йилдагига нисбатан 1,4 баробар кўпдир;

- 382 та тиббиёт объектида қурилиш-таъмирлаш ишлари жадал олиб борилмоқда ушбу мақсад учун Давлат бюджетидан 1,2 триллион сўм маблағ ажратилган;

- жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида шошилиш тиббий ёрдам хизматига аҳолидан 7 миллиондан кўпроқ мурожаатлар тушган. Уларнинг 6 миллиондан зиёди тез тиббий ёрдам тизими орқали тиббий хизмати кўрсатилди;

- жорий йилнинг 9 ойи давомида 635 та янги хусусий тиббиёт муассасаси ташкил этилди ва уларнинг умумий сони 4312 тага етди;

- ҳозирги кунда мамлакатимизда 150 дан зиёд фармацевтика корхоналари фаолият юритаяпти;

- 2018 йилнинг ўтган даврида:

- 165 та поликлиникада қурилиш-реконструкция ишлари олиб борилди;

- 125 та қишлоқ врачлик пункти, 180 та оилавий поликлиникага 6,5 миллион АҚШ долларилек тиббиёт ускуналари етказиб берилди;

- 2000 мингдан зиёд ижтимоий дорихоналар ва 1233 та тез тиббий ёрдам шохобчаси фаолияти йўлга қўйилди.

Президентимиз Ш. Мирзиёевнинг 2017 йил 25 декабрдаги “2018-2022 йиллар давомида болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори билан болаларда генетик синдромларни эрта ташхислаш, наслий касалликларга чалинган чақолоқларни оммавий скрининг текширувларини ўтказиш бўйича муҳим вазифалар амалга оширилди.

Айни пайтда:

- республикада ва 12 та ҳудудий скрининг маркази ишлаб турибди.

Уларнинг фаолияти туфайли ўтган йилнинг ўзида 214 минг нафардан зиёд ҳомиладор аёллар перинатал текширувдан ўтказилди;

- 3,4 мингга яқин туғма нуқсонли болалар туғилиши олди олинди. Жорий йилнинг 9 ойи давомида гўдаклар ўлими ўтган йилнинг шу давридалигига нисбатан 571 тага камайди;

- Давлат тиббиёт муассасаларида тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорлари 2018 1 декабрдан 1,2 баравар ва 2019 йил 1 апрелдан 1,15 баравар босқичма-босқич оширилади”[12].

Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, мамлакатимизда ногиронлиги бор, якка-ёлғиз қолган аёллар ва ҳаётда қийналган оилаларни қўллаб-қувватлаш ишлари ислоҳотлар талаблари асосида тизимли равишда изчил амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳузурида ташкил этилган “Хотин-қизлар ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фондига ҳар йили Давлат бюджетидан ажратиладиган 300 миллиард сўмлик пул маблағи Фондга ажратилган.

Ушбу маблағлар учта йўналишга қуйидаги тарзда сарфланган.

**“Биринчиси,** ушбу фонддаги 100 миллиард сўм ногиронлиги бор, якка-ёлғиз қолган аёлларга, ҳаётда қийналган оилаларни уй-жой билан таъминлашда биринчи бадални тўлаб беришга ажратилади. Уй-жой учун тўланадиган қолган пулларни эса, улар ипотека кредитидан 20 йил давомида тўлаб боришади. Бундай муҳтож аёллар рўйхати қуйи бўғинларда шакллантирилади. Ҳокимликлар қошида турли соҳа вакиллардан иборат махсус комиссия келиб тушган аризани ҳар томонлама ўрганиб чиқади. Унинг хулосаси асосида аризаси рўйхатга киритилади. Комиссия тақдим этган ушбу рўйхатлар Фонднинг қошида тузилган васийлик кенгаши томонидан яна бир бор ўрганилиб чиқилгач, маблағ вилоятларга ажратиб берилади.

**Иккинчиси,** ушбу фонддаги 100 миллиард сўм аёллар орасида тадбиркорликни ривожлантириш учун банкларга ўтказиб берилади. Энг қуйи бўғинлардаги тадбиркорлик билан шуғулланаман деган аёллар бир ҳафталик курсларда ўқитилгач, Хотин-қизлар қўмитаси тавсияси билан уларга банкдан 7 фоизли имтиёзли кредитлар ажратилади.

**Учинчиси,** ушбу фонддаги қолган пуллар моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида ногиронлиги бўлган аёлларга керакли тиббий жиҳозлар, муҳтожларнинг тўй маракасани ўтказиш учун сарфланади.

Ушбу саъй-ҳаракатлар самарасида жорий йил ўтган йилга нисбатан аёллар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик аломатлари 35 фоизга камайган”[13].

Ўзбекистон Республикасининг **“Жамоатчилик назорати тўғрисида”**ги Қонунининг қабул қилиниши ва мазкур қонунда фуқаролик жамияти институтлари жамоатчилик назоратининг асосий субъектларининг бири сифатида белгиланиши ўз навбатида фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш асосида ривожлантириш ва уларнинг жамиятдаги ролини ошириш билан биргаликда бу соҳада меҳнат қилаётган

ходимларнинг масъулият ва малакасини мунтазам ошириб бориш вазифаларини кўйди.

*Адлия вазирлигининг маълумотига кўра, 2018 йил 1 июль ҳолатига адлия органларида 9478 та нодавлат нотижорат ташкилоти ва уларнинг алоҳида бўлинмалари давлат рўйхатидан ўтган. Энг кўп ННТ Тошкент шаҳри (808), Фарғона (802), Самарқанд (745), Андижон (701) вилоятларида рўйхатдан ўтказилган.*

**Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти бўйича хориж тажрибаси сифатида** Япония тажрибаси ўрганилганда уларнинг тарихан шаклланган ўзини-ўзи бошқариш жамоаларида аҳолининг эҳтиёжманд қатламига ижтимоий ёрдам кўрсатадиган кўнгиллилар ташкилотлари фаоллик кўрсатади. Шу мақсадда нафақат давлат, балки, биринчи навбатда, бизнес субъектлари томонидан қўллаб-қувватланадиган жамоат фондлари тузилади. Жамоалар ичида бошқа жамоатчилик тузилмалари фаолият кўрсатиб, яхши кўшничлик, ўзаро ёрдам ва ҳамжихатлик муҳитини шакллантиришга хизмат қилганлигини кўриш мумкин.

**Жамоатчилик назорати субъектлари:** “Ўзбекистон Республикасининг Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасида жамоатчилик назорати субъектлари белгилаб қўйилган, унга кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари (бундан буён матнда фуқаролар деб юритилади), фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари жамоатчилик назорати субъектларидир. Жамоатчилик назорати жамоатчилик кенгашлари, комиссиялари ва бошқа жамоатчилик ташкилий тузилмалари томонидан ҳам қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши мумкин.

**Жамоатчилик назоратининг объектлари** “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасида жамоатчилик назорати объектлари белгиланган:

давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, қарорларда, шунингдек ривожланиш давлат, тармоқ ва ҳудудий дастурларида жамоатчилик манфаатларини, жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш; фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларининг ижро этилишини таъминлашга ўз зиммасига юклатилган, ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига дахлдор бўлган вазифалар ва функцияларни бажаришга;

давлат хизматларини кўрсатишга;

ижтимоий шериклик доирасида амалга ошириладиган битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни бажаришга доир фаолияти жамоатчилик назоратининг объектидир.

**Жамоатчилик назоратининг асосий принциплари** “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Жамоатчилик назоратининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

-қонунийлик; фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги;

-жамоатчилик назоратини амалга оширишда иштирок этишнинг ихтиёрий-лиги; жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг оммавийлиги ва очиклиги;

-жамоатчилик назорати субъектларининг холислиги ва беғаразлиги; жамоатчилик назорати натижаларининг ишончлилиги;

-жамоатчилик назорати субъектларининг давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятига асоссиз аралашуви ва уларга ғайриқонуний таъсир кўрсатишига йўл қўйилмаслиги.

**“Жамоатчилик назорати тўғрисида”**ги Қонунининг 6-моддасига мувофиқ Жамоатчилик назоратининг шакллари қуйидагилардан иборат:

- давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар;
- давлат органларининг очик ҳайъат мажлисларида иштирок этиш;
- жамоатчилик муҳокамаси;
- жамоатчилик эшитуви;
- жамоатчилик мониторинги;
- жамоатчилик экспертизаси;
- жамоатчилик фикрини ўрганиш;

-фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари ва ахборотини эшитиш.

Жамоатчилик назорати қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шаклларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

**Давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар.** Мазкур Қонуннинг 7 моддасига мувофиқ жамоатчилик назорати субъектлари давлат органларига аризалар, шикоятлар ва таклифлар билан мурожаат қилишга, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уларга сўровлар юборишга ҳақли. Жамоатчилик назорати субъектларининг мурожаатлари ва сўровлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат органлари томонидан кўриб чиқилади. Жамоатчилик назорати субъектларининг ахборот олишга бўлган ҳуқуқи, агар мазкур ахборот шахсга доир маълумотлар ёхуд давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар жумласига киритилган бўлса, чекланиши мумкин.

Қонуннинг 8-моддасига асосан жамоатчилик назорати субъектлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат органларининг **очик ҳайъат мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқига эга**. Давлат органлари ўзининг очик ҳайъат мажлисларида жамоатчилик назорати субъектлари иштирок этиши учун шароитлар яратади.

**Жамоатчилик муҳокамаси** Ушбу Қонуннинг 9-моддасига асосан ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат органларининг бошқа қарорлари лойиҳаларини **оммавий муҳокама қилиш жамоатчилик муҳокамасидир**.

Жамоатчилик муҳокамасини нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари ўтказиши мумкин. Жамоатчилик муҳокамаси турли ижтимоий



гуруҳларнинг вакиллари, шу жумладан муҳокама этилаётган масала ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ёки дахлдор бўлиши мумкин бўлган шахслар иштирокида ўтказилиши мумкин. Жамоатчилик муҳокамаси оммавий ва очиқ ўтказилади. Жамоатчилик муҳокамасининг иштирокчилари жамоатчилик муҳокамасига киритилган масалалар юзасидан ўз фикрини эркин билдиришга ва таклифлар киритишга ҳақли. Жамоатчилик муҳокамаси оммавий ахборот воситалари орқали ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ҳам ўтказилиши мумкин.

Жамоатчилик муҳокамасининг ташкилотчиси жамоатчилик муҳокамасига киритилаётган масалалар, муҳокамани ўтказиш муддати ва тартиби тўғрисидаги ахборотни олдиндан эълон қилади. Бунда ташкилотчи ўз ихтиёридаги, жамоатчилик муҳокамасига киритилаётган масалаларга тааллуқли бўлган материаллардан жамоатчилик муҳокамасининг барча иштирокчилари эркин фойдаланишини таъминлайди.

**Қонуннинг 10-моддасига биноан**, давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг фаолиятига тааллуқли ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ёхуд фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамият манфаатларига дахлдор масалаларни муҳокама қилиш учун ташкил этиладиган **йиғилиш жамоатчилик эшитувидир**.

Жамоатчилик эшитувини нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари ўтказиши мумкин.

Давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг фаолиятини жамоатчилик манфаатига дахлдор ахборотни йиғиш, умумлаштириш ва таҳлил этиш орқали **кузатиш жамоатчилик мониторингидир**. (**Қонуннинг 11-моддаси**).

Жамоатчилик мониторингини нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоатчилик назоратининг бошқа субъектлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ўтказиши мумкин. Жамоатчилик мониторинги оммавий ва очиқ ўтказилади. Жамоатчилик мониторинги ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ҳам ўтказилиши мумкин.

Жамоатчилик мониторингининг ташкилотчиси жамоатчилик мониторингининг объекти, уни ўтказиш муддати ва тартиби тўғрисидаги ахборотни олдиндан эълон қилади.

**Жамоатчилик экспертизаси** норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва давлат органларининг бошқа қарорлари лойиҳалари фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамият манфаатларига мувофиқлигини аниқлаш учун уларни **ўрганиш ҳамда баҳолашдан иборатдир** (**Қонуннинг 12-моддаси**).

Жамоатчилик экспертизасини нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ўтказиши мумкин. Жамоатчилик экспертизасининг ташкилотчиси тегишли соҳада

зарур билим ва тажрибага эга бўлган мутахассисларни жамоатчилик асосида жалб этиши ҳам мумкин

**Жамоатчилик фикрини ўрганиш** турли ижтимоий гуруҳларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисидаги, давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатлари талабларига риоя этишига, фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини таъминлашга доир фаолияти тўғрисидаги фикрини баҳолаш мақсадида ахборотни йиғиш, умумлаштириш ҳамда таҳлил этишдан иборатдир. **(Қонуннинг 13-моддаси).**

Жамоатчилик фикрини ўрганишни нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтказиши мумкин.

**Қонуннинг 14-моддасида. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари ва ахборотини эшитиш белгилаб қўйилган.**

Фуқаролар йиғини: Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг фуқаролар йиғинлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини;

ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг, жойлардаги таълим муассасалари раҳбарларининг ҳисоботларини; тегишинча оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктлари раҳбарларининг ахборотини; тегишли ҳудудда жойлашган ташкилотлар раҳбарларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ҳудуднинг санитария ҳолати, уни ободонлаштириш ва қўқаламзорлаштириш масалаларига доир ҳисоботларини эшитади.

**Қонуннинг 15-моддасида жамоатчилик назорати субъектларининг ҳуқуқ мажбуриятлари белгилаб қўйилган:**

жамоатчилик назоратини амалга ошираётганда тадбирлар ўтказиш ташаббуси билан чиқишга, уларни ташкил этишга, шунингдек уларда иштирок этишга;

жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотни қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат органларидан сўраб олишга;

жамоатчилик назорати натижаларига кўра таклифлар ва тавсиялар тайёрлашга ҳамда уларни тегишли давлат органларига кўриб чиқиш учун юборишга;

фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, жамият манфаатлари бузилганлиги фактлари аниқланган тақдирда, материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборишга;

давлат органларининг қонунга хилоф қарорлари, улар мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан бўйсунув тартибда юқори турувчи органга ёки мансабдор шахсга ёхуд қонунда белгиланган тартибда судга шикоят қилишга;

жамоатчилик назорати натижаларини эълон қилишга ҳақлидир.

Жамоатчилик назорати субъектлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин. Жамоатчилик назорати субъектлари: жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

қонунда белгиланган, давлат органларининг фаолияти билан боғлиқ бўлган чекловларга риоя этиши;

давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида амалга оширадиган фаолиятига аралашмаслиги;

давлат органларининг фаолият кўрсатиши, шунингдек улар мансабдор шахсларининг фаолияти учун тўсиқлар яратмаслиги;

фуқароларнинг шаъни ва қадр-қиммати камситилишига, уларнинг шахсий ҳаётига аралаштиришга йўл қўймаслиги;

жамоатчилик назоратини амалга ошириш чоғида олинган ахборотнинг тарқатилиши қонун билан чекланган бўлса, унинг махфийлигига риоя этиши шарт.

Жамоатчилик назорати субъектларининг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

**Давлат органларининг жамоатчилик назорати соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари.** Давлат органлари:

- жамоатчилик назорати субъектларидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тўғрисида ва унинг натижалари ҳақида ахборот олишга;

- жамоатчилик назорати натижаларига кўра тайёрланган якуний ҳужжатларда кўрсатилган таклифлар ва тавсияларга нисбатан асослантирилган эътирозларини жамоатчилик назорати субъектларига юборишга;

- ўзи амалга ошираётган фаолият устидан жамоатчилик назорати масалаларига доир ахборотни ўз расмий веб-сайтларида, шунингдек оммавий ахборот воситаларида жойлаштиришга;

- жамоатчилик назоратини ўтказиш ташаббуси билан чиқишга ҳақли. Давлат органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Давлат органлари:

• жамоатчилик назорати субъектларига жамоатчилик манфаатига дахлдор бўлган ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда тақдим этиши;

• ўзига жамоатчилик назорати субъектлари томонидан юборилган мурожаатлар ва сўровларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқиши, мурожаатларга ва сўралаётган ахборотга жавоблар тақдим этиши, бундан давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар ёхуд топширилиши жамоат тартибига ва фуқароларнинг ҳаётига таҳдид солиши мумкин бўлган маълумотлар мустасно;

• жамоатчилик назорати субъектлари томонидан юборилган таклифлар ва тавсияларни, шунингдек якуний ҳужжатлар ва материалларни кўриб чиқиши шарт. Давлат органларининг зиммасида қонун ҳужжатларига

мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин. (Қонуннинг 17-моддаси).

**Жамоатчилик назоратининг натижалари** Жамоатчилик назоратининг натижаларига кўра баённома, хулоса, маълумотнома шаклида ёхуд қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклда яқуний ҳужжат тайёрланиши мумкин. Яқуний ҳужжат ахборот ва тавсия хусусиятига эга бўлади. Яқуний ҳужжатда баён этилган ахборот, тавсия ва таклифлар давлат органлари томонидан мажбурий тартибда кўриб чиқилади ҳамда улар юзасидан қонуний қарорлар қабул қилинади.

Жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади (Қонуннинг 18-моддаси).

“Ўзбекистон Республикаси Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонуннинг асосий мақсади давлат органлари ва муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш ва амалга оширишдан иборат.

Жамоатчилик назоратининг объекти давлат органларининг фаолияти ҳисобланади.

Экспертларнинг фикрича жамоатчилик назорати давлат назоратидан фарқ қилиб, асосий мақсади кимнидир жазолаш эмас, балки қабул қилинаётган номатив ҳуқуқий ҳужжатларда, дастур ва қарорлада жамоатчилик манфаатлари акс эттирилган фикрларни жумладан таклиф ва тавсияларни кўриб чиқиш асосида ҳисобга олиш асосида жамоатчилик манфаатларига дахлдор бўлган қонун ҳужжатларини ижросини таъминланишида жамоатчилик назорати субъектларини фаоллаштириш орқали Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ жамоатчилик назорати механизмини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Жамиятда жамоатчилик назорати самарали натижаларга эришиши учун фуқаролик жамиятининг етакчи кучи ҳисобланган ўрта синф вакиллари бўлган мулкдорлар қатламини уюштириш ҳамда давлат органлар фаолиятини очиқлиги ва шафоқлигини таъминланиши ислохотларни самарали яқунланишига хизмат қилади.

“Ўзбекистон Республикасининг Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонун ижросини таъминланишида 2018 йил 4 майдаги Фармон асосида тузилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича Маслаҳат кенгашини ўрни бекиёс бўлиб фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича давлат ва жамият олдида турган долзарб масаларни муҳокама қилиш асосида ечимини топишда муҳим рол ўйнашини қайд этиш жоиз бўлади.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги роли ва аҳамияти хусусида сўз кетганда мамлакатимиз қонунчилигида нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда уларга қандай ҳуқуқлар ва мажбуриятлар белгиланганлигини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

2007 йил 3 январдардаги Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг:

- 4-моддасида, давлат нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди, уларни қўллаб-қувватлаш шакллари ва шартларини белгилайди;

- юридик ва жисмоний шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини молиявий ёки бошқа жиҳатдан қўллаб-қувватлашлари мумкин;

- 5-моддасида нодавлат нотижорат ташкилотлари қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган ҳар қандай фаолият турини ўз уставларида белгиланган мақсадлари доирасида амалга ошириши мумкинлиги;

- нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз фаолиятида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан мустақилдир, қонунларда назарда тутилганидан бошқа ҳолларда уларга ҳисобот бერмайди ҳамда уларнинг назорати остида бўлмаслиги;

- нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки аралаштиш тақиқланиши мазкур қонун билан кафолатланганлиги;

- 6-моддасига асосан, давлат нодавлат нотижорат ташкилотларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ахборотни излаш, олиш, тадқиқ этиш, тарқатиш, ундан фойдаланиш ва уни сақлашга бўлган ҳуқуқини таъминлайди;

- ахборотдан фойдаланиш тегишли материалларни эълон қилиш йўли билан ҳамда уставда белгиланган фаолиятни амалга ошириш мақсадида зарур ахборотни олиш учун давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларига сўров билан мурожаат қилиш ҳуқуқининг нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан рўёбга чиқарилиши орқали таъминланиши;

- нодавлат нотижорат ташкилотининг сўровига иложи борича қисқа муддатда, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, сўров олинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жавоб қайтарилиши кераклиги;

- агар орган ёки мансабдор шахс сўралаётган ахборотга эга бўлмаса, ўзига мурожаат этган нодавлат нотижорат ташкилотига сўров олинган санадан эътиборан етти кундан кечиктирмай бу ҳақда маълум қилиши, шунингдек имкониятга қараб, унга бундай ахборотга эга бўлган органнинг ёки мансабдор шахсининг номини маълум қилиши шартлиги;

- давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари нодавлат нотижорат ташкилотларига, бу ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қонун ҳужжатлари, ҳужжатлар, қарорлар ҳамда бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши шартлиги;

- нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ахборот бепул берилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно эканлиги;

- 7-моддасига мувофиқ, нодавлат нотижорат ташкилотларининг мулки дахлсиз ва қонун билан муҳофаза қилиниши ва нодавлат нотижорат



ташкilotларининг мол-мулки национализация, реквизиция ва мусодара қилинмаслиги, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно эканлиги;

- 8-моддасида нодавлат нотижорат ташкilotи, ўзининг ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар юзасидан раддия берилишини суд тартибида талаб қилишга ҳақли эканлиги;

- агар нодавлат нотижорат ташкilotининг ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар оммавий ахборот воситаларида тарқатилган бўлса, айти шу оммавий ахборот воситаларида раддия берилиши лозим. Агар бундай маълумотлар ташкilotдан юборилган ҳужжатда учраса, бундай ҳужжат алмаштирилиши ёки чақириб олиниши кераклиги;

- ўзининг ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар тарқатилган нодавлат нотижорат ташкilotи бундай маълумотларга раддия берилиши билан бир қаторда уларни тарқатиш натижасида етказилган зарарларнинг ўрни қопланишини талаб қилишга ҳақли эканлиги;

- 9-моддасида, нодавлат нотижорат ташкilotининг интеллектуал фаолиятнинг объектив ифода этилган натижаларига ва унинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситаларга бўлган мутлоқ ҳуқуқи қонун билан муҳофаза этилади ҳамда давлат томонидан ҳимоя қилинишини мустаҳкамланганлиги;

- 10-моддасида нодавлат нотижорат ташкilotлари давлат органларининг ғайри-қонуний қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга эканлиги;

- нодавлат нотижорат ташкilotлари ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган давлат органларининг ғайриқонуний қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилганда давлат божи тўлашдан озод этилганлиги;

- давлат органларининг ғайриқонуний қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида нодавлат нотижорат ташкilotига етказилган зарарнинг ўрни суднинг қарори асосида қопланиши кераклиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Юқорида қайд этилган Қонун нормаларида мустаҳкамланган кафолатлар, ҳуқуқ ва мажбуриятларга асосланган ҳолда жойларда нодавлат нотижорат ташкilotлари давлат Дастурларида белгилаб қўйилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш ишларида давлат органлари билан изчил ҳамкорликни таъминлаш жамиятда жамоатчилик назоратини самарали бўлишига ижобий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг Коррупция тўғрисида”ги Қонуннинг 14-моддасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкilotлари ва фуқароларнинг коррупцияга қарши курашишда иштирок этиши белгилаб қўйилган.

Унга мувофиқ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкilotлари ва фуқаролар:

- коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиши;

- аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришда иштирок этиши;

- коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши;

- коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиши;

- коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиши мумкин.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

Жамиятда коррупцияни олдини олишга қаратилган ишларни ташкил этиш ва унда жамоатчилик назоратини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунда фуқаролик жамияти институтлари жамоатчилик назоратининг асосий субъектларининг бири сифатида белгиланиши ўз навбатида фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш асосида ривожлантириш ва уларнинг ролини ошириш вазифасини кўйди.

Мазкур вазифаларни амалга оширишни назарда тутган Давлат раҳбарининг 2018 йил 5 майдаги “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги махсус Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармонга мувофиқ Президент ҳузурида давлатнинг ва фуқаролик институтларининг мамлакатни янада жадал ҳар тамонлама ривожлантиришга қаратилган жамиятдаги барча ҳаракатларни ҳамда замонавий демократик институтларни очиқ-ошкора майдон сифатида бирлаштирувчи Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича **Маслаҳат кенгаши** ташкил этилганлиги ҳам ушбу масаланинг долзарблигини кўрсатади.

Бизнинг фикримизча, ҳар бир давлат органи ҳузурида ташкил этилган коррупцияга қарши курашиш бўйича жамоатчилик кенгаши фаолиятларини янада юксалтириш учун мазкур жамоатчилик кенгаши аъзолигига нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилари ҳамда касаба уюшмаси фаоллари киритиш орқали ҳар бир соҳада коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш яхши натижа бериши мумкин.

Шунингдек, ҳар бир соҳада коррупцияга қарши курашиш бўйича аниқ вазифаларни белгилаб олиниши мазкур соҳаларда коррупцияни олдини олишга хизмат қилади.

Янги инновацион ғояларни миллий иқтисодиётга жалб қилинишида муаммолардан бири инновацион лойиҳаларни амалга оширишда салоҳиятли кадрларнинг етишмаслигидир.

Ҳар бир давлат органи ҳузурида коррупцияга қарши курашиш чоратадбирларини ишлаб чиқиш ва реал ҳаётга жорий қилишда фуқаролик

жамияти институтлари билан ҳамда бошқа идоралар билан тизимли ҳамкорликни йўлга қўйиш, кадрларни танлаш, айниқса, раҳбар ходимларни тайинлашда коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бўйича билим даражасини тестлар орқали ўрганишни жорий қилиш давлат органлари фаолиятида шафоқлик ва очиқликни таъминлашга олиб келади, натижада жамиятда фуқаролик жамияти институтларини роли ошириб боришига хизмат қилади.

**Хулоса қилиб шундай қайд этиш лозимки,** фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари дунёнинг ривожланган давлатлари ва нуфузли халқаро ташкилотларнинг ҳамisha эътиборида бўлиб келган.

Бизга маълумки, “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси Бирлашган Миллатлар ташкилоти Бош ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрда Францияда, Париждаги Шайо саройида қабул қилинган. Ушбу ҳужжатнинг ишлаб чиқилишига Иккинчи жаҳон уруши давомида жаҳон халқлари бошидан кечирган фожиалар, ваҳшидиклар туртки бўлган. Мазкур ҳужжатда алоҳида маданият, миллат ва минтақалар билан чекланмаган универсал қадриятлар мустаҳкамланиб, ҳар бир инсон ирқи, танасининг ранги, дини, жинси, тили, сиёсий ёки бошқа эътиқоди, миллий ва ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ табақавий ва бошқа ҳолатидан қатъи назар, инсониятга мансублиги нуқтаи назаридан эга бўлиши лозим ҳуқуқлар белгилаб қўйилган. Декларация 30 моддадан иборат”<sup>[14]</sup>

БМТ инсон ҳуқуқлари соҳасида жаҳон давлатлари билан ҳамкорликда ўзаро маъқул норма-стандартларни ишлаб чиқишда фаол ҳаракатни амалга оширди. Жаҳон миқёсида инсонларнинг ижтимоий ҳуқуқларини халқаро ҳуқуқий асослари БМТ Низомининг норма-принципларида, инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясининг дастурий қоидаларида, 1966 йилги иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг императив нормаларида, шунингдек БМТ конвенцияларида ўз ифодасини топганлигида кўриш мумкин.

Мамлакатимизда кейинги икки йилда Давлатимиз раҳбари томонидан халқ манфаатлари эътиборга олинган ҳолда амалга оширилаётган шиддатли ислоҳотларнинг мазмун моҳияти инсонларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маърифий ҳамда маънавий, тадбиркорлик ҳуқуқларини рўйёбга чиқаришга қаратилганлиги ва уларнинг давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганлиги ҳамда ислоҳотлар юқорида қайд этилган халқаро ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилаётганлиги халқаро экспертлар томонидан ижобий баҳоланмоқда.

Албатта, “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” бўйича тасдиқланадиган дастурлар ижросини таъминлашга қаратилган чоратадбирларни ишлаб чиқишда тегишли давлат органлари билан ННТлар ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш бўйича нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш амалга оширилаётган ислоҳотларни самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

## Назорат саволлари:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонининг мазмун моҳияти нималардан иборат?
2. “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонда белгиланган устувор йўналишлар ва “Йўл харитаси”.
3. “Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021–2025 йилларга мўлжалланган миллий стратегия”нинг моҳияти нималардан иборат.
4. Коррупцияга қариши курашда жамоатчилик назрати қандай аҳамиятга эга.
5. Коррупцияга қарши курашда Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг ташкил этилиши қандай ўрин тутади.
6. “Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021–2025 йилларга мўлжалланган миллий стратегия” асосий йўналишлари.
7. “Миллий стратегия доирасида Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021–2022 йилларга мўлжалланган давлат дастури”да қандай вазифалар белгиланган.
8. “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш қандай босқичларни ўз ичига олади.
9. Коррупцияга қариши курашда жамоатчилик назрати.

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгилиниш сари / Муаллифлар жамоаси. Т.: Гафур Гулом. 2017.
2. Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. – Т.: Шарқ, 2003.
3. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
4. Жалилов А. бошқалар. Фуқаролик жамияти асослари. – Т.: Baktria press, 2015.
5. Фуқаролик жамияти. Дарслик лойиҳаси– Т.: 2016. Ziyonet.uz. Муаллифлар жамоаси. <http://library.ziyonet.uz/uz/book/32900>
6. Утамурадов А. ва бошқалар. Фуқаролик жамияти фанидан тушунча ва атамалар луғати. Лотин ёзувида. Т.: Турон-замин-зиё. 2017. 23 б.т.
7. Утамурадов А, Қирғизбоев М, Хожиев Т. Фуқаролик жамияти / Ўқув қўлланма. Лотин алифбосида. – Т.: Мумтоз сўз. 2018. 395 бет.
8. А.Утамурадов. Фуқаролик жамияти ғоялари эволюцияси. –Т., “Адабиёт учкунлари”, 2018. Б.193.

## КЕЙСЛАР БАНКИ

### Мини-кейс.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда қурилиш жараёнида кузатилаётган коррупцион ҳолатларнинг олдини олишда қандай чора-тадбирларни амалга ошириш мумкин?

Ўзбекистонда ер ажратиш ва ердан фойдаланиш бўйича содир этилаётган коррупцион ҳолатларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларни бартараф этиш бўйича “Йўл харитаси” тузинг ва уларни *асослаб беринг?*

## V. ГЛОССАРИЙ

**БИПАРТИЗМ** – икки томонлама (ишчилар ва иш берувчилар) шериклик ёки ижтимоий шерикликнинг икки субъекти ўртасидаги келишув.

**БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ** – товар ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва пул муомаласи қонун-қоидалари асосида ташкил этиладиган ҳамда бошқариладиган иқтисодий тизим.

**ДАВЛАТ СУБСИДИЯСИ** – социал ва ижтимоий аҳамиятга молик фаолиятни амалга ошираётган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари маблағлари ҳисобидан бериладиган ҳамда аниқ лойиҳалар билан боғлиқ бўлмаган молиявий ёки бошқа моддий кўмак. Давлат субсидияларидан фақат нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг уставида белгиланган мақсад ва вазифаларни бажариш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда ижтимоий фойдали мақсадларга эришиш учунгина фойдаланилади.

**ДАВЛАТ ГРАНТИ** – ижтимоий фойдали мақсадларга эришишга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республика-сининг Давлат бюджети маблағлари, шунингдек, жамоат фондларининг маблағлари ҳисобидан нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига уларнинг буюртмалари бўйича танлов асосида бериладиган пул маблағлари ва моддий ресурслар. Давлат грантларини ажратиш Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондлари орқали амалга оширилади.

**ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИГИ** – инвестиция, инновация, инфратузилма ва бошқа лойиҳа ҳамда муҳим бўлган давлат, ижтимоий, иқтисодий, илмий-техникавий аҳамиятга эга дастурларни кўзда тутувчи чора-тадбирлар мажмуи. Бунда давлат бошқаруви, ҳудудий ҳукумат органлари ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколатланган бошқа давлат ташкилотлари давлат шериги бўла олади.

Хусусий шерик – Ўзбекистондаги юридик ёки жисмоний шахс, хорижий юридик ёки жисмоний шахс, давлат-хусусий шериклигини тузган ёки тузиш истагида бўлган халқаро ташкилот. Улар фаолиятининг асосий мақсади фойда олишдир. Давлат-хусусий шериклиги қуйидаги соҳаларда амалга оширилади: фан, техника ва инновациялар, тиббиёт; таълим, маданият ва ижтимоий хизматлар; телекоммуникация; транспорт хизматлари; йўл сектори; уй-жой ва коммунал хизматлар; қурилиш материаллари ишлаб чиқариш; ёқилғи-энергетика ва кимё



саноати; энергиянинг қайта тикланувчи манбалари; механик муҳандислик; металлургия; қишлоқ ва сув хўжалиги; табиатни муҳофаза қилиш.

**ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТЛАР** – жамият ҳаётида демократик тамойилларни қарор топтиришга хизмат қиладиган ташкилот ва тузилмалар мажмуаси, давлат ва жамиятда демократик тузумни шакллантирувчи демократик тамойилларни амалга оширишнинг ташкилий шакллари.

**ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ** – фуқароларнинг қонунда белги-ланган тартибда рўйхатдан ўтказилган бирлашмалари. Уларга қасаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимлар жамиятлари, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари киради. *Ж.б.* – маънавий ёки бошқа номоддий эҳтиёж-ларни қондириш учун ўз манфаатларининг муштараклиги асосида қонунда белгиланган тартибда бирлашган фуқаролар ихтиёрий бирлашмаси.

Жамоат бирлашмаси қатнашчилари мазкур бирлашмага мулк қилиб берган мол-мулкларига, шу жумладан, аъзолик бадалларига бўлган ҳуқуқларини сақлаб қолмайдилар. Улар аъзо сифатида қатнашаётган жамоат бирлашмасининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар, мазкур бирлашма эса ўз аъзолари мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

**ИЖТИМОЙ АДОЛАТ** – барча ижтимоий тоифаларнинг жамият-да ўз ўрни мавжудлиги ва қонун олдида уларнинг ўзаро тенг ҳуқуқларга эга эканлигини эътироф этиш.

**ЖАМОАТ ФОНДИ** – жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрий мулкий бадаллар кўшиш асосида ташкил этилган, хайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ёки бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни кўзлайдиган, аъзолиги бўлмаган нодавлат нотижорат ташкилоти.

**ИХТИЛОФ** (араб. қарама-қаршилик, келишмовчилик, зиддият, низо) – одамларнинг биргаликда ҳаракат қилиш усули бўлиб, бунда қарама-қаршилик, ғанимлик, эришилган яқдиллик, келишув ва ҳамкорликни бузиш тамойиллари устун туради.

**КАСАБА УЮШМАЛАРИ** – корхона, муассаса, ўқув юрти ва бошқа меҳнат жамоаларида ишлаётган ишчи ва ходимларнинг ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш, иш берувчилар билан ишчиларнинг ижтимоий шерикчилигини ташкил этиш мақсадида фаолият юритадиган нодавлат нотижорат ташкилоти.

**КОНСЕНСУС** (лот. consensus – уйғунлик, яқдиллик, келишув) – қарор қабул қилиш, низоларни ҳал этиш усули. Ушбу тушунча фикр, мулоҳазалар бирлиги, ўзаро келишув, овоз берувчилар барчасининг розилиги олинган ҳолдагина кучга кирувчи қарор қабул қилиш маъноларини ҳам беради. Кенг маънода, бирор-бир масала юзасидан эътироз йўқлиги асосий масалалар бўйича умумий келишув бўлади. Кўп фикр асосидаги овоз. Халқаро шартномалар тузишда парламент ёки кенгашларда тегишли қарор қабул қилиш; бунда расман эътироз билдирилмаса, иштирокчиларнинг умумий розилиги асосида расмий равишда овоз берилмайди. К. усули, шунингдек, БМТ органларида тан олинган бўлиб, шу ташкилот доирасида ўтказиладиган халқаро конференция ва кенгашларда қўлланилади.

**КОМПРОМИСС** – (лот.) турли фикр, йўналиш, қараш, ҳаракатлар келишуви.

**КУЧЛИ ДАВЛАТДАН – КУЧЛИ ЖАМИЯТ САРИ** – ушбу концепциянинг моҳияти одамларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти ва фаоллиги юксалиб боргани сари давлат вазифаларининг нодавлат тузилмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтиши, маҳаллалар нуфузи ва мавқеининг ошиши.

**КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ** – инсон манфаатлари устуворлиги ва фуқаролик жамияти институтлари орқали уларнинг давлат ҳамда жамият бошқарувида фаол иштирок этиши таъминланган, қонун устувор бўлган жамият.

**ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИК** – турли миллат, ирк ва динга мансуб кишилар ҳамда гуруҳларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамжиҳатлиги. Шунингдек, жамият барча аъзолари ва ижтимоий гуруҳларнинг умумий мақсад йўлида биргаликда фаолият олиб бориши, уларнинг ўзаро ҳамжиҳатлигини ифода этади. У жамиятнинг бош стратегик мақсади, ривожланиш ғояси ва мақсади билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг туб

манфаатлари йўлида аҳоли ҳамда ижтимоий гуруҳларнинг тараққиётини таъминлаш учун кенг миқёсда олиб бориладиган биргаликдаги фаолият.

**ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК** – фуқаролар, ижтимоий субъектлар ва муассасалар жамият ҳаётининг муайян бир соҳасидаги ўзаро биргаликдаги ҳаракатлари мажмуи. *И.ш.* фуқаролик жамиятига хос, давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлиги учун энг қулай мувозанатни таъминлайдиган ижтимоий муносабатларнинг алоҳида тури ҳисобланади. Бундай муносабатларда ижтимоий шериклик – давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ўзига хос ижтимоий-сиёсий муносабатлар тизими бўлиб, унда манфаатлар қарама-қаршилиги ва уни ҳал этиш йўллари кўзда тутилади. Ижтимоий шериклик бошқа ижтимоий-сиёсий жараёнлар билан ҳам чамбарчас боғлиқ.

*Ижтимоий шерикчилик* – ижтимоий ҳамкорликни амалга ошириш-нинг муҳим механизми бўлиб, бу давлат органлари, жамоат ташкилотлари ҳамда бизнес вакилларининг ижтимоий ҳамкорлик асосидаги тармоқлараро, соҳалараро, идоралараро фаолияти.

*Ижтимоий шериклик* – давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан, тармоқ, ҳудудий дастурларни, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорлар ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлиги.

**ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК СУБЪЕКТЛАРИ** – давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари.

**ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИКНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ** – қонунга бўйсунуш; тенг ҳуқуқлилиқ; очиклик ва шаффофлик; ҳаммабоплиқ; мустақиллик; холислик; ўзаро ҳурмат, манфаатларнинг инobatга олинishi ва масъулият; мажбуриятлар қабул қилишнинг ихтиёрийлиги.

**ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК СОҲАЛАРИ** – бу қуйидаги соҳалар-да амалга оширилиши мумкин:

аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, қўллаб-қувватлаш ва унинг ижтимоий фаоллигини ошириш;

аҳоли бандлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерликни ривожлантириш;

атроф муҳитни, аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтириш;

ҳар томонлама баркамол ва соғлом ёш авлодни шакллантириш, ёшларга билим бериш, уларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш ва касбга йўналтириш;

оналик ва болаликни, шунингдек, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, соғлом оилани шакллантириш;

фан, таълим, ахборотлаштириш, маданият ва спортни ривожлантириш;

аҳолининг ҳуқуқий билими, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат асосларини мустаҳкамлаш;

миллатлараро, маданиятлараро тотувлик ва фуқаролар тотувлиги ғояларини мустаҳкамлаш, кўп асрлик, анъанавий маънавий-ахлоқий ҳамда тарихий-маданий кадриятларни тиклаш ва сақлаш;

истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.

**ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИКНИНГ АСОСИЙ ШАКЛЛАРИ** – бу қуйидагилардан иборат:

нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиши;

нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиши;

нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари вакилларининг давлат органлари ҳузуридаги ишчи гуруҳлар, комиссиялар ва жамоатчилик-маслаҳат органлари фаолиятида иштирок этиши;

ижтимоий шериклик субъектлари томонидан биргаликда тадбирлар, маслаҳатлашув ва музокаралар ўтказиш;

ижтимоий шериклик субъектлари томонидан ижтимоий шериклик тўғрисида битим ва шартномалар тузиш, биргаликда лойиҳа ва режалар ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

ижтимоий шериклик субъектлари ўртасида ўзаро қўллаб-қувватлаш, ахборот алмашиш.

**МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ** – (фран. Modernizer – замонавий) замона-вийлаштириш, ҳозирги давр талаблари, тарзи ва дидига мутаносиб равишда ўзгаришларни амалга ошириш.

**НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТИ** – жисмоний ёки юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромад (фойда) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилоти.

Нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, бошқа демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларда тузилади.

**ТРИПАРТИЗМ** – ижтимоий шерикликнинг давлат органлари, бизнес вакиллари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасидаги келишув.

**УЧИНЧИ СЕКТОР** – дунёдаги барча мамлакатларда нотижорат ва хайрия мақсадларида ташаббус кўрсатаётган ва кенг фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотларига (ННТ) нисбатан қўлланилади (биринчи сектор – давлат, иккинчи сектор – тижорат сектори ёки шахсий сектор дейилади).

**ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ** – фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувида иштирок этишига хизмат қиладиган нодавлат, нотижорат ташкилотлари, жамият бирлашмалари, оила, маҳалла, ижтимоий ҳаракатлар ва бошқа тузилмалар мажмуи.

**ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАШКИЛОТИ (ХМТ)** – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимининг ихтисослашган муассасаси бўлиб, у ижтимоий адолат тамойилларини, халқаро тан олинган инсон ҳуқуқлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларни илгари суришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. 1919 йилда ташкил топган ХМТ 1946 йилда БМТ тизимида кирган биринчи ихтисослашган муассаса бўлган.

**Аболиционизм** – (лот. бекор қилиш) бирор қонунни бекор қилишга қаратилган оммавий ҳаракат. XVIII аср охири ва XIX асрнинг биринчи ярмида АҚШда негрларни қулликдан озод қилиш учун бошланган ҳаракат иштирокчилари – аболиционист деб аталган.

**Автономия** (юнон. autos+nomos-ўзи+қонун); 1.ягона Давлат миқёсида ҳудудий-миллий тузилмаларга (вилоят, ўлка) ўзини ўзи бошқариш ваколатларини бериш; 2.Маъмурий-худудий бирлик; 3.Қандайдир органлар (хўжалик, давлат, партия ва бошқалар) фаолиятларидаги ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи.

**Автономия** (юнон. autos+nomos-ўзи+қонун); 1.ягона Давлат миқёсида ҳудудий-миллий тузилмаларга (вилоят, ўлка) ўзини ўзи бошқариш ваколатларини бериш; 2.Маъмурий-худудий бирлик; 3.Қандайдир органлар (хўжалик, давлат, партия ва бошқалар) фаолиятларидаги ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи.

**Агрегация-** (лот.) нодавлат ва жамоат ташкилотлари айрим манфаатларни агрегация қилиш, яъни турли мунозаралар ва муҳокамалар воситасида турли манфаатлар уйғунлаштирилади ва улар ўртасида муайян муносабатлар тизимини шакллантиради. Бу жараёнда асосий ва муҳим манфаатлар танлаб олинади уларни қондириш чора ва тадбирлари кўрилади.

**Адвокатура-** ҳуқуқий институт, адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларнинг мустақил, қўнгилли, касбий бирлашмаларини ўз ичига олади. Ўзб.Рес. фуқаролари, ажнабий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахсларга, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга юридик ёрдам кўрсатади. Ўзбекистон Республикасининг адвокатура тўғрисидаги қонуни 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган.

**Адлия-**(араб.-адолат)-суд муассасаларининг бутун мажмуини, уларнинг одил судловни амалга ошириш фаолиятини, шунингдек, суд идорасини билдирувчи атама.

**Адолат** (араб. – одиллик, тўғрилиқ) – у ёки бу кадриятларнинг ўзаро умумий муносабатини ва уларнинг индивидлар ўртасида конкрет тақсимланишини ифодаловчи тушунча; инсоннинг моҳияти ва унинг ажралмас ҳуқуқларини ҳақидаги тасаввурларга мос бўлган жамоа тартиби.

**Актор** - (лот. “actor” - арбоб); муайян хатти-ҳаракатларни амалга оширувчи индивид, ижтимоий гуруҳ, институт ёки бошқа субъект, зиддиятларда иштирок этувчи томонлар. Сиёсатшуносликда актор ва субъект тушунчалари синоним сифатида ишлатилади.

**Алармизм** – интеллектуал ва экспертларни бирлаштирувчи замонавий ғоявий оқим. У хавф солаётган глобал муаммолар – яровий, экологик в.х. – борасида огоҳлантиради

**Амнистия-**жиноят содир этган шахсларни жинойий жавобгарликдан тўлиқ ёки қисман жазодан озод қилиш, шунингдек, илгари суд томонидан белгиланган жазони ўтаб бўлган шахслардан судланганликни олиб ташлаш. Амнистия акти норматив хусусиятга эга, яъни амнистия акти билан белгиланган талабларга жавоб берадиган барча шахсларга нисбатан қўлланилади.

**Анахронизм** – (юнон. ана-орқага,chromos-вақт, замон); янглиш ҳолда бир даврдаги воқеа ёки ҳодисаларни бошқасига алмаштириб қўйиш.

**Апатия** – (юнон.) бутунлай бефарқлик ҳолати, лоқайдлик.

**Артикуляция** – (лот.) нодавлат ва жамоат ташкилотлари индивидлар ва ижтимоий гуруҳларнинг тарқоқ қарашлари, ижтимоийруҳий кечинмалари ва умидларини аниқ ва маълумсиёсий мақсадлар ва талабларга айлантиришжараёнини англатади.

**Ахборот** – (“informatio” лотинчаданмаълумотлар, тушунтиришлар, баёнларни англатади) – бу маълумрий, ташкилий тадбирлар ўтказиш ҳақида қарорларни қабул қилиш учун, шунингдек таклиф ва тавсияларни тайёрлаш учун асос бўлиб хизмат қилувчи муҳим фактлар (шахслар, ҳаракатлар, ташкилотлар, воқеалар) тўғрисидаги маълумотдир. Фалсафий нуқтаи назардан ахборот бизнинг маълумот (белги) олиш натижасида ўрганилаётган ҳодисалар (жараёнлар) ҳақида тасаввурларимизнинг ноаниқлигини камайтириш ёки олиб ташлашни таъминлайди.

**Ахборот-** (информация) - лот. informare-тасвирламоқ, нимадир ҳақида тушунча тузиш; кимнидир фаолияти, нимадир фаолияти ёкиишнинг ахволи ҳақида хабар, хабардорлик.

**Ахборот маданияти** – жамиятнинг ахборот ресурслар ва ахборот-коммуникацион технологиялардан самарали фойдаланиш, шунингдек бу мақсадларда ахборотлаштириш воситалар ва ахборот технологияларни ривожлантириш соҳасида илғор ютуқларни қўллаш қобилияти. Ахборот маданияти кишида ахборот муҳити билан ўзаро муносабатда билим, маҳорат, кўникма ва рефлексли кўрсатмалар мавжуд бўлиши билан ифодаланади. Кишининг ахборот маданиятининг энг муҳим элементларидан бири – ахборот ресурсларини билиш (улардан эркин фойдаланиш имконияти).

**Ахборот макони** – (Ахборот муҳити) ахборотни сақлаш, ишлаш ва узатиш бўйича техникавий ва дастурий воситалар, шунингдек ахборотлаштириш жараёнининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий шарт-шароитлари мажмуаси.

**Ахборот соҳасини либераллаштириш** – (libera lis лотинчадан эркинликка тааллуқли) ОАВ ҳуқуқ ва эркинликларини кенгайтиш жараёни, шунингдек уларнинг фаолиятидаги чекловларини олиб ташлаш ва давлат назоратини сусайтириш.

**Ахборот эркинлиги**-фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларидан бири бўлиб, сўз, матбуот ва бошқа оммавий ахборотга эга бўлган ахборотни олиш ҳуқуқи ва қонуний асосда олинган ахборотларни тарқатиш ҳуқуқи ахборот эркинлиги ҳисобланади. Ўз.Рес. Конституциясига асосан, оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар, цензурага йўл қўйилмайди (67-модда).

**Ахборот-коммуникация технологиялари** – ахборот фойдаланувчилари манфаатида уни йиғиш, ишлаш, сақлаш, тарқатиш, акс этиш ва фойдаланиш мақсадида интеграллашган методлар, ишлаб чиқариш жараёнлар ва дастурий-техникавий воситалар мажмуи. Бугунги кунда АТ тушунчасига микроэлектроника, компьютерлар ва дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш, алоқа ва телефония, мобил сервислар, Интернетдан фойдаланишни таъминлаш, Интернет ахборот ресурсларини таъминлаш қиради.

**Билл** – ингл. Буюк Британия, АҚШ ва бошқа давлатларда қонун чиқарувчи ташкилот эътиборига ҳавола қилинувчи қонун лойиҳаси.

**Бипартизм**-ижтимоий шерикликнинг икки субъекти ўртасидаги келишув

**Бозор** – ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар (сотувчилар ва харидорлар) ўртасида пул орқали айирбошлаш жараёнида бўладиган муносабатлар йиғиндиси.

**Бозор иқтисодиёти** – товар ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва пул муомаласи қонун – қоидалари асосида ташкил этиладиган ва бошқариладиган иқтисодий тизимдир.

**Бозор механизми** – бозор иқтисодиётининг фаолият қилишини тартибга солишни ва иқтисодий жараёнларни уйғунлаштиришни таъминлайдиган дастак ва воситалардир.

**Бундесрат** – нем. ГФРда ерлар палатаси. Германия Ерлари ҳукуматларининг учдан бештагача вакилларидан иборат. Бундестаг – нем. ГФР парламенти. 1949 йилда ташкил этилган. Аралаш сайлов тизимида 4 йиллик муддатга сайланади.

**Бунёдкор ғоя** — жамиятни таракқиёт сари етакловчи, турли гуруҳ ва қатламларни, миллатларни эзгу мақсад йўлида биргаликда ҳаракат қилишга ундовчи, амалга оширишнинг реал асослари бўлган ғоя.

**Вайронкор (бузғунчи) ғоя** — ёвузлик ва жаҳолатга, айрим жинояткор кучларнинг ҳукмронлигини ўрнатишга хизмат қиладиган, инсонлар, миллатлар ва жамиятнинг мустақиллигига, эркинлигига, ижодкорлигига зид бўлган ғоялар мажмуини ифодаловчи тушунча.

**Ватан** ( арабча “Ватан” – она юрт ) – кишиларнинг яшаб турган, уларни авлод ва аждодлари туғилиб ўсган жойи, ҳудуди, ижтимоий муҳити, мамлакати. Ватан бир-бирини тақозо этувчи ташқи муҳит ва ички кечинмалар ҳамда тушунчаларни ўз ичига олади. Ташқи муҳит нуқтаи назаридан Ватан киши ёки авлодлар туғилиб ўсган ва камол топган жой.

**Ватан равнақи** – миллий истиқлол мафқурасининг Ислом Каримов томонидан асослаб берилган ғояларидан бири. Президентимиз Ватан равнақи ғоясини илгари сураб экан, унинг мазмунини ҳар бир кишининг манфаатларини юрт манфаатлари билан уйғунлаштирувчи, уни халқ бахт-саодати йўлида хизмат қилишга ундовчи бунёдкор ғоядир деб таърифлайди. Зеро, у миллий истиқлолнинг олий мақсади - Ўзбекистонда яшаётган барча фуқароларнинг эл-юрт камоли билан боғлиқ орзу-умидларини амалга оширишни ифодалайди.

**Ватанпарварлик** – Ватанининг озодлиги ва ободлиги, унинг сарҳадлари дахлсизлиги, мустақиллигининг ҳимояси йўлида фидойилик кўрсатиб яшаш, она халқининг ор-номуси, шон-шарафи, бахту саодати учун куч-ғайрати, билим ва тажрибаси, бутун ҳаётини бахш этишдек дунёдаги энг муқаддас ва олижаноб фаолиятни англадиган инсоний ҳис-туйғудир. Ватанпарварлик - она-юртнинг, халқнинг тарихи ва тақдирига чуқур ҳурмат билан қарайдиган, Ватан манфаатлари йўлида



фидоийлик намуналарини кўрсатишга қодир бўлган шахсларга хос фазилят.

**Вербал** – (лот.) оғзаки; бунда сиёсий иштирокни шахснинг субъектив жиҳатига боғлиқ эмаслигига ишора қилинмоқда.

**Вето** – (лот. таққилайман) давлат бошлиғи ёки парламент олий палатасининг қонун чиқарувчи ташкилот қабул қилган қонунни кучга киришини бир муддатга тўхтатиб қўйиш ёки уни кучга киритмаслик ҳуқуқи: мутлоқ вето, кечиктирувчи вето.

**Виждон эркинлиги** – ижтимои-фалсафий тушунча; ҳар кимнинг ўз эътиқодига кўра, мазкур жамиятда мавжуд ижтимоий меъёрларни бузмаган ҳолда виждони буюргани бўйича яшаш, ишлаш имконияти. Бунда динга муносабат масаланинг бир томони ҳисобланади.

**Виждон эркинлиги** – фуқароларнинг истаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқи.

**Генезис** - юнон. genesis- келиб чиқиш; пайдо бўлиш, ташкил топиш жараёни.

**Гильдия тизими** – (нем. корпорация) элиталарни шакллантириш тизимларидан бири. Унга 1) епиклик, юқори лавозимларга элитанинг қўйи қатламларидан номзод танлаш, юқorigа силжишнинг поғонавийлиги; 2) лавозимларни эгаллаш учун кўплаб расмий шартларнинг мавжудлиги; 3) танловни алоҳида имтиёзли кичик гуруҳ амалга ошириши; 4) мавжуд етакчи типини тиклашга, яратишга, сақлаб қолишга ҳаракат қилиниши сигарилар хос.

**Гипотетик** – фараз қилинган, тахмин қилинган.

**Глобал** - фран. global-умумий); умуман олганда, бутун ер юзи бўйлаб.

**Глобал** - фран. global-умумий); умуман олганда, бутун ер юзи бўйлаб.

**Ғоя** – инсон тафаккурида вужудга келадиган, ижтимоий характерга эга бўлган, руҳиятга кучли таъсир ўтказиб, жамият ва одамларни ҳаракатга чорлайдиган, мақсад-муддао сари етаклайдиган кучли, теран фикр

**Ғоявий бўшлиқ** - деб, эски ҳукмрон мафкура ҳалокатга учраб, у билан боғлиқ тушунчаларнинг кадрсизланиши, бугунги ҳаёт, ўтмиш ва келажакка даҳлдор қадриятлар, тушунча ва тасаввурларни тўлиқ англаб етмаслиги оқибатида одамларнинг қалби ва онгида вужудга келадиган бўшлиққа айтилади.

**Гуманизм** (инсонпарварлик) – тенглик, адолат, ўзаро ҳурмат, инсон қадрини ардоқлаш, одамлар фаровонлиги учун ғамхўрлик қилиш ғоялари сингдирилган дунёқараш.

**Гуруҳ** - манфаатлар, қарашлар, касбий, фаолият тарзи бўйича бирлик ва умумийлик касб этган шахслар йиғиндиси, бирлашмаси.

**Давлат** – муайян ҳудудда жамият ва унинг сиёсий тизимини ташкил этиш усули, ҳокимиятнинг марказий институти, жамиятнинг сиёсий ташкилоти бўлиб, маълум бир ҳудуд ва унда яшовчи халқларни ўз ичига олади. Жамиятни бошқарувга тизим сифатида Давлат ички тизимга ўз ваколатларини амалга ошириш учун махсус органларга эга. Давлат одамлар ва жамоат гуруҳларининг фаолияти ҳамда муносабатларини ташкил этади, уларни йўналтиради ва назорат қилади.

**Давлат тассаруфидан чиқариш** - давлат мулки ҳисобидан бошқа нодавлат мулк шакллариининг вужудга келтирилиши.

**Даҳлдорлик ҳисси**– фуқароларнинг туғилган жойи, она Ватани, мустақилликни англаш, уни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш, уни янада ривожлантиришга чорлайдиган, шарт-шароит, омиллар мажмуи.

**Демократик институтлар** – бу, давлат ва жамиятда демократик тузумни шакллантирувчи демократик тамойилларни амалга оширишнинг ташкилий шакллари ҳисобланади.

**Демократик институтлар** - жамият ҳаётида демократик тамойилларни қарор топишга хизмат қиладиган ташкилотлар ва тузилмалар мажмуаси.

**Демократик кучлар блоки**–парламентдаги кўпчиликни ташкил этиш мақсадида ўздастурий мақсадли вазифаларининг яқинлигидан ёки мослигидан келиб чиққан

ҳолдабир нечта сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар ўз саъй-ҳаракатларини бирлаштириши.

**Демократия**(юнонча, “демос” – халқ, “кратос” – ҳокимият) – халқ ҳокимияти маъносини англатиб, халқни ҳокимият манбаи, деб билувчи сиёсий тизимни шакли. Демократия инсонни ҳар томонлама баркамол ривожланиши учун берилган имкон бўлиб, давлат конституциясида озчиликнинг кўпчиликка бўйсунishi тамойили расмий эълон қилинди, ҳамда фуқароларнинг эркинлиги тенг ҳуқуқлиги эътироф этилди. Демократия ҳар бир даврнинг ижтимоий – иқтисодий шароитларига мос шаклланиб, ривожланиб боровчи чегарасиз табиий – тарихий жараёндир.

**Децентрализация** - номарказлаштириш; марказий ҳокимият органлари ваколатларининг бир қисмини маҳаллий ҳокимият органлари, ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат ташкилотларга бериш; марказлашувни бўшаштириш ёки бекор қилиш, тугатиш.

**Диаспора** – юн. diaspora -тарқалиш маъносида бўлиб, маълум бир давлат худудида яшовчи, аммо бошқа бир давлатда ўз давлат тузилмасига эга, маълум бир халқ миллат вакилларининг йиғиндиси (масалан Ўзбекистонда яшовчи рус, украин миллатининг диаспораси).

**Диверсификация** – лот. diversification – ўзгариш, турли-туманлик, фаолиятни ҳар томонламава турли-туман йўналишларда ривожлантиришга стратегик мўлжал олиш. Масалан, капитални диверсификациялаш – иқтисодий таваккалчиликнинг хавfli оқибатини камайтириш мақсадида капитал маблағларни турли объектлар ўртасида бўлиб-бўлиб жойлаштириш.

**Диний бағрикенглик** - бизнинг дунёмиздаги турли бой маданиятларни, ўзини ифодалашнинг ва инсоннинг алоҳидалигини намоён қилишнинг хилма-хил усулларини ҳурмат қилиш ва тўғри тушунишни англатади. Уни билим, самимият, очик мулоқот ҳамда хурфиқр, виждон ва эътиқод вужудга келтиради.

**Дискурс** - ингл. discourse < лат. discursus – суҳбат, муомала, монолог, диалог.

**Дифференциация** – (лот. differentia-фарқлаш, ҳар хиллик); тақсимланиш, ниманидир алоҳида турли хил унсурларга ажралиши, бўлақларга бўлиниш.

**Дуализм** – (лот.) икки тарафламалик (шунингдек, фалсафадаги дунё асосида иккита мустақил бош сабаб – рух ва модда, идеаллик ва моддийлик мавжуд деган қарашлар ҳақидаги таълимот).

**Европоцентризм** - Ғарбий Европа маданияти бутун инсоният учун наъмуна, деб қаровчи концепция. Унга кўра Ғарбий Европа – жаҳон тараққиёти марказидир.

**Жазо** – ҳуқуқбузарлик содир этишда айбланган шахсларга нисбатан қўлланадиган маънавий, моддий ёки жисмоний чеклашлар билан боғлиқ бўлган мажбурлов чораси.

**Жамият** – инсонлар муносабати ва ижтимоий алоқалар йиғиндиси. Жамият тарихий, моддий-маънавий ҳаёт тарзидан келиб чиққан ҳолда умумий орзу-мақсадлари билан бирлашган инсонлар уюшмасининг алоҳида шакли. Жамият доимо ўзгариш ва ривожланишда бўлиб, унинг асосини доимо инсонлар ташкил этади.

**Жамоа манфаати** – кишилар гуруҳи, корхона ва фирмаларга тегишли манфаатлар мажмуидир.

**Жамоат бирлашмалари** – фуқароларнинг қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган бирлашмалари. Уларга касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, фахрийлар ва ёшларнинг ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари киради.

**Жараён** – муайян вақт оралиғида бўлиб ўтган ўзгаришлар, воқеа ва ҳодисаларнинг давомийлиги. Ж.лар узлукли ва узлуксиз, табиий ва сунъий, такрорланувчи ва бетакрор, бошқарилувчи ва бошқарилмас бўлиши мумкин.

**Жиноят** – қонунданазарда тугтилган ижтимоий хавfli қилмиш. замин, ўлкадир.

**Идентификация** – (лот. ўхшатмоқ, тенглаштирмамоқ, бараварламоқ) монандлик. Сиёсий идентификация - у ёки бу сиёсий гуруҳга ўзини бошқалардан ажратиш имконини

берувчи барқарор белгилар, хусусиятлар бирлиги.

**Ижтимоий адолат** – барча ижтимоий тоифаларнинг жамиятда ўз ўрни мавжудлигини ва қонун олдида уларнинг ўзаро тенг ҳуқуқларга эга эканлигини эътироф этиш.

**Ижтимоий манфаат** – бу барча жамият аъзоларининг биргаликда рўёбга чиқадиган манфаатларидир.

**Ижтимоий уюшмалар** – фуқаролар манфаатлари умумийлиги ва ихтиёрийлик асосида вужудга келувчи, лекин ўз фаолияти натижасида даромад олишни кўзламайдиган ташкилотлар (сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, аёллар, кексалар, ногиронлар, ёшлар, болалар ташкилотлари, илмий техник, маданий-маърифий, спорт ва бошқа кўнгилли жамиятлар, жамғармалар, ассоциациялар, бошқа тузилмалар). Демак, фуқароларнинг ҳар қандай кўнгилли уюшмаси – ижтимоий уюшмадир. Мавжуд сиёсий ҳаётни ўзгартиришга ёки унга таъсир этишга уринувчи ижтимоий уюшмалар сиёсий, деб қаралади.

**Ижтимоий ҳамкорлик** – турлимиллат, ирқ ва динга мансуб кишилар ва гуруҳларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамжиҳатлиги.

**Ижтимоий шериклик** - давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан тармок, ҳудудий дастурларни, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигидир

**Ижтимоий-иқтисодий муносабатлар** - бу кишилар учун зарур бўлган ҳаётий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида вужудга келадиган муносабатлар.

**Иқтисодий мустақиллик** –муайян бир мамлакатнинг шу мамлакатда мавжуд ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш воситаларига, табиий ва маънавий бойликларга ва шу бойликлар туфайли яратилган маҳсулотдан тушган миллий даромадга ва уни тақсимлашга ягона эгалик қилиши.

**Иқтисодий ресурслар** – маълум даврда маълум бир мамлакат ихтиёрида тўпланган ва мавжуд бўлган ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, уларни истеъмолчиларга етказиб бериш ва истеъмол жараёнларида қўлланилиши мумкин бўлган воситалар, қўр-қутлар, имкониятлар ва манбалардир

**Индивид** - лот. *individuum*-бўлинмас, алоҳида; инсон зотининг алоҳида олинган намунаси, унинг вакилларидан бири; ҳар бири алоҳида, мустақил мавжуд бўлган тирик организм; шахс эса у ёки бу инсон сифатида намоён бўлиб, у маълум ва бетақрор индивидуалликка эга бўлади.

**Инсон омили** – инсон моҳиятига хос бўлган энг муҳим хусусиятларни – инсондаги жисмоний – руҳий томонларнинг бирлиги.

**Инсон ҳуқуқлари**- унга тор маънода фақат давлат ҳимоя қиладиган ва кафолат берадиган ҳуқуқлар кириб, бу ҳуқуқларга барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, яшаш ва жисмоний дахлсизлик ҳуқуқи, инсон кадр-қимматини ҳурмат қилиш, ўзбошимчалик ва ноқонуний ушлаш ёки қамаш, виждон ва дин эркинлиги, ота-оналарнинг ўз болаларини тарбия қилиш ҳуқуқлари киради. Кенг маънодаги инсон ҳуқуқлари эса ўзида шахс эркинлиги ва ҳуқуқларининг кенг мажмуаси ва турларини ифодалайди

**Инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатнинг ўзига хос белгилари** - биринчидан, жамоат ва давлат турмушининг барча соҳаларида ҳуқуқ ва қонуннинг устуворлиги, қонун талабларининг давлат ҳокимияти ва барча органлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши; иккинчидан, шахс ҳуқуқлари ва эркинликларининг реаллиги, уни эркин камол топтириш таъминланиши, давлат билан шахснинг ўзаро масъуллиги; учинчидан, давлат ҳокимиятини қонунчилик, ижрочилик ва судҳокимиятига бўлиш асосида амалга ошириш.

**Институт** - лот. institutum-махмама, идора, муассаса; тизимлаштирилган, ҳаммага танилган, амалда қўлланилаётган ва эътироф этилган (ҳар қачон ҳам ўз расмий тасдиғини топавермайдиган), у ёки бу тарзда мустаҳкамланган қоидалар ва меъёрларга мувофиқ ўзаро хатти ҳаракат қилиш учун қўллаб-қувватланаётган кўрсатмаларга эга бўлган ижтимоий агентларнинг ўзаро хатти ҳаракатлари шакллари киради.

**Интеграция** - лот. integratio-тикланиш, бажариш; integer-бир бутун; қандайдир қисмларнинг бир бутунликка бирлашиши.

**Интерактив давлат хизматлари** – идоралар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга идораларнинг ахборот тизимлари воситасида телекоммуникация тармоқлари орқали кўрсатиладиган хизматлар. Бизнинг мамлакатимизда бу хизматлар 2013 йил 1 июлдан ҳаракат қилувчи ҳамда давлат органларининг аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар билан ўзаро ҳамкорлигининг қулай ва самарали воситаси сифатида хизмат қилувчи [my.gov.uz](http://my.gov.uz) Интерфаол Давлат хизматлари ягона портали орқали кўрсатилади.

**Интернет** – ахборот билан алмашиш учун ҳам компьютер тармоқлари фойдаланувчиларни, ҳам шахсий компьютерларни ўзаро боғловчи бутун дунё ахборот компьютер тармоғи.

**Интернет журналистика** – бу интернет маконида ахборот шакллар долзарблигини шакллантириш ва тақдим қилиш бўйича фаолиятни касб этувчи сифат жиҳатидан янги ва цивилизацияли феномендир, бунда бундай шакллар ташувчисига нафақат сўз, балки расм, фотосурат, кино, видео, товуш, веб-саҳифа – кенг маънода ахборот ёки матн ташувчиси сифатида намоён бўлишга қодир ҳар қайси объект айланиши мумкин.

**Интерпелляция** - фр. interpellation < лат. interpellatio < interpellare – муносабат, алоқа, суҳбат ва бошқа шу кабиларни бўлиб қўйиш, қарши чиқиш.

**Интерфаол мулоқот** – реал вақт режимида турли ОАВ (асосан Интернет) воситасида “жонли” мулоқот қилиш. Шартли равишда бундай мулоқотнинг бир неча шаклини белгилаш мумкин:

**Информация** – лот. informatio – хабардор қилиш, тушунтириш, баён қилиш маъноларини беради. Шунингдек, лот. informare- шакл бериш қабилида ҳам ишлатилади.

**Иррационал** – (лот. irrationalis) билишнинг асосий воситаси сифатида ҳис-туйғу, инстинкт ва эътиқодни тан олувчи фалсафий қараш.

**Ишлаб чиқариш усули** - ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари бирлиги ҳамда ўзаро таъсири.

**Ишлаб чиқарувчи кучлар** - ишлаб чиқаришнинг шахсий ва моддий омиллари, яъни ишчи кучи билан ишлаб чиқариш воситалари бирлиги.

**Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели тизими** – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1997 йилнинг 29 августида “Кадрлартайёрлашмиллий дастури тўғрисида” қарор қабул қилинди. Ушбу дастурда (3-банди) кадрлар тайёрлашнинг миллий модели қуйидаги таркибий қисмлардан иборатлиги белгилаб қўйилган:

1. Шахс – кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчиси.

2. Давлат ва жамият – таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга амалга оширувчи кадрлар тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафиллари.

3. Узлуксиз таълим – малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади.

4. Кадрлар тайёрлаш тизимида – фан юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқувчи.

5. Кадрлар тайёрлаш тизимида ишлаб чиқариш – кадрларга бўлган эҳтиёжини, шунингдек, уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молия ва моддий-техник жиҳатидан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси (“Баркамол авлод–Ўзбекистон

тараққийетининг пойдевори”, Т., 2008., 41-53 б.).

**Касаба уюшмалари** -корхона, муассаса, ўқув юрти ва бошқа меҳнат жамоларида ишлаётган ишчи ва ходимларни ижтимоий манфатларини ҳимоя қилиш, иш берувчилар билан ишловчиларнинг ижтимоий шерикчилигини ташкил этиш мақсадида фаолият юритадиган нодавлат нотижорат ташкилоти;

**Квази...** – лот. турли сўзлар бошига қўйилувчи ва «гўё», «сохта» маъноларини берувчи қўшимча. Масалан, квазидемократия.

**Квинтэссенция** – (лот. бешинчи асос) бирор нарсанинг асос, моҳияти; энг муҳим, энг асосий.

**Компетент** – (лот. competents- лойиқлик, мутаносиблик); ўз билими ёки ваколати билан бирон-бир қарорни қабул қилиш, масалани ечиш ёки улар юзасидан ҳукм чиқариш учун зарур бўлган илмга ёки қобилиятга эга бўлишни англатади.

**Конфессия** -лат. cōfessio динлар ва унинг шахобчалари, тармоқлари, мазҳаб, оқим ва йўналишларини ифодаловчи умумий тушунча.

**Концепция** - лот. conceptio-идрок қилиш, идрок, ўзлаштириш; у ёки бу ҳодисаларга нисбатан қарашлар тизими; қандайдир ҳодисаларни кўриб чиқиш, ниманидир англаш усули.

**Конъюнктура** – лот. conjunctura - боғлаш, қўшиш. Бозорконъюнктураси – талаб ва таклиф, баҳолар даражалари, моллар захиралари, шунингдек, иқтисодий цикллар ўзгаришлар даври – кўтарилиш ёки таназзул қабилар ўзаро тегишли нисбати натижасида эркин бозордаюзага келган иқтисодий вазиятлар. Конъюнктуранинг биринчи белгиси унинг тез ўзгарувчанлиги, доимий эмаслиги ва аксарият ҳолларда тебраниб туриши ҳисобланади.

**Кооперация**- лот. cooperatio-ҳамкорлик; кўпчилик кишиларнинг биргаликда битта ёки ўзаро бир-бирларига боғлиқ ўлган бир неча фаолиятлардаги иштироки, меҳнатни ташкил этиш шаклларида бири; ишлаб чиқариш ва маҳсулот айирбошлаш соҳасидаги жамоавий бирлашма.

**Космополитизм** - (юнон. kosmopolites — дунё фуқароси) — дунё фуқаролигини даъво қилиш, шунингдек, миллий ва давлат суверенитетини рад этиш, турли миллий анъана, маданият ҳамда ватанпарварлик туйғусидан воз кечиш ғоясини илгари сурадиган қараш. Космополитизм- яъни, қаерда яхши ҳаёт бўлса ўша ерни ватан деб билиш. Бу тамойил инсонда ватан ҳиссини йўқотади, ғурурни ўлдиради. Бу эса ҳар бир жамият учун ҳалокатлидир.

**Кўппартиявийлик**—мамлакат парламентида кўпчилик ўринни олиш учун тенг имкониятга эга бир неча сиёсий партиялар мавжуд бўлган сиёсий тизим.

**Кучли давлат** —омма фаолиятига асосланган кучли бошқарув тизимида, ривожланган иқтисодиёт, юксак маънавиятга эга бўлган давлат. Бундай давлат мустаҳкам иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий асосга эга бўлади. Унинг кудрати фуқаролар ҳамжиҳатлиги, жамиятдаги дўстлик ва бағрикенглик, ҳар бир фуқаронинг онглилик даражаси, давлат бошқарувидаги фаол иштирокига асосланади.

**Кучли давлатдан-кучли жамият сари** – ушбу концепциянинг моҳияти одамларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти ва фаоллиги юксалиб боргани сари давлат вазифаларининг нодавлат тузилмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтиши, маҳаллаларнинг нуфузи ва мавқеининг ошиши демакдир.

**Кучли жамият**-мустаҳкам негизнинг барқаролиги таъминланган, давлатнинг бошқарувчилик фаолияти қисқариб, жамоат ташкилотларининг роли кучайган, фуқароларнинг қонун асосида, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадриятларга айланган жамият.

**Кучли фуқаролик жамияти** – инсон манфаатлари устуворлиги ва фуқаролик жамияти институтлари орқали уларнинг давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этиши таъминланган, қонун устувор бўлган жамият.

**Қонун** – қонунчилик ҳокимиятининг фуқаролар, жамият ва давлат ҳаётига



тааллукли муносабатларда муайян тартиб жорий этиш борасидаги иродасининг намоён бўлиши.

**Қонун устуворлиги** – ушбу тамойилнинг мазмуни шуни англатадики, қонун ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида қатъий ҳукмрон бўлади. Яъни, ҳеч ким, ҳеч бир давлат органи, мансабдор шахс, тадбиркор ёки бошқа бир фуқаро қонунга бўйсунмиши, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муносабатлар фақат қонун билан тартибга солинади, унинг барча иштирокчилари эса, ҳеч бир истисносиз, ҳуқуқ нормаларини бузганлиги учун жавобгарликка тортилиши керак. Ҳуқуқий нормаларни тадбиқ этишда конституция ва қонунларнинг нормалари бошқа ҳуқуқий нормалардан устун туради.

**Легитимлик** – (лот. қонуний) муайян давлат ҳокимиятининг қонунийлигини а) фуқаролар томонидан; б) халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилишини англатувчи қадриятли тушунча. Тарихан анъанавий, харизматик, оқилона-қонуний шаклларда номоён бўлади.

**Либерализм** – (лот. эркинлик) мафкура, ижтимоий-сиёсий ҳаракат. У ижтимоий имтиёзлар ва авлоддан-авлодга ўтувчи ҳокимиятга қарши чиқиб буржуа қатламларининг қарашларини ўзида мужассам этади. Асосий тамойиллари: индивидуализм, эркинлик, бозор ва рақобатнинг мутлоқлиги, давлатни чеклаш зарурлиги (асосчилари И.Бентам, Ж.Милл, А.Смит, Г.Спенсер).

**Либераллаштириш** – ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида эркинлик устувор бўлишини, жамиятнинг эволюцион ривожланиш йўлини эътироф этувчи ва асословчи назария, амалиёт.

**Лига**- лот. ligare-боғламоқ; ижтимоий-сиёсий бирлашма; давлатлар, ташкилотлар, алоҳида шахслар иттифоқи.

**Лобби** - лот. lobуу-қулуар; жамиятдаги маълум бир сиёсий доиралар, кучли иқтисодий тизилмалар манфаатларини ифодаловчи, ана шу манфаатларни амалга ошириш парламент ва мансабдор шахсларга босим ўтказишга интилаётган гуруҳлар.

**Маданият** – кишиларнинг табиатни, борлиқни ўзлаштириш ва ўзгартириш жараёнида яратган моддий, маънавий бойликлар ҳамда бу бойликларни қайта тиклаш ва бунёд этиш йўллари ва услублари мажмуи.

**Маданиятли одам** – ўқимишли, замон талаблари асосида кийиниш ва муомала меъёрларига амал қилувчи, ахлоқ нормаларига тўла амал қиладиган, илғор фалсафий ғояларга эга бўлган, жаҳон маданияти дурдоналаридан хабардор бўлган шахсга айтилади.

**Манфаат** – индивид ва ижтимоий гуруҳлар фаолиятининг асосий сабаби.

**Манфаатлар** - лот. interest аҳамият касб этиш, муҳим; объектив равишда аҳамият касб этган, инсон, жамоа, миллат, жамият кабилар учун зарур бўлган зарурий эҳтиёжлар; кимгадир фаровонлик бағишлайдиган, кимгадир фойда келтирадиган нарсалар.

**Манфаатлар гуруҳлари** - унга аъзо бўлган кишиларнинг манфаатларини бошқа гуруҳлар ва сиёсий институтларнинг ўзаро муносабатларида, шунингдек, ўз гуруҳи ичида ифода қилиш учун тузилган ихтиёрий ташкилотлар.

**Маргинал** – (фр. “marginal”) иккинчи даражали, охириги, четда турувчи; сиёсатшуносликда – олдинги ижтимоий алоқаларини йўқотган, янги ҳаёт шарт-шароитларига ҳали мослаша олмаган, қандайдир ижтимоий гуруҳлар орасида ёки энг чеккасида турган ижтимоий одам, жамиятнинг сиртида қолган: люмпен, мискин ва ҳоказо.

**Маҳаллий (ёки муниципал) бошқарув** - маъмурий-ҳудудий бирликлардаги аҳолининг манфаатларини ифодалайдиган ва сайлаб қўйиладиган органлар ҳамда уларнинг маъмурий аппарати томонидан амалга ошириладиган маҳаллий аҳамиятга молик ишларни бошқариш.

**Маънавий баркамол инсон** – комил инсон тушунчаси билан ҳамоҳангдир. Айни вақтда маънавий баркамол инсон тушунчаси соғлом авлод тушунчаси билан ҳам боғланиб кетади. Илмий адабиётларда бу тушунчалар алоҳида-алоҳида ишлатилса-да, моҳиятан уларнинг ҳаммаси инсон ахлоқи ва одобини, уларда шаклланган барча ижобий хислатларни, уларнинг инсонларга, жамиятга ва Ватанга бўлган муносабатларидан

тортиб, токи оилага, ота-онага ва бошқаларга муносабатларининг барча қирраларини камраб олади.

**Маънавий жасорат** – ер юзида барча ўлмас обидаларни, инсоният ҳаётини тубдан ўзгартириб юборган жамики улуғ кашфиёт ва ихтироларни, мумтоз санъат ва адабиёт дурдоналари ҳамда мардлик ва қахрамонлик намуналарини кўрсатган инсонларнинг мислсиз ақл-заковати ваюксак маънавий салоҳиятини ифодалайди.

**Маънавий таҳдид** – тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружларни назарда тутди.

**Маънавият** – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, имон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир.

**Маънавиятга таҳдид** – инсон қалби ва имон эътиқодини сусайтиришга қаратилган ҳамда инсоннинг ўзлигидан бегоналаштириб, келажагидан маҳрум этишга йўналтирилган ёт ва бегона ғоялар.

**Маънавиятни шакллантирадиган мезонлар** – инсон онгига таъсир кўрсатадиган, унинг дунёқараши тафаккур тарзини муайян йўналишга соладиган, ўзгартирадиган, жамият, миллатга хос маънавий, маданий ва моддий асослар, анъаналар, қадриятлар, мерос, турмуш тарзи, ғоялар ва қарашларни умумлаштирувчи тушунча.

**Маърифат** – таълим тарбия, иқтисодий, сиёсий, фалсафий, диний ва маънавий бойликларнинг, уларни янада кўпайтириб ҳамда такомиллаштириб бориш усулларининг мажмуи.

**Менталитет** - фран.mentalite; лот mentalis-ақлий, руҳий, маънавий, ақл йўналиши ақл бичими, ақлий етуклик, заковат; маълум шахс, ижтимоий гуруҳ (кичик, катта, миллий) учун характерли бўлган дунёқараш, дунёни англаш, атроф воқеликни қабул усули; фикрлаш тарзи.

**Механизм** - юнон. mechane-қурол, иншоот; ҳаракат ва тезликни амалга ошириш ёки узатиш қурилмаси. Сиёсатда маъжозий маънода бирон-бир режа, дастур, мақсадни амалга ошириш йўл-йўриқларини ва воситаларига нисбатан қўлланилади.

**Миллат** — тил, маънавият, миллий ўзликни ангаш руҳияти, урф-одатлар, анъаналар ва қадриятлар ягоналиги асосида муайян ҳудудда яшовчи иқтисодий алоқалар билан боғланган мустақил субъект сифатида ўзига хос моддий ва маънавий бойликларни яратувчи кишиларнингэтник бирлигидир.

**Миллатлараро муносабатлар** — бирга ёки айри тарзда яшайдиган ҳар хил миллатлар ўртасида амалга ошадиган турли-туман шакллардаги алоқаларни англаувчи тушунчадир.

**Миллатлараро тотувлик ғояси** - миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғояларидан бири бўлиб, мамлакатимизда истиқомат қилиб келаётган барча этник вакиллари билан, авваламбор, ўзбек миллати ва шу билан бирга ўзларининг ўртасида кўп йилларга мўлжалланган эзгулик, ишонччилик, дўстоналик, яқдиллик, қариндошлик, маънавий-ахлоқий ва мафкуравий яқинлик ва бирдамлик, муросилилик ва бошқа инсонийлик муносабатлари мавжудлигини ва келажақда ҳам у янада камол топишини ифодалайди.

**Миллатчилик** бу - миллат айириш, бир миллатни ҳар томонлама улғайлаб, бошқаларининг ҳуқуқ, эҳтиёж ва манфаатларини назар-писанд қилмаслик, уларни ерга уришдан иборат бўлган нодемократик мафкура.

**Миллий ғоя** – аждодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозлаб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган, таъбир жоиз бўлса, ҳар қайси миллатнинг энг эзгу орзу-интилиш ва умид-мақсадлари йиғиндиси.

**Миллий ғоя негизлари** – аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган, халқнинг ўзига хос миллий хусусиятларини ифодалаган миллий маънавий мерос қадриятлари ҳамда дунё халқлари томонидан эътироф этилган демократиянинг умуминсоний принциплар

мажмуидир.

**Миллий қадрият** – миллат учун муҳим аҳамиятга эга бўлган этник жиҳат ва хусусиятлар билан боғлиқ бўлган қадрият шакли.

**Миллий мафкура** – миллатнинг этноижтимоий бирлик сифатида мавжуд бўлиши ва ривожланишини, эркин ва озод тараққиётини ғоявий асослаш, таъминлашга қаратилган қарашлар тизими

**Модель**- фран. modele-намуна, тарх, ниманидир тасвири тавсифи.

**Модернизациялаш**- фран. modernizer-замонавий; замонавийлаштириш, ҳозирги давр талаблари, тарзи ва дидига мутаносиб равишдаги ўзгаришларни амалга ошириш.

**Мулк объектлари** - мулкка айланган барча бойлик турлари. Мулк субъектлари - мулк объектини ўзлаштиришда қатнашувчилар, мулккий муносабатлар иштирокчилари.

**Мулкдан фойдаланиш** - мол-мулкнинг Иқтисодий фаолиятда ишлатилиши ёки ижтимоий ҳаётда қўлланилиши, яъни унинг нафли жиҳатларининг бевосита истъмоли қилиниши.

**Мулкни тасарруф этиш** - мол-мулк тақдирини мустақил ҳал қилиш. Мулкка эгалик қилиш - мулкдорлик ҳуқуқининг унинг эгаси қўлида сақланиб туриши ва яратилган моддий бойликларни ўзлаштиришнинг ижтимоий шакли.

**Мулкчилик муносабатлари** - мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш, уни ўзлаштириш ва тасарруф этиш жараёнида вужудга келадиган муносабатлар.

**Муниципал бошқарув** - ингл. municipal ўзини ўзи бошқариш; бу бошқарувнинг нисбатан номарказлашган шаклидир. Шу билан бир вақтнинг ўзида у фуқаролик жамиятининг институти ҳисобланади. Бундай бошқарув органларининг асосий белгилари, - уларнинг сайланишлиги ва ўз ҳудудидаги аҳоли манфаатлари асосида маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ишларга раҳбарлик қилишдаги нисбатан мустақиллик.

**Муниципалитет**- фран.municipalite-шаҳар ўзини ўзи бошқариш органи; кўпчилик мамлакатлардаги ўзини ўзи бошқариш органлари.

**Мустақил босма ОАВ лари** – давлат бошқарувидан ҳоли бўлган, ўзининг фикр ва сўз эркинлигини рўёбга чиқарувчи, лекин бунда ўз фаолиятини амалдаги қонунчилик доирасидаги олиб борувчи оммавий ахборот воситаларидир.

**Низом**- муайян давлат ёки жамоат тузилмаларини ташкил этиш тартибини, тузилиши, вазифаси, функциялари ва ваколатларини белгиловчи кодекслаштирилган норматив ҳужжат ҳисобланади.

**Нодавлат нотижорат ташкилоти (ННТ)** - жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир.

**Нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари** – ўз олдида Интернет тармоғида оммавий ахборот воситаси (ОАВ) функцияларини бажариш вазифасини кўювчи нодавлат тусдаги рўйхатга олинган веб-сайтлари.

**Оккультизм**, - фр. occultisme, нем. Okkultismus < лат. occultus – сирли, яширин, дунёнинг яширин, ғайришуурий, илмий тафаккурга сиғмайдиган, аммо “танланган”, “тақим этилган”ларгагина насиб этувчи қудрати ҳақида нотабиий қараш.

**Оммавий ахборот воситалари** – кенг кўламда ахборотни йиғиш, ишлаш ва тарқатишни таъминловчи ижтимоий институтлар ва каналлар (матбуот, китоб нашриётлари, матбуот агентликлари, радио, телевидение ва ҳ.к.).Оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг доимий номга эга бўлган ҳамда босма тарзда (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар ва бошқалар) ва (ёки) электрон тарзда (теле-, радио-, видео, кинохроникал дастурлар, умумфойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларидаги веб сайтлар) олти ойда камида бир марта нашр этиладиган ёки эфирга бериладиган шакли ҳамда оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа шакллари оммавий ахборот воситасидир. «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида.(Ўзбекистон Республикаси қонун

хужжатлари тўплами, 2007 й., 3-сон, 20-модда)

**Парламент** - ингл. parliament, франц. parlement парлумок ва сўзламок; парламент олий қонун чиқарувчи вакиллик органи ҳисобланади.

**Парламентдаги кўпчилик**—Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида кўпчилик ўринни эгаллаган сиёсий партия фракцияси.

**Парламентдаги муҳолифат**—янгитдан шакллантирилган ҳукуматнинг тутган йўли ва дастурига ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмайдиган сиёсий партиялар фракциялари, шунингдек Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи.

**Партиципация** – (ингл) иштирок этмок; фуқаролар томонидан давлат ва жамият ишларини бошқариш жараёнида у ёки бу функцияларни бажаришини шарт қилиб қўядиган демократиянинг моделига доир нисбат.

**Партия** - лот. pars (partis)–қисм, гуруҳ; қандайдир ижтимоий қатлам ёки гуруҳманфаатларини ифодаловчи, қандайдир сиёсий мақсадларни кўзловчи ташкилот.

**Пассив сайлов ҳуқуқи** - фуқароларнинг сайланадиган давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига сайланиш ҳуқуқи.

**Плюрализм** - лот. pluralis-турлича, турли туман; турли ижтимоий қатламлар манфаатларини ифодаловчи турли туман ижтимоий-сиёсий кучлар мавжуд бўлган сиёсий тизим.

**Плюрализм** - лот. pluralis-турлича, турли туман; турли ижтимоий қатламлар

**Полиэтник** – кўпмиллатли, моноэтник – яққа, ягона ёки бир миллатли.

**Президент** – лот. praesidens (praesidentis) – олдинда ўтирувчи, раислик қилувчи, бошда турувчи сўзларидан олинган бўлиб, кўпчилик Президентлик ва парламент республикалари жорий этилган мамлакатларда маълум бир муддатга сайланган давлат бошлиғи.

**Пресса** - фран. presse; оммавий ахборот воситалари; оммавий жорий матбуот.

**Принцип**- лот. principium-асос, дастлабки, бошланғич; асос бўладиган пойдевор ғоялар; ҳуққ, фаолият ва ҳатти-ҳаракатнинг асосий қоидаси.

**Пропорционал** (- от. proportionalis-мутаносиб; сайловларда номзодлар учун бериладиган овозлар рўйхатлар бўйича бериладиган, ҳар бир рўйхат учун берилган овозларга мутаносиб равишда жой эгалланадиган сайлов ҳуқуқи тизими.

**Профицит** – бюджетга нисбатан қўлланилганида бюджетнинг даромад қисмини унинг харажат қисмига нисбатан ортиқ бўлганлигини ифодалайди.

**Рационал** – (лот. rationalis-оқилона); мақсадга мувофиқ, асосланган, далилланган (энг тўғри йўл маъносида ҳам ишлатилади).

**Режим**- фран. regime; давлат тузуми, идора этиш образи.

**Сайлов** – аҳолининг расмий мансабни эгаллаш учун бирор шахсни танлаш жараёнидир.

**Сайлов ҳуқуқи** – давлат бошлиғи, вакиллик органлари ва бошқани сайлаш тартибини белгилаб берувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси. Сайлов ҳуқуқи, одатда, конституция ва сайлов тўғрисидаги махсус қонунлар билан белгиланади.

**Секторлараро назария**- ижтимоий шерикликнинг уч сектор: давлат органлари, бизнес вакиллари ва фуқаролик жамиятининг институтлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиши тўғрисидаги назария

**Сенат** - лот. senatus-эски, қария; кўпчилик мамлакатлар парламентининг юқори палатаси.

**Сиёсат субъекти** – сиёсий муносабатларда иштирок этаётган кучлар, социал гуруҳлар, қатламлар, ташкилотлар сиёсий фаолиятнинг ташувчилари, сиёсатнинг субъекти ҳисобланади.

**Сиёсий жараёнлар** – турли сиёсий институтлар, ижтимоий гуруҳлар, ташкилотлар индивидлар муносабати сифатида намоён бўлади.

**Сиёсий қарашлар** – сиёсий қарашларнинг шаклланиши ва қарор топишида ўзига хос аъналар мавжуд бўлиб, сиёсий ҳодисалар турли хил талқин этилган.

**Сиёсий маданият** - инсоннинг сиёсий ҳодисаларга доир кадриятларга оид тасаввурлари ва унинг амалиётда намоён бўладиган хулқи кодекси ёки унинг сиёсий ҳокимият субъекти сифатидаги фаолият услуби. Шу маънода, сиёсий маданият фуқаронинг умуминсоний аҳамиятга молик бўлган сиёсий фаолият намуналарини қай даражада эгаллаганлигини намоёиш қилади.

**Сиёсий онг** – турли ижтимоий гуруҳларнинг давлат ҳокимиятига, сиёсий ташкилотлар, уларнинг жамият ҳаётидаги ролига, бошқа давлат ва миллатлар билан муносабатига оид қарашларнинг бир тизимга солинган назарий ифодаси.

**Сиёсий партиялар** – ижтимоий гуруҳлар манфаатларини ифодаловчи, уларнинг энг фаол вакиллари бирлаштирувчи сиёсий ташкилотлар. Сиёсий партиялар жамият сиёсий тизимининг муҳим қисми, улар давлатнинг сиёсий йўналишини белгилашда иштирок этади, ҳукуматнинг вакиллик ва ижро этувчи муассасаларини шакллантиради.

**Сиёсий ташкилотлар** – сиёсий партиялар, турли ижтимоий қатлам ва гуруҳларнинг манфаатлари, мақсадларини ифода этади.

**Сиёсий тизим** жамиятда давлат ҳокимияти ва бошқарувни шакллантириш ва амалга ошириш билан боғлиқ муносабатлар ҳаракатларида ўз ифодасини топади.

**Социал** – лот. *socialis* – ижтимоий, жамоатчилик; жамият ва ижтимоий муносабатлар билан боғланган.

**Социум** - лот. *socium*-умумий, биргаликдаги; инсонлар ҳаёт фаолияти шарт-шароитларини бирлигини характерловчи ижтимоий умумийлик, бирлик.

**Страта** – (лот.*stratum*)-қатлам.

**Структура** (лотинча “*structura*” –“тузилма”, “тузилиш”) – объектнинг бир бутунлигини ва унинг ўзига ўзи айнанлигини, яъни турли ички ва ташқи ўзгаришларда ўзининг асосий хусусиятларини сақлай олишини таъминловчи барқарор алоқалар йиғиндисидир.

**Субординация** – (лот.) тартибга келтириш; хизмат интизоми қоидаларига тегишли ҳолда мартаба даражалари бўйича кичик мансабдорларни катта мансабдорларга бўйсунушига қатъий амал қилиш.

**Суверен** – фран. *souverain*-олий сўздан олинган бўлиб, олий, суверенитетга эга бўлиш, мустақил, қарам бўлмаган маъноларини беради.

**Суверенитет** – (фран. “*souveränität*”) давлатнинг ички ишлар ва ташқи муносабатларда хорижий аралашувларга йўл қўймаган ҳолдаги мустақиллиги ва мухторияти.

**Сўз эркинлигини таъминлаш** – инсоннинг фундаментал ва табиий ҳуқуқларидан бири – ўз фикрини (хаёлини) ошқора (оғзаки, ёзма равишда ва/ёки оммавий ахборот воситалардан фойдаланган ҳолда) ифода этиш ҳуқуқини амалга ошириш учун комплексли шарт-шароитларни яратиш.

**Сўз эркинлигини таъминлаш** – инсоннинг фундаментал ва табиий ҳуқуқларидан бири – ўз фикрини (хаёлини) ошқора (оғзаки, ёзма равишда ва/ёки оммавий ахборот воситалардан фойдаланган ҳолда) ифода этиш ҳуқуқини амалга ошириш учун комплексли шарт-шароитларни яратиш.

**Табақа** (қатлам) - ўхшаш касб-ҳунар, машғулот, ҳолати ва аҳволи билан манфатлар умумийлиги асосида бирлашган шахсларнинг йирик гуруҳи.

**Тараққиёт** – жамият ривожланишининг оддийдан мураккабга, Ю қуйидан юқорига йўналган, бир сифат босқичидан янги сифат босқичига ўтиши жараёни.

**Тараққиётнинг “Ўзбек модели”** - истиқлолнинг дастлабки йилларида Биринчи Президентимиз И.А.Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган ислохотлар стратегия бўлиб, тараққий топган мамлакатларнинг бозор муносабатларига ўтиш тажрибаси, мамлакатимиз бошидан кечирган тарихий синовлар ва уларнинг сабоқлари, халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзи асос қилиб олинди. Шу тариқа юртбошимиз томонидан жамиятни ислох этишнинг чуқур илмий асосланган қуйидаги беш тамойили вужудга келди: Биринчи тамойил: иқтисодийнинг сиёсатдан устунлиги; Иккинчи тамойил: давлат – бош ислохотчи; Учинчи тамойил: жамият ҳаётининг барча соҳаларида қонуннинг устуворлиги; Тўртинчи тамойил: аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда, кучли



ижтимоий сиёсат юритиш; Бешинчи тамойил: бозор иқтисодиётига объектив иқтисодий қонунларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда, тадрижий асосда, пухта ўйлаб, босқичма-босқич ўтиш.

**Ташаббус**- лот. инициатива initiative-ташаббус; қандайдир ишни бошлашга ундаш, ишбилармонлик; муҳокама қилиш учун таклифлар бериш.

**Технотроника** -ингл. technetronic;. Электроникадан фойдаланиб жамиятга таъсир этувчи техника воситалари.

**Тинчлик** – инсоннинг ҳаётий эҳтиёжи, эмин-эркин яшаши ва камол топишининг энг зарур омили.

**Толерантлик** - фр. tolérant (лат. Tolerāns-tolerantis) ҳозирги ўзбек тилида луғавий таржима қилганда чидамплилик, сабрлилик, бардошлилик, тоқатлилик маъноларини англатади. Антик давр ва ўрта асрларга қадар асосан табобат соҳасида кенг истифода этилган мазкур тушунча ҳайвонлар ва инсонлар организмларининг турли-туман касалликлар, жароҳатлар ва умуман, ҳаёт учун курашиш жараёнларига доир иммун қобилиятини ўрганиш масалаларига алоқадор бўлган. Кейинчалик бошқа фанлар доирасида ҳам эътиборли асарлар яратган машҳур табобат олимлари ва аксинча, табобат борасида ҳам диққатга сазовор фикрлар билдирган бошқа соҳа олимлари мазкур тушунчани кенгрок маънода қўллай бошлаганлар (Эпименид, Горгий, Аристотел, Эпиктет, Ибн Сино). XX асрга қадар толерантлик тушунчасининг айниқса дин билан боғлиқ мурувват маъносига талқинларига кўп дуч келиш мумкин. Лекин мазкур аср бошларидан техника тараққиёти ва унинг асосида меҳнатни ташкил этиш муносабатларининг жадал ривожланиши натижасида толерантлик тушунчаси давлат ва халқ муносабатларида, айниқса ҳуқуқий муносабатлар тизимида кенг мазмун касб этади. Энди тушунча чидам, сабр-тоқат маъноларини йўқотмаган ҳолда кўпроқ бағрикенглик, ҳамжихатлик, ҳамкорлик каби мазмунда талқин этила бошланди.

**Тоталитар** - лот. totalis-бутун, тўла, бир бутун); давлат ҳокимияти органлари томонидан жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларини назорат қиладиган давлат шакли, амалда конституцион ҳуқуқ ва эркинликларни тугатилиши; бу режимда давлат ҳокимияти бирон-бир гуруҳ (сиёсий партия) қўлида тўпланиб, мамлакатда демократик эркинликлар ва сиёсий муҳолифатни амал қилиши учун имкониятлар бўлмади.

**Транзакция** - ингл. bank transaction, от лот. transactio - келишув, шартнома; транзакция – бу сотиб олишга доир шарномани тузиш/молиявий воситаларни сотишга доир шартнома. Банк транзакцияси, деганда бир банк ҳисоб рақамидан иккинчисига ёки банк ичидаги бир ҳисоб рақамидан иккинчисига пул маблағларини ўтказиш тушунилади.

**Трансформация** - лот. transformatio – ўзгариш; тузилмаларни, шаклларни ва усулларни ўзгартириш, фаролиятнинг мақсадли йўналишини ўзгартириш.

**Тред-юнионистик назария**- ижтимоий шерикликнинг мҳнат муносабатларини тартибга солиши тўғрисидаги назария

**Трипартизм**-ижтимоий шерикликнинг давлат органлари, бизнес вакиллари ва нодавлат ноижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасидаги келишув.

**Ўзини ўзи бошқариш** (ингл. municipal ўзини ўзи бошқариш); у ёки бу маъмурий-худудий бирликлардаги аҳолининг ваколатларини ифодаловчи сайланган органлар ва уларнинг маъмурий аппарати томонидан амалга ошириладиган маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ишларни бошқаришга айтилади. Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқариш органлари таркибига маҳалла, қишлоқ, овул ва шаҳарча фуқаролар йиғинлари киради.

**Ўзини ўзи бошқаришнинг асосий принциплари** - Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ва қонунларида мустақамланган ўзини ўзи бошқариш органларининг табиати билан боғлиқ бўлган мустақил фаолиятни амалга оширишни ташкил қилувчи раҳбарий ғоялар йиғиндиси.

**Уклад** - тартиб, тарз; маълум ижтимоий-иқтисодий тузумнинг асосий хўжалик шакли.

**Умумбашарий қадрият** – дунё халқларининг кўпчилиги томонидан тан олинган, ҳуқуқий меъёрлар таркибига киритилган ёки қадрият, анъана ва масъулиятига айланган, воқеълик ваёҳуд

муносабатлар тизимига нисбатан қўлланиладиган тушунча.

**Умуминсоний кадрятлар** – бутун инсониятнинг тажрибасини ифодаловчи ва маълум фарқланишлар бўлишидан қатъи назар, барча одамлар учун муштарак бўлган дунёқарашнинг идеаллари ёки ахлоқий нормалар.

**Ўнг** - сиёсий кучлар жойлашувида жамиятнинг ижтимоий-сиёсий тузилишини сақланишини мақсад қилиб олган консерватив сиёсий оқим.

**Универсал** – (лот. universalis –умумий); ҳар томонлама, кенг қамровли, кўплаб мақсадлар учун яроқли, турли вазифаларни ва функцияларни бажара оладиган.

**Учинчи сектор** - дунёдаги барча мамлакатларда нотижорат ва хайрия мақсадларида ташаббус кўрсатаётган ва кенг фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотларга (ННТ) нисбатан қўлланилади (биринчи сектор - давлат, иккинчи сектор - тижорат сектори ёки шахсий сектор дейилади).

**Фаол (актив) сайлов ҳуқуқи** - фуқаронинг сайланадиган давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига сайлаш ҳуқуқи.

**Феминизм**- лот. femina-аёл; эркаклар билан аёллар ҳуқуқларини тенглаштириш учун фаолият юритадиган аёллар ҳаракати.

**Феминизм**- лот. femina-аёл; эркаклар билан аёллар ҳуқуқларини тенглаштириш учун фаолият юритадиган аёллар ҳаракати.

**Фикр эркинлиги**– бу жамият аъзоси бўлган ҳар бир шахс табиий ва ижтимоий жараёнларга, фуқаролар билан сиёсий ташкилотларга ва миллий, ирқий, диний, синфий муносабатларга эга бўлган мустақил фикрларини ҳуқуқий, сиёсий диний ва бошқа муассасалар томонидан бўлиши мумкин бўлган турли тазйиқлардан муҳофаза қиладиган ижтимоий муҳит.

**Фискаль** - [ингл.](#) fiscal policy; [лот.](#) fiscus - сават;касса, казна, молия, солиқ-бюджет сиёсати ҳукумат сиёсати, яъин истиқболда барқарор иқтисодий тизимни таъминлаш ва бизнес-циклларни тебранишини камайтириш мақсадида давлатнинг иқтисодиётга аралашув усулларидан бири; фискаль сиёсатининг асосий қуроли давлат бюджетининг даромадлари ва ҳаражатлари, яъни: солиқлар, трансфертлар ва давлат сотиб олган товарлар ва хизматлар.

**Форум**- лот. forum;вакиллар мажлиси, қурултойи, конгресси; қадимги Римда халқ мажлиси ўтказилган майдон.

**Фракция** - лот. fractio-бузиш, синиш, дарз кетиш; парламент аъзолигига ёки бошқа вакиллик органларига сайланган депутатлар бирлашмаси.

**Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳудудий асоси** -фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини тузиш, бирлаштириш, тугатиш ҳамда уларнинг чегараларининг ўрнатиш ва ўзгартириш тартиб-қоидаларини белгилаб берувчи ҳуқуқий нормаларнинг муштарак тизимидир.

**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши** -Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Қонунлари билан кафолатланадиган уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек миллий ва маънавий кадрятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятидир.

**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришнинг ташкилий асоси** - ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқининг институти сифатида ўзини ўзи бошқариш органларининг тузилиши,фаолият тартиби, шакли ва принципларини, фаолият доирасини белгилаб берувчи ҳуқуқий нормаларнинг муштарак тизимидир.

**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг молиявий асоси** - фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўз маблағларидан, ушбу органларга халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашлари белгиланган тартибда ажратган бюджет маблағларидан, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий хайр-эҳсонларидан, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа маблағлардан ташкил топади.

**Фуқаролик** – инсонларни муайян давлат, давлатчилик билан боғлиқ ҳуқуқий ҳолатларини, муносабатларини ифода этувчи тушунчадир.

**Фуқаролик жамияти** – фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувида тегишли фуқаролик институтлари орқали фаол иштирок этиши таъминланган ижтимоий макондир.

**Фуқаролик жамияти институтлари** – фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувида иштирок этишига хизмат қиладиган нодавлат, ноижорат ташкилотлари, жамият бирлашмалари, оила, маҳалла, ижтимоий ҳаракатлар ва бошқа тузилмалар мажмуидир.

**Фуқаролик масъулияти** – қонун устиворлигини тан олиш ва ҳар бир шахснинг ижтимоий ҳаётни такомиллаштириш жараёнида иштирок этиш вазифасини теран ҳис қилиш.

**Функция** - лот. functio-фаолият, ўташ, бажариш; фаолият, мажбурият, иш, тайинлаш, бурч, вазифа, топширик.

**Функция** - лот. functio-фаолият, ўташ, бажариш; фаолият, мажбурият, иш, тайинлаш, бурч, вазифа, топширик.

**Халқ** - (араб. яратилган жонзот, одамлар) –кенг маънода, муайян мамлакатнинг барча аҳолиси, тор маънода, тарихий-этноижтимоий бирликларнинг турли шакллари, чунончи, миллат, элат, этник birlik, уруғ ва бошқаларни ифода этувчи тушунчадир. Халқ - биринчи марта халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида 1945 йили БМТ Уставида "Халқларнинг тенглиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаш" тамойилининг мустақамланиши натижасида тан олинган.

**Халқ фаровонлиги** – миллий истиқлол мафқурасининг асосий ғояларидан бири. Халқ фаровонлиги ҳарбир шахс ва оила фаровонлиги билан боғлиқдир. Бунда инсоннинг шахсий манфаатлари жамият манфаатлари билан уйғунлашиб кетади ва ҳар бир фуқаронинг фаровонлиги бутун жамият фаровонлигидир, деган тамойил амалга ошади.

**Хартия** – (юн. қоғоз, ёрлик) ўрта асрларда оммавий ҳуқуқий сиёсий характердаги ҳужжат бўлган. Ҳозирги халқаро ҳуқуқда декларациянинг синоними. У – мажбурий кучга эга бўлмаган, умумий тамойиллар ва мақсадларни ифода этувчи ҳужжат.

**Хусусийлаштириш** - мулкка эгалик ҳуқуқининг давлатдан хусусий шахсларга ўтиши.

**Ҳамкорлик сиёсати** – халқаро сиёсат субъектларининг биргаликдаги сиёсий ҳаракатларда вужудга келадиган масалалар юзасидан ягона нуқтаи назарларни ишлаб чиқишида ифодаланувчи муносабат турларидан бири. Унга кўра томонлар ўз фаолиятининг асосий йўналишларида мустақилликни сақлаб қолгани ҳолда қарашлар мос тушувчи амалий масалаларда биргаликда фаолият кўрсатадилар. Масалан, гитлерчи Германиясига қарши давлатлар ҳамкорлиги.

**Ҳуқуқ** - давлат қонунлари билан бериладиган эркинлик, ҳаракат қилиш имконияти, ниманидир амалга ошириш ёки нимадандир фойдаланиш, нимагадир эгалик қилиш; жамиятдаги муносабатларни, кишилар ва уларнинг ҳаракати ва хулқини мувофиқлаштириш, давлат ва жамият органларини яшашини таъминлашга имконият бериш мақсадларида давлат томонидан ўрнатилган ва ҳимоя қилинадиган умум мажбурий ижтимоий меъёрлар ва қоидалар.

**Ҳуқуқий давлат** - ҳуқуқ, Конституция ва Қонун ҳукмронлик қиладиган давлатдир. Давлат ва унинг институтлари, мансабдор шахслар жамият ва фуқаро олдидаги ўз маъсулиятларини ҳис қилишлари, ўз навбатида жамият ва фуқаро, унинг ташкилотлари давлат олдидаги маъсулиятларини ҳис қилишлари керак. Бу маъсулиятни ошириш орқали ҳуқуқий демократик давлат шакллантирилади ва ривожлантирилади ҳамда бу жараён узок муддатни талаб этади.

**Ҳуқуқий маданият** – умумий маданиятнинг муҳим қисми. Ҳуқуқий маданият тарихан аста – секин шаклланган ижтимоий воқеа бўлиб, ҳозирги даврда илғор ҳуқуқий давлатларнинг ва уларнинг фуқароларининг зарурий хислати ва тараққиёт омилига айланган.

**Шок терапияси** (иктисодиётда) – иктисодиётни соғломлаштиришга йўналтирилган қатор салбий оқибатларни (нархларнинг ўсиши, инфляция, бандликнинг пасайиши ва шунга ўхшаш бошқа ҳолатлар) ўз ичига олувчи радикал чора-тадбирлар мажмуаси.

**Эволюция** (лотин тилидан таржимаси – бошлаш, вужудга келиш) – тизимнинг ривожланиш жараёнини англатадиган тушунча бўлиб, биринчи галда жамиятга хосдир. Унга кўра, жамиятда аста-секин юз бераётган ўзгаришлар тизимга, унинг тузилмалари ташкил қилиниши ва функциялари сифатли ўзгаришига олиб келади.

**Эгалитаризм**- фран. *egalité*-тенглик; умумий тенглаштиришни жамиятни ташкил этишнинг принципи ғоясига асосланган ижтимоий-сиёсий фикр йўналишларидан бири.

**Элат** - бир тилда сўзлашувчи, ўзига хос маданияти мавжуд бўлган ва маълум ҳудудда яшайдиган ҳамда муайян мақсад асосида бирлашган ва ўз тузилмасига эга бўлган ижтимоий-тарихий бирлик тушунилади. Элат— кишиларнинг тил, ҳудуд, иқтисодий ва маданий жиҳатдан тарихан таркиб топган бирлиги.

**Электорал** - лот. *elector*-сайловчи; сайланадиган, танланадиган.

**Электорат** – сайловларда маълум сиёсий партияга (сиёсий лидер)га овоз берувчи сайловчилар давраси; маълум бир сайлов округи ёки мамлакат сайловчилари мажмуи.

**Электрон ҳукумат** – (англ. *e-Government*) – бу фуқаролар, бизнес, давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқлари ва давлат хизматчиларига ахборотни тақдим қилиш ва шаклланиб бўлган давлат хизматларининг тўпламини кўрсатиш усулидир, бунда давлат ва аризаچи ўртасидаги ўзаро шахсий алоқа минималлаштирилган ва имкон борича максимал равишда ахборот технологиялардан фойдаланилади. Электрон ҳукумат – мамлакат миқёсида бошқарув жараёнларнинг бутун мажмуасини автоматлаштиришга асосланган ҳамда давлат бошқарувининг самарадорлигини сезиларли даражада ошириш ва жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун ижтимоий коммуникациялар ҳаражатларини камайтириш мақсадига хизмат қилувчи давлат бошқаруви электрон ҳужжат алмашинуви тизими. Электрон ҳукуматни яратиш ҳужжатларни ва уларни ишлаш жараёнларини бошқариш билан боғлиқ вазифаларнинг тўлиқ кўламини ҳал этишни амалга оширувчи ижтимоий бошқарувининг умумдавлат тақсимлаш тизими қурилишини назарда тутди.

**Эмиссия** - фр. *émission* – чиқариш; пул эмиссияси - муомалага янгии пулларни чиқариш, муамаладаги пул ҳажмини кўпайтириш. Эмиссия нақд ёки нақд пулсиз бўлиши мумкин.

**Эмпиризм** - юнон. *empeiria*-тажриба; тажрибани билишнинг бирдан-бир воситаси, деб тан олувчи таълимот.

**Эркинлаштириш** -мамлакатнинг демократикжамятгаўтиш ва ислоҳотлар ўтказишжараёнидамавжуд бўладиган турли тўсиқлар, чеклашлар ва ёнберишгамажбурэтадиганомилларданқутилишга қаратилган амалийфаолиятдир. У демократикжараёнларнингсамарали ривожигаянгикуч, қувват ва илҳом бағишлашимкониятинияратади.

**Этнос** – юн. *ethnos* - халқ, қабила, тўда, кишилар гуруҳи, ирк маъноларни англатади.

**Юксак маънавият** – инсон маънавиятининг энг юқори даражаси бўлиб, у инсонларни энг эзгу ва улуғ мақсадларга йўналтиришга хизмат қиладиган она Ватан бахти иқболи йўлида буюк жасоратга чорлайдиган енгилмас кучдир.

**Юрт тинчлиги** – миллий истиқлол мафқурасининг асосий ғояларидан бири, мамлакат барқарор тараққиётининг асосийшарти.

**ISESCO** - Ислом Конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича муассаси.

**Uz домен зонаси** – маълум даражадаги “Uz” доменига кирувчи домен номларининг мажмуаси; барча рўйхатга олинган “Uz” домен номли сайтларни бирлаштирувчи ва шу тарзда мазкур домен билан ягона Интернет-маконини ташкил этувчи веб-зона. Ўзбекистон Республикасининг мамлакат кодини ифодаловчи, махсус ваколатли ташкилот томонидан бошқариладиган ва мувофиқлаштириладиган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг юрисдикцияси остидаги ўз ичига кейинги даража домен номларини олувчи юқори даража домен. «UZ» доменидаги домен номларини рўйхатдан ўтказиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида.(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 26-27-сон, 255-модда; 2015 й., 5-сон, 61-модда).

**ZiyoNet – ZiyoNET жамоат ахборот таълим тармоғи.** Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг 2005 йил 28 сентябрдаги ПҚ191-сонли “Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ ташкил топган. ZiyoNET тармоғининг асосий мақсади, республика ёшлари ҳамда таълим олувчилари учун таълим олиш тизимида кенг қўламли ахборот-коммуникация хизматларини жорий этишдан иборат. ZiyoNET Ўзбекистон Республикасига тааллуқли бўлган турли ресурслар типларидан ахборот ахборот таълим тармоғи: дарсликлар, ўқув ва методик қўлланмалар, лекциялар конспектлари, рефератлар, тақдимотлар, маълумотномалар ва луғатлар, бакалаврларнинг битирув ишлари, магистрларнинг диссертациялари, номзодлик ва докторлик диссертацияларнинг авторефератлари ва яна бошқалар.

## **VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажак фааровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

### **II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар**

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада



- такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетда талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони.
17. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.
19. Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. - 2002. № 4-5. - 68-модда.
20. Ўзбекистон Республикасининг “Экологик назорат тўғрисида»ги қонуни// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-сон, 688-модда.
21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30-сентябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5863-сонли Фармони.

### **Ш. Махсус адабиётлар**

9. Walzer M. Concept of Civil Society -Walzer M., ed. Toward a Global Civil Society. Providence RI: Berghahn Books. 1995.
10. Schmitter Ph. Civil society East and West// Consolidation the Third Wave Democracies: Themes and Perspectives/ Ed. by L.Diamond et al. Baltimore and London: The Johns Hopkins U.P., - 1997. – P.239-262.
11. O'Connell, Brian. Civil Society: The Underpinnings of American Democracy. Medford, Mass: Tufts University Press, 1999.
12. Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари / Муаллифлар жамоаси. Т.: Ғафур Ғулом. 2017.

13. Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. –Т.: Шарқ, 2003.
14. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
15. Жалилов А. бошқалар. Фуқаролик жамияти асослари. – Т.: Baktria press, 2015.
16. Фуқаролик жамияти. Дарслик лойиҳаси– Т.: 2016. Ziyonet.uz. Муаллифлар жамоаси. <http://library.ziyonet.uz/uz/book/32900>
17. Утамурадов А. ва бошқалар. Фуқаролик жамияти фанидан тушунча ва атамалар луғати. Лотин ёзувида. Т.: Турон-замин-зиё. 2017. 23 б.т.
18. Утамурадов А, Қирғизбоев М, Хожиев Т. Фуқаролик жамияти / Ўқув қўлланма. Лотин алифбосида. – Т.: Мумтоз сўз. 2018. 395 бет.
19. А.Утамурадов. Фуқаролик жамияти ғоялари эволюцияси. –Т., “Адабиёт учкунлари”, 2018. Б.193.
20. Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. -Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.
21. Низомулмулк. Сиёсатномаёкисиярул-мулук -Т.: Адолат, 1997.
22. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, сиёсий мафкуралар, сийсий маданиятлар. -Т.: Шарқ. 1998.
23. Одилқориев Х. Конституция ва фуқаролик жамияти. -Т.: Шарқ, 2002.
24. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг долзарб муаммолари: Ўқув қўлланма / Т. Дўстжонов, М. Мирхамидов, С. Ҳасанов. -Т.: Iqtisod – Moliya, 2006.
25. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба. -Т.: Янги аср авлоди, 2006.
26. Абдуазимов О. Фуқаролик жамияти ва оммавий ахборот воситалари. -Т.: Академия, 2008.
27. Толибов И.И. Фуқаролик жамияти: тушунчаси, институтлари, асосий принциплари ва функциялари / Ред. А.Х. Саидов. -Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Маркази, 2008.
28. Маликова Г.Р. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари – миллий демократик институт / Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. -Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009.
29. Муминов Э.А. Модернизация гражданского общества в Республике Узбекистан и Королевстве Испания. -Т.: ИПТД имени Г. Гуляма, 2011.
30. Мавлонов Ж.Ё. Гражданское общество: от концепта к концепциям и парадигмам (социально-философский анализ). Монография. -Т.: Истиқлол нури, 2014.
31. Мавлонов Ж. Коммуникативные основы деятельности институтов гражданского общества: тенденции и инновации / Монография. – Т.: Адабиёт учкунлари, 2018.
32. Нишанбаева Э.З. Фуқаролик жамияти ва ижтимоий шериклик тамойиллари. -Т.: Шарқ, 2015.
33. Ҳасанов Р., Ўтамурадов А. Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт. Ўқув услубий мажмуа. -Т.: 2016. 14 б.т.
34. Утамурадов А. ва бошқалар. Фуқаролик жамияти фанидан тушунча ва атамалар луғати. -Т.: Turon-Zamin, 2017. 19,5 б.т.
35. Утамурадов А. Фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий асослари // Ўқув ўқув услубий мажмуа, -Т., “Brok class Servis” 2017. 6,2. Б.Т.
36. Муминов А, Э.Нишанбаева, А.Абдуҳалилов. Ижтимоий шериклик.Т.: “Университет”. 2018.

#### **IV. Интернет сайтлар**

55. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

56. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси

57. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази

58. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали Ziyonet

59. <http://natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси

1. [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)

2. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

3. [www.nimfogo.uz](http://www.nimfogo.uz)

4. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)

5. <http://press.natlib.uz>